

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Тарих институти
Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти

ЯХШИБЕКА АБДУЛЛАЕВА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
ХОТИН-ҚИЗЛАРИ:
КЕЧА ВА БУГУН**

XIX асрнинг охири ва XX аср

ТОШКЕНТ – 2004
«ИЮД ДУНЫОСИ» НАШРИЁТ УЙИ

66.74(59)

Маъсул муҳаррир:

Д.А.Алимова, тарих фанлари доктори,
профессор

Тақризчилар:


С.Камалов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академиясининг академиги, тарих фанлари доктори,
профессор.

О.Мусурмонова, Педагогика фанлари доктори,
профессор.

Мазкур китобда Қорақалпоғистон хотин-қизларининг XIX асрнинг охири ва XX аср, яъни 130 йилга яқин даврдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, жамият тараққиётидаги ўрни ва роли кўрсатилган.

Ушбу монография Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқлари тарихи соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлиари, таълим тизимида олиб борилаётган маъруза ва амалий машғулотларда, хотин-қизлар ҳаракати тарихидан махсус курслар ташкил этиш жараёнида, ёшларнинг миллий тафаккури, ўзлигини англаш йўлида, баркамол авлод миллий онгини шакллантиришда ғоявий ва амалий аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ушбу муаммо бўйича тўпланган янги архив ҳужжатлари таҳлили тарихий маълумотлар банкни ривожлантиради, илмий истеъмолга кирган тушунчалар доирасини кенгайтиради, тарихнинг амалда ёритилмай қолган бўш саҳифаларини тўлдиради, «Ўзбекистоннинг янги тарихи», «Қорақалпоғистоннинг янги тарихи» китобларини ёзишда муҳим манба сифатида фойдаланиш ва амалиётда Хотин-қизлар қўмиталари ходимлари билим ва малакаларини оширишда, ёшлар билан шугулланувчи ташкилотлар учун ҳам амалда қўл келиши мумкин. Шунингдек, мазкур китоб кенг китобхонлар оммасига ҳам мўлжалланган.

Тарихий адабиётларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш бўйича эксперт гуруҳи томонидан нашрга тавсия этилган.



W 30525
29

СЎЗБОШИ

Истиқдол даврида Ўзбекистон тарихининг кўпгина масалалари ўзининг янги, илмий жиҳатдан ҳолис ва ҳаққоний ечимини топа бошлади. Бу, айниқса, бир неча ўн йиллар давомида сохталаштириб, бир ёқлама талқин қилиб келинган мустамлака ва совет даври тарихини ўрганишда яққол кўзга ташланади. Илмий муомалага киритилган катта куламдаги янги архив маълумотлари ва фанга нисбатан бўлган ҳар қандай мафкуравий чеклашларнинг олиб ташланганлиги тарихчиларга Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши, миллий-озодлик ва миллий-тараққийпарварлик ҳаракатлари ҳамда бошқа халқимиз ўтмиши билан боғлиқ тарих ҳақиқатига мувофиқ ҳодиса ва жараёнларни ёритиш имконини берди. Ҳалдан ташқари машаққатли меҳнат, уруш, қатағонлар, дунёда мавжуд жамики салбий ҳодисалар билан боғлиқ бўлган совет даврини ва буларнинг барчасига қарамай, ўзбек халқининг халқ ҳўжалиги ва маданий соҳаларда қўлга киритган ютуқларини тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиш республиканинг айни бир вақтнинг ўзида ҳам таназзул, ҳам тараққиёт жараёнларини бошидан кечиргани, бошқача айтганда, ўша таназзул ва турғунлик исканжасида ҳам маълум даражада ривожлангани ва муайян натижаларга эришганини эътироф этишга олиб келади.

Лекин Ўзбекистон тарихини аслига мос ҳолда янгидан яратиш борасидаги қатор ютуқларимиз билан бирга, кўпгина муаммоларнинг етарлича ўрганилмаганлиги билан боғлиқ баъзи камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Тарихчилар эътиборидан бир қадар четда қолган муҳим ва оғриқли масалалардан бири, шубҳасиз, хотин-қизлар муаммосидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов айтганидек: «Бутун маърифий дунёда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ». Бу борада узоққа бориб ўтирмай яқин ўтмиш тажрибасини синчиклаб ўрганиш ва ундан зарур сабоқлар чиқазиш жуда муҳим. Айни жиҳатдан хотин-қизлар масаласи илмий-тарихий нуқтаи назардан жиддий ва пухта таҳлилга муҳтожлигини афсус билан қайд этишга тўғри келади. Шу маънода Яхшибека Абдуллаева қаламига мансуб маъруз монография, хусусан, уч давр — мустамлака, совет ва Ўзбекистоннинг мустақиллиги давларини қамраб олганлиги билан ушбу масалани тарихшуносликка қўшилган муносиб ҳисса деб ҳисобласа бўлади.

Муаллиф, Қорақалпоғистон Россия империяси таркибида бўлган энг оғир давлардаги қорақалпоқ аёли ва унинг аҳволи тўғрисида ёрқин тасаввур тугдира олган. Ўша замонлардаёқ қорақалпоқ хотин-қизлари ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашган эдилар. Ўз тақдирини ўзи белгилаш ва қайлиқ танлаш, шунингдек, эрларидан қолган меросдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи расмий ҳужжат сўраб, Туркистон генерал-губернаторлигининг Амударё бўлими бошлиғига қилган ёзма мурожаатлари уларнинг онги қанчалик етук бўлганлигидан далolat беради. Хотин-қизларнинг бутун Туркистон, жумладан, Қорақалпоғистонни ҳам ўз домига тортган 1916 йил кўзғолонидаги иштироки эса уларнинг фаоллиги, ўз ота, ака-укалари, эрлари ва оиласи билан боғлиқ ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги жасорати ва адолатсизликка қарши мутеъларча бош эгиб турмагани, аксинча,

мурасиз курашга отланганлигидан гувоҳлик беради. Шу тариқа, муаллиф ушбу фактлар орқали маҳаллий аёлларнинг фақат тўрт девор ичига қамалган ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум жабрдийда бўлганлиги тўғрисидаги совет назариясининг асосиз ва уйдирма эканлигини исботлайди.

Қорақалпоқ аёлининг аҳволи, унинг ижтимоий ва оилавий мақоми Қорақалпоғистоннинг бу уч даврдаги умумий ижтимоий-сиёсий ҳолати фонида ўзгариб боришини кўрсатиб бериш бу осон иш эмас. Энг муҳими, ялпи инкорчилик таъсирига тушмаслик керак. Я.Абдуллаева таҳлил жараёнида Қорақалпоғистон хотин-қизларининг совет давридаги машаққатли турмушини, барча қийинчиликларни ҳаққоний кўрсатиш билан кифояланиб қолмаган. У совет ҳокимияти, унинг мунофиқ мафкураси ёки коммунистик партия эмас, балки аёлларнинг ўзлари ўз меҳнатлари, ёруғ келажакка бўлган чексиз ва ҳаётий ишончлари туфайли эришган ютуқ ва натижаларининг сабабларини ҳам изоҳлаб беришга муваффақ бўлган.

Китобда бозор иқтисодиётига ўтиш, глобаллашув, ҳаётимизга янги технологияларнинг кириб келиши, экологик хавфнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ва бугунги кундаги хотин-қизлар масаласига беvosита таъсир ўтказётган замонавий жараёнлар ҳамда муаммоларнинг таҳлили унинг аҳамиятини янада оширган.

Монографияда мавзу билан боғлиқ материалларнинг деярли барчаси қамраб олинган. Бунинг устига, қорақалпоқ хотин-қизларининг ҳозирги даврдаги муаммолари ҳам кенг таҳлил қилиб берилганлиги тадқиқотнинг нафақат илмий, балки амалий қимматга эгаллигини кўрсатади. Бу муаммолар эса одатдагидек, оила, оналик ва хотин-қизларнинг мавқе-мартабага эришиши билан боғлиқ.

Ҳозирги давр ҳақида гап кетганда, биз албатта янги типдаги давлат ҳақида гапирамиз. Унинг фаолиятини биз умуминсоний қадриятлар ва халқнинг анъанавий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўзининг «аёлларга оид» сиёсатини муайян устунликлар асосида қураётган фаолият деб баҳолаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2004 йил 25 майда эълон қилинган «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги сўнгги Фармони ҳам аёллар аҳволини яхшилаш дастуридаги муҳим ҳодиса ҳисобланади. 21 июнь куни Оқсаройда бўлиб ўтган ушбу вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлисда Юртбошимиз: «Давлат, давлат тизими ва ҳокимият четда турмасдан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини амалда жорий этишни давлат сиёсати даражасига кўтаришга ўз ҳиссасини қўшиши керак», – деб таъкидлади.

Давлатимиз томонидан қабул қилинаётган хотин-қизлар аҳволини яхшилаш тўғрисидаги дастурлар ва уларни бажариш юзасидан Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар монографияда ўзининг ҳар томонлама кенг таҳлилини топган. Бу масалаларни ҳал этиш борасида тўпланган 12 йиллик тажрибанинг тавсифи аёллар муаммосига бағишланган тарихшуносликни ривожлантириш ишига ҳисса қўшиши шубҳасиз. Ушбу китоб мазкур мақсад сари қўйилган қадамлардан бири ва ўқувчи тарихнинг бу уч даврини ўзаро таққослаб, хотин-қизларнинг фаоллигисиз на оила, на жамият, на давлатнинг тўлақонли ривожланиши мумкин эмаслигини англаб етади ва истиқлол даврини муносиб баҳолаш имконига эга бўлади, деб умид қиламиз.

Дилором АЛИМОВА,
тарих фанлари доктори, профессор.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳуқуқий-демократик давлат ва жамият қуришдек улкан вазифани амалга оширишга киришди. Давлатнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ошди. Шу билан бирга аёлларнинг «жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифасига»¹ айланди.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, «жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати»га² қараб белгиланади. Бинобарин, Қорақалпоғистон хотин-қизларининг тарихини ҳолисона ўрганиш, уни янги саҳифалар билан тўлдириш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги «Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва босмадан чиқариш ҳақида»ги қарорида,³ шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида⁴ тадқиқот олиб боришда ягона объектив усулдан фойдаланиш, ҳолисона тарихни яратиш, жамият, халқ, миллатнинг маънавий юксалишига, уни ўзлигини англаштиришга хизмат қилиш зарурлиги ҳақида махсус тавсиялар берилган. Ўзбекистоннинг янги тарихини ёзишда бир ёқлама ёндашувларга йўл қўймаслик, изланишларда ҳолисликка амал қилиш, эски коммунистик-большевирик мафқурани ва ўтмишни сохталаш-

¹ Ислом Каримов. Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи. Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. 1998. 5 декабрь. // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -Т.: Ўзбекистон. 1999. 7-жилд. 257-бет.

² Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон. 2000. 19-бет.

³ «Халқ сўзи». 1996. 17 декабрь.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори. //«Ўзбекистон овози». 1998. 28 июль.

тиришга йўл қўймаслик ўта муҳим аҳамиятга эга. Тарихий жараёнларни ҳолисона баҳолаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси, ватанпарварлик ва умуминсонийлик руҳида тарбиялашда ҳаққоний тарихий воқеа-ҳодисаларнинг аҳамиятини эътиборга олиш зарурлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгесининг 1997 йил 24 февралдаги 45/2 сонли «Қорақалпоғистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва босмадан чиқариш ҳақида»ги («Қарақалпақстанның жаңа тарихын таярлау ҳам баспадан шығарыу ҳаққында»)¹ қарориди ҳам алоҳида таъкидланган. Мазкур қарорлар Қорақалпоғистон хотин-қизларининг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий аҳволини ўрганишда, айниқса, унинг XIX аср охири ва XX аср давомидаги ҳаракатини диалектик нуқтаи назардан илмий таҳлил қилиш ҳамда тегишли хулосалар чиқаришда дастуриламал вазифасини бажаради.

Шу сабабдан ҳам бир асрдан кўпроқ давр мобайнидаги хотин-қизлар аҳволини Қорақалпоғистон хотин-қизлари мисолида илмий, тарихий нуқтаи назардан ҳолисона ўрганиш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Хотин-қизлар муаммосини фаннинг алоҳида йўналиши сифатида ўрганиш зарурати бор. Чунки улар Ер юзи аҳолисининг ярмидан кўпрогини ташкил этса-да, шу кунга қадар бу муаммога нисбатан иккинчи даражали масала сифатида қараб келинди, десак муболаға бўлмайди. Аслида бу теран илмий таҳлилни талаб этадиган муаммолардан бири саналади. Ўзбекистонда, Қорақалпоғистонда ҳам хотин-қизлар масаласи мавзуи юзасидан Россия империяси босқинидан ҳозирги кунга қадар даврни қамраб олган тўлақонли илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб борилмаган.

«Чор Россияси юртимизни босиб олиб, то биз давлат мустақиллигимизни қайта тиклагимизга қадар ўрта ҳисобда 130 йил вақт ўтди. Шу давр ичида . . . халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилгани, . . . маънавий, маданий тазйиқ, хўрликлар кечганини²», бу эса жамиятнинг аёлларга бўлган муносабатида чуқур из қолдирганини ҳозирги вақтда ҳолисона ўрганиш имконияти ва зарурати туғилгани билан муаммонинг долзарблиги изоҳланади.

¹ Қарақалпақстанның жаңа тарихы. Қарақалпақстан XIX әсирдин еккинши ярымынан XXI әсирге шекем. -Некис.: Қарақалпақстан. 2003. 3-бет.

² Қаранг: Ислом Каримов. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат. 1998. // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. 7-жилд. -Т.: Ўзбекистон. 1999. 144-145-бетлар.

Шунингдек, ўрганилаётган даврда Қорақалпоғистон хотин-қизлари аҳволининг ўзига хослиги ва ниҳоятда оғир бўлгани, 130 йиллик вақт мобайнида улар дуч келган ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий муаммоларни тадқиқ этиш, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш зарурати билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, аёлларга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди. Улар иқтисодий фойда келтирувчи восита сифатида эмас, балки биринчи навбатда Она, миллат давомчиси, тарбиячиси экани эътироф этилаёпти. Мазкур мезон нуқтаи назаридан Қорақалпоғистон хотин-қизлари аҳволи ва фаолиятини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда «аёллар ўртасида олиб борилаётган ишларнинг шаклларини кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариш керак»¹лиги масаласи, хотин-қизларнинг ўтмишда босиб ўтган йўлини, бу борада йўл қўйилган хато-камчиликларни одилона ўрганиш ҳамда ундан зарур хулосалар чиқариш зарурати ҳам мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Қорақалпоғистон хотин-қизларининг ижтимоий фаоллиги, ташаббускорлигига таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларнинг маънавий, ижтимоий, тарихий илдиэларининг теран таҳлил этилиши, илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги китобнинг янгилигини белгилайди.

Экологик, табиий ноҳуш таъсирлар ҳамда совет тузуми даврида аёллар ва эркакларнинг оғир меҳнат борасида ҳам «тенглаштирилиши»нинг оқибатлари бугунги кунда Қорақалпоғистон аёлларининг ижтимоий мавқеи, оила ва жамиятдаги ўрни ва ролига нечоғлик салбий таъсир этаётганлигини кўрсатиб бериш билан ҳам мавзунинг долзарблиги изоҳланади

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганча, аёллар масаласига эътибор тубдан ўзгарди. Хотин-қизлар муаммолари мавжудлиги эътироф этилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўриляпти.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Республикадаги жамоат ташкилотларининг ичида Республика хотин-қизлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳақиқатан ҳам бу ташкилот мамлакатда аёлларнинг барча қатламларини ўзида бирлаштира оладиган, бундай

¹ Қаранг: Ислам Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. -Т.: Ўзбекистон. 2000. 19-бет.

имкониятга эга бўлган, аёллар фаолиятига таъсир эта оладиган ягона ташкилот ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси 1991 йил ташкил этилган, Қорақалпоғистон Хотин-қизлар қўмитаси эса 1992 йил Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган. Аммо шу йиллар мобайнида амалда уларнинг фаолияти, ўрни ва роли сезиларли даражада кўзга кўринмади. Хотин-қизлар қўмитаси билан аёллар оммаси ўртасида узилиш юз берди, бу узилиш 1995 йилларгача давом этди. Бунинг сабаби, бизнинг назаримизда, биринчидан, жамиятда собиқ совет давридан мерос қолган иқтисодий танглик, мустақилликнинг биринчи кунлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий аҳволнинг оғирлиги, мафкуравий муаммолар бўлса, иккинчидан, Хотин-қизлар қўмиталари вакиллари фаолиятининг сустлиги, собиқ совет давридаги каби юқоридан кўрсатма берилишига ўрганиб қолганлик ва ҳоказолар ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

1995 йил 2 мартда «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг родини ошириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонидан кейин бу соҳада жонланиш пайдо бўла бошлади. Аммо бу жонланиш ҳам нисбатан бўлиб, қўмита вакиллари ўзларини аёллар жамоатчилигининг вакили эмас, балки давлат хизматчилари деб (собиқ совет давридан қолган салбий мерос) ҳисоблаб, маъмурийбозлик билан чекланишди.

Аммо, юқорида номи зикр этилган Фармон ва Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қабул қилинган «Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа бир қатор Халқаро аёллар ҳаракатининг дастурлари, Ўзбекистоннинг Халқаро Конвенция ва Декларацияларга қўшилиши натижасида аёлларнинг ўзлари хотин-қизлар қўмитасисиз бир қатор нодавлат, нотижорат ташкилотлар, жамғармалар ва бошқа жамоат ташкилотларини тузиб, фаолликни ўз қўлларига олиб, олдинги қаторга ўта бошладилар. «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (1999 йил 17 март), «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (1999 йил 14 апрель) эълон қилинган бўлса ҳам Хотин-қизлар қўмитасининг

бу борада олиб бораётган ишларида кескин ижобий ўзгаришлар сезилмади.

Қўмита вакиллари хотин-қизлар томонидан ташкил этилган нодавлат, нотижорат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган тадбирларда қатнашиш, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, қарияларга совғалар улашиш ва бошқалар билан чекландилар. Ваҳоланки, хотин-қизлар орасида иш олиб бориш жиддий ўзгаришларни талаб қилмоқда эди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ва уларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида, 2004 йил 25 майда «Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3434 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, шу йил 29 июнда ушбу «... Фармон ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.¹ Ушбу Фармон ва қарор хотин-қизларнинг обрў-эътиборини ошириш ва мустақкамлаш, уларнинг жамият ҳаётида иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш ишида муҳим қадам бўлди. Бу ҳужжатларда аёллар ва оиланинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашга, давлат мустақиллигини мустақкамлаш ишида аёлларнинг ўз ўрнини эгаллашларига қаратилган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилган ва оила, маҳалла, қишлоқ ва овулларда диний, маънавий, маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиларнинг маош тўланадиган иш ўринларини ташкил этиш, Республика Хотин-қизлар қўмитаси аппаратини жойлаштириш учун бино ажратиш ва ҳоказолар кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейинги 13 йил мобайнида хотин-қизларни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, халқаро ва бошқа соҳалардаги ўрни ва ролини ошириш борасида элликдан кўп Фармонлар, қонун-қоидалар қабул қилинди, қўшимча чора-тадбирлар кўрилди ва халқаро шартномаларга имзо чекилди. Хотин-қизлар ва болаларга бундай катта ижобий эътибор, Ўзбекистон тарихида, ўзбек давлатчилиги тарихининг ҳеч бир даврида бўлмаган.

¹ Қаранг: «Халқ сўзи», 2004. 27 май, 30 июнь.

Давлат томонидан олиб борилаётган ушбу чора-тадбирлар ва яратилаётган шарт-шароитлар хотин-қизлар, уларнинг жамиятдаги роли ва ўрни масаласида чуқур, жиддий ижобий силжишлар қилиши табиий.

Китобда XIX асрнинг охиридан, XXI асргача, яъни Қорақалпоғистон подшо Россияси томонидан истило этилган, яъни Амударёнинг ўнг соҳилида Амударё Округи ташкил қилинган вақтдан (1873), 2001 йилгача бўлган вақт даврий чегара қилиб белгиланган ва Туркистон, хусусан Қорақалпоғистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи илмий муаммо сифатида комплекс тадқиқ этилди. Қорақалпоғистон хотин-қизларининг 130 йиллик тарихига оид архив ҳужжатлари, матбуот материаллари синчиклаб ўрганилиб, улар юзасидан умумий хулосалар чиқарилди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон тарихига, хотин-қизларнинг аҳволига доир айрим ҳужжатлар илк марта объектив таҳлил қилиниб, илмий муомалага киритилди.

Ушбу китобда, мустамлакачилик сиёсатининг маъмурий-буйруқбозлик тизими умуман Россия империяси босқини давридан бошланганлиги, унинг асл мақсад ва моҳияти, хотин-қизлар муаммосига бўлган муносабати, коммунистик партия ва совет давлати Қорақалпоғистонда «тозалаш», мажбуран колхозлаштириш сиёсати юргизгани, миллий урф-одатлар, анъаналар ва динга қарши кураш, оммавий қатагон, маъмурий-буйруқбозлик, пахта яқкахокимлигига эришиш сиёсати билан Орол денгизи ҳавзасида экологик инқирознинг пайдо бўлишига сабаб бўлганлиги, бу эса хотин-қизларнинг аҳволига бевосита салбий таъсир қилганлигини холис ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Совет давлати Қорақалпоғистон хотин-қизларидан биринчи навбатда иқтисодий фойда келтирувчи куч сифатида фойдалангани, аёллар орасида мафкуравий иш олиб бориш жараёнида турли усуллар қўллаганлиги илмий таҳлил этилган. Совет тузуми даврига тегишли «ёпиқ» архив ҳужжатлари, вақтли матбуот материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида советларнинг хотин-қизларга, умуман, халққа нисбатан олиб борган яширин сиёсатини тасниф этишга ҳаракат қилинди.

Коммунистик партия раҳбарияти, советлар янги авлодни, ўз тарафдорларини махсус ёзилган тарих асосида тарбиялаш мақсадида махсус қарор ва кўрсатмалар қабул қилган. Уларга биноан янги авлод «билиш мумкин» бўлган архив ҳужжатлари «териб олиниб», ҳужжатлар

ва қарорлар тўпламлари туркуми бир неча жилдларда, ҳар хил кўринишларда, турли мавзуларда чоп этилган.¹

Коммунистик партия «раҳнамолиги»да хотин-қизлардаги шижоат, ақл-заковат «махсус қолип»га солинганлиги, улар кўрсатмалар асосида бошқарилганлиги ва бунинг салбий оқибатлари, шу билан бирга аёллар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан маълум ютуқларга эришганликлари кўрсатилди.

Мустақиллик даврида давлатнинг оила, хотин-қизлар, болаларга нисбатан олиб бораётган сиёсатининг мазмун-моҳияти, хотин-қизларнинг умумбашарий, инсоний ҳуқуқларга эга бўлганлиги ҳаётий факт ва далиллар асосида ёритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ҳамда етакчи тарихчи олимларнинг асарлари тадқиқотга илмий-методологик усул билан ёндашувда катта назарий ёрдам берди. Тарихий даврлаштириш, муаммони мана шу даврлар бўйича холис таққослаш, тарихий жараёнда қўлланилган усул ва шаклларнинг ижобий ва салбий томонларини ажратиш, муаммоларни таснифлаш, масалага ёндашув жараёнида шахс камолоти, унинг ҳар қандай таъйиқдан озод бўлиш ҳуқуқига эгалити назариясини қўллаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни ҳисобга олиш ва тегишли хулосалар чиқаришдек усул қўлланилди.

Ушбу китобни ёзишда қуйидаги архивлар ва фондлардан, ҳисобот тўпламлари, матбуотда эълон қилинган ва ўрганилаётган мавзу ва даврга оид мақолалар, монографиялар, рисоалар ўрганилди. Ҳаммаси бўлиб 20 дан ортиқ архив, 100 га яқин жамғарма, 500 га яқин жамғарма рўйхатлари, бир неча юзлаб ҳужжат-

¹ Великий Октябрь и раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана (1917-1936 г.г.). Сб. док. и матер. -М.: Мысль. 1971. -463 с.; Женщины Казахстана-активные строители социализма (1918-1945 гг.). Сб. док. и матер. Алма-Ата.: Казахстан. 1981; Компартия Узбекистана в борьбе за решение женского вопроса в период строительства социализма. (1917-1937 г.г.). Сб. док. и матер. -Т.: Узбекистан. 1977. -455 с.; Коммунистическая партия Узбекистана и работа среди женщин республики. (1938-1958 г.г.). Сб. док. и матер. -Т.: Узбекистан. 1982; Деятельность Компартии Узбекистана по усилению социальной активности женщин. Сб. док. и матер. (1959-1975 г.г.). -Т.: Узбекистан. 1986. -310 с.; Раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана. Ашхабад.: Ылим. Сб. док. и матер. Алма-Ата: Казахстан. 1981. -355 с.; Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Сб. док. -М.: Изд. АН СССР. 795 с. и другие.

лар ўрганилди, таҳлил қилинди, улар асосида фикр юритилди ва умумий илмий хулосалар чиқарилди. Совет даврида бу архивларнинг кўпгина жамғарма ва рўйхатлари “ёпиқ” ҳисобланган. Фойдаланилган ҳужжатларнинг 90 фоиздан кўпроғи биринчи марта илмий муомалага киритилди.

Хусусан уларнинг айримларидан мисол келтирамиз. 1870 йиллардан 1916 йилгача, яъни 50 йилга яқин даврдаги аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ёритиб берувчи ҳужжатлар Ўзбекистон Марказий Давлат архивининг аввал қўл тегмаган Самарқанд округ судининг ҳужжатлари сақланаётган 130 жамғарма, 1-рўйхат, 810-“Б” йиғма жилдидан, шунингдек, мавзу бўйича биринчи марта илмий муомалага киритилган Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳужжатлари сақланаётган И-1-жамғарма, 1, 11, 20, 25, 31-рўйхатларидан, Амударё бўлими бошлиғи канцелярияси ҳужжатлари сақланаётган И-907-жамғарма, Сирдарё вилояти бошқармаси ҳужжатлари сақланаётган 17-жамғарма, Туркистон туман қоровул бўлимининг И-461 жамғармаси, Тошкент суд палатаси прокурорининг И-133-жамғармаси, Тошкент суд палатасининг 129-жамғармаси, Самарқанд Округ прокурорининг 278-жамғармаси ҳужжатлари, шунингдек, бу давр бўйича Россия марказий Давлат архивининг 102-жамғармаси Ички Ишлар вазирлиги полицияси департаментининг 125-рўйхати ҳужжатлари ва ҳоказо материаллар илмий таҳлил қилинди.

Совет даври — 1917-1990 йиллар, яъни 70 йилдан ортиқ давр бўйича хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий аҳволини, тузумнинг аёлларга муносабати масалаларини кўрсатиб берувчи янги ҳужжат материаллари Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги архив (аввалги КПСС МҚ қошидаги марксизм-ленинизм институти Марказий партия архивининг Ўзбекистон филиали), 58-жамғарманинг 263, 268, 272, 278, 280, 285, 287, 291, 301-рўйхатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси архивининг (аввалги Ўзбекистон КП Қорақалпоғистон вилоят қўмитасининг партия архиви) 1-жамғарма 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 15, 16, 18, 42, 46, 48, 58-рўйхатларидаги ҳужжатлар, 501-жамғарманинг 1, 2, 3, 4-рўйхатлари, 82, 3, 108, 109, 177, 251, 1419, 1264-жамғармалари рўйхатларидаги ҳужжатлар, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий Давлат архивидаги ҚҚАССР Жўқорғи Судининг 67, ҚҚАССР вилоят прокурорининг 116, Қорақалпоғистон автоном вилояти ишчи-деҳқон

халқ комиссарлари инспекциясининг 115, ҚҚАССР Адлия вазирлигининг 342, ҚҚАССР Вазирлар Кенгашининг 322-жамғармалари рўйхатларидаги ҳужжатлардан ва ҳоказо жамғармалардан фойдаланилди.

Россия ижтимоий-сиёсий тарих Давлат архивининг (аввалги КПСС МҚ қошидаги марксизм-ленинизм институти Марказий Партия архиви) 17-жамғарма, 102, 103, 104, 105, 106, 139, 142, 143, 145, 146-рўйхатларидаги ҳужжатлардан, шунингдек, ВЛКСМ Марказий архивининг 1-жамғарма 26, 34, 36, 54, 80-рўйхат, 6-жамғарма 10, 11, 12, 13-рўйхатлар ҳужжатлари ҳам (ҳозирда бу архив Россия ижтимоий-сиёсий тарих давлат архивига “М” банди белгиси билан қўшилган), Россия иқтисодиёти Давлат архивининг (аввал СССР халқ хўжалиги марказий Давлат архиви деб аталган) 387-жамғарма, 1,3-рўйхатлари, 446-жамғарма, 1-рўйхат, 7486-жамғарма, 24, 30, 17-рўйхатлари, 131-жамғарма, 2-рўйхат, 1562-жамғарма 45-рўйхат ҳужжатлари, СССР ВЦСПС марказий архивининг (ҳозир бу архив Россия Марказий Давлат архивига киритилган) 1-жамғармаси, 9, 47, 49, 50-рўйхатлари, 542-жамғарманинг 1-рўйхати, 513-жамғарманинг 1-рўйхати, 441-жамғарманинг 1-рўйхати, СССР Октябрь революцияси марказий давлат архивининг (ҳозир Россия Марказий Давлат архивига қўшилган) 7689- жамғармасининг 20-рўйхати, 9563 жамғарманинг 1-рўйхати, 7901-жамғарманинг 3-рўйхати, 9547-жамғарма, 1-рўйхат, 6903-жамғарма, 1-рўйхат, Р-7690-жамғарма, 5-рўйхат, 7928-жамғарма, 3-рўйхатларидаги ҳужжатлар ва бошқа материаллар илмий муомалага киритилди.

Ушбу архив ҳужжатларидан фойдаланганда айрим йиғма жилд — папкалар, яъни ЎзРМДАнинг 130-жамғарма 1-рўйхат, 810-“Б” йиғма жилди биздан олдин фойдаланилмаганлиги сабабли варақлари бир-бирига ёпишиб қолган. ҚРЖКАнинг 501-жамғармаси, 1-рўйхат, 980-йиғма жилдининг ҳар бир варағи 37x45 см. ҳажмда бўлиб, қатағон қилиниши «зарур» бўлган одамларнинг рўйхатидан иборат. Россия МДАнинг кўпгина фондларида сақланаётган ҳужжатлар плёнкага туширилган, бу ўз навбатида тадқиқотчига ишлаш учун қулайлик яратади ва ҳоказо.¹

¹ Ушбу мавзу бўйича муаллиф томонидан тўлланган 20 дан ортиқ архив, 100 га яқин жамғарма, 500 га яқин рўйхатлардаги бир неча юзлаб ҳужжатлар таҳлилининг ўзини яна бир китоб қилиш режालаштирилган. —Я.А.

Мустақиллик даври бўйича аёлларнинг ижтимоий-сиёсий аҳволини кўрсатувчи ҳужжатлар асосан матбуотда эълон қилинган Фармон ва қарорлар, қонун-қоидалар, матбуот материаллари, шунингдек, бир қатор жорий архив ҳужжатларидан фойдаланилди, ўрганилди. Россия империяси, совет ва мустақиллик даврларидаги аёлларнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи таққосланиб таҳлил қилинди ва илмий хулосалар чиқарилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Суди жорий архиви, Қорақалпоғистон Республикаси Ҳисоб Маркази Бошқармасининг ҳисоботлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши жорий архиви, Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюшмалари жорий архиви, Қорақалпоғистон Республикаси Таълим вазирлиги жорий архиви, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги жорий архиви, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси жорий архивларидан (ва б.) ҳам фойдаланилди.

Мазкур китобни ёзишдан мақсад, Қорақалпоғистон хотин-қизларининг уч давр — Россия босқини (1873-1916 йиллар), совет тузуми (1917-1990 йиллар) ва Ўзбекистон давлат мустақиллиги (1991-2001 йиллар) давридаги ижтимоий-сиёсий аҳволни таққослаш усули билан ўрганиш, таҳлил қилиш, аёллар ўртасида олиб борилган ишларнинг шакллари, усуллари ва механизмларини ўрганиш, шу билан бирга, хотин-қизлар масаласидаги муаммолар, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий ва ақлий имкониятларига ва диний қарашларига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ушбу китобнинг асосини ташкил қилади.

БИРИНЧИ БОБ.

**РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ
ДАВРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АЁЛЛАРИНИНГ
АҲВОЛИ (1873-1916 ЙИЛЛАР).**

**ПОДШО РОССИЯСИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА
АМУДАРЁ ОКРУГИДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
АҲВОЛ ВА АЁЛЛАР МАСАЛАСИ**

Ҳар қандай шаклдаги истило туб аҳоли менталитетига муайян даражада ислоҳ киритиши табиий. Бу, айниқса, аёлларга муносабатда очиқ кўринади. Мазмун-моҳиятига кўра бир-биридан мутлақо фарқ қиладиган дину мазҳаблар, фалсафий қарашлар таъсир этиши миллат дунёқарашининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Бинобарин, менталитет ўзгарувига бирор халқнинг иккинчи халқ устидан билвосита ёхуд бевосита ҳукмронлиги таъсир қилади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, истило маълум даражада ҳар қандай ўзгаришлар сабабчиларидан бири ҳисобланади.

Тарихдан бизга маълум, бир халқнинг иккинчиси устидан ҳукмронлиги осон кечмаган. Бу ерда давлат ва миллатнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий тақдири, унинг келажаги, халқнинг ер ости ва ер усти бойликлари, экология муаммолари, генофонд ўзгаруви ва бошқа масалаларнинг объектив ҳамда субъектив сабаб-оқибатларини кўриш мумкин. Босқинчилар бўйсунмаган халқни қатағон қилиш йўли билан ҳукмронлик юргизиши табиий ҳол бўлиб, бундан биринчи навбатда жамиятнинг энг нозик қатлами бўлган аёллар кўпроқ зарар кўришган. Россия империясининг Туркистонни босиб олиши, маҳаллий халқни бўйсундириши жараёнида буларни яққол кўриш мумкин.

1873 йилги Хива юриши натижасида Россия империяси уни ўзига тобе этишга муваффақ бўлган.

1873 йил 12 августда тузилган Гандимиён шартномасига кўра, Хива хонлигига тегишли бўлган Амударёнинг ўнг соҳилидаги ҳудуд Амударё округи номи остида Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилган. Хива хонлиги Россия империясининг вассалига айланган.

Подшо Россияси бу ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш, мустақамлаш учун бошқарувнинг ўзига хос шакл ва усулларини ишлаб чиққан. Буларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин:

1. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тадбирлар – Низом, қонунлар қабул қилиш, участкаларга бўлиб бошқариш ҳамда бошлиқлар тайинлаш, русча судлов тизимини жорий этиш, сайловлар олиб бориш, солиқ тизимини такомиллаштириш, бўйсунмаганларни қатағон қилишгача бўлган сиёсатни амалга ошириш ва ҳоказолар билан маҳаллий аҳолини сиёсий, иқтисодий, маънавий қарамликка маҳкум этиш. Булар ўз навбатида маҳаллий аёлларни қатағон қилиш сиёсатининг биринчи даври бошланганлиги билан изоҳланади.

2. Ижтимоий-амалий тадбирлар – рус-тузем мактаблари, билим юртларини очиш, оила-никоҳ муносабатларини қайта кўриб чиқиш, хайрия жамиятлари тузиш, тиббиёт пунктлари очиш, газеталар чоп этиш, шу билан бирга, сайлов рўйхатларига аёлларни киритмаслик йўли билан уларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш, таҳқирлаш ва ҳоказолар.

Бу тадбирлар ниҳоясига етказилмаган. Зеро, уларни тўлиқ амалга ошириш босқинчиларнинг асосий мақсадлари сирасига кирмас ҳам эди. Қорақалпоқ аёллари азалдан билим ва маърифатга интилувчан бўлишган. Мустамлака шароитида хотин-қизлар ўзларининг норозилиklarини ариза, шикоят, илтимосномалар ёзиш, «оқ қоғоз»лар талаб қилиш билан билдирганлар.

Шуни алоҳида қайд этмоқ жоизки, Ўрта Осиёда қадим замонлардан бошлаб хотин-қизлар алоҳида мавқе ва обрўга эга бўлганлар. Бироқ, ўрта асрларнинг сўнгги даврида, айниқса, XIX асрнинг охирларидан бошлаб ушбу ҳолат салбий тус олган.

Амударё округини идора этиш махсус қонун ва қоидаларда – «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом», «Амударё округини бошқаришнинг муваққат Низоми» каби ҳужжатларда ифодаланган. Ўлкани бошқариш жараёнида бу қонунлар, фикр-мулоҳазалар бир неча бор ўзгартирилган, қўшимчалар киритилиб, бошқаришнинг мустамлакачилар учун қулай ва осон йўллари излаб топилб, тўлдирилиб борилган.¹

¹ Положение об управлении Туркестанского края. Санкт-Петербург.1986; (Св.Зак. т.11 изд.1892, по прод.1912, 1913 и 1919гг). –Т.: Эл.-пар.типолитография О.А.Порцева, Николаевская улица. С.Д.1916.-250с; Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви. Бундан кейин ЎзРМДА... 1-жамғарма, 25-руйхат, 24-иш, 1, 6, 10, 61, 62-об, 77, 108, 113-116-варақлар; Временное Положение об управлении Амударьинским округом. ЎзРМДА. 1-жамғарма, 11-руйхат, 293-иш; жамғарма - И-461, 1-руйхат, 1888-иш, 8-варақ, 1916 йил 31 декабрь; 128-варақ, 1917 йил, 5 февраль; 134-варақ, 1917 йил 11 февраль; Туркестанское слово.1917 год. 25 январь. № 2.

«Амударё округини бошқаришнинг муваққат Низоми»ни тайёрлаш жараёни 1873 йил 26 августда якунига етган ва Россия подшоиси томонидан 1874 йил 9 мартда тасдиқланган. 1874 йилга келиб Амударё округи Амударё бўлими, деб атала бошлаган.¹

1886 йилга келиб Амударё бўлими Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли Сирдарё вилояти таркибига киритилган.

Санкт-Петербургнинг сиёсий доиралари ўлкада ҳарбий-миршаблик тартибларини қўллаш зарурати гўёки борлигига қуйидагича ваз-қорсон кўрсатган: «Туркистон тузем аҳолиси ҳали жуда қуйи ақлий тараққиёт босқичидадир. Улар ҳуқуқ, маъмурият, қонун нималигини билишмайди. Жамият қонун томонидан бериладиган ҳуқуқдан қандай фойдаланишни билмайди, бундай ҳуқуқ унинг зарарига хизмат қилади». Туркистон генерал-губернаторлигининг бошқарув тизими ана шундай калондимоғлик ва менсимаслик нуқтаи назаридан келиб чиқилган ҳолда юзага келган эди. Ўлка идораси марказий, вилоят, туман (уезд), участка, қишлоқ ва шаҳар бошқаруви шаклида ташкил топди².

Амударё округи икки участкага — Шўроҳон ва Чимбойга ажратилган. Округ бошлиғи уезд бошлигиникидек ҳуқуққа эга бўлган. Бўлимлар бўлис (волость) ликларга ажратилган. Улар эса қишлоқ, жамоа ва овуллардан ташкил топган.³

Амударё бўлими майдони 97960 кв. верста бўлиб (1 кв. верста-1,13806 км.кв.га тенг), аҳолиси 194473 кишини ташкил этган.⁴ Бўлимда ҳарбий маъмурий бошқарув тизими жорий этилган.


1874 йилдан Амударё бўлимида ҳарбийлаштириш сиёсат авж олиб кетган. Барча бошқарув органларини рус ҳарбийлари эгаллашган. Қуйи лавозимларга эса маҳаллий аҳоли вакиллари танлаб олинган, улар ўз келгинди бошлиқларига сўзсиз итоат қилмоқлари шарт бўлган.

¹ Т.Г. Тўхтаметов. Амударьинский отдел: (Социально-экономическое и политическое значение для Хорезмского оазиса) — Нукус.: Каракалпакстан. 1977. — С.63-64.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Биринчи китоб. —Т.: Шарқ. 2000. 194-бет.

³ Временное Положение об управлении Амударьинским округом. ЎЗРМДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 293-иш, 1-18-варақлар.

⁴ Рақамлар ҳар хил берилган. Қаранг: ЎЗРМДА 1-жамғармаси, 25-рўйхат, 24-иш, 10-варақ. Борьба трудящихся Каракалпакии против социального и колониального гнета. —Т.: Фан. 1971. —С.31; Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897г. I.XXXVI, Сырдарьинская область.1905.—С.4.



«Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»га кўра, уездларни ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини ўзида мужассамлаштирган амалдорлар бошқарганлар.

Амударё бўлими бошлиғи уезд бошлиғи мақомига эга эди. Шу билан биргаликда, у суд ва маҳаллий халқ вакилини лавозимга тасдиқлаш, мансабидан бўшатиш ваколатига ҳам эга бўлган.¹ Ўлкада руслаштириш сиёсати авж олгани миллий низоларни келтириб чиқармоғи тайин эди. Бу борада чор Россияси маъмурлари суд ҳокимиятига алоҳида диққат-эътибор қаратганлар.

Амударё бўлимида суд амалдорлари алоҳида мавқега эга бўлганлар. Низомга биноан Чимбой ва Шўрохонда биттадан мировой судья бўлиб, улар Тошкент Суд палатасига бўйсунган. Уларга руслар томонидан содир этилган жиноий ишларни кўриб чиқиб, судлаш ҳуқуқи берилган. Маҳаллий аҳоли учун бийлар ва қозилар суди мавжуд эди. Қозилар судига ўтроқ аҳоли, кўчманчи аҳоли эса бийлар судига мурожаат қилиши мумкин эди. Ҳар бир бўлисликда биттадан бийлар суди бўлган. Бийлар суди одатда йирик бойлар вакилларидан сайланган. Кўпчилик ҳолларда қозилар ва бийлар ўзларига берилган ваколатларни суистеъмол қилганлар.² Улар Амударё бўлимидаги маҳаллий аҳоли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволи, хусусан, ер ва сувдан фойдаланиши, даромад олиши ва ҳоказолар устидан назорат қилганлар, солиқ сиёсатини олиб боришган. Баъзи ҳолларда ўлкага кўчириб келтирилган русларга маҳаллий аҳоли ерларини тортиб олиб берган, бу эса ўз навбатида маҳаллий халқ орасида норозиликлар уйғотган.

Рус сармоядорлари ўз иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб заводлар қурдиришган, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, балиқчилик соҳаларига аҳамият беришган. Пахта экиладиган майдонлар йилдан-йилга кенгайиб борган. Бу иқтисодий ўзгаришлар кўп миқдордаги ишчи кучини талаб қилар эди. Мустамлакачи амалдорлар асосан хотин-қизлар ва болалар меҳнатидан унумли фойдаланишни маъқул кўришган. Чунки аҳолининг бу тоифаси жуда оз иш ҳақиға ҳам қаноат қилиб кетаверган. Пахта

¹ Положение об управлении Туркестанского края.-С.26.

² ЎзРМДА. 1-жамғарма, 25-рўйхат, 24-иш, 1, 6, 10, 61, 62-о, 108, 111, 113, 116-варақлар. «О» деган белги шу варақнинг орқа томони деган маънони беради. —Я.А.

³ ЎзРМДА. И-461-жамғарма, 1-рўйхат, 1888-иш, 8-варақ, 1916. 31-декабрь; 128-варақ. 1917. 5-февраль; 124-варақ. 1917. 11-февраль; Туркестанское слово. 1917. 25-январь. № 2.

тозалаш заводлари ишига аёллар ёппасига жалб этилган.¹ Бунинг ачинарли томони шундаки, аёл ишчиларга эркакларга нисбатан 40-50 фоиз кам маош тўланган. Болалар меҳнати эса аёлларникига қараганда 15-20 фоиз арзон эди.²

Аслини олганда, уларнинг бундан бошқа чораси ҳам, танлаш ҳуқуқи ҳам йўқ эди. Устига-устак, солиқ миқдори — ўтов ва ер солиғи йил сайин ошириб борилган.³ Оқибатда аёллар ва болалар меҳнатига оилада ҳам кучли эҳтиёж туғилган. Ўлка халқи шу тариқа таҳқирланган, хўрланган.

Амударё бўлимининг хомашё базаси сифатида асосий ўринга чиққанининг асл сабаби дарё билан чамбарчас боғлиқдир. Ишлаб чиқарилган, маҳаллий аҳолидан таланган маҳсулотларнинг бир қисми айнан дарё орқали Россияга ташиб кетилган. Масалан, 1913 йил ялпи маҳсулотнинг 58 фоизи (шундан 55 фоизи пахта) пароход ва қайиқларда Россияга ташилган.⁴

Ўлкадан пахта ташиб кетиш миқдори 1895-1904 йилларда дастлабки даврга нисбатан олти маротаба ўсган, устига-устак қишлоқ хўжалиги техникаси оддийгина бўлиб, плуг ва ооч, ёғоч борона билан ишлаш оғир жисмоний меҳнатга асосланган. Суғориш ишлари фақат чиғир орқали амалга оширилган.⁵

Россия империяси метрополия манфаатларини кўзлаб баъзи ижобий ўзгаришларни ҳам амалга оширган. Мустамлакачилар қарам ўлкада муайян даражада фан, маданият, техниканинг баъзи бир соҳаларини ривожлантиришга мажбур бўлганлар.⁶ Россия империяси маъ-

¹ ЎзРМДА 907-жамгарма, 1-рўйхат, 271-иш, 28,29,30,48-варақлар; Обзор Сырдарьинской области за 1913 год. Т.1916. —С.90,91; С.Зиядуллаев, И.Манохин. Социалистическая промышленность Советского Узбекистана —Т.: Госиздат. 1948. —С. 13-14.

² А.Төреев. Эмиударьянын төменинде рабочий ҳарекетинин пайда болууы ҳам раўажланыуы. —Нөкис: Қарақалпақстан. 1987. 12, 13, 25-бетлер; Зиядуллаев С. Манохин И. —С.13-14.

³ ЎзРМДА. 7-жамгарма, 1-рўйхат, 4166-иш, 66, 66-о-варақлар; жамгарма 907, 1-рўйхат, 402-иш, 9, 11-варақлар; 280-иш, 15-16 варақлар; И-17-жамгарма, 1-рўйхат, 17465-иш, 9-10-варақлар.; Обзор Сырдарьинской области за 1911 год. -Т.: 1913. XV, XXIV.

⁴ Я.М.Досумов. Очерки истории Каракалпакской АССР. (1917-1927 гг.). —Т.: Изд-во АНУзССР.1960. —С.12, 33.

⁵ ЎзРМДА. 907-жамгарма, 1-рўйхат, 271-иш, 28,29, 30,48-варақлар; Обзор Сырдарьинской области за 1913 год. Т.1916. —С.90,91; Борьба трудящихся Каракалпакии против социального и колониального гнета. —С.34.

⁶ Я.Абдуллаева. Мустамлакачилик даврида Амударё бўлимида хотин-қизлар таълими муаммоси.// Ижтимоий фикр—инсон ҳуқуқлари. 2003. 4-сон. 26-29-бетлар.

мурлари томонидан ўлкани бошқаришни осонлаштириш мақсадида баъзи янги усул ва шакллар ишлаб чиқилган. Буларни улар ўзлари хоҳлаганлари учун эмас, балки қарам ўлкани муваффақиятли идора қилиш мақсадида амалда жорий этганлар. Хусусан, ўлкада маҳаллий аҳолини руслаштириш, улардан рус маъмурияти учун хизматчилар тайёрлаш мақсадида рус-тузем мактабларини очган, Россиядан ўқитувчилар, врачлар таклиф этилган.

Шу билан бирга Туркистонга Россиянинг марказий қисмидан рус аҳолисининг кўчириб келтирилиши туб аҳолига маълум даражада таъсир қилган. Маҳаллий аҳоли руслар тимсолида Европа тараққиётини кўриб, уларнинг устун жиҳатларини англай бошлаган. Шу баробарида ижобий янгиликларга ҳам замин яратилган.

1885 йил апрелда Сирдарё вилояти билим юртлари инспектори Петроалександровска келиб, бу ерда 20 нафар рус қизлари борлигини аниқлаган. Туркистон ўлка халқ билим юртлари бош инспектори зиммасига Петроалександровск шаҳри бюджети ҳисобидан қизлар учун билим юрти очиш вазифаси юклатилган. 1885 йил 16 майда Туркистон генерал-губернаторлиги билим юртлари бош инспектори маърузасидан кейин ўқув бошқармаси томонидан 1885 йил 1 августдан бошлаб Петроалександровска қизлар билим юрти очишга 41-рақамли буйруқ берилган.¹ Аммо бу буйруқ ўз вақтида бажарилмаган. 1886 йил 28 январда билим юрти инспекторларининг Туркистон генерал-губернаторлиги билим юртлари бош инспекторига жўнатган 54-рақамли хатида кўрсатилишича, бир синфли қизлар билим юрти 1885 йил 22 октябрида очилган ва билим юрти педагогик кенгаши қарорига биноан ўқишга 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган қизлар қабул қилинган.² Бироқ, билим юрти маҳаллий аҳоли қизлари учун эмас эди.³

¹ Шунини айтиб ўтиш керакки, Урумбаев Ж. ўз китобида «Очерки истории школ Каракалпакстана». (1910-1967). — Нукус.: 1974. — 65-66 бетларда Петроалександровскада биринчи қизларнинг приход училищеси 1885-йил 1 августда очилган, деб таъкидлайди. Архив ҳужжатларининг таҳлили шунини кўрсатадики, аслида бу санада фақат очилиши ҳақида буйруқ берилган, холос. Уразбаева Р.Дж.нинг «Из истории высшего и среднего специального образования в Каракалпакстане». — Нукус.: Каракалпакстан. 1994.—С.6. фақат йили кўрсатилган; Аниқ маълумот архивда берилган.—Я.А. Қаранг: ЎзРМДА. И-47-жамғарма. 1-руйхат, 244-иш, 11-варақ.

² ЎзРМДА. И-47-жамғарма, 1-руйхат, 244-иш, 13-варақ.

³ ЎзРМДА. И-49-жамғарма, 1-руйхат, 35-иш, 30-варақнинг орқа томони, 31-варақлар.

1886 йил 1 январда ўқувчи қизларнинг ижтимоий аҳволи қуйидагича эди: жами 15 қиздан биттаси диндор оиладан, 4 нафари дворян ва амалдорларнинг, 10 таси рус аскарлари қизлари бўлиб, уларнинг диний таркиби қуйидагича эди: 14 таси православ, 1 таси яҳудий, 1 таси лютеран эътиқодига мансуб эдилар.¹

Билим юртида 1885 йилдан унинг ёпилишигача бўлган 32 йил давомида битта ҳам маҳаллий халқ вакили ўқимаган.²

Билим юртида ўқиш уч йилга мўлжалланган. Биз айрим йиллар (1887,³ 1892,⁴ 1895,⁵ 1900-1901,⁶ 1905, 1912, 1915⁷), ўқув дастурини таҳлил қилиб, билим юртида қуйидаги предметлар: диний таълим, рус тилидан ўқиш ва ёзиш, бошланғич арифметика, Россия тарихи ва географиясининг энг муҳим маълумотлари, диний кўшиқлар, қўл меҳнати, мустақил иш ўргатилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Ҳар йили май ойида синфдан синфга ўтиш имтиҳони топширилган. Ҳамма ҳам синфдан синфга ўта олмаган. Раҳбарият бунинг сабабини кўп дарс қолдирганлик ва ўқишни хоҳламаганлик, деб изоҳлаган.⁸

Сирдарё вилояти халқ билим юртлари комиссияси хулосасига кўра, ўқувчи қизларнинг диний таълим ва диний кўшиқлардан ўзлаштириши 70 фоиз, рус тили 86 фоиз, арифметикадан эса 54 фоизни ташкил этган. Рус тилига қараганда арифметикани ўқитиш ёмон йўлга қўйилган. Арифметикадан ўзлаштириш паст даражадалиги сабаби ҳисоботда «икки нафар ўқувчи қизнинг ёши кичиклиги ва умуман хотин-қизларнинг онги пастлиги», деб кўрсатилган. Комиссиянинг бу хулосасидан⁹ подшо маъмурларининг хотин-қизлар

¹ ЎзРМДА. И-49-жамғарма, 1-рўйхат, 35-иш, 34-варақ.

² Урумбаев Ж. -С.66-67.

³ ЎзРМДА. 181-жамғарма, 1-рўйхат, 7-иш, 29, 30, 45, 97 183-варақлар; 73-иш, 1, 15-варақлар.

⁴ Ўша жойда.

⁵ ЎзРМДА 181-жамғарма, 1-рўйхат, 168-иш, 6-варақ; С.М.Граменицкий. Очерки развития народного образования в Туркестанском крае. -Т.: 1896.-С.34-35.

⁶ ЎзРМДА. 181-жамғарма, 1-рўйхат, 7-иш, 29, 30, 45, 97, 183-варақлар; 73-иш, 1, 15-варақлар.

⁷ ЎзРМДА. 181-жамғарма, 1-рўйхат, 73-иш, 1-варақ; 140-иш, 3-варақ; 190-иш, 3, 4-варақлар.

⁸ ЎзРМДА. 181-жамғарма, 1-рўйхат, 7-иш, 97, 183-варақлар; 73-иш, 15-варақ.

⁹ ЎзРМДА. 49-жамғарма, 1-рўйхат, 61-иш, 155-158-варақлар.

таълимига, хусусан Амударё бўлимида таълимга бўлган муносабати қандай бўлганлигини яхши англашимиз мумкин. Аслида бунинг сабаби хотин-қизларнинг ақлий даражаси эмас, балки Амударё бўлимида очилган ягона қизлар билим юртида таълим жараёнининг қониқарсиз аҳволда бўлганлиги эди. Петроалександровск таълим ташкилотлари томонидан билим юртининг аҳволини яхшилаш бўйича иш олиб борилмаган. Шу боис билим юрти 32 йил мобайнида кўзга кўринарли муваффақиятларга эриша олмаган. Билим юртининг биринчи битирувчилари ўз муддатида – уч йилда эмас, балки етти йилдан кейин ўқишни тамомлашган. 1892 йил 5 нафар ўқувчи, 1898 йил 3 нафар ўқувчи битирган.¹ Аммо биз архив ҳужжатларини пухта ўрганиш жараёнида қизлар билим юртини ўз муддатида – уч йилдан кейин фақатгина 2 нафари, 7 йилдан кейин эса 5 нафари эмас 3 нафари битирганлигини аниқлашга муваффақ бўлдик.²

Қизлар билим юртида Е.Кулакова, В.А.Сусанина, Е.Ропп, О.Герасимова, Л.А.Шапошникова ва Волковскийлар ўқитувчилик қилишган.³ Бу ерда ўзига хос кутубхона бўлиб, 1887 йил 1 январь ҳисобига кўра 109 номдаги ўқув қўлланмалари, сўзлашгичлар, атласлар, хариталар, глобуслар, расмлар ва чизмачилик бўйича дарсликлар бўлган.⁴ Билим юрти махсус бинодан фойдаланганлиги учун 1915 йилгача ижара пули тўлаганлиги маълум.⁵ Архив ҳужжатлари билим юртида ўқувчиларнинг ўз вақтида ўқишни битиришлари, ўқишни ташлаб кетишларига йўл қўймаслик, ўқитиш даражасини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмаганлигидан далолат беради. Умуман олганда, Амударё бўлимида 1917 йилгача 4 та таълим муассасаси фаолият кўрсатган.⁶

Бу тарздаги нисбий тараққиёт учқунлари ўз навбатида маҳаллий аҳоли зиёлиларида ҳам қизиқиш уйғота бошлаган.

Маҳаллий халқ вакиллари томонидан Туркистонда янги усул мактаблари очила бошлаган. Бу таълим Фарбнинг илғор йўналишла-

¹ Урумбаев Ж. -С.67.

² ЎзРМДА. 181-жамғарма, 1-рўйхат, 7-иш, 97, 183-варақлар.

³ ЎзРМДА 49-жамғарма, 1-рўйхат, 61-иш, 163-164-варақлар; 181-фонд, 1-рўйхат, 7-иш, 97, 197, 207-варақлар; 73-иш, 1, 15-варақлар; 144-иш, 3-варақ; 190-иш, 3-4-варақлар.

⁴ ЎзРМДА. 49-жамғарма, 1-рўйхат, 61-иш, 245, 247-варақлар.

⁵ ЎзРМДА. 1-жамғарма, 13-рўйхат, 1085 иш, 17, 18-19-варақлар.

⁶ Бу фикрни Урумбаев Ж. 99 бетда, Р.Уразбасва, 6-бетда, архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Аммо А.Төреев «Шўраҳон бўлимига қарашли битта Бийбозор бўлислигида 21 та мактабда 112 та ўғил ва қизлар ўқиган, ҳар бир мактабда ўртача 5-6 тадан ўқувчи ўқиган,- фикрига аниқлик киритмаган.

рини Шарқ усуллари билан ўзаро уйғунлаштирган эди. Янги очилган мактаблар жадид мактаблари, деб атала бошланган. Жадидлар жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан асраб қолувчи куч — маърифатдадир», деб ҳисоблашган.

Кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларда ўқитувчи тақчиллиги сабабли таълим жараёнида мадраса талабаларидан фойдаланилган.¹ Кўчманчи-чорвадорлар орасида мактаблар асосан баҳорда ва ёз бошланиши арафасида ташкил этилган. Бундай мактабларда асосан ёзги таътилга чиққан мадраса талабалари сабоқ берганлар.

1896-1905 йиллар оралигида Дауқара, Чимбой, Шўроҳон, Мингбулоқда яшовчи ярим ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасида ҳам бундай мактаблар пайдо бўлган.

1907 йил Петроалександровскда 70 та татар оиласи яшаган. Улар болаларини ўқитиш учун «Хайрия жамияти» тузганлар ва янги усул мактабини очганлар.²

Бу мактабда қизлар синфи ҳам бўлиб, унда Бону Салимова ўқитувчилик қилган. Бу мактабда болалар биринчи йили бепул ўқитилган, кейинчалик ўқувчининг оилавий шароитига қаралган. Парта, доска ва бошқа ўқув дастгоҳлари Оренбург ва Қозон шаҳарларидан келтирилган. Бойларнинг болалари учун 1 рубль, ўрта ҳол оила фарзанди учун 25 копеек ўқиш пули белгиланган. Уни ҳам тўлай олмайдиганлар эса текинга ўқитилган. Бу мактабда ҳам қизлар синфи бўлган. 1911 йил ўқувчилар сони 50 нафардан ошган. Нукус, Тошқовуз, Қипчоқ ва Манғитдан болалар бу мактабда ўқиш учун келганлар.

Мактабда турли миллат вакиллари— ўзбеклар, қорақалпоқлар, татарлар, туркманлар ўқишган. Қизлар учун алоҳида синф ташкил этилгани таълим жараёнида жуда ижобий роль ўйнаган. 1916 йил бу мактабда маҳаллий бой ва камбағалларнинг 20 нафар қизи ўқиган. Қизлар мактабда ўқиш билан бирга кийим бичиш-тикиш, тўқиш, кир ювиш, ошпазликни ўрганганлар, уларга рўзғорни бошқариш ва қўл меҳнати ҳам ўргатилган. Россия императорининг мардикорликка олиш ҳақидаги 1916 йилги фармониға қарши кўтарилган қўзғолон иштирокчиси сифатида мактаб ташкилотчиси Ю.Аҳмедов қамоққа олинган, ушбу таълим даргоҳи ёпилган.³

¹ Урумбаев Ж. -С.81-бетда Жадидчиликка маҳаллий меҳнаткаш халқ таълимиға қарши булган оқим, деб баҳо берган.

² Урумбаев Ж. -С.28, 82, 83.

³ Урумбаев Ж. -С. 84, 89-90, 96.

1909 йил 19 январда Сирдарё вилояти халқ билим юртлари директорининг Туркистон ўлкаси билим юртлари бош инспекторига ёзган хатида «янги усул мактаблари пайдо бўлмоқда, уларни очиш мумкинми ёки йўқми, агар мумкин бўлса, уларнинг шартлари қандай бўлади. Бундай мактабларнинг пайдо бўлишини олдиндан билиш керак эди. Эртами-кечми мусулмонлар орасида маданият ва умумий таълим дебочалари пайдо бўлиши мумкин эди. Ҳозир эса бу мактаблар мусулмон руҳонийларининг қўлида», дейилган.

Бош бошқарма девонхонаси бошқарувчиси полковник Мустафиннинг ўша кунги жавоб хатида «Уларга кўзни юмиб қараш керак эмас. Генерал-губернаторнинг фикрича, янги усул мактаблари ўқувчилари ва ўқитувчилари битта миллат вакиллари – Россия фуқароларидан иборат бўлиши керак» деган бўлса,¹ миллатчи ва шовинист Туркистон генерал-губернатори Тамсонов 1911 йил янги усул мактабларини ёпиш, ўрнига рус-тузем мактаблари очишни зарур деб ҳисоблаган.²

Бунга 1910 ва 1913 йиллардаги мактаблар ҳамда улардаги ўқувчилар сонини солиштириш билан аниқлик киритиш мумкин. 1910 йил Амударё бўлимида давлат ва хусусий бўлган 530 та билим юртлари, тузем мактаблари, мадрасалар ва оддий мактабларда жами 7927 ўқувчидан 2838 нафари қизлар бўлган. Шулардан биттаси рус билим юрти бўлиб, унда 21 нафар қиз, ягона рус-тузем мактабида 14 нафар қиз ва 38 нафар ўғил болалар бирга ўқишган.³ Шуни алоҳида айтиш жоизки, 530 ўқув муассасасининг 522 тасида қиз ва ўғил болалар бирга ўқишган. Демак, маҳаллий аҳоли томонидан очилган ва маблағ билан таъминлаган мактабларда ўқиш анча демократик усулда олиб борилган.

Аммо, 1913 йилдан кейин уларнинг сони анча камайган. Чунки аксарият мактаб ва мадрасалар рус маъмурияти буйруғи билан ёпилиб, уларнинг сони 429 тагача қисқартирилган. Бу мактабларда 3141

¹ ЎзРМДА. 47-жамғарма, 1-рўйхат, 955 иш, 32, 32- о. 36, 36- о-варақлар.

² Урумбаев Ж. -С.86.

³ Обзор Сырдарьинской области за 1910 год. -Т.: 1912.Электротип.при канц.Турк. ген.губ.-С.187. 192. Шуни айтиб ўтиш жоизки, мана шу «Обзор Сырдарьинской области» китобидаги айрим рақамлар унчалик туғри бўлмаслиги, кўпайтирилиб ёки камайтирилиб берилган бўлиши ҳам мумкин. Қаранг: Обзор Сырдарьинской области, за 1912 год. -Т.: Типолитография. -1916. С.7.

нафар ўғил ва 1119 нафар қизлар ўқишган. 97 та маҳаллий мактаб тугатилган.¹

К.Е.Бендриков ва И.А.Троицкий маълумотларига кўра, Амударё бўлимидаги ўқувчилар сонига кўра аҳолига нисбатан умумий саводхонлик 0,07 фоизни, Россияда эса 3.85 фоизни ташкил қилган.² Лекин шуни эътиборга олиш керакки, мустамлакачилар томонидан фақат рус тилидаги саводхонлик назарда тутилган. Мусулмон мактаб - мадрасаларида таълим олган ва олаётганлар саводхонлиги ҳисобга олинмаган.

Россия империяси маъмурияти оила-никоҳ масалаларида айтарли ўзгаришлар киритмаган. Чунки бу борада катта ўзгаришлар қилиш маъмурларнинг асосий мақсадлари сирасига кирмас эди. Бундан ташқари «Туркистон ўлкасини бошқариш қонунлари лойиҳасини тушунтириш ёзишмалари»да (1865 йил 6 август), «Амударё округини бошқариш тўғрисидаги вақтинча Низом»да «аҳолини бошқариш мавжуд тартибларни кескин ўзгартирмаган ҳолда сақлаб қолинадидеб кўрсатилган. Одатда маҳаллий халқ оила-никоҳ, мерос масалаларида кўпроқ ислом шариатига эмас, анъаналарга таянган.³ Мустамлакачиларнинг асосий мақсади ўлка моддий бойликларини олиб кетиш, маҳаллий халқнинг оғир ҳамда арзон жисмоний меҳнати ҳисобига бойлик орттиришдан иборат бўлган.

Туркистон генерал-губернаторлиги бош штаби бошлиғи, генерал адъютант Обручев ва Осие бўлими мудирини, генерал майор (. . . исми архивда кўрсатилмаган.-Я.А.)нинг Туркистон генерал-губернаторига 1890 йил 5645-рақамли «Кавказортидаги никоҳ ёши қонунларини Туркистон ўлкасида жорий этиш масаласи бўйича» ёзган хатида шундай дейилади: «Жанубий Осие мамлакатларида қизларга ҳайз келиши 12-13 ёшда юз беради. Туркистон ўлкасининг жуғрофий жойлашуви таъсирида балоғатга етиш эртароқ юз беради. Шу ёшда улардан соғлом болалар туғилган. Ички ишлар вазирлиги тиббиёт кенгаши хулосаси бўйича никоҳ ёшини Туркистон ўлкасида

¹ Обзор Сырдарьинской области за 1913 год. -Т.: Типолитография. 1916. -С.158.

² К.Е.Бендриков. Начальная школа в России накануне Октябрьской революции. Журнал «Начальная школа». № 5.М.1947.-С.30; И.А.Троицкий. Материалы по обследованию кочевого и оседлого хозяйства и землепользования Амударьинского отдела. -Т.: 1912-1913 г.г.-С. 495; Урумбаев Ж. -С.100.

³ ЎЗРМДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 293-иш, 1-18-варақлар; 25-рўйхат. 24-иш, 1, 6, 116-варақ.

қизлар учун 13 ёш, эркаклар учун 15 ёш қилиб белгилаш мумкинлигини билдиради.

Туркистон ўлкаси ёшлари учун Кавказортидагидек никоҳ ёши белгилансинми-йўқми, шу масала бўйича хулосангизни сўраймиз.»¹

1891 йил 30 январда Туркистон ҳарбий округи ҳарбий тиббий хулосаси бу масалага ижобий қараб, рухсат берган. Қизларда (Туркистонда) ҳайз 15-16 ёшда ҳам келади. Эрта никоҳга рухсат бериш учун бу асос эмас. Мусулмон қонунлари эркаклар учун 12 ёш, қизлар учун 9 ёш никоҳ ёши белгиллагани билан ўзлари бунга риоя қилишмайди, амалда қўлламайдилар. Айрим ҳолларда улар ҳатто 14-16 ёшдаги никоҳларни ҳам эрта, деб ҳисоблайдилар, дея эътироф этган.

1884-1889 йилларда 20439 нафар маҳаллий қизда ҳайз келиши текширилган. У 80 фоиз қизларда 15 ёшда, 20 фоизда 15 ёшдан эртароқ келган. Натижада об-ҳавонинг ёшлар етилишига таъсири бор, деган фикр тасдиқланмаган. Амалдаги белгиланган никоҳ ёшини ўзгартириш учун бирон-бир сабаб кўринмаяпти», мазмунида жавоб берилган.

Шунга ўхшаш текширишлар 1886-1889 йиллар оралиғида Тошкент татарлари, Тошкент шаҳри ва Тошкент атрофида ҳам ўтказилган.² Бундай текширувлар хулосаси бутун Туркистон ўлкаси билан бир қаторда миллатидан қатъий назар, Амударё бўлими хотин-қизларига ҳам тааллуқли, деб хулоса чиқарилган. 1904 йил 44 та никоҳдан ўтган эркак ва аёллар текширилган. Энг эрта уйланган эркаклардан 2 нафари 19 ёшда, 2 нафари 20-25 ёшда, қолганлари ундан ҳам каттароқ ёшга чиққандан кейин турмуш қуришган. Аёлларнинг 3 нафари 17 ёшда, 9 нафари 18 ёшда, 7 нафари 19 ёшда, 6 нафари 20 ёшда, қолганлари эса янаям каттароқ ёшга чиққандан кейин турмуш қуришган.³

15-20 ёш оралиғида турмушга чиққан қизлар орасида ўлим ҳодисаси 50 фоизни, турмушга чиқмаган қизларда 7 фоизни ташкил қилган. Мана шундай далилларга асосланган Туркистон генерал-губернаторлиги вакили 1900 йил 30 июнь — 1 июль оралиғида Бош штаб бошлиғига йўллаган «Туркистон ўлкасидаги оила қуриш учун қайтадан энг паст ёшни белгилаш масаласи бўйича» 6259-рақамли хатида 1897 йилги сўровга биноан туркистонликлар қиз-

¹ ЎЗРМДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 658-иш, 1, 6, 11-варақлар.

² ЎЗРМДА. 1-жамғарма, 20-рўйхат, 7409/622-иш, 55, 58-варақлар.

³ ЎЗРМДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 658-иш, 13, 25, 26, 27, 28-варақлар.

ларни 12 ёшда эрга бермаслик ҳақида ўз истакларини билдирганлар», деб ёзганди.¹

Амударё бўлимида ҳам эркаклар ва аёллар орасида тиббий текширувлар олиб борилган. Туркистон генерал-губернатори жойларга 1904 йил 24 майда 23309-рақамли хат жўнатган. Хатда бу масала муҳокамасини қонун даражасида яна давом эттиришга чек қўйиш зарурлиги таъкидланган. Никоҳ масаласини маҳаллий бошқарув раҳбарлари, аҳоли вакиллари, уларнинг жамоа ва суд ташкилотлари зиммасига юклаш зарурлиги, қизлар учун ўртача 15-16 ёш, эркаклар учун 17-18 ёшни никоҳ ёши деб белгилаш мумкинлиги гоёси илгари сурилган. Қонунлар тўплами 3-модда (111, X, 1-бўлим. Св.Зак.)да никоҳ ёши аёллар учун 16, эркаклар учун 18 ёш қилиб белгиланган.² Бу масала бўйича ҳатто газеталарда ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилган. Масалан: «Окраина» газетасининг 1891 йил 30 январда (11-феврал)ги сонида ёшларнинг ўртача турмуш қуриш ёшини 20 деб белгилаш керак», қабилдаги мулоҳаза омма эътиборига ҳавола этилган.³ Никоҳ ва оилавий масалаларга доир кўрсатма ҳамда тавсиялар «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низомда»да (1886 йил 12 июнь, 1900 йил Низомга ўзгартиришлар киритилган) ўз ифодасини топган. Низом бўйича кўчманчиларнинг оила-никоҳ муаммоларини уларнинг урф-одатларига асосланган қонунларга мувофиқ ҳал этиш «халқ судлари»га топширилган, рус маъмуриятининг бу масала бўйича таъсири чекланган эди.⁴ Аммо оила ва никоҳ масаласи биринчи навбатда хотин-қизларнинг қисматига таъсир қиладиган ҳодиса бўлганлиги сабабли айрим ҳолларда халқ судларининг иккиюзламличилигидан, авваламбор, аёллар кўпроқ азоб чекканлар. Бундай ҳолларнинг кўп учраши натижасида айрим аёллар рус маъмуриятига мурожаат қилган ҳоллар ҳам бўлган. Бироқ, улар тегишли жавоб ололмаганлар. Шундан кейин эса улар юқорироқ ташкилотга мурожаат қилишга мажбур бўлишган.

Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Н.И.Гродеков Туркистон генерал-губернаторига 1894 йил 25 ноябр-

¹ ЎзРМДА 1-жамғарма, 20-рўйхат, 7409/622-иш, 15, 17, 18, 19, 55, 57, 58-60-варақлар.

² ЎзРМДА 1-жамғарма, 20-рўйхат, 7409/622-иш, 55, 57, 58-о, 60-варақлар.

³ ЎзРМДА 17-жамғарма, 1-рўйхат, 1318-иш, 15-варақлар.

⁴ ЎзРМДА 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1000-иш, 1-2-варақлар.

да юборган 1749/11934-сонли билдиргисида, Амударё бўлимидаги хотин-қизларнинг аҳволи ҳақида қуйидагиларни ёзди:

«... Кўчманчи ва ўтроқ аҳолининг турмуш қурган аёллари аҳволи жуда огир. Урф-одатлари шариат ва одат қонунларига бўйсунди. Кўпгина маҳаллий хотин-қизларнинг рус маъмурияти идораларига қилган мурожаатларидан шуни билиш мумкинки, жойларда халқ судлари қандай хоҳлашса, шундай қарорларни қабул қилишган. Баъзан улар аёлнинг ўзига ёқмаган, ёмон кўрган эркакка турмушга чиққанини қўллаб-қувватлашган ёки эри ўлган аёлнинг боласини онасидан айириб, марҳум эрининг қариндошларига бериш ҳақида ҳукм чиқаришган».

«Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»да Туркистон ўлкаси раҳбариятига маҳаллий халқ судларининг ички ишларига аралashiш ҳуқуқи берилмаган. «Менинг фикримча, — деб давом этади хатида Сирдарё ҳарбий губернатори Ген. лейт. Поро... (фамилиянинг қолган қисми ўчиб кетган.—Я.А.), — оилавий ва никоҳ можароларини ечишни халқ судларига қолдириш фойдали бўлади. Лекин халқ суди мажлиси қароридан норози бўлган томон уезд бошлиғига мурожаат қила олиши керак. Бу эса ўз навбатида масалани узил-кесил ҳал қилишга имконият беради. Юқорида айтилганларни инobatга олиб, маҳаллий Низомга ўзгартириш киритишни зарур деб ўйлайман».¹

Сирдарё ҳарбий губернаторининг билдиргиси Туркистон генерал-губернаторлиги Кенгаши 8-мажлисида (1895 йил 16 март) кўриб чиқилган. Молия вазирлигидан келган вакил Арк. Николаенкодан бошқа Кенгашнинг барча аъзолари Сирдарё ҳарбий губернаторининг таклифини қўллаб-қувватлаган. Арк. Николаенко: «Мен Туркистон генерал губернаторлиги Кенгаши қарори билан келиша олмайман. ... агар туземликлар (маҳаллий аҳоли)нинг айрим урф-одатлари инсонийлик талабларига қарши экан, демак уларни «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом»га ўзгартириш киритиш билан тасдиқлаш керак. Никоҳ ва оилавий муносабатлардек муҳим масалани халқ орасида обрўси йўқ маҳаллий бошқарувга бериш тўғри келмайди. 23-март. 1895 й.», деган мазмунда тушунтириш хати ёзиб чиқиб кетади.²

¹ ЎзРМДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1000-иш, 28-варақ.

² ЎзРМДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1000-иш, 31, 37-варақлар; Ўша жойда. 31-рўйхат, 1157-иш, 11-варақ.

Ушбу Кенгаш Николаенконинг фикрини инобатга олганда эди, анча ижобий иш қилинган бўларди, яъни Низомга туб ўзгартириш киритилганда, қизларни эрта эрга бериш, кўпхотинлилик (полигамия), эри ўлса, эрининг укасига ёки акасига турмушга чиқиш (левират ва сорорат) ёки эри ўлгандан кейин боласини эрининг қариндошларига бериши шартлиги каби одатлар озми-кўпми эрта-роқ бартараф қилинардимиз? Бироқ, бундай долзарб муаммолар охиригача ҳал этилмаган.

Шариат қонунлари ҳақида ҳам махсус қонунлар мажмуаси бўлган. «Туркистон ўлкасидаги мусулмон аҳолисининг ҳуқуқий муносабатлари тўғрисида шариат моддалари» номли ҳужжатда оила ва никоҳ муносабатлари ҳақида кенг маълумот берилган.¹

Амударё бўлимида подшо Россияси томонидан аҳолининг соғлиғи даражасига етарли эътибор қаратилмаган. Масалан, Шоббозда битта касалхона бўлиб, унда бир эркак ва бир аёл фельдшер-гинеколог ишлаган. Аёл акушернинг маоши 150 рубл, эркакники 100 рубл бўлган.² Аммо архив ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, белгиланган маошнинг анча қисми кўпинча берилмаган. Айрим ҳолларда жуда оз- 12 рубл 50 копейк берилган.³ Бу шундан далолат берадики, мустамлакачи маъмурият нафақат маҳаллий аҳоли, балки русларнинг баъзи вакиллари эҳтиёжига ҳам беписандлик билан муносабатда бўлган. Шунингдек, маҳаллий аҳоли эҳтиёжларига хизмат қилувчи русларга атайин ғамхўрлик қилинмаган. Маҳаллий халқ вакиллари учун тиббий хизмат номигагина ташкил этилган.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда 20 дан ортиқ хайрия жамиятлари тузилган. Улардан «биттаси хотин-қизлар жамияти, яна биттаси яҳудий аёллари тўгараги ва лютеран аёллари жамияти бўлиб, улар ҳам Тошкентда тузилган эди.⁴ Сирдарё ҳарбий губернатори камбағалларга ёрдам берувчи Петроалександровск жамияти 1898 йил 7 мартда тасдиқланган ва 12 майда иш бошлаган. Жамият Низомиде жинси, ёши, даражасидан қатъий назар, камбағал оилаларга кийим, овқат, пул билан моддий ёрдам бериш белгиланган. 1911 йил 1 январь маълумотига қараганда, 2915 одамга

¹ Р. Муҳамедов. Шариат. Аёл. Оила.// Қонун ҳимоясида. 1999. № 5-6. 19—21-бетлар.

² ЎзРМДА. 1-жамғарма, 13-рўйхат, 1085-иш, 19-варақ.

³ ЎзРМДА. 907-жамғарма, 1-рўйхат, 450-иш, 46-варақ.

⁴ ЎзРМДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 16218-иш, 128, 143, 149, 158-варақлар.

турли шаклдаги моддий ёрдамлар берилган.¹ Бироқ, бу билан умумий оғир аҳволни ўзгартириб бўлмас эди.

XX асрнинг бошларида Россияда юз берган инқилобий ҳаракатлар ҳақидаги хабарлар Амударё бўлимига ҳам етиб келган пайтда оддий халқ ниҳоятда оғир аҳволда яшаган. Айниқса, 1908, 1911² йиллардаги оммавий очарчилик Амударё бўлими халқининг аҳволини янада оғирлаштирган эди, очлик ва камбағаллик кундан-кунга кучайган.

Устига-устига, маҳаллий рус амалдорлари халқни эзиш ҳисоби-га бойлик орттириш билан бирга, уларни ахлоқий томондан хўрлашлардан ҳам тоймаганлар. Бунга мисол тариқасида Амударё бўлими бошлиғига Шўроҳон бўлимида истиқомат қилувчи ўзбеклар оиласи Аннамурат Султанов ва унинг рафиқаси Жамиланинг аризаси матнини келтиришни лозим топдик:

«Амударё бўлими бошлиғига.
Аннамурат Султанов ва унинг
хотини Жамиладан

Илтимоснома

... 1905 йили 24 декабрда Шўроҳон бўлими пристави билан бўлис бошлиғи бизларни уриб, хўрлашди ва қизимиз Жумани уйдан —Назиков хутори (овул)дан олиб кетишти. Улар қизимизни хонга бериш учун Хивага олиб кетдилар. Қизимиз энди 14 ёшга кирган эди. Приставдан билишимизча, Хива хонига олиб бориб бериш ҳақида сиз буйруқ берган экансиз. Биз Россия ҳудудидамиз (Амударё бўлими Россия ҳудуди таркибида эканлиги, унга қарам эканлиги назарда тутилган-Я.А.). Биз барча рус қонунларидан баҳраманд бўлишимиз ва ҳар қандай ўзбошимчаликдан ҳимояланган бўлишимиз керак. Қизимизни қайтариб олиб келиб беришга ёрдам беринг... 28 декабрь 1905 йил.»³ Амударё бўлими бошлиғининг «халқ судларининг қарорига мувофиқ... (ёзув ўчиб кетган.- Я.А.) ... келишса менинг олдимга киришсин. 29 декабрь 1905 йил.» деган визаси қўйилган.

¹ Ўша жойда. 17037-иш, 2-16-варақлар.

² А.Төреев. XIX асрдин ақыры XX асрдин басында қарақалпақ үлкесинде дийханлар ҳаракети. —Нөхис.: Қарақалпақстан. 1991. 80-бет.

³ ЎЗРМДА. 907-жамғарма, 1-рўйхат, 400-иш, 48-варақ.

Лекин архив ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, нажот истаб ёзилган ариза жавобсиз қолиб кетган.

Бундан ташқари, хотин-қизларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб ёзган бир қанча аризаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Тўртқул бўлиси ва оқсоқоллигидан қорақалпоқ қизи Турдигулбика Тўрабаева, ўзбек қизи Наржанбика Сетмуратова, Балқибоева Нурия, форс қизи Ханимбика Мулла Утепова, 14 ёшли қирғиз қизи Зулайхабикаларнинг ўзлари истаган одамга турмушга чиқишга ҳақлари борлигини айтиб «оқ қоғоз» (рухсатнома) беришни ёки вафот этган эрларидан қолган нарсаларда уларнинг ҳам ҳаққи борлигини талаб қилиб, Амударё бўлими бошлиғига ёзган аризаларидан¹ билиш мумкинки, хотин-қизлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш даражасида онгли, фаросатли ва адолатталаб бўлганлар.

Маҳаллий амалдорлар Амударё бўлимидаги рус маъмурияти, приставлари олдида ялтоқланишган. 1906 йил маҳаллий амалдорлар Чимбой туманида аҳолидан аввал ундирилган қарзни яна тўлашни талаб қилганликлари учун халқ кўзғолон кўтарган. Мана шундай ғалаёнлардан бирида участка приставини таёқ билан урганликлари учун Улбике, Наурызбике ва бошқа аёллар қамоққа олинган.²

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий онги кейинги йилларда ҳам ўсиб, ривожланиб борган. Улар 1908-1910-йилларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини, моддий манфаатларини ҳимоя қилган бўлсалар, айримлари эса ҳеч ким уларни турмуш ўртоғини танлаш масаласида мажбурлай олмаслиги, хоҳлаган одамларига турмушга чиқишлари мумкин эканлиги ҳақида «оқ қоғозлар» талаб қилиб, пристав бошлиқларига, халқ судларига, ҳатто Самарқанд округ суди прокуроригача ариза ёзишган. Улар сирасига Бибе Халмурзаева, Ўғулбике Исжанова, Сарабике Мадатнияз Боякиева, Авезбике Жумабаева, Ўғулжан Аширбаева, Авезбике Маткаримова, Шазадабике Кун-Ахмедова, Рузгуль Юлдаш Арбибоева ва бошқаларни киритиш мумкин¹.

Маҳаллий хотин-қизлар ўзларига нисбатан ҳар томонлама кўрсатилаётган ҳўрлик ва адолатсизликларга қарши турли йўллар билан кураш олиб борганлар. Айрим ҳолларда уларнинг кураш усули жуда

¹ ЎзРМДА. 907-жамғарма, 1-рўйхат, 400-иш, 36, 44, 45, 47, 48, 49, 52-варақлар.

² А.Терсеев. 76-бет.

³ ЎзРМДА. 907-жамғарма, 1-рўйхат, 414-иш, 91-93, 100, 101-варақлар; 424-иш, 2, 13, 20, 21, 23, 25-варақлар.

содда бўлиб, натижада ўзларини-ўзлари қийин аҳволга солиб қўйган ҳолатлар ҳам юз берган.¹

Аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиқишлари аста-секин ривожланиб борган. Тўрткўлда маҳаллий бой Худайназар Абдулмеджитов тожик қизи Ўгульджан-бике Амиробиеванинг 2 таноб ерини тортиб олиб қўйганида жабрдийда унинг устидан халқ судига шикоят аризасини ёзади. Аммо халқ суди адолатсизликка йўл қўйиб, ерни бой Абдулмеджитовда қолдириш ҳақида қарор чиқарган. Бундай адолатсизликдан норози бўлган Ў.Амиробиева Сирдарё ҳарбий губернаторига илтимоснома ёзган. Архив ҳужжатларига биноан ерни эгасига қайтариб бериш ҳақидаги кўрсатмага ҳарбий губернатор 1912 йил 3 мартда имзо чеккан.²

Бу воқеа бўйича бошқа адабиётларда ҳам фикрлар мавжуд.³

Шу ўринда мустамлака маъмуриятининг суд-ҳуқуқ соҳасидаги баъзи бир найрангбозликларини ҳам эслатиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Маъмурлар ўзларини гўёки маҳаллий аҳолининг ҳақиқий ҳимоячиси қилиб кўрсатишга интиланлар, аслида эса махфий равишда қозилар ва халқ судлари раҳбарлари сайловларига аралашганлар. Подшо Россияси вакиллари баъзан адолатли қозилар ва бойлар ўрнига порахўр, мустамлакачилар малайлари бўлган кимсалар сайланишига ҳам эришганлар. Бундайлар аввало ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қилиб, арз, шикоят қилган фуқаролардан пора талаб қилганлар ёки адолатсиз қарор чиқарганлар. Бундай вазиятда маҳаллий аҳоли онгида «ўзимизникилар ёмон, руслар адолатли», деган тасаввурлар пайдо бўлган. Кўп ҳолларда Амударё бўлимида яшовчи маҳаллий аҳолининг рус маъмуриятига ёзган мурожаатлари ана шундай тасаввурлар билан боғлиқ эди.

Ўлкадаги ҳукмронликни қўлга олган мустамлакачи рус маъмурияти томонидан Амударё бўлими ҳудудини янада яхшироқ ўрганиш, моддий бойликлар захирасини аниқлаш мақсадида бир қан-

¹ ЎзРМДА. 907-жамғарма, 1-рўйхат, 554-иш, 41, 55-варақлар; 556-иш, 95, 95-о, 175-о; 184-185-варақлар.

² ЎзРМДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 9385-иш, 16-варақ.

³ А.Тереев. Кўрсатилган асарнинг 81-бетида. Абдулмеджитов Худайназарнинг ўрнига Абдуллатипов Қудайназар, Угульжонбике Амиробиеванинг ўрнига Угулжан Амирова деб ёзилган. Амиробиеванинг ёки Амированинг ерини тортиб олинганлиги ёзилган. Охири нима билан тутаганлиги аниқланмай қолган; Бу ҳақда қуйидаги асарда ҳам қисман маълумот берилган. Қаранг: К.С.Сарыбаев. К истории орошения в Каракалпакстане XIX-начала XX вв. - Нукус.: Каракалпакстан. 1971. -С.100-101.

ча илмий-савдо экспедициялари уюштирилган. Таланган моддий бойликларни ташиб кетишни енгиллаштириш учун Орол флотилияси тузилган. Ўлка ер ости ва ер усти бойликларини ташиб кетишда маҳаллий аҳоли, жумладан хотин-қизлар меҳнатидан кенг миқёсда фойдаланилган.

Кўпгина аёллар яшаш шароитининг оғирлиги туфайли соғлиқлари ёмонлигига қарамай пахта далаларида, заводларда машаққатли меҳнат билан шугулланишга мажбур бўлганлар. Маъмурлар томонидан маҳаллий аҳоли соғлиғи масаласига етарли даражада аҳамият берилмаган. Петроалександровск касалхонасига, Шоббоз, Чимбой даволаш пунктларига келган беморларнинг барчаси ҳам даволаниш имкониятига эга бўлмаган.¹ Бу эса халқнинг умумий аҳолини янада оғирлаштирган.

Гарчи 1873-1900 йилларда маҳаллий аҳолининг аксарият қисми мустамлакачилик сиёсати моҳиятини етарли даражада англамаган бўлса-да, янги аср бошларида ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниш, ҳимоя қилишга уринишда сезиларли ўзгаришлар юз берганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат аёллар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий онгининг юксала бошлаганлигида ўзини намоян этган.

XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб, аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши сиёсий томондан анча ўсганлиги кузатилади. Улар бўлис бошлиқларига, приставларга, ҳатто Амударё бўлими, Самарқанд округ суди, округ прокурорларига ариза, шикоят, илтимосномалар ёзиш йўли билан ўзларининг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилганлар.

1916-1918 йилларга мўлжалланган Петроалександровск шаҳар Кенгаши депутатлигига сайлов жараёнида маъмурият томонидан «кимки кўчмас мулк эгаси ёки давлат хизматида ишлаётган бўлса, сайланиш ҳуқуқига эга», деган кўрсатма берилган. Кўчмас мулки бор одамлар рўйхати тузилган. 241 нафар кўчмас мулк эгаларининг 20 нафари аёллар бўлиб, уларнинг 11 нафари маҳаллий хотин-қизлар вакиллари эди. Аммо сайлов жараёнида 36 та эркак сайлов рўйхатига киритилган, холос. Уларнинг ҳам кўпчилиги маҳаллий аҳоли вакиллари эмас эди. Аёллардан биронтаси ҳам сайланувчилар рўйхатига киритилмаган.²

¹ А.Төреев. 25-бет.

² Муаллиф томонидан архив ҳужжатларида сақланаётган рўйхатлардаги фамилиялар санаб чиқилган. - Я.А. ЎзРМДА. 907-фонд, 1-рўйхат, 570-иш, 3, 6, 10, 71-о, 16-22-варақлар; 571-иш, 1-9, 21-варақлар.

Ушбу фактнинг ўзиёқ гўё «қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот ҳимояси» бўлиб кўринган мустамлакачи маъмуриятнинг мунофиқлигидан далолат беради.

Подшо Россияси Ўрта Осиёда босқинчилик, маҳаллий халқларни эзиш, улар ҳуқуқларини тўла поймол қилиш мақсадида маҳсус мустамлакачилик тизимини яратган. Маъмурларнинг ўлкада ўзбошимча сиёсати ва хатти-ҳаракатларини подшо амалдорларининг айримлари ҳам тан олишга мажбур бўлганлар. Сенатор Ф.К.Гирс 1882-1883 йиллари Туркистон ўлкасида олиб борган тафтиши ҳисоботида уезд, бўлисликлар, қишлоқ амалдорлари бошлиқларининг адолатсизликлари ҳақида ёзган. Буни кейинчалик сенатор К.К.Пален ҳам тан олган.¹

Хулоса қилиб айтганда, мустамлакачилик жабр-зулмининг кучайиши истиқлол учун кураш жабҳаларига туртки бериб юборди. Шу тариқа оддий халқнинг кўзи очила бошлади. Бу каби белгилар эса миллатни бирлашишга, ҳақ-ҳуқуқини курашиб қўлга киритишга ундайди. Зотан жадидлар «Ҳақ берилмас, олинур» шиорини бежиз ўртага ташламаган эдилар.

Аҳвол тобора мураккаблашиб бораётганлигини чор маъмурларининг ўзлари ҳам англай бошлаганлар. Лекин ташкилий тусга кирмаган чиқишлар, норозиликлар, ҳар қандай хатти-ҳаракат беиз кетмоқда эди. Ана шундай бир шароитда Туркистон жадидлари истиқлол учун кураш майдонига чиқдилар. Улар янги мактаблар очиш, миллий матбуотни ташкил этиш, маърифатчилик фаолияти орқали халқни ўзликни англашга даъват эта бошладилар.

Шундай қилиб, подшо Россияси ўлкани босиб олгандан кейин ўзига хос бошқарув тизимини яратди. Уни амалга оширишнинг шакл ва усулларини ишлаб чиқди. Улар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда амалга оширилди.

Ўлкада рус маъмурияти шундай устамонлик билан сиёсат олиб борганки, натижада маҳаллий аёллар онгида «ўзимизникилардан кўра руслар адолатлироқ» деган фикрлар пайдо бўлган. Архив ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, аёллар ўз шикоятлари, аризалари, илтимосномалари, талабномаларини рус маъмурияти раҳбарлари номига йўллаганлар ва улардан нажот кутганлар. Бироқ, улар-

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Биринчи китоб. 200. 202-бетлар.; Қарақалпақстанның жана тарийхи. 63-бет.

нинг илтимосномалари ҳамма вақт ҳам ижобий ҳал этилмаган. Айримлари «хўжа кўрсин»га қониқтирилган, холос.

Рус маъмурияти томонидан оила-ниҳоҳ муносабатлари ҳам маълум даражада кўриб чиқилган. Рус-тузем мактаблари, ўқув ўринлари очилган, аҳоли ўртасида хайрия жамғармалари ташкил этилган, газеталар тарқатилган ва ҳоказо.

Аmmo бу ишларнинг биронтаси ҳам тулиқ амалга оширилмаган, охирига етказилмаган. Аксинча, маҳаллий аҳоли ва уларнинг қизлари рус маъмурлари томонидан ёки уларнинг яширин кўрсатмаларига биноан шафқатсизларча олиб кетилганлар, хўрланганлар. Қизлар учун очилган ўқув юртида ўқиш ҳуқуқидан маҳаллий қизлар маҳрум бўлган. Хотин-қизлар сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб, сайлов рўйхатларига киритилмаган. Кўчмас мулк масалаларида уларнинг фикри инобатга олинмаган.

Шундай бўлса ҳам юқорида келтирилган баъзи тадбирлар маълум даражада хотин-қизлар ижтимоий онгининг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатган.

Шу боис, Қорақалпоғистон аёллари ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга қатнаша бошлаганлар.

Умуман олганда, мазкур давр мобайнида Қорақалпоғистон аёлларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи ўта оғир эди. Бир томондан хотин-қизлар шаънини хўрловчи маҳаллий урф-одатлар, аёл ва эркакнинг тенгсизлиги, иккинчи томондан мустамлакачиликнинг салбий оқибатлари инсониятнинг ажойиб бўлагининг ижтимоий-маиший, сиёсий ҳуқуқларини поймол этарди. Муттасил ноҳақликлар, адолатсиз тизим қурбони бўлиш аёлларнинг сиёсий, маърифий онги ошишига, мустақиллик, озодлик, ҳурлик каби демократик қадриятлар қийматини янада чуқурроқ англашларига, бу йўлда қатъият, сабот-матонат билан ҳаракат қилиш зарурлигини англашларига олиб келди. Натижада озодлик курашларида иштирок қилиш учун хотин-қизлар маънан ва руҳан тайёр бўлиб борди.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШЛАРДАГИ ИШТИРОКИ

XX асрнинг бошларига келиб Амударё бўлими хотин-қизларининг миллий ўзлигини англаш даражаси юксала бошлаган.

Одатда хотин-қизлар ижтимоий онгининг ўсиши учун объектив ва субъектив сабаблар зарур бўлади. Бу бир томондан, жамиятда юз бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнлар, ўзгаришлар

ва ҳодисалар даражаси ҳамда уларнинг аёллар онгига таъсири бўлса, иккинчи томондан эса уларнинг дунёқарашлари, нуқтаи назарлари, яшаш тарзи ва турли имкониятларига боғлиқ.

Объектив сабабларга келсак, ўлка бойликларининг мунтазам равишда метрополияга олиб кетилиши, Биринчи жаҳон урушида Россия давлатининг иштироки натижасида расмий солиқлар ҳажмининг кўпайтирилганлиги, нарх-наво ошганлиги ва бунинг оқибатида қарам ўлкалардаги аҳолининг аҳволи ҳар томонлама оғирлашганлиги эди ва ҳоказо.

Субъектив сабаблар эса ўлкадаги рус маъмуриятининг маҳаллий аҳолини менсимаслиги, қўпол муомалада бўлиши, порахўрликлари, маҳаллий оқсоқоллар, қози ва бийларнинг рус маъмурияти олдида ялтоқланишлари ва ҳоказолардан иборат эди.

Юқоридаги объектив ва субъектив сабаблар ўлка аҳолисининг, хусусан хотин-қизлар ижтимоий онгининг ўсишида, улар дунёқарашларининг ўзгаришида ўзига хос ижобий ва салбий оқибатларга олиб келди.

Ижобий томони шу эдики, хотин-қизлар ўлка аҳолисининг рус маъмуриятига қарам эканлигини, мустамлакага айланиб қолаётганликларини англаб ета бошладилар. Бу ижобий ҳол сиёсий митинглар, йиғилишлар, овул-овул бўлиб тўпланиб, ўлкада рус маъмурияти олиб бораётган сиёсатни муҳокама қилишларда намоён бўла бошлади.

Салбий томони эса умумий ривожланишнинг паст даражада эканлиги, мустамлакачиларга баҳамжиҳат қарши кураш олиб боришда умумий раҳбар, ташкилот, режанинг йўқлиги, кураш усулларининг оддийлиги хотин-қизлар ҳаракатининг мағлубиятга учраб, кўп қурбонлар беришига сабаб бўлди.

Бу ҳолат 1916 йил июнь ойидан кейин яна ҳам яққол кўзга ташланди. Амударё бўлими аёлларининг ижтимоий-сиёсий фаолликларининг амалда намоён бўлишига туртки бўлган омиллардан бири 1916 йил 25 июнда император Николай II томонидан имзо чекилган фармон эди. «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш ишларига, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида»ги бу фармонда асосан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни мардикорликка сафарбар қилиш кўзланган эди.¹

¹ ЎзРМДА. И-17-фонд, 1-рўйхат, 13187-иш, 16, 16-о, 17-варақ; Восстание 1916года в Средней Азии и Казахстане. Сб. док. -М.: изд. Ан СССР. 1960. - С.31, 40.

Подшо фармони Туркистон генерал-губернаторлиги учун ҳам, маҳаллий халқ учун ҳам қутилмаган ҳодиса бўлган. Фармон аини ҳосил йиғим-терими даврида эълон қилиниб, уни ижро этишга на халқ, на Туркистондаги рус маъмурлари тайёр эдилар. 1916 йил 2 июлда Туркистон генерал-губернатори ёрдамчиси М.Р.Ерофеев вилоятлардаги ҳарбий губернаторларни йиғиб, шошилинич Кенгаш ўтказган.¹ Кенгашда бўлислар, уездлар, вилоятлар бўйича ишта қақирилувчиларнинг рўйхатини тузиш ва улар ўзлари билан бирга иссиқ кийим-кечак ва пойабзалларини олишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўлкада 1916 йил 17 июлдан бошлаб ҳарбий ҳолат – барча аҳолининг ҳарбийлар буйруғига бўйсунуши шартлиги эълон қилинган.²

Амударё бўлимидан 5348 нафар одамни сафарбар қилиш режалаштирилган.

Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори 1916 йил 8 июлдаги 20511 рақамли хатида Петроалександровскдан 199, бўлимдан эса 5149 нафар одам юбориш кераклиги ҳақида Амударё бўлимига махсус топшириқ берган. Жумладан, Шўрохон участкасидаги Тўртқўлдан – 300, Шўрохондан – 390, Сарибийдан – 350, Шоббоздан – 490, Бийбозордан – 272, Мингбулоқдан – 145, Томди бўлимидан – 185, Чимбой бўлимидан – 3116 одам жўнатилиши лозим бўлган.³

Сирдарё ҳарбий губернатори 1916 йил 18 июлда Туркистон генерал-губернаторига қуйидагича хабар юборган: «Амударё бўлимида руслар яшаётган жойларга, посёлкаларга қарши ҳеч қандай ҳаракатлар кўринмаяпти. Ишонаманки, бу посёлкаларни махсус кўриқлаш шарт эмас. Амударё бўлими бошлиғи кўрсатмасининг ўзиёқ тинчликни таъминлайди». Калондимоғлик руҳида ёзилган ушбу

¹ ЎзРМДА. И-17-фонд, 1-рўйхат, 13187-иш, 32-варақ; Восстание 1916года в Средней Азии и Казахстане. Сб. док. -М.: изд. Ан СССР. -С.31, 40. Ушбу тўпламда мавзуга тегишли бир қанча ҳужжатлар киритилмаган. Бу ҳақда тўпламининг кириш қисмида ҳам айтиб ўтилган. Бу мавзу Ҳ.Зиёев асарларида батафсил ёритилган. Қаранг: Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. -Т.: Шарқ. 1998. Шу муаллиф. Истиқлол-маънавият негизи. -Т.: Маънавият. 1999; Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане.-С. 50; ЎзРМДА. И-17-фонд, 1-рўйхат, 13187-иш, 16-о, 17, 52, 52-о-варақлар.

² ЎзРМДА. И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 13187-иш, 43-варақ.

³ ЎзРМДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 13187-иш, 16, 16-о, 52, 52-о-варақлар. 52, 84-варақлар; 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1196-иш, 30-варақ; 907-жамғарма, 1-рўйхат, 565-иш, 26-варақ.

хабардан кейин рус маъмурияти подшо кўрсатмасини бажаришга киришган.¹

Рус маъмурлари ва маҳаллий халқ вакилларидан иборат бўлган участка бошлиқлари мардикорликка рўйхат тузиш жараёнида кўпол равишда иш юритиб, адолатсизликка йўл қўйиб, маҳаллий аҳолига зулм қилганлар, қаршилик кўрсатганларни қамоққа олганлар. Шундан сўнг рус маъмурияти маҳаллий аҳолига подшо фармонида пул тўлаш йўли билан озод бўлиш мумкинлигини ҳам эълон қилган.² Бундай очиқ кўрсатмадан кейин рўйхат тузиш жараёнида порахўрлик авжига чиққан. Бу ҳолат табиий равишда аҳолининг камбағал тоифаси ғазабини келтирган. Асосий қийинчилик оддий халқ оммаси елкасига тушиб, рўйхатга аксарият ҳолларда бўлиш бошлиғи ва рус амалдорларига пора бера олмаганлар киритилган.³

Тўрткўл бўлиси бошлиғи Қазақбай Абдукаримбоев полиция хизматчилари ёрдамида бозор кунини Аққамиш жамияти камбағалларидан полковник В. П. Колосовский учун 200 рубл пул йиғиб олган. Шўрохон участкасининг Чибикли жамияти оқсоқоли Давлетмурат Маткаримов 14 деҳқондан олтин танга ҳолида 351 рубл йиғиб олган.⁴

Мардикорликка олишга қарши норозилик митингларида қатнашиш халқ сиёсий онгини ўстирган, уларни бир мақсад йўлида бирлаштирган. 1916 йил июль ойининг иккинчи ярмидан бошлаб сафарбарлик жараёнига қарши ҳаракатлар янада кучайган. 1916 йил 24 июлда Тўрткўл бўлисининг Сахтиан овули хотин-қизлари Қазақбай Абдикаримовдан фронторти ишларига юбориладиганлар рўйхатини беришни талаб қилганлар. Хотин-қизлар рўйхатни кўрмай туриб эрлари ва фарзандларини Россия мудофаа ишларига юбормасликларини айтганлар. 200 нафарга яқин аёл мардикорлик ҳақидаги хабардан норози эканликларини билдиришган. Аёллардан бири бўлисни таёқ билан урган.⁵ Шундан сўнг аёллар тарқалиб

¹ ЎзРМДА 1-жамгарма, 31-рўйхат, 1137-иш, 160-варақ.

² Қаранг. Доно Зиёева. Туркистон Миллий озодлик ҳаракати. (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918-1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги). Тарих фанлари доктори, профессор Д.Алимова тахрири остида. Ф. Фулом. Т.: 2000. 13-бет.

³ ЎзРМДА И.-17-жамгармаси, 1-руйхат, 13230-иш, 14-14-о-варақлар.

⁴ Қарақалпақстаннын жана тарийхы. 116-бет.

⁵ ЎзРМДА. 1-жамгарма, 31-руйхат, 1137-иш, 98-варақ; Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. -С. 286; Борьба трудящихся Каракалпакии против социального и колониального гнета. -С. 120-121; Қарақалпақстаннын жана тарийхы. 117-118 бетлер.

кетганлар. Натижада айбдорларни топиш имкони бўлмаган. Деярли ҳамма жойда шу тарзда аёллар галаёнлари кундан-кунга кучайиб борган.

25 июлда Хўжа ер овулининг 150 нафарга яқин аёллари ўзларининг мардикорликка қарши эканликларини билдириш мақсадида Шўрохонга йўл олганлар. Худди шу куни 200-300 аёл болалари билан бирга Тўртқўлга келиб, аскарларга қарши галаён қилган. Соқчиликда турган қозоқ аскарлари аёлларнинг бир қисмини тўхтатиб қолганлар. Аёллар «Эрларимиз ва болаларимизни бермаймиз!» — деган қичқириқ ва ҳайқириқлар билан аскарларга тош ота бошлаганлар.¹

Хотин-қизлар галаёнларининг янада авж олиши мумкинлигидан ваҳимага тушган Амударё бўлими бошлиғи лавозимини вақтинча бажарувчи Мирецкий (исми архивда кўрсатилмаган.- А.Я.) Хивага кетган полковник В.П.Колосовскийни тартибсизликларнинг олдини олиш ниятида зудлик билан чақиришга мажбур бўлган.²

1916 йил 29 июлда Сарибий бўлисида истиқомат қилувчи мингдан ортиқ аҳоли қўлларига болта, пичоқ, таёқ олиб, бўлис идораси томон йўл олган. Уларнинг кўпчилиги аёллар бўлган. Бўлис бошлиғи халқнинг ҳаққоний, тўғри талабини рад этгандан сўнг аҳоли ўз газабини жиловлай олмай қолган. Ўртада кўтарилган тортишув, жанжал Сарибий бўлиси бошлиғи Садық Баяков ва учта оқсоқоллик бошлиқларининг ўлдирилиши билан якунланган.³

Бундан галаённинг қандай шиддатли тус олганини тасаввур қилиш қийин эмас. Сўнгра кўзғолончилар ўз талабларини Амударё бўлими бошлиғига айтиш учун Тўртқўлга қараб йўл олганлар. Бўлим бошлиғи бўлса улар арз-додини тинглаб ўтирмай, кўзғолончиларни ҳарбий куч ёрдамида тарқатиб юборган. Бу кўзғолонда ўзбек қизи Тўти Оразбейгамова жуда катта роль ўйнаган. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Тўти Оразбейгамова кўзғолонда қатнашган пайтда ҳомиладор эди. У кўзғолоннинг айбдорларидан бири сифатида рус маъмурияти томонидан қамоққа олинган. У Петроалександровск қамоқхонасида қиз туққан.⁴

¹ Ўша жойда.

² ЎзРМДА. 907-жамғарма, 1-рўйхат, 527-иш, 82-варақ.

³ ЎзРМДА И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 13230-иш, 10-11-варақ; 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1119-иш, 83-варақ; 1223-иш, 28-варақ.

⁴ А.Тореев. Революционное и национально-освободительное движение в Каракалпакии. (В начале XX века-накануне октября 1917 года). Дисс. на соис. уч.степ.канд.ист.наук. -Т.: 1965.- С.109.

Ўша куни Шўрохон участкасида ҳам мардикорликка қарши ҳаракатлар бўлган. 1916 йил 29 июлда Тўрткўл бўлиси, Сахтиан, Янги ер, Тўрткўл овуллари аҳолиси ўзларининг мардикорликка бормаслик ҳақидаги талабларини вакиллар орқали айтиб юборганлар. Бўлис бошлиғи бўлса, табиийки, уларнинг талабини рад этган. Ундан ташқари фармон ва кўрсатмаларни бекор қилиш унинг ваколатлари доирасига мутлақо кирмасди. У талабларни қабул қилган тақдирда ҳам уни бажаришга ожиз эди. Талаблари амалга ошмагандан ғазабланган кўзғолончилар бўлис бошлиғининг идорасини ағдар-тўнтар қилганлар. Тез орада етиб келган ҳарбийлар уларни тарқатиб юборган. Бундай ҳаракатлар Мингбулоқ, Томди, Бийбозор бўлисларида ҳам юз берган.

Амударё бўлими шимолида кўзғолонни биринчилар қаторида Чимбой жабҳаси Бешёб бўлиси аҳолиси бошлаб берган. 1916 йил 27 июлда уларга Эшим бўлиси биринчи ва иккинчи овуллари, ундан сўнг Жанабазар ва Нукус бўлислари аҳолиси қўшилган.¹

Шундан сўнг Чимбойда ҳам ғалаёнлар бошланган. Унинг тафсилотини Самарқанд прокурорининг Самарқанд округ суди округ прокурорига йўллаган 1916 йил 9 октябрдаги 581-сонли маълумотномасидан билиб олишимиз мумкин:² «28 июль куни Чимбой бўлими пристави Микельджанянц (исми архивда кўрсатилмаган. -Я.А.) ўз ҳузурига бўлис бошқарувчиларини чақирган ва ҳаракатдаги армиянинг орқа қисмига ишчиларни юбориш бўйича топшириқлар берган. Шу куннинг ўзида айрим бўлис бошлиқлари уйларига қайтиб кетганлар.³ Эртасига, 29 июль, соат 12 ларда приставнинг уйига (У ўз уйини ишхона қилиб қўйган эди. -Я.А.) таёқ кўтариб олган бир неча юз маҳаллий аёллар келиб, таржимон орқали приставга илтимослари борлигини айтганлар.

Бу пайтда чой ичиб ўтирган пристав таржимони орқали «илтимоси бўлса ораларидан вакил танлаб юборишсин», деб ўзи ташқарига чиқмаган. Бундан яна ҳам ғазабланган одамлар «ур, ўлдири приставни!», — деган ҳайқириқлар билан уйга бостириб кириб, уни

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. 425-426-бетлар; А.Төреев. Қарақалпақстанда 1916-жылғы халық көтерилиси. —Некис.: Қарақалпақстан. 1967. 40-бет.

² ЎзРМДА. 131-жамғарма, 1-рўйхат, 4085-иш, 7, 7-о, 8-варақлар; И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 13230-иш, 10-11-варақлар; 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1128-иш, 131-варақ; 1137 -иш, 230-варақ; 1197- иш, 1-о-варақ; 1199-иш, 100-варақ; 1223 -иш, 7-7-о-варақлар.

³ ЎзРМДА. 131-жамғарма, 1-рўйхат, 4085-иш, 7-варақ.

ағдар-тўнтар қила бошлашган. Ғалаёнчилар эшик, ойналарни синдириб, деворда осиглиқ турган император ва шаҳзоданинг расмларини йиртиб, ёқиб юборган.

Микельджанянц ғалаён қатнашчиси Алламурад Бекниязовга қарата икки марта ўқ узиб, уни ўлдириб қочган. Одамлар унинг кетидан қувиб етган. Натижада пристав ва унинг хотини қўзғолончилар томонидан ўлдирилган.¹ Бу ҳодиса иштирокчиларининг кўпчилиги жазодан кўрқиб Амударё тўқайзорлари ва чўлларга кетиб қолишган. Қўзғолон қатнашчиларидан 103 киши, шу жумладан 18 нафар хотин-қиз қамоққа олинган.²

Пристав Микельджанянц уйи эшиги олдига илтимос билан келган аҳоли вакиллари билан гаплашишни ўзига эп кўрмагани, ўз зиммасига юкланган вазифани адо этиш ўрнига халқ оммасини назар-писанд қилмаганлиги, қотиллик қилгани хотинининг ҳам ўлимига сабабчи бўлган.

Туркистон ўлкаси, хусусан Амударё бўлимининг барча жойларида юз бераётган хотин-қизлар қўзғолонлари ҳақидаги хабар Россия империяси раҳбариятини ларзага солган. Буни Россия Ички ишлар вазирига — Петроградга юборилиб турган бир қатор телеграммалардан ҳам билиш мумкин.³

Маҳаллий архив ҳужжатлари ҳам бу ҳолатни тасдиқлайди. Чимбой приставининг ўлими ҳақидаги хабар Туркистон генерал-

¹ ЎзРМДА. 131-жамғарма, 1-рўйхат, 4085-иш, 7, 7-о, 8-9, 9-о varaқлар; И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 13230-иш, 10-11-varaқлар; 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1128-иш, 131-varaқ; 1137 -иш, 230-varaқ; 1197- иш, 1-о-varaқ; 1199-иш, 100-varaқ; 1223 -иш, 7-7-о-varaқлар.

² ЎзРМДА. 131-жамғарма, 1-рўйхат, 4085-иш, 7-о-varaқ.

³ Россия Марказий Давлат архиви. 102-жамғарма. Ички ишлар вазирилиги полицияси департаменти. 125-рўйхат, 130-иш, 1-бўлим, 2-жилд, 81, 91-varaқлар; 130-иш, 1-бўлим, 3-жилд (2), 179-varaқ. Шуни айтиб ўтиш зарурки, Россия Марказий Давлат архиви ҳужжатларида ва «Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане»нинг 299-бетида Чимбойдаги хотин-қизлар қўзғолони 24 июлда булган. Сарибийдаги қўзғолон эса 29 июлда бўлиб ўтган, деб кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ҳужжатларида, яъни И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 13230-иш, 10-11-varaқларида Чимбойда 24 июлда, Сарибийда 28 июлда, 131-жамғарманинг 1-рўйхати, 4085-иш, 7, 7-о, 8-varaқларида битилган расмий хабарда ва ҳоказо ҳужжатларда Чимбойда 29 июлда қўзғолон бўлиб ўтган, дейилган.

Ушбу юқорида кўрсатилган Россия ва Ўзбекистондаги архив ҳужжатлари ўрганилди. Телеграммалар, уларнинг рақамлари ва саналарини, уларнинг кетма-кетлигини аниқлаб, тақлил қилинди ва қуйидаги хулосага келинди: Чимбой ва Сарибий приставлари ўлдирилишигача етиб борган ушбу қўзғолонлар Чимбойда ҳам, Сарибийда ҳам 29 июлда булиб ўтган. -Я.А.

губернаторлиги раҳбариятини нақадар ларзага солганлигини (таъкид бизники -Я.А.) қуйидаги маълумотлардан ҳам билиш мумкин. Масалан: 1916 йил 13, 31, август; 6, 27, 29 сентябрь; 10, 17, 28 октябрь; 23 декабрь; 1917 йил 3 январь ва 3 февралдаги Туркистон ҳарбий округининг Самарқанд округ суди, Самарқанд шаҳар, Бухоро бўлими, Чоржўй бўлими прокурорларининг, Амударё бўлими бошлиқлари – полковниклар В.П.Колосовский ва Завитневичлар бир-бирларига йўллаган хатлари мазмуни Чимбой воқеаси уларни ларзага солганлигидан далолат беради.¹

Амударё бўлими бошлиғи полковник В.П.Колосовскийнинг Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига 1916 йил 6 августда жўнатган 718- рақамли хатидан бўлаётган воқеалардан унинг қанчалик «изтиробга» тушганлигини билиш мумкин. В.П.Колосовский хатда: «... Чимбой ва Сарибий кўзғолонлари айбдорларини тергов қилиш ва жазолаш учун ҳарбий суд белгилашингизни сўрайман...», – деб ёзади.² Кўзғолончиларни тергов қилиш ва жазолаш, «тартиб-интизомни» кучайтириш мақсадида В.П.Колосовский ўрнига Амударё бўлими бошлиғи лавозимига полковник Завитневич тайинланган. Унинг ҳам Самарқанд округ суди прокурорига йўллаган 31 августдаги маълумотномасида шундай фикр илгари сурилган: «... мендан олдинги бошлиқ вилоят ҳарбий губернаторига маълум қилган ва воқеа айбдорларини ҳарбий судга топширишни сўраган».³

Бу кўзғолонларда, юқорида қайд этилганидек, Чимбой пристави Микельджаняц ҳамда Сарибий пристави Садық Баяков ва бошқа бир неча оқсоқоллик бошлиқлари ўлдирилган. Архив ҳужжатларида С.Баяков ўлдирилганлиги ҳақидаги хабар жуда кам учрайди. Улар, бизнинг назаримизда, фақат маълумот учунгина берилган. Пристав Микельджаняц ва унинг хотинининг ўлдирилганлиги ҳақидаги хабар эса Садық Баяков ҳақидаги маълумотга қараганда бир неча ўн баробар кўп учрайди. Кўзғолон давомида бева қолган аёллар, етим қолган болалар, қамоққа олинган хотин-қизларга раҳм-шафқат қилинмаган. Минглаб маҳаллий аҳолининг ўлими, азоб-уқубатлари мустамлакачиларни ўзларининг бир одамига етказилган зарарчалик ташвишга солмаган. Кўзғолон бешафқат бостирилган.

¹ ЎзРМДА. 131-жамғарма, 1-рўйхат, 4085-иш. 6, 7, 9, 10, 11, 12, 13, 13-о.-варақлар; И-461-жамғарма, 1-рўйхат, 1886-иш. 565, 565-о.-варақлар.

² ЎзРМДА. И-461-жамғарма, 1-рўйхат, 1886-иш, 565, 565-о.-варақлар.

³ ЎзРМДА. 131-жамғарма, 1-рўйхат, 4085-иш. 9, 9-о.-варақлар.

Чимбой бўлимнинг Даўқара бўлислигида сентябрь ойида фронт-орти ишларига ишчи беришдан бош тортиб, маҳаллий маъмуриятга кўп талофат етказган кўзғолончилар Қизилқум чўлларига қочиб кетишган.¹

Бундай кўзғолонлар Амударё бўлимнинг бошқа жойларида ҳам юз берган ва 1917 йил бошларига қадар давом этган.

Кўзғолонлар самараси ўлароқ, подшо Россияси маъмурияти мардикорликка юбориладиганларнинг умумий сонини ва жўнатиш муддатини ўзгартиришга мажбур бўлган. Ишчиларни мардикорликка олиш ҳосил йиғиб бўлгунга қадар — 15 сентябргача қолдирилган.²

Бундан ташқари Туркистон генерал-губернаторининг 220- буйруғи ва унга илова этилган кўрсатмаларига биноан «айрим табақадаги ерли аҳоли, яъни майда амалдорлар, имомлар, муллалар, мударрислар, ҳисобчилар, давлат ва шахсий ўқув юртларида ўқиётган, дворян ҳуқуқига эга ёки аждодий ҳурматли бўлган кишилар мардикорликдан озод этилганлиги»³ айтиб ўтилган. Ушбу буйруқ тўғридан-тўғри маҳаллий халқни хўрлашга, аҳолини табақалаштиришга қаратилганлиги ҳеч қандай изоҳ талаб қилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Чимбой кўзғолони бўйича 103 одам, улардан 18 нафари аёллар,⁴ Сарибий кўзғолони натижасида эса 43 одам қамоққа олинган. Сўнги рақам бўйича манба ва адабиётларда турлича қарашлар мавжуд.

Баъзи адабиётларда Сарибий кўзғолони бостирилгандан кейин унинг қатнашчиларидан 28 одам қамоққа олинган, дейилган.⁵ Бироқ, архив ҳужжатлари, бу хусусдаги телеграммалар рақам ва саналар таҳлили бошқача ҳолатдан далолат беради: Сирдарё ҳарбий губернатори генерал-лейтенант А.С.Галкиннинг Туркистон генерал-губернаторига юборган 1916 йил 1 августдаги 575-рақамли теле-

¹ Россия Марказий Давлат архиви, 102-жамғарма, Ички ишлар вазирлиги полицияси департаменти. 125-руйхат, 130-иш, 1-бўлим, 3-жилд. (2), 179-варақ.

² ЎзРМДА. И-1 жамғарма, 1-руйхат, 13187-иш, 45-варақ.

³ ЎзРМДА. И-1-жамғарма, 1-руйхат, 13187-иш. 147-о-148 варақлар.

⁴ ЎзРМДА. 131-жамғарма, 1-руйхат, 4085-иш. 7-о-варақ; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. 426-бет.

⁵ Айрим китобларда, масалан А.Төреевнинг «Қарақалпақстанда 1916 жылғы халық көтерілиси», 53-бетида, Чимбой ва Сарибий кўзғолонлари бўйича ҳаммаси бўлиб 139 одам, «Борьба трудящихся Каракалпакки против социального и колониального гнета» 127-бетида, жуда кўп одамлар қамалган ёки умуман, Сарибий кўзғолони бўйича 28 одам қамалган, деган фикрлар айтилган. Аммо архив ҳужжатлари таҳлили, ундан ҳам кўпроқ одам қамалганлигини кўрсатади. —Я.А.

граммасида «10 одам», 4 августдаги 532-рақамли телеграммасида Сарибий кўзғолони бўйича «яна 14 одам», 8 августдаги 553-рақамли телеграммасида «3 одам», 11 августдаги 558-рақамли телеграммага қўшимча «яна 3 одам», 14 августдаги 409-рақамли телеграммасида «558-рақамли телеграммага қўшимча «яна 10 одам» шу санада юборилганлиги айтилган, ammo 592-рақам билан ҳисобга олинган, «яна 3 одам»¹ деб кўрсатилган телеграммалардаги «яна», «қўшимча» сўзларини ҳамда 558-рақамли телеграмманинг ўзини архивда топилмаганлигини ҳисобга олсак, бу воқеа бўйича қамалганларнинг сони 28 эмас, юқорида биз ҳисоблаб, кўрсатганимиздек, 43 кишидан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин.

Туркистон генерал-губернатори, Сирдарё ҳарбий губернатори, хусусан, Амударё бўлими бошлиқлари юқорида қайд этилганидек, кўзғолончиларга нисбатан оғир жазо қўллашни талаб қилганлар.

Натижада қамоққа олинган озодлик ҳаракати иштирокчилари Туркистон ҳарбий округ суди ҳарбий прокурори томонидан қаттиқ назоратда тутилган ва Самарқанд округ суди, Скобелев округ суди прокурорлари томонидан судланиб, оғир жазога лойиқ, деб топилганлар.

Туркистон ҳарбий округ суди ҳарбий прокурори номидан Самарқанд округ суди ҳарбий прокурори генерал-майор Дьяков ва ҳарбий прокурор ёрдамчиси, прапоршик Критский ва Самарқанд округ суди прокурори муовини Барковскийларнинг Туркистон ҳарбий округи армия бошқарувчисига 1917 йил 23 январда ёзган 741-рақамли (Тошкент шаҳри) рапортида жумладан шундай дейилган:² «Чимбой қишлоғидаги туземликларнинг кўзғолони бўйича қўшимча равишда (кўзғолончилар қамоққа олингандан 6 ой ўтгач- Я.А.) куйидагиларни баён этишни лозим топдик:

... 2-банд. Кўзғолончилар орасида вояга етмаган иккита қиз Базарь Джуманова ва Хальбике Даумовалар борлиги», ҳибсга олинганларни сўроқ қилиш ва жазолаш жараёнида уларнинг ёшлиги, ўз ақли билан ёхуд ақли етмай кўзғолонда қатнашганлигини аниқлаш ва бунга ўзгартириш киритиш керак ёки керак эмаслиги ҳақида сўралади.

Кейинги бандида эса кўзғолон иштирокчиларидан Салима Мулла Шелимова, Гуль Зада Танирбергенава, Айгуль Мамбетова, Махшим Авезов, Нуръ Бике Накерекетова, Алланазар Баимбетов, Иль-

¹ ЎзРМДА. И-1-жамғарма, 31-рўйхат, 1137-иш, 130, 136, 140, 140-о, 142, 172, 178, 185, 187-варақлар.

² ЎзРМДА. 131-жамғарма, 1-рўйхат, 4085-иш, 13-варақ.

мурат Исчанов, Исенмурат Сағатбаев, Умьсун Ашкаева, Базарь Джуманова, Бекназар Исназаров, Исбасар Ишимов, Қаржау Иримбетов., Раучана Арзиева, Нуруша Парманова, Алимбет Шаназаров ва Джуман Мамбетқуловларни фаоллар ва айбдорлар сифатида қамоққа олиш топширилган. Қўзғолончиларни сўроқ қилиш ҳақидаги ҳужжатлар 453 бет, 3 жилддан ҳамда жами 9 та варақдан иборат хатларни ўз ичига олган.¹

Қўзғолонда Латипа Ахмедова, Жумагул, Сағыпжамал, Арзыгул, Гулбийби, Сарыгул, Хатиша, Ханша, Разия, Жибек, Шазада, Сарықыз, Генжебийке, Қарақиз, Назиралар ҳам қатнашганлар.²

Туркистондаги 1916 йилги қўзғолон, хусусан Амударё бўлимидаги қўзғолон юзасидан Давлат Думасининг ёпиқ мажлисида қуйидагича иддаолар юритилган: «Ижтимоий ҳаётда қатнашмайдиган т у з е м а ё л л а р и (таъкид бизники.-Я.А.) эрлари, болаларидан айрилиш хавфи туғилгач, фақат гуруҳ-гуруҳ бўлиб масжидларгагина йиғилмай, балки курашга чиққан оломоннинг биринчи қаторида туриб фарёд қилиши.

Бу ҳолат мардикорлик эълон қилинган вақт билан мусулмонларнинг рўза тутиш ойига тўғри келди. Мусулмонлар бу вақтда овқат еб-ичмаганликлари боис жуда инжиқ бўлишади. Шу сабаб улар бундай пайтларда ҳатто ўзлари бир-бирлари билан уришиб турадилар»³ каби фикрлар билан маҳаллий аҳолининг халқ, миллат озодлиги учун жон фидо қилиб олиб борган курашлари мазмун-моҳиятини хас-пўшлаш ва бузиб кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

1916 йил декабрида бўлиб ўтган Давлат Думаси тўртинчи чақириқ, бешинчи сессиясининг 13 декабрдаги 16 мажлисида маҳаллий ҳисоботлардан мисол келтирилган: «... Я р и м ё в в о й и к ў ч м а н ч и л а р (таъкид бизники.-Я.А.) Россиядек буюк империяга, катта иттифоққа онгли равишда хиёнат қилишни ўйлаганлар ...».⁴ «Онгли равишда» деган сўзни ишлатиш билан улар ўзлари сезмаган ҳолда миллат онги юксалаётганлигини тан олганлар.

¹ ЎзРМДА. 131-жамғарма, 1-рўйхат, 4085-иш, 13-13-о варақ. Ушбу архив ҳужжатларида ҳарбий прокурорларнинг фамилиялари келтирилган ҳолос. Исми, шарифлари ёзилмаган. -Я.А.

² Бу маълумотлар А.Төреев «Қарақалпақстанда 1916-жылғы халық көтери-лиси» номи рисоласида берилган. Аммо биз бу фамилия ва исмларни бошқа бирон-бир рисола, китоб ёки архив ҳужжатларида учратмадик.-Я.А.

³ ЎзРМДА. 131-жамғарма, 1-рўйхат, 4085-иш, 13, 13-о-варақлар.

⁴ ЎзРМДА. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1100-иш, 155, 155-о, 253, 267-варақлар; Стенографический отчет Государственной Думы четвертого созыва, пятая сессия. Заседание шестнадцатое. 13 декабря 1916 года.

1917 йил февралда Россияда император Николай II ҳокимати ағдарилиб, ҳокимият буржуа-демократик кучлар қўлига ўтган.

Муваққат ҳукумат олиб борган сиёсат подшо империясиникидан анча фарқ қилган. Қабул қилинган фармон, қарор, кўрсатмаларни подшо Россияси чиқарган ҳужжатлар билан таққослаганда улар халқ манфаатини кўзлаганлигини ва Амударё бўлими халқи, хусусан, хотин-қизлари ҳаётида ижобий роль ўйнаганини кўришимиз мумкин. Шу сабабли ҳам айрим янги архив ҳужжатлари матни-ни тўлиқ келтиришни лозим топдик.

Ҳукуматнинг «Сиёсий авф тўғрисида»ги Фармонида ёзилишича, «... 1916 йил 25 июнь Фармони бўйича рус бўлмаган эркак аҳолини фронторти ишларига олиш тўхтатилсин ҳамда шу муносабат билан фуқаролик ва ҳарбий судлар томонидан олиб борилган фуқаролик ва жинойий ишлар тўхтатилсин... Тезлик билан қамоқдаги барча сиёсий маҳбуслар озод этилсин...»¹ дейилган.

Амударё бўлими қамоқхоналари турли «сабаб» ва баҳоналар билан қамалган, ўзларини сургунга, марказий қамоқхоналарга юборилишларини кутиб ётган кишилар билан тўлиб кетган эди. Ушбу Фармондан сўнг 1917 йил 3 мартда адлия вазири, Давлат Думаси аъзоси А. Керенский прокурорлар палаталари ва округ судлари прокурорлари номига йўллаган телеграммасида «... сиёсий, диний жиноятлар юзасидан барча тоифалар бўйича қамалганлар ва қамалиш жараёнидаги ишлар тўхтатилсин, сиёсий маҳбуслар озод этилсин...»² деган кўрсатма берган.

4 мартда Самарқанд округ суди³ прокурори Гловацкий (исми ёзилмаган.-Я.А.) Петроалександровскага, 2-участка Мировой судьяси ва қамоқхона бошлиғига Чимбой ва Сарибий бўлисларидаги тартибсизликлар бўйича ва диний-сиёсий жиноятлар бўйича қамоққа олинган барча маҳбуслар зудлик билан озод этилиши лозимлиги ҳақида 550-рақамли телеграмма юборган.⁴

Лекин орадан 3 кун ўтгач, 7 мартда унинг ўзи Петроалександровск қамоқхонаси бошлиғига «Прокурор Палатасининг кўрсатма-

¹ ЎзРМДА. И-130-жамғарма, 1-рўйхат, 810-«Ба»-иш, 5, 6, 7-варақлар.

² ЎзРМДА. И-131-жамғарма, 2-рўйхат, 22-иш, 5, 5-о-варақлар.

³ Самарқанд округ суди ваколати доирасига бир қанча уездлар билан бир қаторда Амударё бўлими ҳам кирган. Қаранг: ЎзРМДА. И-130-жамғарма, 1-рўйхатнинг 1-варағи; 131-жамғарма, 2-рўйхат, 22-иш, 10-варақ; 129-жамғарма, 1-рўйхат, 174-иш, 5-6-варақлар;

⁴ ЎзРМДА. И-131-жамғарма, 2-рўйхат, 22-иш, 10-варақ.

сига биноан Сарибий иши бўйича қамалганлар озод қилинмайди», деган мазмунда хабар юборган.¹

Ўша куни Петроалександровск қамоқхонаси бошлиғи Мальцевдан (исми ёзилмаган.-Я.А.) Самарқанд округ судига «Сарибийликларни озод қилишга Прокурор Палатаси рози бўлмапти» мазмунидаги телеграмма келади.²

Ушбу ҳужжатларга асослансак, айрим прокурорлар қайсарлик қилиб, эски монархик тузум манфаатларини кўзлаб, янги ҳукумат фармониغا бўйсунмасликка уришиб кўрганликларини кўриш мумкин. Ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилганлари учун ноҳақ ҳибсга олинган кўзғолончиларнинг жазо ўташ жойидан озод этилиши монархист прокурорларнинг ғашини келтирган.

Петрограддан «барча сиёсий махбуслар озод этилсин» деган мазмундаги қўшимча телеграмма³ келгандан кейингина, 9 мартда суд прокурори Гловацкий Петроалександровск қамоқхонаси бошлиғига куйидаги мазмунда махсус телеграмма юборган: «Сарибий иши бўйича қамалганлар зудлик билан озод этилсин. Бунинг бажарилганлиги ҳақида менга хабар беринг».⁴

11 мартда Петроалександровск қамоқхонаси бошлиғи Мальцев Самарқанд округ прокурорига «Кечаги телеграммдан кейин охириги сарибийлик ҳам қамоқдан озод қилинди» деган мазмундаги телеграммани жўнатган.⁵ Демак, ушбу ҳужжатга асосланганидан бўлсак, Петроалександровск қамоқхонасидан охириги кўзғолончи 1917 йил 11 мартда озод этилган.

Бошқа қамоқхоналарга қамалган махбуслар тақдири ҳам шунга ўхшаш бўлиб, фақат вақт жиҳатидангина фарқ қилган. 1917 йил 7 мартда Самарқанд округ суди прокурори Петроалександровск приставига «Чимбой пристави Микельджанянцни ўлдирганликда айбланиб, қамоқда сақланаётган Атамурат Нурбаевнинг расмий рафиқаси (аёлнинг исми телеграммада ёзилмаган.-Я.А.) адлия вазирининг циркуляр телеграммасидан кейин озод этилди. Уйига борганлиги ҳақида менга хабар беринглр» мазмунида 842-рақамли телеграмма юборган. Бу хабар орадан анча вақт ўтгандан кейин, яъни 23 мартда Петроалександровск приставига етиб келади. 24 март куни эса Пет-

¹ ЎзРМДА. И-131-жамғарма, 2-рўйхат, 22-иш, 33-варақ.

² ЎзРМДА. И-131-жамғарма, 2-рўйхат, 22-иш, 32-варақ.

³ ЎзРМДА. И-130-жамғарма, 1-рўйхат, 810 «Б»-иш, 5, 6-варақлар.

⁴ ЎзРМДА. И-131-жамғарма, 2-рўйхат, 22-иш, 43-варақ.

⁵ ЎзРМДА. И-131-жамғарма, 2-рўйхат, 22-иш, 44-варақ.

роалександровск пристави Чимбой уезди приставига шу хусусда жавоб жўнатган.¹

Чимбой овул оқсоқоли Бекман Курбонов Атамурат Нурбаевнинг рафиқаси (у ҳам аёлнинг исмини кўрсатмаган- Я.А.) уйига етиб келганлигини Чимбой приставига, Чимбой пристави Петроалександровск приставига, у эса ўз навбатида Самарқанд округ судига хабар берган. Бу охириги хабар 1917 йил 17 июнига тааллуқли эди.²

Шундан кейин Янгибозор бўлислигидан қорақалпоқ Халман Палымовнинг рафиқаси Зубайдобике Халқназарова, Петроалександровскдан Кадиче Хасенова ва бошқалар ҳам озод этилган.³

Шундай қилиб, Муваққат ҳукуматнинг «Сиёсий авф тўғрисида»ги фармони Россия империяси мустамлакачилик сиёсатига қарши курашларда фаол иштирок этганликлари учун қамоқларда сақланиб, жазоланаётган Амударё бўлими аёлларининг озодликка чиқишларига сабаб бўлди.

Хотин-қизларнинг миллий-озодлик, фаровон ҳаёт йўлида жонларини фидо қилиб бўлса ҳам фаол ҳаракат қилишлари, бир томондан, уларнинг сиёсий онги анча ўсганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, уларнинг ҳуқуқий аҳволини ҳам ифодалаган.

Шу билан бир қаторда, хулоса тариқасида шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ўлкада чоризм маъмурияти амалга оширган мустамлакачилик сиёсати Туркистон халқига, хусусан Амударё бўлими аҳолисига нисбатан мутлақо адолатсиз эди. Бунини биз мустамлакачилар ўзлари ишлаб чиққан қонун ва Низомларга биринчи навбатда ўзлари бўйсунмаганликлари, ўлкани пала-партиш бошқарганликлари, қонун ва Низомлар фақат хўжакўрсин учун қабул қилинганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

Подшо Россиясининг «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»ида «Туркистон ўлкасининг кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси ҳақиқий ҳарбий хизматдан озод этилади. Ҳукуматнинг ҳисоблашича, туземликларга ҳарбий қуролдан фойдаланишни ёки ботирликни ўргатиш шарт эмас»,⁴ қабилидаги маҳаллий халқни ҳақоратловчи, менсимайдиган, туб аҳоли қўлига қуролни ишониб топширишдан қўрқиш ҳисси билан ёзилган қоида бор эди. Лекин баъзи маълумотларга кўра, 1916 йил 24 октябрда 1898 йил туғилган ёш йигитларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш тўғрисида Россия

¹ ЎзРМДА. И-131-жамғарма, 2-рўйхат, 19-иш, 304, 305-варақлар.

² ЎзРМДА. И-131-жамғарма, 2-рўйхат, 19-иш, 305, 305-о.-варақлар.

³ ЎзРМДА. И-131-жамғарма, 2-рўйхат, 19-иш, 232, 504, 505-варақлар.

⁴ ЎзРМДА. 1-жамғарма, 25-рўйхат, 24-иш, 61-варақлар.

подшосининг фармони эълон қилинган.¹ Император ҳокимиятининг тугатилиши, унинг ўрнига Муваққат ҳукуматнинг келиши билан мустамлака тузуми амалда ўз моҳиятини ўзгартирмаган, халқ бойлигини талон-тарож қилиш давом этаверган.

Муваққат ҳукумат сиёсий авф ҳақидаги фармонни, биринчидан, маҳаллий аҳолига ачинганлигидан эмас, балки омма орасида ўз мавқеини сақлаш, халқни итбатда тутиб туриш мақсадида қабул қилган бўлса-да, иккинчидан, ҳар ҳолда февраль инқилоби қайсидир даражада ижтимоий-сиёсий ҳаётда подшо ҳокимиятидан кўра ижобий роль ўйнаши лозим эди. Аммо Туркистон масаласида Муваққат ҳукумат сиёсатида кескин ўзгариш рўй бермаган. Чунки бу ҳукумат ҳам Россия империяси таркибига кирган мустамлакалардан воз кечишни ҳаёлига ҳам келтирмаган. Буюк давлатчилик шовинизми ғоялари билан заҳарланган янги ҳукумат бой хомашё манбаи бўлган ўлкаларни осонликча қўлдан беролмасди.

Шундай қилиб, Амударё бўлимининг барча аҳоли яшайдиган жойларида подшо фармонига қарши кўзғолонлар 1916 йил июль ойининг иккинчи ярмидан кўтарилиб, 1917 йил бошларига қадар давом этган.²

Хотин-қизлар фаол иштирок этган ғалаён ва кўзғолонлар асосан июль ойида бўлиб ўтган. Унинг марказлари Амударё бўлими шимолида Чимбой, жанубида Сарибий, Шўрохон бўлисликлари бўлган. Кўзғолон туфайли мардикорликка аввал режалаштирилган миқдордаги 5348 одамнинг 60 фоиздан кўпроғи, ўтроқ аҳолидан 1802, кўчманчи аҳолидан 1313 нафар одам, ҳаммаси бўлиб 3115³ киши жўнатилган холос. Қолганларини эса 1917 йил март ойидан кейин юбориш мўлжалланган.⁴

Кўзғолоннинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучлари хотин-қизлар бўлган. Бу кўзғолон Туркистон ўлкасининг бошқа жойларидаги кўзғолонларидан бирмунча фарқ қилган, хусусан, кўзғолончилар бу ерда рус маъмурлари ва уларнинг маҳаллий ёрдамчиларини ўлдириш даражасигача етиб борганлар. Кўзғолон мағлубиятга учраган бўлса-да, ўлкадаги бу ғалаёнлар Россия подшоси, унинг ўлка-

¹ История Каракалпакской АССР. Т. 1. —Т.: Фан. 1974. —С.273; Биз архив ҳужжатлари ва манбалардан ушбу фармон матнини топа олмадик.—Я.А.

² ЎзРМДА. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1134-иш, 18, 260-варақлар.

³ А.Төреев «Қарақалпақстанда 1916-жылғы халық көтерилиси» номли рисо-ласининг 54-бетига 3112 нафар одам мардикорликка жўнатилган деб, кўрсатган.—Я.А.

⁴ ЎзРМДА. И-17-жамғарма. 1-рўйхат, 13230-иш, 3-варақ; 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1222-иш, 30-варақ.

даги маъмурларини жиддий ўйлашга, қайта янги фармонлар қабул қилишга мажбур этган.

Қорақалпоғистон хотин-қизлари фаол иштирок этган бу кўзғолон етук сиёсий чиқиш, сиёсий ҳаракат даражасига кўтарила олмади. Чунки бунга тўсқинлик қилувчи объектив ва субъектив сабаблар ҳам бўлган. Булар Хива хонлиги зулмидан кейинги Амударё бўлимидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол даражаси, Россия империясининг Биринчи жаҳон урушидаги фаол иштироки, босиб олинган Туркистон ўлкаси, хусусан, Амударё бўлимининг моддий ва табиий бойликларини ўзлаштириш, мустамлака ҳисобига бойлик орттириш кабилар билан боғлиқ эди.

Россия империяси босқинидан кейин халқнинг оғир аҳволини яхшилаш борасида бирон-бир ижобий ишлар қилинмаганлиги, чоризм маъмурлари томонидан адолатсизликларга йўл қўйилгани, солиқлар миқдорининг оширилганлиги, Амударё бўлими бошлиқлари ва приставларининг хотин-қизларга нисбатан зўравонликлари, қизларни зўрлик билан олиб кетиш ҳоллари, хотин-қизлар ҳуқуқсизлиги ва ҳоказолар мустамлакачиликка қарши миллий-озодлик кўзғолонининг келиб чиқишига сабаб бўлган. Маъмуриятнинг ҳарбийлаштирилган зулмкор сиёсати маҳаллий аҳолининг қуролсизлиги ва сиёсий ташкилотлари мавжуд эмаслиги, стихиялилиги каби бир қатор омиллар хотин-қизлар кўзғолонининг жамиятда туб сиёсий ўзгаришлар қилиш даражасигача ўсиб етиши учун имкон бермаган.

Аммо бу билан хотин-қизларнинг миллий озодлик учун бўлган ҳаракатлари тўхтаб қолмади. Кўзғолон Қорақалпоғистондаги хотин-қизлар ҳаракатининг ўсиб, ривожланишида, уларнинг мустамлака тузумига қарши олиб борилган кураш тарихида ўзига хос ёрқин саҳифалардан бири бўлиб қолди.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, аёллар бу курашнинг нафақат иштирокчиси, балки фаол ташкилотчиси, ҳаракатлантирувчи кучи бўлдилар. Мардикорлар сонининг камайтирилгани, жўнатиш муддатининг кечиктирилгани айнан хотин-қизлар курашининг маҳсулидир. Қорақалпоғистон аёлларининг ҳуқуқий онги, сиёсий саводхонлиги, ҳурлик ва истиқлолга интилиши ошганлиги ҳатто мустамлакачиларни ҳам шошириб қўйган. Шу боис комил ишонч билан айтиш мумкинки, хотин-қизларнинг миллий озодлик курашларидаги иштироки мустамлакачилар томонидан маҳаллий халқларга нисбатан зулм, хўрлашларнинг янги босқичга кўтарилиши олдини олган. Бу кўзғолон, шубҳасиз, Ўзбекистон мустақиллиги учун кечган курашлар тарихи зарварақларидан бири бўлиб қолади.

ИККИНЧИ БОБ.
СОВЕТ ТУЗУМИ ДАВРИДА
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АЁЛЛАРИНИНГ ҲАЁТИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР ВА МУАММОЛАР
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР
МАСАЛАСИДАГИ ҚАРАМА-ҚАРШИ СИЁСАТИ

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Европа давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли сиёсий, ижтимоий онгининг ўсиши Россиядаги мавжуд тузумни тубдан ислоҳ этиш лозимлигини тақозо қила бошлаган эди.

Худди шундай зарурат Россия империяси мустамлакаси Туркистонда ҳам сезила бошлаган. Жадидлар кенг миқёсли ўзгаришлар ташаббускори сифатида фаолият кўрсатганлар. Хусусан, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига ижобий баҳо бериб, уларни озодликка чиқариш йўлларини излаганлар. Улар хотин-қизларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида қабул қилмасдан ҳамда ёш авлод тарбиясини тўғри йўлга қўймай туриб, жамиятни ислоҳ қилиш мумкин эмаслигини англаб етганлар. Миллат тақдири аёллар ва оила ҳолатига боғлиқлиги¹ масаласи кун тартибига қўйилган.

XX аср бошларида Қорақалпоғистон халқи турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ўзгаришларни бошидан кечирмоқда эди.

Россиядаги 1917 йил Февраль инқилоби ва Октябрь тўнтаришидан кейин Муваққат ҳукумат, сўнг большевиклар партияси бошчилигидаги совет тузуми чор империяси даврида истило этилган мустамлака ҳудудлардан воз кечмади.

Коммунистик партия ва советлар бу борала «мақсад воситани оқлайди» тамойили асосида фаолият кўрсатганлар. 1917 йил декабрь ойининг биринчи ярмида Амударё бўлими ҳудудида Совет ҳокимияти ўрнатилди.

1918 йил апрелда Россия Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси ташкил этилди. Амударё бўлими эса унинг таркибига киритилди. 1920 йилга келиб Амударё бўлими шаклан Амударё областига айлантирилди. 1924 йил апрелда тузилган Қозоқ-Қорақалпоқ

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. –Т.: Шарқ. 2000. 375-бет; Бехбудий М. Ҳифзи сиҳати оила.// «Ойна». 1914. №48, 49, 50; Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. –Боку.: 1915.; Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: 1992.

автоном области Хоразм Халқ Совет Республикаси таркибига киритилган.

Шу йил октябрида Қозоғистон автоном Республикаси таркибида Қорақалпоғистон автоном области ташкил этилган бўлиб, у Россия Федерациясининг таркибий қисми ҳисобланди. 1930 йил 20 июлдан эътиборан Қорақалпоғистон автоном области бевосита Россия Федерацияси таркибига киритилган. 1932 йил ҚҚАССР тузилган. ҚҚАССР 1936 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР таркибига киритилган.¹

Совет ҳокимияти ўз олдига «аёлларнинг бутунлай янги авлодини, уларни фақат оилани ўйлайдиган шахслар эмас, балки кўпроқ жамият ижтимоий, сиёсий ҳаётида эркаклар билан тенг асосда фаол иштирок этишни истайдиган шахслар қилиб тарбиялашни асосий вазифа қилиб қўйди».²

Тадқиқот жараёнида совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг хотин-қизлар орасида олиб борган сиёсати қарама-қарши характерга эга эканлиги, ижобий ва салбий томонлари аниқланди.

Бир томондан, аёллар билан эркакларнинг тенглиги ғояси улар ҳаётида, иш фаолиятида, кундалик турмушида жамиятга нисбатан ижобий муносабат ва фикрларни юзага келтирди. Эркаклар томонидан ўтказилган зуғум ва ҳақоратларга қарамасдан, улар совет ҳокимияти изидан бориб, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида қатнаша бошладилар. Фақат хотин-қизларнинг ўзларига хос шижоат ва меҳнатсеварлик натижасида маълум даражада муваффақиятларга эришдилар.

Аммо, иккинчидан томондан, бу сиёсат улар ҳаётида салбий роль ўйнади. Совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда олиб борган сиёсати хотин-қизлар онгида нохуш из қолдирган, қарши ҳаракатларнинг авж олишига сабаб бўлган. Чунки совет тузуми ва коммунистик партия сиёсатида бирёқламалик, парокандалик мавжуд эди. Архив ҳужжатларидан маълумки, қабул қилинган қонун ва қарорлар бевосита ёки билвосита бири иккинчисини инкор этган ёхуд маълум қарорлар туфайли янги муаммо келиб чиққан.

Оқибатда бундай зиддиятлар маълум даражада социализм тузумининг инқирозга юз тутишига ҳам сабаб бўлган. Таҳлиллар ўз

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 74-бет.; С.Аъзамхўжаев. Туркистон мухторияти. –Т.: Маънавият. 2000. 159-бет.; С.Камалов. Қарақалпақлардын халқ болып қалиплесиуи ҳам онын мәмлекетлигинин тарийхынан. –Нөкис.: ӨзРИАҚКБ «Хабаршысы» журналы. 2001. 55-57, 58-64-бетлер.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 375-бет.

навбатида бу ҳолнинг объектив ва субъектив сабабларини гуруҳларга ажратиш, уларнинг диалектик қонун асосида ўзига хос ижобий ва салбий оқибатларга ҳам олиб келган таснифини яратишга имконият берди.

Объектив сабабларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, жамиятни бошқаришдаги социалистик тузумга хос маъмурий-буйруқбозлик сиёсати ҳамда коммунистик партия яккаҳокимлиги ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун аниқ мақсадга йўналтирилган бир қатор бошқарув механизмлари мажмуи яратилди. Одамларда танлаш имконияти йўқолди. Халқнинг онги, тафаккури махсус сиёсий «қолип»га солинди. Аҳоли, шу жумладан хотин-қизлар, болалар улар томонидан ташкил этилган тизимга бўйсундирилди. Сиёсий «қолип» қуйидагича кўринишида эди: Болалар боғчаларда (бола туғилганидан бир ойликдан бошлаб 6-7 ёшгача ҳафталик, суткалик, 6 ёки 7 соатлик) тарбияланган. 6-7 ёшдан бошлаб, мактабнинг бошланғич синфларида ленинча октябрят сафида, 10-11 ёшдан бошлаб «ҳамиша тайёр пионер» ташкилотида, 14-15 ёшдан бошлаб эса комсомолда бўлган. Кейинчалик партия сафига қабул қилиниши ёки советларга депутатликка сайланиши, жуда бўлмаганда оддий ишчи ёки колхозчи бўлиб партия назорати остида «ишлаш ва яшаш» назарда тутилган.

Иккинчидан, коммунистик (большевиклар) партия ва советлар олиб борган мудҳиш сиёсат ва бошқариш усул ва шакллари подшо империяси сиёсатидан унчалик фарқ қилмаган. Агар уни подшо Россияси ҳарбий маъмурияти олиб борган сиёсатга таққосласак, советларнинг бу соҳада анча «ўзиб» кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Аmmo совет даврида аёллар ўртасида олиб борилган ишлар анча жозибалаштирилган.

Учинчидан, большевиклар томонидан яратилган бошқарув «машинаси» «қизил террор»ни амалга ошириш мақсадида алоҳида махфий бошқарув органлари, жазо отрядлари ташкил этган. Ҳарбий ҳолатлар жорий этиб турилган. Жазо отрядларининг фаолияти натижасида бевосита аёллар ҳам жабр кўрган.

Тўртинчидан, қабул қилинган қарорлар, қонунларда атайин ноаниқликлар мавжуд бўлган, бу уларни амалиётга жорий этилишида табиий қийинчиликлар туғдирган, қарорларнинг

¹ Я.Абдуллаева. Мустабид совет тузumi инқирозининг айрим сабаблари ва унинг хотин-қизлар аҳолига таъсири (Қорақалпоғистон мисолида).// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2004. 1-сон. 42-45-бетлар.

ижросида мунтазамлилик ўрнига мавсумийлик усули кабилар қўлланилган.

Субъектив сабаблар:

Биринчидан, «кечага» — 1916 йил воқеалари хотин-қизлар хотирасидан кўтарилмаган, уларнинг эрлари, оталари, ака-ука, фарзандлари бўлмиш мардикорларнинг ҳаммаси ҳам юртига қайтиб келишмаган эди.

Иккинчидан, аёллар орасида олиб борилган ишларда йўл қўйилган камчиликлар ўз вақтида тузатилмади.

Уларнинг чуқур илдизини тушуниш учун мазмун-моҳиятига қараб, аниқ мақсад ва вазифаларни, шакл ва усулларни, мажмуавий механизмларни алоҳида кўрсатиб, шартли равишда қўйилаги ижобий ва салбий таснифга — классификацияга ажратишни лозим топдик.

Аёлларга нисбатан олиб борилган сиёсатнинг ижобий томонини қуйилагича тасниф этиш мумкин:

1. Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-тарбиявий соҳада: Конституция қабул қилинди ва унинг алоҳида моддалари хотин-қизларга бағишланди. Махсус декретлар чиқди, ташкилотлар, жамиятлар ташкил этилди, алоҳида қонун ва қоидалар ишлаб чиқилди; хотин-қизлар бўлимлари ташкил этилди, аёллар турмушини яхшилаш бўйича комиссиялар тузилди, хотин-қизларни озодликка чиқариш, фаоллаштириш ҳақида қарорлар қабул қилинди, аёлларнинг онгида ҳукмрон тузумга ва жамиятга нисбатан аниқ ижтимоий-сиёсий дунёқараш ва фикрлар пайдо бўлди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақида қонунлар қабул қилинди.

Болалар боғчалари ташкил этилиб, умумий таълим жорий қилинди. Олий ўқув юртларига биринчи навбатда камбағал ишчи-деҳқонларнинг болалари ва хотин-қизлари қабул қилинди.

2. Ижтимоий-техникавий соҳада: махсус тарғибот-ташвиқот пунктларида семинарлар ўтказилди. Қизил чойхоналар, тўғарақлар, очик судлар, деҳқон уйлари, «қизил ўтовлар», чорвадор аёл уйлари, «қизил бурчаклар», клублар, саводсизликни тугатиш мактаблари ташкил этилиши ва ҳоказолар натижасида аёллар кўпгина ҳаётий зарурий нарсаларни ўргандилар.

3. Иқтисодий соҳада: аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш ҳақида қонунлар қабул қилинди, махсус курсларда электромонтёр, механизатор ва бошқа мутахассислар тайёрланди, кўп болали аёлларга нафақалар берилди ва ҳоказо тадбирлар олиб борилди.

Коммунистик партия ва советларнинг олиб борган ишларидан асосий мақсад — юқоридаги мажмуавий механизм ёрдамида биринчидан, ҳукмрон синф — ишчи-деҳқон тарафдорларини тарбиялаш, иккинчидан, аёлларни ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш, учинчидан, уларни маърифий-сиёсий, ҳуқуқий томондан «қайта» тарбиялаш бўлган.

Аёлларга нисбатан олиб борилган сиёсатнинг салбий (оқибатлари) таснифини қуйидаги уч шаклда кўриш мумкин:

1. Ижтимоий-сиёсий, ғоявий соҳада: хотин-қизларни озодликка чиқаришни сунъий тезлаштириш оқибатида аёллар моддий ва маънавий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан жабр кўрдилар. Советларнинг бу сиёсатига қарши митинглар, кўзғолонлар олиб бордилар. Бунинг оқибатида уларнинг кўпчилиги қамоққа олинди, қатағон қилинди. Совет қонунларида эълон қилинган «озод аёллар ҳуқуқи» амалда топталди. Аёлларнинг ўзларида тузумга нисбатан салбий ижтимоий-сиёсий фикрлар пайдо бўлди.

2. Ҳуқуқий, маънавий-тарбиявий соҳада: оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларда аниқ муҳофаза моддалари кам эди. Эътиқод эркинлигига қарши жанговар атеизм сиёсати олиб борилди. Диний қадамжоларга нисбатан нафрат ҳисси уйғотилди. Миллий расм-русумлар ўрнига «советча» урф-одатлар жорий қилинди. Аёллар ва болалар оммавий қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинганди. Экологик инқироз натижасида аёллар ҳар хил касалликларга чалинди, болалар ва хотин-қизлар орасида ўлим сони кўпайди.

3. Иқтисодий соҳада: аёлларни муҳофаза қилиш ҳақида қонунлар қабул қилиш билан бир қаторда, оғир жисмоний меҳнатга жалб қилиш бўйича қўшимча, махсус қонун-қоидалар ишлаб чиқилганлигида, жисмоний оғир меҳнатда ишлашга рози бўлмаган аёлларни мажбурлаш, хўрлаш, ҳақоратлаш, ҳатто қамоққа олишларда кўринди. Бой хотин-қизлар ер ва мол-мулкларидан маҳрум этилган ва ҳоказо.

Коммунистик (большевиклар) партия ишчи, деҳқон ва аскар депутатлари номидан яккаҳоқимликни қўлга олгандан кейин, Россия империяси давридан фарқли ўлароқ, жамиятни бошқариш ташаббусини ўз қўлига олди. Ижтимоий тузумнинг барча жабҳаларида партия ва советлар номидан иш олиб боровчи махсус ташкилотлар пайдо бўлди. Хусусан, хотин-қизлар бўлими, «Кўшчи иттифоқи», комсомол, пионер, октябрят каби ташкилотлар ва

жамиятлар тузилди. Бу ташкилотлар қонунан мустақил бўлсалар-да, аслида партиянинг чизган чизигидан чиқмасдан, «партия давримизнинг ақли, шон-шарафи ва виждони» байроғи остида, ўзаро ҳамжиҳатликда унинг сиёсатини амалга оширди.

Давлат ва жамият ривожланишида хотин-қизларнинг катта куч эканлиги Совет ҳукумати ва коммунистик партия эътиборидан четда қолмади. Хар бир ташкилот коммунистик (большевиклар) партияси «ғамхўрлигида» хотин-қизлар орасида иш олиб бориш учун махсус тизим, иш шакллари ва усулларини яратди.

Дастлабки даврда қилинган ижобий ишлар сирасига хотин-қизлар бўлими ва унинг шохобчаларининг ташкил этилишини киритиш мумкин.

Хотин-қизлар бўлими мудир, йўриқчи, ҳайъат аъзоларидан (7 кишидан иборат), касаба уюшмасидан, комсомол ташкилотидан, партия кўмитасидан, «Кўшчи иттифоқи»дан, вакил аёллардан, ташвиқотчи аёллардан иборат тизимга эга бўлди.

Улардан вакил аёллар алоҳида мавқега эга бўлиб, бирлашмалар ташкил этиш, жамоат ишлари, умумий йиғилишлар, махсус мавсумий ишлар, «кўчма қизил ўтовлар», эркаklar орасида иш олиб бориш, советлар, «қўшчи иттифоқи», саводсизликни тугатиш мактаблари, суд тизими, амалиётчи вакил аёллар, фаоллар орқали иш олиб бориш кабиларни ташкил этган.

«Кўчма қизил ўтовлар» очиқ судлар, саводсизликни тугатиш мактаблари очиш, тиббий хизматлар, ҳуқуқ бўйича маслаҳатлар бериш, клублар, тўгараклар очиш, газета-журналларни ўқиб бериш ва тарқатиш орқали иш юритганлар.

Халқ судининг ҳам ўзига хос мақсади, вазифалари, иш шакллари ва усуллари тизими бўлиб, ҳуқуқ бўйича маслаҳатчи аёллар тайёрлаш, ҳуқуқни тарғиб қилиш, очиқ судлар, махсус ҳуқуқ кунлари ва соатларини ташкил этиш, мажлислар ўтказиш ва ҳоказолар билан шуғулланган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, тайёрланган ҳуқуқшунос-маслаҳатчи аёлларга хотин-қизларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англатишдан кўра кўпроқ социалистик тузум қонунларини тарғибот қилишдан таълим берилган.

Юқоридаги фикримизнинг исботи сифатида шунини айтиш мумкинки, ишлаб чиқилган механизмлар ижобий натижа бериши учун советлар томонидан ва партия бошчилигида бир қатор қонун-қоидалар мажмуи қабул қилинди.

Янги қонунлар аёлларни сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий томондан эркаклар билан тенг деб эълон қилган бўлса-да, унинг амалда намоён бўлиши ута мураккаб жараён эди. Бунинг учун биринчилан, жамиятдаги ҳукмрон ижтимоий дунёқарашларни енгиш, иккинчилан, аёллар меҳнатини энгиллаштирувчи, уларга кўшимча имтиёзлар берувчи қонун, қоидалар мажмуини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш лозим эди. Бу эса осон кечадиган жараён эмас эди. Аёлларга тааллуқли қонун-қоидалар аввало давлат Конституциясида ўз аксини топди. Унда барча фуқароларнинг ирқи, миллати, дини, жинсидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлилиги, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, умуман, барча соҳаларда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга эканлиги белгилаб қўйилди. Бу қоидалар 1918 йил 24 мартда қабул қилинган Туркистон Халқ Комиссарлари Совети декрети ва бошқа ҳужжатларда ҳам ўз аксини топди.¹ Янги қонун-қоидалар Туркистонда «қалинни бекор қилиш ҳақида», никоҳ ёшини эркаклар учун 18, аёллар учун эса 16 ёш қилиб белгилаш ва ҳоқозолар билан боғлиқ эди.

Туркистон ўлкаси Россия империяси мустамлакаси эканлиги даврида хотин-қизлар кўпгина эркинликлардан маҳрум бўлиб, ҳатто ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳам эркаклар билан тенг ҳисобланмасди. Шу боисдан Совет ҳокимияти даврида уларнинг баъзи ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишини ижобий ҳол деб ҳисоблашимиз мумкин. Аммо, бу эркинлик ва ҳуқуқлар юқорида айтиб ўтилганидек, аёллар ҳаётига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Совет ҳокимияти ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлабоқ, ҳар қандай янги ҳокимият қилиши зарур бўлган чораларни кўришга киришди. Россия империяси ҳукмронлиги давридагига нисбатан муайян даражада ижобий қонун-қоидалар қабул қилинди.

Лекин бу қоидалар жамият аъзоларини табақаларга бўлишдан бошланди. «Ишчи-деҳқон ҳокимиятининг ташкил этилиши тўғрисида»ги (1917 йил 25-27 октябрь, 7-9 ноябрь) декрет бунинг

¹ Қаранг: Конституция (Основной Закон) Туркестанской республики. -Т.: Издательство комиссариата по национальным делам, 1918 г.; Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики. -Т.: 1918. -С.33; Великий Октябрь и раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана. (1917-1936 гг.) Сб. док. и матер. 1971. -С.46, 47; Резолюции и постановления съездов Компартии Туркестана 1918-1934 гг. -Т.: Госиздат УзССР, 1958. -С.193.

яққол ифодасидир. Шу билан бир қаторда, ушбу йўналишда кўпгина янги қарорлар қабул қилинди.¹

Халқ Комиссарлари Советининг «Саккиз соатлик иш куни ҳақидаги» декрети (1917 йил, 29 октябрь) қабул қилинди. Ушбу декрет бир томондан, аёллар ҳаётида ижобий рол ўйнади. Иккинчилан, салбий характерга ҳам эга эди. Учинчидан, юқоридаги икки сабаб натижасида аёллар ўзи, оиласи ва болалари тарбиясига етарли даражада вақт ажрата олмай қолдилар. Бундан ташқари, бу декрет Қорақалпоғистонда аёлларни очиқдан-очиқ т а б а қ а л а ш т и р и ш (Я.А.) сиёсатига йўл очиб берди. Буни қуйидаги Низом мазмунидан ҳам кўриш мумкин: ақлий меҳнат билан шуғулланган

¹ Бутун Россия Марказий Ижроия Кўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг «Қалинни ва кўпхотинлиликни ман қилиш ҳақида»ги қарори. Унга кўра аёллар учун никоҳ ёши 16 ёш этиб белгиланди (1931, 1933 йиллар). Қаранг: ЎзРМДА. 25-жамғарма, 1-рўйхат, 413-иш, 31-варақ; Собрание узаконений и распоряжений рабочего и крестьянского правительства. М. 1924. № 79. С.110-111; Декреты Советской власти. -М.: Т. 1. С.20; Ишловчиларнинг барчасига 8 соатлик иш кунини белгилаш, «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича комиссия ташкил қилиш ҳақида» (1918 йил, 31 январь), «Туққан аёлларга нафақа ажратиш ҳақида» Низом (1918 йил, 31 октябрь), «Аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш», «Болаларнинг умумий овқатланишини ташкил қилиш ҳақида» (1931 йил, 22 февраль), «Гражданлик никоҳи ҳақида», Фарзандлар ҳақида ва гражданлик ҳолати актлари дафтарларини жорий этиш тўғрисида»ги (1919 йил 18 (31) декабрь) декретлари, «Никоҳни бекор қилиш тўғрисида» (1917 йил, 16 (29) декабрь), «Никоҳсиз туғилган болалар ҳақида» (1917 йил, 30 декабрь), «Ойлик маошлари ҳақида», Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Кўмитасининг «Тарифлар тўғрисида»ги декрети (1918 йил, 16 сентябрь) тенг меҳнатга тенг ҳақ тўлаш принципини белгилади. «Ер тўғрисида»ги қонун. кейинчалик «Ер кодекси» асосида аёл деҳқонлар учун ерга эга бўлишда тенг ҳуқуқ жорий этилди. Қаранг: Декреты Советской власти. -Т. 1-9./ Ред. комиссия: Г.Д.Обичкин и др. 25 октября 1917 г.-16 марта 1918 г. -Т.1. -М.: 1957; 17 марта-10 июля 1918г. -Т.3.; -М.: 1959; 11 июля, 9 ноября 1918 г. Т.3. -М.: 1964; Советская власть и раскрепощение женщины. Сборник декретов и постановлений РСФСР. -М.: 1931. С.9, 20-21; Постановления КПСС и Советского правительства об охране здоровья народа. -М.: 1958. С.24; Партия турмуши. 1984. № 5. 40-41-б.; История Советского государства и права Узбекистана. (1917-1924 г.г.) -Т.1.: Изд.АнУзССР. 1960. Компартия Узбекистана и борьбе за решение женского вопроса в период строительства социализма (1917-1937.) Сб. док-в и матер. -Т.:Узбекистан. 1977. -455 с.; Великий Октябрь и раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана. (1917-1936 г.г.) Сб. док. и матер. М.: Мысль. 1971— 464 с.; Компартия Узбекистана и работа среди женщин республики. (1938-1958 г.г.) Сб.док. и матер. -Т.: Узбекистан. 1982; Деятельность коммунистической партии Узбекистана по усилению социальной активности женщин. (1959-1975 г.г.) Сб.док. и матер. -Т.: Узбекистан. 1986. -310 с. и другие.

аёллар учун ҳомиладорлик ва туғиш бўйича 12 ҳафта, оғир меҳнат билан шуғулланувчи аёллар учун эса 16 ҳафталик тўлиқ маоши сақланган ҳолдаги таътил белгиланди. Ҳар уч соатда фақат ярим соат вақт болаларини эмизиш учун ажратилди.¹ Оғир жисмоний меҳнат билан банд бўлган аёлларга ақлий фаолият билан машғул хотин-қизларга нисбатан тўрт ҳафта кўпроқ таътил берилганлиги катта имтиёз ҳисобланган.

Совет ҳокимияти қабул қилган қарорлар, одатда, коммунистик (большевиклар) партияси қарорларини мустаҳкамлар эди.

Қабул қилинган барча қонун ва қондалар асосида аёлларни ижтимоий меҳнатга ва фақат меҳнатга жалб қилиш ётар эди. Аммо шуни қайд этиш жоизки, ушбу аёллар болаларининг умумий овқатланишлари масалаларига бирмунча аҳамият берилди. Бу масалалар ҳам қонунлар билан тасдиқланиб қўйилган.

Бироқ, совет даври қонунлари, амалга оширилган тадбирлар натижасида болалар ҳам бир хил тарзда фикрлай бошлаганлар. Жамоавийлик индивидуалликка деярли имкон қолдирмаган. Бошқача айтганда, шахснинг ўзи ҳақида, ўз келажаги ҳақида ўйлаши, камолоти учун имкониятлар торайган. Шахс ўз фикрини кўпчиликниқидан юқори қўймаслиги зарур эди. Натижада ўзига хос совет одамлари пайдо бўлишига асос солина бошланди. «Сен ўзингни ўйлама, фақат ҳамма учун ишласанг бўлди, сен ҳақингда эса давлат ва партия ўйлайди» қабилидаги тушунчалар одамлар онгига аста-секинлик билан сингдирилиб борилди. Болалар боғчаларида болаларга кўпроқ жамоавийлик руҳи сингдирилди. 30-35, айрим ҳолларда 40 нафар болага битта тарбиячи белгиланди. Аҳоли учун умумий ошхоналар ташкил этилди. Овқатланишга бир соат вақт берилди. Кимки ишга ҳатто сабабли кеч қолса ҳам унга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрила бошланган. Меҳнат интизоми кучайтирилган, тартибни бузганлар 1930-1940 йилларда баъзан қамоққа олиниб, ахлоқ тузатиш колонияларига ҳам жўнатиладди. Одамлар аста-секин бир қолипга туша бошлаганлар. Улар доимий равишда иш билан банд бўлишлари натижасида болалар тарбиясидан узоқлаша бошлаганлар. Узлуксиз равишда давлат тарбиясида бўлган болаларда ўз ота-оналарига нисбатан меҳр-оқибат ҳис-туйғулари заифлаша бошлаган.

«Фуқаролик никоҳи ҳақида», «Никоҳни бекор қилиш тўғрисида», «Никоҳсиз туғилган болалар ҳақида» каби қонунлар аёлларни ҳақиқатда ҳам эркаклар билан тенглаштирди. Улар оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлдилар. Ўқиш, ишлаш, яшаш имконияти кенгайди.

¹ Сорок лет Советскому здравоохранению. - М.: 1957. - С.37.

Шу билан бир қаторда, аёл кун бўйи иш билан банд бўлиши, болалар тарбияси билан амалда шугулланмаслиги, агар бу ҳол турмуш ўртоғига ёки яна кимгадир ёқмаса, бемалол оиласини бузиши, ажралиши ёхуд умуман расмий равишда турмушга чиқмасдан бола туғиб олиши ва яна ишлашни давом эттириши, боланинг эса отасиз ўсиши каби «эркинлик»ларга ҳам эга бўлган эди.

Аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилигини қонун билан тан олишнинг ўзи хотин-қизлар масаласини чинакамига ҳал этмайди, бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши учун ижтимоий шароитлар ҳам яратилиши керак.

«Хотин-қизлар масаласи ҳал этилди, бу социализмнинг катта ютуғи»¹ деган хулоса истак-хоҳишни реал воқелик билан алмаштиришдан ўзга нарса эмасди.

Ўша даврда касаба уюшмаларининг ҳам хотин-қизлар фаолигини ошириш бўйича бир қатор қарорлари қабул қилинган.²

Қорақалпоғистон хотин-қизлари ҳаётига салбий таъсир этган ҳолатлардан бири – бу динга қарши олиб борилган кураш – жанговар атеизм эди. Бундан кўзланган мақсадлардан бири «маҳаллий аҳолининг ўз руҳонийлари тазйиқи остида рус давлатига ҳамиша бегона бўлиб қолишидан»³ ҳадиксираш, халқни маънавий қарам қилиш, инсонлар онгини «заҳарлаш» эди.

Тарғибот-ташвиқот жараёнида «барча қолоқликларимиз сабаби дин билан боғлиқ», деб кўрсатила бошланди. Атеизм сиёсатини юритиш учун алоҳида «машиналар», махсус тазйиқ «механизмлари» яратилган. Уларни ҳаракатга келтириш учун эса янги ташкил этилган ташкилотларнинг барчаси: касаба уюшмалари, «кўшчи иттифоқи», комсомол, хотин-қизлар бўлимлари, ҳатто пионер ташкилотлари, суд, прокуратура, милиция органларидан «тарбиялаш ва жазолаш армияси» яратилган эди. Улар партия ва советларнинг раҳбарлиги, қатъий назорати остида ўзлари билиб-билмаган ҳолда маъмурий – буйруқбозлик тизимини мустаҳкамлашда «жон-жаҳди» билан «хизмат кўрсатганлар».

Советлар ҳокимиятни қўлга олгач, давлат черковдан, черков мактабдан ажратилганлиги ҳақида махсус декрет қабул қилинган эди. 1929 йил апрелда шу декрет асосида қабул қилинган қарорга

¹ «Партия турмуши». 1984. № 5. 41-бет.

² Справочник профработника. -М.: 1926. -С.159-160; Труд. 1925.18 августа.

³ Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор Д.А.Алимова. -Т.: Шарқ. 2001. 28-бет.

мувофиқ, барча диний ташкилотларнинг юридик мақоми бекор қилинган. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида барча воқеа, ҳодисаларга сиёсий нуқтаи назардан баҳо берилди бошланди. Миллийлик эмас, байналминаллик тарғиб қилинди. Миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар оёқости қилинди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими томонидан диний байрамлар, маросимлар тақиқланди, уларга дахлдор кишиларга тазйиқ ўтказилди.

20-йиллар иккинчи ярмидан бошлаб руҳонийлар ҳам қаттиқ таъқиб остига олинди, уларнинг аксарияти қатагон қилинди. Масжидлар ёпиб қўйилди. Ислом дини хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда қатнашишини ман этмаса-да, ислом динини тан олмаслик сиёсати олиб борилди. Бу эса ўз навбатида маҳаллий аҳоли орасида Совет ҳукуматига қарши душманлик кайфиятини кучайтирди.

Совет ҳукумати атеизм сиёсатини давом эттириб, 1925 йил «Курашчан худосизлар иттифоқи» уюшмасини ташкил қилди.¹ Бу Иттифоқда иш олиб боришнинг ўзига хос ш а к л в а у с л у б л а р и, уларни амалга ошириш м е х а н и з м л а р и (таъкид бизники-Я.А.) яратилган. Иттифоқнинг марказий кенгаши, махсус масъул муовини, ташкилот котиби, кенгаш тафтиш комиссияси бўлимлари ва ҳоказолари бор эди. Ташкилот Ички ишлар халқ комиссарлари бошқармаси билан биргаликда фаолият юритган. Бу уюшманинг республика, вилоят, туман ва шаҳарларда шохобчалари очилган, съездлари, конференциялари катта дабада билан ўтказилган. Бундай анжуманларда қатнашиш учун номзодлар жуда «синчковлик» билан текширилгандан кейингина вакиллар сайланган. Уларнинг «очиқ» ва «ёпиқ» мажлислари бўлиб турган.

1927 йил «аёллар ўртасида динга қарши ташвиқотни кескин йўлга қўйиш, уларни ижтимоий меҳнатдан четлаштириб юборад», шунинг учун «кўпхотинлилик, қалин олиш бу диннинг айби», деб кўрсатиб, шу нарсани сабаб қилиш йўли билан динга қарши курашиш керак, деган кўрсатмалар берилган.²

Коммунистик партия сиёсатидаги қарама-қаршилик хотин-қизлар бўлимлари фаолиятида намоён бўлган. Бундай бўлимлар аҳоли орасида партия сиёсатини амалга ошириш бўйича фаол ёрдамчига айланган. Хотин-қизлар бўлимлари аввалига эҳтиёткорлик билан иш олиб борган бўлса, 1930 йилларга келиб, «худосизлар» билан биргаликда аёлларга қарши очиқдан-очиқ курашувчи ташкилотга айланиб қолди. Бўлим

¹ ҚРЖКА 1-жамғарма, 4-рўйхат, 2444-иш, 33, 40, 41, 43-варақлар.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 937-иш, 2-варақ.

вакиллари диндор аёлларни қидириб топиш ишлари билан ҳам шуғулланганлар.

Диндорларга қарши кураш «ёппасига мажбурий жамоалаштириш» даврида янада авжига чиққан. Диний байрамларни ўтказиш ва уларда қатнашиш ман этилган. Ота-онаси, қариндош-уруғи диндор бўлган одамлар колхоздан чиқариб юборилган. Улар «халқ душманлари» ҳисоблана бошлаган. Улар билан алоқа қилганларга бўҳтонлар ёғдирилган, қораланган. Шу сабаб юзлаб одамлар ўзлари колхозлардан чиқишга мажбур бўлганлар ёки уларни зўрлаб чиқаришган. Бундай кишилар қамоққа олинган, мол-мулки мусодара, ўзлари эса бадарға қилинган. Агар фарзанднинг ўз руҳоний отаси билан муносабати яхши бўлса, у табиий равишда партияга олинмаган. Аҳолидан ҳар қадамда «синфий огоҳлик» талаб қилинган. Диний байрамлар социализмнинг душмани сифатида қораланган.¹

Бундай нотўғри сиёсат туманларда хотин-қизлар кўзғолонларининг бошланиши сабабларидан бири бўлди.

Бундан қўрқиб кетган Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитаси котиби П.Варламов 1930 йил 3 майда «Ўта махфий» белгиси остида барча туман партия қўмиталарига мачитларни ёпманглар. Динга қарши карнавалларни (кампания) тўхтатинг. Қишлоқ хўжалиги солиғи ҳақида гапирманглар. Деҳқонларнинг жаҳлини чиқарманглар»² мазмунида хат жўнатишга мажбур бўлган.

Вилоятнинг барча туманларида эркаклар ва аёллар йиғилишиб ҳайит байрамлари кунлари қабристонга бориб, қабрлар атрофини тозалаб, овқат тайёрлаб хайр-эҳсон улашганлар. Тахтакўпир, Халқобод, Чимбой туманларида одамлар ўзлари учун ҳашар йўли билан мачит қурганлар.

Норозилик галаёнлари бостирилгандан сўнг Шоббоз (ҳозирги Беруний) туманида Шайх-Аббос бобо мачит-мозорида ҳайит куни тадбирда қатнашган айрим совет ходимларининг масаласи вилоят партия қўмитаси мажлисида муҳокама этилган. Бундай ҳаракатлар совет ҳокимиятига қарши ташвиқот сифатида баҳоланган ва қаттиқ танқид остига олинган.³ Диний байрамлар ўтказиш ва қабристонга бориб, у жойларни ободонлаштиришнинг асосий ташкилотчилари аёллар эдилар.

«Курашчан худосизлар иттифоқи» аёлларнинг бундай «буюк» ташкилотчилик қобилиятини ҳисобга олган. Шунинг учун, динга

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 1319-иш, 268-варақ; 1036-иш, 70-76-105-варақлар.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 754-иш, 146-варақ.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 1036-иш, 28-варақ; 1319-иш, 66-варақ.

қарши курашнинг янги алоҳида режаси тузилган: 1. Ёш хотин-қизлар орасида динга қарши ишларни кенг миқёсда олиб бориш. 2. Шу мавзуда аёллар ўртасида семинарлар ўтказиш. 3. Маърузалар ўқиш. 4. Динга қарши кураш олиб бориш учун хотин-қизларнинг ўзларидан фойдаланиш (таъкид бизники- Я.А.). 5. Махсус курслар ташкил қилиш, хотин-қизларни ўқитиш ва улардан мутахассислар тайёрлаш. 6. Корхона ва колхозларда динга қарши иш олиб боровчи тўғараклар ташкил қилиш, буларга хотин-қизларни жалб этиш. 7. Миллий нашриётда хотин-қизлар учун мўлжалланган динга қарши бир нечта рисоалар нашр қилиш. 8. Динга қарши кўرғазмалар, суратлардан иборат бурчаклар ташкил этиш¹. . . каби тадбирлар режаси тузилган.

Натижада, партия органлари ва маъмурий идоралар қадамжо ва зиёратгоҳларга қарши ҳаракат бошладилар.²

Режаларни амалга ошириш учун дастлаб диний байрамларда қатнашиш ман қилинган.³ Жойларда «Туманни ободонлаштириш мақсадида» махсус маблағлар ажратилган ва мозорлар ҳайдалиб, текисланган.⁴

Йилдан-йилга бу ташкилот ўз фаолиятини кенгайтириб, ривожлантириб борган. Унинг фаолияти мунтазам равишда вилоят партия кўмитасининг мажлисларида муҳокама этилган. Масалан, 1939 йил 6 майдаги мажлисда «бу ишга янада кўпроқ аҳамият бериш талаб этилган». Қорақалпоғистоннинг барча туманларида 60 та «худосизлар иттифоқи»нинг шохобчалари тузилиб, уларнинг ҳар бирида камида 30 аъзо иш олиб борган, «худосизлар» сони кўлайтирилган, ташвиқотчилар сони 1800 кишига етказилган. Ҳар бир корхона ва ташкилотларда камида 30 та маъруза ўқилган. Оммавий ахборот воситалари зиммасига динга қарши тарғибот ташвиқотни кучайтириш вазифаси юкланган. «Худосизлар» съездлари ва конференцияларида вакиллар «худосизларнинг кўкрак нишони»ни тақиб юришлари талаб этилган.⁵

1940 йил 15 майда «Худосизлар иттифоқи»нинг 15 йиллигини барча жойларда тантанали равишда нишонлаш ҳақида махсус қарор қабул қилинган. Қозоғистон билан Ўзбекистон Республикалари ўртасида 1940 йилнинг 1 январидан 1941 йилнинг 1 январигача кўпроқ

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 1027-иш, 88-варақ.

² Қаранг: Алишер Азизхужаев. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. —Т.: Шарқ, 2001. 14-бет.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 1319-иш, 268-варақ; 1036-иш, 70-76-105-варақлар; Советская Каракалпакия. 1935. 9 мая.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 5-рўйхат, 154-иш, 1-варақ.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 2444-иш, 4. 8, 118, 143, 196-варақлар.

худосизларни тайёрлаш бўйича ўзаро мусобақалар ўтказиш ҳақида шартномалар тузилган. Атеизм бўйича ўқилган маърузаларга яхшигина ҳақ тўланган, у маърузалар сонига қараб кўпайтирилиб борилган.¹

1942 йилга келиб, Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизмга қарши курашда партия ва совет давлати одамлар билан ижтимоий ҳамкорликни кўзлаб динга қарши курашни вақтинча тўтатган ва «Курашчан худосизлар иттифоқини»нинг Марказий Кенгашини тугатган.²

Советлар ва большевиклар партияси юритган сиёсатдаги қарама-қаршилик қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ, охиригача бажарилмаслиги ва янгиларининг қабул қилинишида кўринади. Масалан, 1923 йил март ойида Москвада бўлиб ўтган Шарқ халқлари хотин-қизлари II Бутунроссия Кенгаши таклифига биноан «Қозоғистон аёллари турмуш шароитини яхшилаш учун комиссия тузиш ҳақида» қарор қабул қилинган эди. Бу қарор 1923 йил 13 декабрда Қозоғистон АССР МИҚ томонидан кўриб чиқилган, йигилишда махсус қарор қабул қилинган. Қозоғистон АССР Марказий Ижроия Президиуми 1926 йил 14 октябрда Қозоғистон хотин-қизларининг турмуши ва меҳнатини яхшилаш бўйича жойларда комиссия тузиш ҳақида янги қарор қабул қилган.³

Қорақалпоғистонда Қозоғистондан бир йил олдиноқ — 1925 йилда шундай комиссия ташкил этилган эди. Вилоят Ижроия кўмитаси Президиумининг 1926 йил 1 августдаги қарори билан вилоят комиссияси ташкил этилган, 1930 йил кўмитага айлантирилган.⁴ Аммо бу кўмита фаолияти узоқ давом этмаган. Қозоғистон МИҚ Президиумининг 1932 йил 27 майдаги қарори билан кўмита иши тугатилган.⁵ Бу тадбир ортида ўша давр учун катта моддий манфаатлар ётарди— кўмитала ишловчи ҳар бир аёлга кўшимча

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 2444-иш, 72, 196-варақлар.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 5-рўйхат, 915-иш, 9-варақ.

³ Женщины Казахстана-активные строители социализма. -С. 105, 109, 299.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 427-иш, 23-варақ.; З.М.Биккулова. «Борьба парторганизации Каракалпакии за преодоление патриархально-феодалных отношений в быту». // Науч. тр. ТашГУ. Вып. № 207. -Т.: 1962. -С. 33; Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, З.М.Биккулова ўзининг бошқа мақоласида бундай комиссиялар советларнинг ижроия кўмиталарида 1927 йил ташкил этилганлигини ёзади. Қаранг: З.М.Биккулова. Борьба партийной организации за фактическое раскрепощение женщин (1925-1929 года.) // Вестник Каракалпакского филиала Академии наук Уз ССР. 1961. № 3. -С.69.

⁵ Женщины Казахстана-активные строители социализма. -С. 160.

равишда 10 сўмдан иш ҳақи туланган. Қўмита тугатилгач, давлат маълум даражада иқтисодий фойда кўрган. Чунки ўнлаб лавозимлар қисқартирилган эди. Бу иш энди советлар, ижроия қўмиталари зиммасига юклатилган. Шаҳар советлари, туман ижроия қўмиталарига аёллар ўртасидаги ишларни кенг қамровда олиб бориш мақсадида фаол ишчи ва деҳқон аёллардан штатсиз (иш ўрнисиз) йўриқчилар гуруҳлари тузиш топширилган.

Комиссия вилоятдаги меҳнат бўлими билан ҳамкорликда аёллар ўртасида жуда кўп ишларни амалга оширган. Айниқса, ипакчиликни ривожлантириш, бу соҳа бўйича артеллар очиб, аёлларни иш билан таъминлаш, иш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, уларни фаоллаштириш бўйича кенг кўламли фаолият юритган.

Совет, партия органлари олиб борган сиёсатнинг зиддиятли томони шундан иборат эдики, хотин-қизларнинг болалари умумий боғчаларда тарбияланган. Текин ташвиқотчи аёллар гуруҳлари яратилиб, кейинчалик улар «жамоатчи» нотикларга айланишган.

Советлар ҳокимияти тузуми «келажаги» ҳисобланган болаларни эса махсус ташкил этилган «ленинчи октябрат», «пионер» ва «комсомол» ташкилотлари «тарбиялар» эди.

Шу тарзда амалга оширилаётган ишлар эса советлар ва коммунистик партия назарида суст кетаётгандай туюларди. Энг катта қарама-қарши сиёсат, ютүк ва камчиликлар «Топылыс» — «Хужум» сиёсатида яққол кўзга ташланади.¹

Қорақалпоғистонда эса «Хужум» сиёсатини олиб бориш жараёнида маҳаллий шарт-шароитлар, хотин-қизларнинг ҳаёт тарзи, анъана ва урф-одатлари ҳисобга олинмади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу сиёсат фақатгина паранжига ёки чопон-жегдегагина қарши бўлиб қолмасдан, балки умуман хотин-қизларнинг аҳволини ўзгартиришга ҳам қаратилган эди. Қорақалпоғистон хотин-қизлари чопон ва жегде кийишган.² Ўзбекистоннинг айрим вилоятлари аёллари каби паранжи, чачвон ёпинмаган. Умуман, коммунистик партия

¹ Бу муаммо Ўзбекистонда қандай олиб борилганлиги Д.А.Алимованинг «Женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы» китобида жуда кенг ва мазмунли ёритилган. -С. 20-32; Шунингдек, Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 375-385-бетлар; Худжум—значит наступление. -Т.: Ўзбекистан. 1987. С.206. -китобларида ҳам алоҳида ўрин берилган.

² Жегде — аёл бошини узун мато билан бир неча бор айлантриб ўраб қўйиладиган ва бош кийим шаклини берадиган кийим ёки бошқачасига — бош ўров (бас орау). Аммо аёл юзи очиқ бўлади.

томонидан олиб борилган барча жабҳалардаги сиёсат мавсумийлик характерига эга бўлганидек, ушбу жараён ҳам худди шундай маъмурий-буйруқбозлик руҳида эди.

Қорақалпоғистонда «Хужум» сиёсати Ўрта Осиёнинг бошқа худудлари, хусусан Ўзбекистонда олиб борилган сиёсатдан бошқачароқ шаклда юз берган. Ўзбекистонда бундай сиёсат 1927 йилларда амалга оширилган бўлса, Қорақалпоғистонга 1927 йил июнь ойида бу ҳақдаги хабар етиб келган. 1927 йилдан 1929 йилгача Қозоғистон ўлка партия қўмитаси билан Қорақалпоғистон мухтор вилояти раҳбарияти ушбу масала бўйича ўзаро хатлар алмашиш билан чекланганлар. Асосий курашни 1929 йил март ойидан бошлаш режалаштирилган, натижада жараён 1930-1931 йилларгача давом этган.

1929 йил баҳоригача Қозоғистон, хусусан, Қорақалпоғистонда олиб борилган маданий-маърифий ишлар, асосан қалин ва қўп хотинлиликка қарши курашга йўналтирилиб, бу аёлларни озодликка чиқаришнинг асосий йўли деб ҳисобланган.

1927 йил 28 июнда Қозоғистон Ўлка партия қўмитаси котибининг масъул ўринбосари Джандосовнинг (исми архивда кўрсатилмаган. -Я.А.) Қорақалпоғистон вилояти ва Сирдарё губернияси партия қўмитасига жўнатган хатида: «Ўзбекистон ССРда юз бераётган кампания мисолида ўзбек аҳолиси ўртасида хотин-қизларнинг паранжи ташлашини ташкил қилиш мавсуми ҳақида зудлик билан фикрингизни беринг»,¹ дейилган.

Шунингдек, Қозоғистон партия қўмитаси қошидаги хотин-қизлар бўлими Кенгашидан Қорақалпоғистон Автоном Области — ҚАО хотин-қизлар бўлимига 1927 йил 14 июнда келган хатда: «Ўзбекистонда хотин-қизларни озодликка чиқариш бўйича партия «хужум» ўтказаятган экан. Партия ячейкаси йўқ жойда «янги турмуш» жамияти тузилган. Аъзолик бадали 10 копеек, йиллик 50 рублгача», — деб ёзилган.² Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Қозоғистон ва Қорақалпоғистондаги раҳбар ходимлар «Хужум» сиёсатининг мазмун ва моҳиятини тушуниб етмаганлар.

Ҳатто паранжига қарши комиссия тузилган. Айрим манбаларга қараганда бундай комиссия 1928 йил ташкил этилган.³ Аммо архив ҳужжатлари бу борадаги комиссия 1929 йил ташкил этилганлигини кўрсатади.

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 940-иш, 1-варақ.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 915-иш, 73-варақ.

³ З. Биккулова. Борьба парторганизации Каракалпакии за преодоление патриархально-феодалных отношений в быту. // Науч. тр. ТашГУ. Вып. № 207. -Т.: 1962. -С.42.

1928 йил сентябрь ойида Қозоғистон партия Марказий қўмитаси қошидаги назорат комиссиясидан Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитаси хузуридаги назорат комиссиясига келган 5392-рақамли хат мазмунидан ҳам партиянинг халқ судьясига, қозисига айланиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Хатнинг тўлиқ матни қуйидагича: «Паранжига қарши ҳужумни режа асосида ташкил қилиш, Ўзбек коммунистлари ўз хотинлари, синглиси, қизлари ва қариндошларидан паранжини олиб ташлаганликларини очик кўрсатишлари керак. (Таъкид бизники.-Я.А.) Кимки бунга қарши чиқса, партия жавобгарлигига тортилсин».¹ Ушбу хат мазмунидан яна шуни ҳам илғаш мумкинки, Қорақалпоғистон Қозоғистон таркибида 1924 йилдан бошлаб ҳисобланиб келинаётган бўлса ҳам, Қозоғистондаги раҳбар ходимлар Қорақалпоғистон ҳудудида яшовчи ўзбек миллатига мансуб аҳолининг яшаш шароитидан мутлақо беҳабар бўлган. Чунки Қорақалпоғистонда яшовчи ўзбек аёллари паранжи, чачвон ёпинмаган.

Юқоридаги фикр тасдиғи учун Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитаси раҳбари П.Варламовнинг 1929 йил 2 мартдаги фикр-мулоҳазаларини келтирамиз: «Қизил Ўрда. Ўлка партия қўмитаси. Исаевга. Вилоят партия қўмитаси томонидан бу масала бўйича комиссия ташкил қилинмоқда. Аммо оммавий равишда (таъкид бизники. Я.А.) паранжи киядиганлар йўқ. Унинг ўзгача хили — чопон, жегде ва бошқалари бор. Бунга қарши тадбир шаҳарларда яқин кунларда, овулларда эса май ойининг биринчи кунларидан бошланади. Овулларда кейинроқ ўтказилишига яқинда бошланажак Қазу ишлари сабаб бўлиб турибди».² Вилоят партия қўмитаси томонидан туманлар, жойларга «Паранжи ва чопонлар аёлларнинг эркинликка чиқишига халақит бермоқда», деган шиорлар ёзилсин ва шу шиорлар остида 22 март куни кўчаларга 2000 нафар аёл олиб чиқилсин»,³ каби кўрсатмалар берилган. Бу шиорлар 1930 йилларгача сақланган.

Орадан чамаси уч ойлар ўтгач, 1929 йил 29 майда П.Варламов Қозоғистон Ўлка партия қўмитасига юборган хабарида «Паранжи ва чопонга қарши олиб борилган мавсум тамом бўлди. Бу мавсум бешта туманда — Тўрткўл, Қипчоқ, Чимбой, Шоббоз, Хўжайлида олиб борилди. 1475 хотин-қиз чопон ва жегделарини ёқишди» дейилган. Шусиз ҳам аёллар кийимлари деярли йўқлигидан мажлисларга тўлиқ

¹ ҚРЖКА. 501-жамғарма, 2-рўйхат, 131-иш, 206-варақ.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 421-иш, 1-варақ.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1121-иш, 15-варақ.

қатнаша олмасдилар. Биз архив ҳужжатлари мажлисларнинг баённомаларини ўрганиш жараёнида аёлларда мажлисларда қатнашиш истаги борлиги, аммо кийимлари йўқлиги сабабли боролмаганликлари ҳақидаги маълумотларни кўп учратдик. 1930-1940 йиллардаги бу ижтимоий-сиёсий аҳволни яхши эсловчи, ҳозирда нафақада бўлганлар ҳам буни тасдиқлайдилар.¹

«Хотин-қизларнинг 32 та умумий йиғилиши 90 жойда бўлиб ўтган ва уларда 1521 нафар аёл қатнашган».² Кейинчалик, 1930 йилларда Чимбой, Тўрткўл, Хўжайли, Кегейли, Кўнғирот, Шоббоз туманларида 146 та мажлис ўтказилган. Мажлисларда 18223 аёл қатнашиб, уларнинг 7005 нафари чопон жегделарини ташлашган.³ Бундай йиғилишлар кейинчалик Тахтакўпир туманида ҳам бўлиб ўтган. Аёллар арбек (бурунга тақиладиган зирак-Я.А.), чопон, жегделарини ташлашган. Бу кийим-кечак, безакларнинг ҳаммаси ҳукумат фойдасига ўтган.⁴ Ҳукумат уларни нима қилгани ҳақида архив ҳужжатларида маълумотларни учратмадик. Бу тадбирларсиз ҳам ниҳоятда оғир аҳволда яшаётган аёллар кийимларсиз, тақинчоқларсиз қолишган. Советлар паранжи баҳонасида аҳоли тасарруфидаги мол-мулкни қароқчиларча ўзлаштириб олган.

Чопон ва жегделарга қарши «кураш» 1930-1931 йилларгача давом этган. Бу йилларда 8, 22 март кунлари «чопон ва жегдега қарши кураш»нинг икки ҳафталиклари, ўн кунликлари ўтказилган. Ҳафталиклар ва ўн кунликларда «Йўқолсин жегде, чопон, арбек!», «Йўқолсин саводсизлик!», «Йўқолсин қалин ва кўпхотинлилик!», «Зарбдор хотин-қизларни кўпайтириш керак. Бу эса аёлларнинг эркаклар ўрнини босгани демакдир» каби шиорлар остида ўтказилган.⁵

Хотин-қизлар бўлимларига 8 март кунларида қандай шиорлар билан чиқиш кераклиги ҳақида кичкина тўпلام-китобчалар ҳам юборилган. Уларнинг айримларини келтирамиз: «Батрачкалар, камбағал ва ўрта

¹ Базаримбетова Ўразгул – 1924 йил Шоббоз тумани, Бийбозор бўлиси, Қаландархона овул советида туғилган. Ҳозирда нафақахўр. Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида яшайди. Жуда ажойиб, меҳнаткаш инсон. Туғишган акаси олиб келиб берган оқ бўз матодан кўйлак тикиб кийган. Бу кўйлакни бутун колхоз аҳолиси келиб кўрган. Колхоз аёллари галма-гал бу кўйлакни кийиб чиқишган. -Я.А.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 421-иш, 1-варақ.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1121-иш, 15, 24, 26-варақлар.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 43-иш, 1-варақ.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1121-иш, 27-варақ; 1128-иш, 38, 44, 49-варақлар.

ҳол аёллар, огоҳ бўлинглар, бойлар колхозга кириб олмасинлар. Одобли колхоз аъзоси бўлинглар», «Зарбдор бригадалар ташкил қилинлар», «Алоҳида уйлар, хонадонлар қурилишига йўл қўйманлар. Умумий ошхоналари, умумий боғчалари бор умумий уйда яшашни талаб қилинлар» (таъкид бизники. Я.А.) ва ҳоказо шиорлар билан чиқиш талаб қилинган.¹ Аёллар бунга ишонишган. Бундай сиёсат олиб борилиши натижасида озми-кўпми хотин-қизлар фаоллашганлар, албатта.

Совет ҳокимиятининг ўлкада олиб бораётган зилдиятли сиёсати, ўзига хос равишда қарши, ўз ҳуқуқини талаб қилувчи фикрларни ҳам туғдирган. Бундай жараён асосан хотин-қизлар фаолиятларида кўзга ташланади.

1931 йил март ойида айрим вакил аёллар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда хотин-қизлар учун ташкил этилган йиғин ва мажлислардан фойдаланганлар. Улар «Ҳокимият бизга нон бермагунча, биз пахта теришга бормаймиз. Сиз бизга нима бердингиз?» деган талаблар билан чиқишлар қилганлар. Бундай чиқишлар асосан Шоббоз, Шўроҳон, Хўжайли туманларида юз берган.²

Март ойи бошларида Тўртқўлнинг «Таза-Амиробод» овул советида 100 га яқин хотин-қизлар, шу ой ўрталарида Сарибийда бир гуруҳ аёллар «Бизга авансингиз керак эмас, биз артелга кирмаймиз», деб ғалаён кўтаришган.³

Зилдиятлар коммунистик партия ва советларнинг хотин-қизлар бўлимларига нисбатан бўлган муносабатларида ҳам очиқ кўзга ташланади. Хотин-қизлар бўлимлари ҳам партия ва советлар томонидан ўзига хос равишда қатағонга учраган.

ВКП (б) Марказий Қўмитаси қарори билан хотин-қизлар бўлими 1930 йил 5 январь,⁴ Қорақалпоғистонда эса сал кейинроқ, 31 майда (1 июнь) махсус секторга айлантирилган.⁵ Секторнинг вазифаси бўлим фаолиятидан айтарли даражада фарқ қилмаган. Архив ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, секторлар фаолияти аввалги бўлимларникига нисбатан анча сустлашган.

Коммунистик партия ва советлар юритган сиёсатдаги қарама-қаршилик ёрдамчи ташкилотлар фаолиятларида ҳам юзага келган.

¹ Материалы по проведению Международного женского коммунистического дня 8-го марта. —Т.: Узгиз. 1930. —С.8.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 3-руйхат, 411-иш, 3-варақ.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-руйхат, 999-иш, 189-варақ.

⁴ Коммунистка. 1930. № 2-3. —С.5.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-руйхат, 941-иш, 1-8-варақлар; 1-жамғарма, 2-руйхат, 1117-иш, 1-варақ.

Архив ҳужжатлари хотин-қизлар бўлими тугатилишининг объектив ва субъектив сабаблари, улар олиб борган ишнинг ижобий ва салбий томонлари, ўзига хос зиддиятлари мавжудлигини тасдиқлайди.

Объектив сабаблари: Хотин-қизлар ўзларининг фаолиги билан совет ва партия ташкилотлари ишига хавф сола бошлаган эдилар. Аёллар мажлис ва митинглардан советларга қарши ташвиқот юритишда фойдаландилар. Бундай фаолият 1930 йилларда қишлоқ хўжалиги ишини вақтинча бўлса ҳам, тўхтата олган эди.

Субъектив сабаблари: Совет тузуми томонидан олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий сиёсат аёлларда норозилик ҳиссиётини уйғотган. Аёллар норозилик чиқишларида фаол қатнашиб, айрим ҳолларда уларга бошчилик ҳам қилганлар. Мажлислар, митинглар уюштирганлар. Партия назарида, мавжуд сиёсатга қарши иш олиб борадиган бундай ташкилотга эндиликда «зарурат» қолмаган эди. Партиянинг асосий мақсадларидан бири аёлларни ижтимоий меҳнатга жалб қилиш бўлиб, қисман унга эришилган ҳам эди. Аммо аёлларнинг сиёсатга аралаша бошлагани, бунинг устига партия томонидан белгиланган йўлга қарши иш олиб бораётганлари, табиийки, юқори доираларга ёқмасди. Шунинг учун ҳам исёнкорларнинг «жиловини тортиб қўйиш» мақсадида хотин-қизлар бўлими тугатилган. Иш ўринлари қисқартирилган. Бунинг ўрнига «Худосизлар» ташкилоти штатлари, маошлари оширилган, қўшимча маблағ ажратилган.

Ижобий томони: аёлларни ҳақиқатда ҳам ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётга аралашувига ёрдам берган. Уларнинг ижтимоий онги ўсишига кўмаклашган.

Салбий томони: аёллар ўртасида динга қарши курашда фаол ташвиқот юритилган. Партия эшон, мулла, умуман диндорларнинг хотинлари, сингиллари, қизларини хотин-қизлар бўлимларига, вакил аёллар сафига киритмасликда жонбозлик қилган. Аҳолининг ўта «огоҳ» қисми кўпая бошлаган. Оқибатда эшон, мулла, йирик ер эгалари «топилиб», бадарга қилинган, қамоққа олинган. Уларнинг оила аъзолари, аёллари, қизлари хўрланиб, мажлисларга қатнаштирилмаган. Улар вакил аёллар, партия, совет, комсомол ва бошқа ташкилотлар таркибидан чиқариб юборилган.

Партия ва советлар олиб бораётган сиёсат зиддиятлари бевосита аёлларга бўлган муносабатда ҳам кўзга яққол ташланади. Улар бир томондан аёлларни фаоллаштириш, ижтимоий ҳаётга тортиш учун иш олиб борган бўлсалар, иккинчи томондан, бу фаолият аёлларни хўрлаш орқали амалга оширилган.

Тахтакўпир туманининг 5-овулида хотин-қизларни пахта теримига жалб қилиш бўйича жавобгар Адамбаев Саки «Ф.Н.» деган аёлни пахта териш ҳашарига чиқмагани учун қаттиқ савалаган.¹ Хотин-қизлар, болалар пахта теримига мажбурий жалб этилган.

Вилоят партия кўмитаси қошидаги хотин-қизлар сектори мажлислар, кенгашлар олиб борган.² Лекин хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, аёллар орасидаги норозиликларни тўхтатишга уларнинг кучи етмас эди.

Аёлларнинг ҳар томонлама норозиликлари аста-секин п и ш и б е т и л б, (таъкид бизники. -Я.А.) асосан худди мана шу туманларда жамоалаштириш даврида ўз «кучини» кўрсатган.

Партия ва советлар қабул қилган қарорлар доим ҳам ўз вақтида бажарилавермаган. Никоҳ ва ажралиш ҳақида қабул қилинган декретлар тўлиқ амалга оширилмади. Раҳбарият, асосан, мамлакатни индустрлаштириш, колхозлаштиришдаги қийинчиликлар — кўзғолонлар, қатағонлар, «тозалашлар» сиёсати билан банд эди. Натижада аёллар ва эркакларнинг эркинлиги уларнинг оилага ва оилавий мажбуриятларга енгил муносабатда бўлишларига олиб келган.

Жамиятда юритилаётган сиёсатнинг яна бир зиддиятли томони шунда эдики, совет қонунлари биринчи навбатда совет ва партия сафида ишлаётганлар томонидан бузилган. Айрим раҳбар ходимларнинг олиб бораётган ишлари, қабул қилаётган қарорлари кўпинча фақат қоғозда қолиб кетарди, сўз ва иш бирлигига амал қилинмасди. Бу кўпхотинлилик, қизларнинг номусига тегиш каби иллатларда ўз аксини топди. Архив ҳужжатлари таҳлилига кўра, бу ҳолат 20-йиллардан бошлаб кўпроқ кўзга ташланади.

Кўпгина қизлар мактабларни ташлаб кетишга мажбур бўлганлар. Мактабларнинг умумий аҳволи талабга жавоб бермаган, ўқув қуролларининг етишмаслиги, ота-оналарнинг ўқитувчиларга унчалик ишонмасликлари, айрим ўқитувчиларнинг ўқувчи қизлар номусига тегиши ҳоллари ҳам учраб турган. Зўрлаш, ёш қизларга уйланиш, қалин, кўпхотинлилик — булар, албатта, қизларнинг мактабда ўқишига салбий таъсир кўрсатган. Фақат 1938 йилнинг иккинчи олти ойида 104 одам устидан 89 та жиноий иш кўриб чиқилган.

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 999-иш, 427-варақ. Аёлнинг исми архив ҳужжатида ноаниқ белгиланган. -Я.А.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1128-иш, 63-варақ; 4-рўйхат, 2118-иш, 37, 38, 43-варақлар.

Шўрохондаги болалар уйи тарбияланувчилари бўлган 16 нафар қизни ўқитувчилари зўрлаб, номусига теккан.¹

Коммунистик партия ва советлар олиб бораётган қарама-қарши сиёсатнинг оқибати хотин-қизларнинг ўз-ўзини ёқиб юборишларида, зўравон эрини ўлдиришида, отасиз бола ўстираётган ёлғиз оналар сонининг кўпайишида, қизларнинг мактабларни ташлаб кетишларида намоён бўлди. Жамиятда бундай иллатлар пайдо бўлишининг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Объектив сабаби – совет ҳокимияти аёлларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли деб эълон қилгандан кейин аёллар ҳам эркаклар билан бир қаторда бутун совет жамияти ҳукмронлиги даврида қўлланилган барча «тозалашлар», қатағонларни бошидан кечирдилар. Эркаклар билан тенг қамоққа олиндилар, хўрландилар.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари (1939-1945 йиллар) эркакларнинг кўпчилиги ҳалок бўлди, бедарак йўқолди, натижада улар сони камайиб кетди. Ахлоқ ҳақидаги қонун нормалари амалда тўлиқ бажарилмади. Совет ҳокимияти ва партия қарорлари эркакларнинг аёлларга бўлган муносабатини бутунлай ўзгартира олмади. Кўшимча чора-тадбирлар излаб топилмади. Хотин-қизларининг номусига тегиш, аёлларни ўлдириш, кўпхотинлилик давом этган. Оқибатда хотин-қизларнинг ўзини-ўзи ўлдириши, ёқиши, ўқишни ташлаши ва ҳоказолар давом этган.

Кўпхотинлилик, қизларнинг номусига тегиш, ҳар хил хўрлашлар, мажбурлаб эрга бериш каби иллатлар урушдан кейинги йилларда нисбатан камайган. Масалан, 1945 йил 1 январдан 1946 йил июнь ойигача хотин-қизларга нисбатан ишлатилган тазйиқ бўйича 8 нафар одам жазоланган.² Лекин барча Шарқ аёллари одатда оилавий можароларни ўзгалардан яширадилар. Уни жамиятга дахли йўқ шахсий муаммо, деб ҳисоблаганлар. 1960-йиллардан кейин бундай ҳодисалар анча кўпайган. 1961 йил - 1962 йилнинг беш ойида аёлларнинг эркаклар томонидан ҳар хил зулмлар кўрганлиги ҳақида ҚҚАССР Олий судига 245 та ариза келиб тушган, 89 та жинорий иш қўзғатилган (шундан битта ўзини-ўзи ёқиш ҳолати қайд қилинган), 63 нафар эркак қамалган.³ Шундай бўлса ҳам айрим аризалар охиригача кўриб чиқилмаган. Баъзи айбдор эркакларни партия сафидан чиқариш,

¹ Советская Каракалпакия. 1935. 9 мая; 13 мая; 4 июня.

² ҚРЖКА: 1-жамғарма, 6- рўйхат, 458-иш, 88-варақ. Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.- Я.А.

³ ҚРЖКА: 1-жамғарма, 10- рўйхат, 464-иш, 7-варақ; 882-иш, 25-варақ. Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.- Я.А.

уларга хайфсан бериш билангина чекланилган. Айрим архив ҳужжатларига биноан 1947-1953 йилларда 300 га яқин эркакнинг икки ёки ундан кўпроқ хотинлари бўлган.¹

Умуман олганда, 1945 йилдан 1970 йилларгача 1500 дан кўпроқ эркаклар аёлларни ҳўрлаганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилган.² Жиноят турларини шартли равишда қуйидагича гуруҳларга бўлди: 1) кўп хотинлилик; 2) ёш қизларга уйланиш; 3) аёлларни ўлдириш; 4) вояга етмаган қизларнинг номусига тегиш; 5) ҳар хил йўллар билан ҳўрлаш ва ҳоказо.

1936 йил 27 июнда, 1944 йил 8 июлда СССР Халқ Комиссарлари Совети ва Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан қабул қилинган қарорларга биноан ажралиш ҳақидаги масалага ўзгартириш киритилди. Ажралиш мураккаблаштирилиб, ФХДЁ бўлимларида эмас, суд орқали амалга ошириладиган бўлди.³ Бунинг оқибатида, биринчидан, оиласини бузиб ажрашган кўпгина аёллар ва эркаклар енгилтакликда айбланиб, ҳатто қамоққа ҳам олинган.⁴ Иккинчидан, аёлларга берилган «эркинликлар», уруш оқибатлари ўз навбатида фоҳишабозликни ҳам келтириб чиқарган.

1944 йил 8 июль қарорида кўрсатилган ҳомиладорлик ва туғиш учун бериладиган 77 кунлик таътил 1956 йил 30 мартда СССР Олий Совети Фармони билан 112 кунга, агар туғиш оғир кечса ёки эгизаклар туғилса, 140 кунгача узайтирилган.⁵ 1969 йил июнда Ўзбекистон ССРда Никоҳ ва оила кодекси лойиҳаси муҳокама қилинди. Никоҳ ёши эркаклар учун 18, аёллар учун 17 ёш деб белгиланди.⁶

Зиддиятлардан бири қабул қилинган қарорларнинг амалда бажарилмаслиги эди. Хотин-қизларнинг оғир юмушларни қўлда

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 15- рўйхат, 175-иш, 47-48-варақлар. Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.- Я.А.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 6-рўйхат, 458-иш, 88-варақ; 7-рўйхат, 398-иш, 1-варақ; 405-иш, 3-варақ; 877-иш, 2, 5, 11-варақлар; 1396-иш, 28-варақ; 8-рўйхат, 411-иш, 50-варақ; 412-иш, 40, 52-варақ; 413-иш, 2-варақ; 1233-иш, 9-варақ; 1238-иш, 1-варақ; 9-рўйхат, 951-иш, 2-варақ; 10-рўйхат, 464-иш, 7-варақ; 15- рўйхат, 175-иш, 47-48-варақлар; 882-иш, 17, 18-варақлар. Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.-Я.А.

³ Я.Е.Песин. Развитие семейно-правовых гарантий прав женщин в Узбекистане. -Т.: Фан. 1971. С.145.

⁴ ҚРЖКА. 501-жамғарма, 2-рўйхат, 2-иш, 1-5-варақлар.

⁵ Ведомости Верховного Совета СССР. 1956. № 6. -С.154; Ўзбекистон Социал таъминоти. 1981. № 4. 35-35-бетлар.

⁶ Правда Востока. 1969. 7 июня.

бажаришини энгиллаштириш масаласи ҳукумат томонидан бир неча бор – 1921, 1923, 1932 йилларда, 1978 йил апрель, июлда, 1980, 1981, 1982 йиллари муҳокама қилинган.¹ Охирги қабул қилинган қарорни таҳлил қилишнинг ўзиёқ умумий бир фикрга келиш учун кифоя қилади, деб ўйлаймиз. Яъни, аёлларнинг физиологик хусусиятларини ҳисобга олмай, эраклар билан ҳар томонлама тенглаштириш байроғи остида, уларнинг оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланишларига рухсат беришнинг ўзиёқ, ноёб зиддиятли ҳодиса эди.

Мисол тариқасида шуни келтириш мумкинки, хотин-қизлар бир смена давомида қўлда бир жойдан иккинчи жойга кўтариши, силжитиши мумкин бўлган умумий оғирлик миқдори ҳукумат томонидан 7000 кг деб белгиланган. Лекин бу аёллар учун кўплик қиларди. Техника ривожланмаган бир шароитда аёллар меҳнатидан бундай «оқилона» фойдаланиш ёвузлик эди. Ҳомиладор ёки болали аёл учун яратилган ҳар қандай имтиёз ҳам бундай оғир шароитда фойда бермай қоларди. Агар амалдаги Конституцияга биноан аёл учун ҳам 8 соатлик иш куни белгиланганлигини ҳисобга олсак, у соатига бир тоннага яқин юк кўтарган бўлади.

1970-йилларга келиб 2 ёшга тўлмаган болали хотинлар меҳнатидан ер ости ва тунги ишларда фойдаланиш таъқиқланди. Асосан хотин-қизлар банд бўлган тўқимачилик саноати корхоналарида

¹ Қаранг: Постановление НКТ РСФСР от 4 марта 1921 года «О предельных нормах переноски и передвижения тяжестей подростками и женщинами». // Бюллетень трудового фронта. 1921. №5; Постановление НКТ СССР и ВСНХ СССР от 14 ноября 1923 года. №НКТ 154.//Известия НКТ СССР. 1932. №11/ 35; Постановление НКТ СССР от 14 августа 1932 года. «О предельных нормах переноски и передвижения тяжестей взрослыми женщинами». №145.// Известия НКТ СССР. 1933. №25; Постановление Совета Министров СССР и ВЦСПС от 25 апреля 1978 года «О дополнительных мерах по улучшению условий труда женщин, занятых в народном хозяйстве» №320; Постановление Госкомтруда СССР и Президиума ВЦСПС СССР от 25 июля 1978 года «Об утверждении списка производств, профессий и работ с тяжелыми и вредными условиями труда, на которых запрещается применение труда женщин». № 240/ П10-3.// Государственный Комитет СССР по труду и социальным вопросам. Бюллетень. -М.: 1978. №12. С.3-23; Постановление Совета Министров и ВЦСПС от 5 декабря 1981 года «О введении новых норм предельно допустимых нагрузок для женщин при подъеме и перемещении тяжестей вручную» №1149.; Постановление Госкомитета СССР по труду и социальным вопросам и Президиум ВЦСПС от 27 января 1982 года «О нормах предельно допустимых нагрузок для женщин при подъеме и перемещении тяжестей вручную». №22/ П-1. //Госком СССР по труду и социальным вопросам. Бюллетень. -М.: 1982. №4. С.3-4; ҚРМДА. 322-жамгарма, 3-рўйхат, 665-иш, 186-варақ; ЎзРМДА. Р-837-жамгарма, 41-рўйхат, 571-иш, 51-варақ. ҚР қасаба уюшмалари жорий архиви. 71-иш, 40-59 бетлар; ҚРЖКА. 234-жамгарма, 12-рўйхат, 36-иш, 56, 79; 38, 46-иш ва ҳоказо.

тунги сменалар, қисқартирилган ишлаш кунлари (графиклар) тавсия этилди.

Қишлоқ хўжалигида хотин-қизларни малакали «енгил ишларга» жалб қиладиган «махсус» қоидалар қабул қилинди. Улар тракторчилар, машинистлар, чорвачилик фермаларининг механизаторлари, таъмирловчи ишчилар, 2,5 тоннага қадар юк ташийдиган енгил автомашиналарда ёки рули ва бошқарилишида кучлатгичи бўлган автомашиналарда ҳайдовчи бўлиб ишлашлари мумкин бўлган. Буларнинг рўйхати 1969 йил 14 январда қабул қилинган «Хотин-қизларни қишлоқ хўжалигидаги малакали меҳнатда қатнашишга янада кенгроқ жалб қилиш тўғрисида»ги 43-рақамли қарор билан тасдиқланган. Механизатор хотин-қизлар учун қисқартирилган, яъни шу хўжаликда мавжуд меъёрлардан 10 фоиз кам иш меъёрлари белгиланиб, қўшимча таътилар 12 кунга қадар узайтирилган.¹

Сменали ишлаш, тўлиқ бўлмаган график бўйича аёллар меҳнатидан фойдаланиш масалалари 80-йилларда ҳам бир неча бор партия, совет, касаба уюшмалари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан кўриб чиқилган.² Аммо бу ўзгартиришларнинг киритилиши унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаган ва аёллар ҳаётини тубдан яхшилаётгани олмаган. Шу йилларда кўп болали оналар сони ўсган. 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган кичкинтойларнинг болалар боғчаси билан таъминланиш даражаси 30 фоиз атрофида бўлган.³

Қорақалпоғистон аёллари сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига нисбатан кўпроқ иқтисодий ҳуқуқлардан кенгроқ фойдаланганлар. Чунки советлар ва партиявий лавозимлар, съездларга сайланадиган аёл депутатларнинг кўпчилиги одатда асосан деҳқон ва ишчи аёллардан иборат бўлган. Бироқ, етарли даражада юқори маълумотга эга бўлмаганлар, бундай анжуманларга қатнашганлари билан қонунларга ҳеч қандай ўзгартиришлар, енгилликлар киритиш салоҳиятига эга эмасдилар. Мажлис, конференция, съездлар аввалдан белгилаб қўйилган қоида асосида олиб борилар эди. Уларда қанча аёл қатнашгани, сони, ижтимоий келиб чиқиши ҳисобот учун олинарди, холос. Аёллар бундай анжуманларда хўжакўрсинга эълон қилинган «тенгликка» ҳорижликларни ишонтириш воситаси

¹ Ўзбекистон агитатори. 1988. № 14. 24-бет.

² Государственный Комитет СССР по труду и социальным вопросам. Бюллетень. 1978. № 1. -С. 3-23; 1984. № 9. -С.23-25; 1988. № 4. -С.17.

³ Ўзбекистон коммунисти. 1987. № 4. 67-бет.

сифатидагина иштирок этардилар. Қаерга, қанча ишчи, деҳқон, хизматчидан вакил, депутат сайлаш лозимлиги, уларнинг нечтаси аёллардан иборат бўлиши кераклиги ҳақида махсус махфий кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Бу кўрсатмалар ўша даврда сўзсиз бажарилиши шарт эди.

Нафақалар белгилашда ҳам аёллар ишчи, хизматчи ва колхоз аъзолари сифатида табақалаштирилган. Шуниси эътиборлики, уларнинг оладиган нафақа миқдорида ҳам фарқ бўлган. 1989 йилгача энг кам нафақа ишчи ва хизматчиларга ойига 50 рубл, колхозчи аёлларга эса ойига 40 рубл қилиб белгиланган эди.¹

Аёлларнинг нафақага чиқиши 1965 йил 14 июлда «Давлат нафақаларини белгилаш ва уни бериш тартиби тўғрисида» ги қонун ҳамда Низомларда белгиланган. Аммо бу қонун етти йилдан кейингина – 1972 йил 3 августда СССР Министрлар Кенгаши томонидан айрим ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан тасдиқланган. Фуқароларни нафақа билан таъминлаш ҳақидаги янги қонун 1989 йил 2 ноябрда СССР Олий Советида тасдиқланган ва 1991 йилдан кучга кириши режалаштирилган эди.² Бу қонун, ўз навбатида Қорақалпоғистон аҳолиси, шу жумладан хотин-қизларига ҳам тегишли бўлган.

Умумий талаб бўйича аёлларга эркакларга нисбатан 5 йил олдин нафақа белгиланган. 20 йил иш стажига эга бўлганларга 55 ёшдан, айрим ҳолларда барвақт нафақа тайинланиши мумкин бўлган.

Агар аёл ер ости ва соғлиққа зарарли иш жойларда 7,5 йил меҳнат стажига эга бўлиб, хизмат муддати умумий ҳисобда тўлиқ 15 йилни ташкил этса, 45 ёшда ҳам нафақага чиқиши мумкин эди. Колхоз аъзоларига нафақа 1964 йил 15 июлдаги «Нафақалар ҳақида»ги қонунга биноан берилган. Уларга ҳам 20 йиллик меҳнат стажи бўйича ҳамда 55 ёшга тўлиши билан нафақа тайинланган. Бешта ёки ундан ортиқ бола туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган бўлса, 15 йиллик меҳнат стажи билан 50 ёшда ҳам нафақага чиқиши мумкин бўлган. Уларга 1985 йилдан бошлаб «Ишчи ва хизматчиларга давлат нафақаси ҳақида»ги қонунда белгиланган (ер остида оғир меҳнат шароитида ишлаганлардан ташқари) миқдорда нафақа бериладиган бўлган. Бундан ташқари ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар белгиланган.³

¹ Муругов В. Женина – труженица, ее права и льготы. -Т.: Узбекистан. 1990. -С. 83, 86.

² Муругов В. -С. 82.

³ Муругов В. -С. 85-88.

1978 йил 18 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясида жамиятнинг энг муҳим бўғини – муқаддас оилга фақат биттагига модда ажратилган эди.¹

Қорақалпоғистонда 1951 йилда 11474 нафар кўп болали аёллар бўлиб, уларнинг 952 нафари ёлғиз оналар эди.² 1960 йилларда Қорақалпоғистонда йилига 16-16,5 минг бола туғилган.³ Боғчалар етишмаган, аёлларнинг кўпчилиги ишлаганликлари учун болалар уйда қаровсиз қолишган ёки ёши каттароқлари тарбиясида бўлганлар. 9 та шוליчилиқ совхозларидан фақат 2 тасидагина болалар боғчаси мавжуд эди. Аёллар шולי етиштириш билан шуғулланганлари, кун бўйи сув кечиб юришлари, ошхона, ҳаммом етишмаслиги оқибатида турли касалликларга чалинганлар.⁴

Архив ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар йили хотин-қизлар аҳволини яхшилаш ёки болалар боғчалари, нафақалар ҳақидаги масалалар вилоят партия кўмитаси ва Қорақалпоғистон Министрлар Советида кўриб чиқилган. Аммо қабул қилинган биронта қарор амалда тўла бажарилмаган.⁵ 1980-1985 йиллар оралиғида қуриб битказилиши керак бўлган 26 та ФАП (фельдшерлик-акушерлик пунктлари) 10 та СВА (қишлоқ врачлик амбулаториялари) ва 4 та СУБ (қишлоқ участка касалхоналари) дан биронтаси ҳам фойдаланишга топширилмаган.⁶

Партия, совет органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тегишли идоралар бир қарорни қабул қилиб, уни бажармай туриб иккинчи, учинчиларини қабул қилаверган. Қорақалпоғистон вилоят

¹ Ўзбекистон ССР Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 1978.

² Россия ижтимоий-сиёсий тарих Давлат архиви (Российский государственный архив социально-политической истории), Россия архивлари номларининг ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотлар Интернетдан олинди: [http://rgaspi/ab_rgaspi.htm](http://rgaspi.ab_rgaspi.htm). Бундан кейин Россия ИСТДА... 17-жамғарма, 102-рўйхат, 2042-иш, 67-варақ; 103-рўйхат, 1863-иш, 95-варақ; 106-рўйхат, 1900-иш, 53-55-варақлар; 139-рўйхат, 2309-иш, 121-варақ; 104-рўйхат, 2064-иш, 93-варақ; 142-рўйхат, 2169-иш, 133-136-варақлар; ҚРЖКА. 1-жамғарма, 18-рўйхат, 244-иш, 12-варақ; 3-жамғарма, 19-рўйхат, 60-иш, 23-варақ; 2-жамғарма, 18-рўйхат, 113-иш, 59-варақ; 109-жамғарма, 16-рўйхат, 26-иш, 44-варақ; 108-жамғарма, 16-рўйхат, 9-иш, 15-варақ; ҚРМДА. 322-жамғарма, 3-рўйхат, 659-иш, 65-варақ; ҚР Касаба уюшмаси жорий архиви, 30-иш, 1, 12-варақлар. Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди. -Я.А.

³ Советская Каракалпакия. 1966. 31 декабрь.

⁴ Советская Каракалпакия. 1967. 16 мая; ҚРЖКА. 1419-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 35-варақ; 251-жамғарма, 1-рўйхат, 27-иш, 21-варақ. ҚРМДА. 177-жамғарма, 1-рўйхат, 311-иш, 26-варақ.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 7-рўйхат, 885-иш, 2-варақ.

⁶ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 58-рўйхат, 141-иш, 2-варақ.

партия қўмитаси ва ҚҚАССР Министрлар Совети «Республикада оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ва яхшилаш бўйича тадбирлар ҳақида»ги ва шу мазмундаги бошқа қарорларни мунтазам равишда 1944, 1950, 1965, 1974, 1983, 1987 йилларда, 1988 йил январь ва июль ойларида қабул қилган.¹ Аммо биронта қарорда белгиланган, режалантирилган тадбир ҳаётда тўлиқ ўз аксини топмаган. Бу қарорларнинг бажарилишини назорат қилувчи ташкилотларнинг гоят кўплиги сабабли, амалда «ҳеч ким» назорат қилмаган. Жамиятда бепарқлик, лоқайдлик кайфиятлари ҳукм сура бошлаган.

Ҳатто айрим колхоз ва совхозларда врач-педиатр етишмаган. Баъзи колхоз ва совхоз раҳбарлари «бепарқлиги» оқибатида ҳомиладор аёллар оғир ишлардан енгил ишларга ўтказилмаган, ҳатто тўлғоқ тутаётган аёлни касалхонага олиб бориш учун машиналар ажратилмаган. Чунки ҳамма пахта билан банд бўлган, «марказ» учун биринчи навбатда пахта керак эди. Пахта инсондан қадрироқ бўлиб, унинг учун одамларни қурбон қилиш мумкин эди. Тез ёрдам хизмати ёмон аҳволда эди. Қорақалпоғистондаги 30 фоиз аёллар уй шароитида фарзанд кўрганлар, қишлоқ ва овулларда эса бу кўрсаткич ундан ҳам юқори бўлган.² 1950 йилларда 1084 та колхозда болалар боғчаларининг 75 фоизи колхозчилар уйларида, ўтовларда жойлашган. 1960 йилларнинг бошларида ҳам қишлоқларда биронта маиший хизмат уйлари бўлмаган.

Ҳатто 70-80-йилларга келганда ҳам Қорақалпоғистонда болалар боғчаси билан таъминланиш даражаси 20-25 фоиз, Ўзбекистонда эса 37 фоизни ташкил этган.³

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ҳам умумий даражаси паст эди. Қишлоқ ва овулларда аҳолига шаҳарлардагига қараганда 2-2,5 баравар камроқ маиший хизмат кўрсатилган. Айниқса, чорвачилик билан шуғулланадиган айрим туманларда бу даража ундан ҳам паст бўлган. Мухтор республика бўйича ҳар бир одамга шаҳарда 2 рубл 79

¹ Россия ИСТДА. 17-жамғарма, 142-рўйхат, 2169-иш, 133-136-варақлар; ҚРЖКА. 1-жамғарма, 7-рўйхат, 400-иш, 66-варақ; 16-рўйхат, 546-иш, 77-варақ; 48-рўйхат, 295-иш, 2-варақ; 52-рўйхат, 357-иш, 37, 38-варақлар; 53 рўйхат, 259-иш, 1-варақ; 58-рўйхат, 141-иш, 1-варақ; 2-жамғарма, 18-рўйхат, 113-иш, 59-варақ; 108-жамғарма, 16-рўйхат, 9-иш, 15-варақ; 109-жамғарма, 16-рўйхат, 26-иш, 44-варақ.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги архив. 58-жамғарма, 263-рўйхат, 676-иш, 89, 138, 139-варақлар; Россия ИСТДА. 17-жамғарма, 146-рўйхат, 2419-иш, 234-варақ; Комсомольская правда. 1988. 20 март.

³ ҚРМДА. 322-жамғарма, 3-рўйхат, 738-иш, 81-варақ.

копееклик, қишлоқ ва овулларда эса 1 рубл 17 копееклик маиший хизмат кўрсатилган. Айрим овулларда эса, бу кўрсаткич 0,98 копеекни ташкил этган.¹ Айрим жойларда тихув цехлари, кир ювиш жойлари, ҳаммом, сартарошхоналар умуман бўлмаган.²

Архив ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, XX асрнинг 70-йилларида ҳам айрим иншоотлар, мактаб ва боғчалар қурилиши давом этаётган пайтдаёқ «фойдаланишга топширилди» қабилидаги сохта ҳисоботлар топширилган. Жамиятдаги яккапартиявийлик, буйруқбозлик тизими, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва қабул қилинган қарорлар ўртасидаги фарқнинг катталиги оқибатида қоғозда белгиланган режалар бажарилмаган, назоратчи ташкилотлар кўп бўлса-да, амалда кўшиб ёзиш, камчиликларни хас-пўшлаш оммавий тус ола бошлаган. Айрим маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қурилиши 1-1,5 йил деб белгиланганлигига қарамай 5 ва ундан кўпроқ йилларда ҳам ниҳоясига етказилмаган. Айрим ҳолларда режада кўзда тутилган маблағдан тўлиқ фойдаланилмаган. Масалан: Нукус туманидаги «Маиший хизмат уйи» қурилиши учун режада белгиланган 108 минг рублнинг фақат 74 минг рубли ишлатилганлиги боис, ўз вақтида тамомлаб фойдаланишга топширилмаган.³ 1970-1971 йилларда қурилиши битказилмаган, аммо «битказилди» деган расмий далолатнома билан қабул қилинган болалар боғчалари, поликлиникалар, мактаблар қурилишида 1024, 2 минг рубл пул ошириб ёзилган.⁴

Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий онгининг ошиши масаласида уларнинг саводлилик даражаси муҳим ўрин тутди. Биз тадқиқ этаётган даврда ҳам бу масала доимо кун тартибида турган. Кутубхона ва маданий оқартув ишларига аҳамият берилган.

¹ ҚРЖКА. 1264-жамғарма, 1-рўйхат, 17-иш, 22-варақ.

² Центральный архив ВЦСПС СССР. Ҳозир бу архив жамғармалари Россия МДАга кўшиб олинган. Бундан кейин Россия МДА... 1-жамғарма, 9-рўйхат, 606-иш, 23-24-варақлар; Центральный Государственный архив народного хозяйства СССР. Ҳозир бу архив – Российский государственный архив экономики, яъни Россия иқтисодиёт Давлат архиви деб аталади. Бундан кейин Россия ИДА...131-жамғарма, 2-рўйхат, 678-иш, 44-варақ.

³ Центральный государственный архив Октябрьской революции СССР. Ҳозир бу архив жамғармалари Россия МДАга ўтказилган. Бундан кейин Россия МДА... 7689-жамғарма, 20-рўйхат, 3682-иш, 23-варақ; Россия ИСТДА. 17-жамғарма, 139-рўйхат, 2307-иш, 27-варақ, 106-рўйхат, 1896-иш, 15-варақ; 1900-иш, 53-варақ; Коммунист Узбекистана. 1986. № 2. –С.39.

⁴ Россия ИСТДА. 17-жамғарма, 139-рўйхат, 2306-иш, 127, 128-варақлар.

Р.Ш.Ахметшин. Культурно-просветительные учреждения Каракалпакстана. (Во второй половине 40-50-х годов.) Авторефер. дисс. канд. ист. наук. Нукус.: 1996.-24 с.

1950 йилларга келганда ҳам «аёлларнинг саводи етарли даражада бўлмагани, улар фақат имзо чекишнигина билганликлари», режа бўйича очилиши керак бўлган саводсизликни тугатиш мактаблари (Хўжайли ва Чимбойда) ҳатигача очилмаганлиги, «Хўжайли туманидаги кечки таълим тури билан ўқитганларнинг фақат 39,6 фоизигина хотин-қизлар» эканлиги, «қизларнинг мактабларни ташлаб кетаётганликлари Чимбой туманида 6,7 фоизни ташкил қилган»лиги каби муаммолар вилоят партия кўмитаси мажлисида муҳокама этилган.¹ Ундан кейинги йилларда ҳам мактаблар етарли бўлмаган. Масалан, 1952 йил очилиши лозим бўлган 257 та синфнинг 171 тасигина фойдаланишга топширилган, холос.² Ишни ташкил қилишнинг заифлиги ва бошқа сабабларга кўра 1960-йилларда 42 фоиз, 1970-йилларда эса 30 фоиз қизлар ўқишни давом эттирмай мактабни ташлаб кетганлар. Мактаблар, болалар уйларидаги (Чимбой, Хўжайли, Беруний туманларида болалар уйи бор эди) аҳвол ҳам жуда аянчли бўлган. Қишда хоналар кўмир ва саксовул билан қиздирилар, мактаб анжомлари етишмас эди.³

Совет тузуми бошланган даврларда саводсиз, деган баҳо кирилл имлосини билмайдиганларга нисбатан ишлатилган. Ўзбек тилини араб, лотин имлосида биладиганлар ҳисобга олинмаган. 1960-йилларга келганда бундай кишилар сони қатағонлар, сургунларнинг оқибатида, шунингдек, табиий равишда камайиб кетаётган эди. Мактаблар кирилл имлосида таълим бермоқда эди. Бу борада ҳам ишлар суст йўлга қўйилган эди.

Шунинг учун ҳам саводсизлар сони аниқ олиб борилмаган. Масалан, 1962 йил Беруний туманида 25 та, 1963 йил 110 та одам саводсиз, яна бир ҳужжатда 1155 та саводсиздан 43 таси аёллар, 4920 та чаласаводдан 1314 таси хотин-қизлардир, деб кўрсатилган.⁴

Бу ва бунга ўхшаш салбий ҳолатлар Қорақалпоғистон мухтор республикаси ўқитувчиларининг I съезди (1960 йил), IV съезди (1968 йил) ва ундан кейинги йиллардаги анжуманларда ҳам қаттиқ танқид остига олинган ва тегишли тадбирлар белгилаш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 6-рўйхат, 1049-иш, 1, 2, 3-варақлар; 1-жамғарма, 7-рўйхат, 401-иш, 3-варақ; 403-иш, 2-варақ.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 7-рўйхат, 1356-иш, 1-варақ.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 7-рўйхат, 401-иш, 3-варақ; 403-иш, 2-варақ; 1356-иш, 1-варақ; 1392-иш, 9-варақ; 6-рўйхат, 1049-иш, 1, 2, 3-варақлар; 15-рўйхат, 210-иш, 7, 9-варақ; 16-рўйхат, 125-иш, 18-варақ; 22-рўйхат, 85-иш, 17, 38-варақлар; 1-жамғарма, 22-рўйхат, 261-иш 21, 23-варақлар; 824-иш, 24-варақ; 423-иш, 106-варақ; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги архив. 58-жамғарма, 263-рўйхат, 675-иш, 87-варақ.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 22-рўйхат, 77-иш, 1, 3, 4-варақлар.

Қишлоқ хўжалиги ишларига фақат аёлларгина эмас, ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам оммавий равишда жалб этилган. Одатда пахта йиғим-терими мавсумида мактаблар ёпилган. Ўқувчилар икки, уч ойлаб мактабга бормаганлар. Бундай ҳолат 1980-йилларга келганда жуда авж олган. Ўқувчиларни қишлоқ хўжалиги ишларига тортиш - «ўқувчилардан ишлаб чиқариш бригадаларини ташкил қилиш»¹ масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Юқорида келтирилган маълумотлар таълим соҳаси ҳам ўзига хос зиддиятли шаклда олиб борилганлигидан далолат беради. Мактаблар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бир томондан таълим масаласи муҳокама этилган, иккинчи томондан эса ўқувчилар қишлоқ хўжалиги ишига «жалб этилган», яъни бир ёқлама сиёсат олиб борилган. Бу эса ўз навбатида маҳаллий миллат вакилларига тўлиқ, пухта билим бериш совет тузуми асосий мақсадлари сирасига кирмаганлигини билдиради.

1982 йил 26 та пахтачилик, 44 та маккажўхоричилик, 38 та шоличилик, 32 та боғдорчилик, 11 та полизчилик, 25 та чорвачилик билан шуғулланувчи ўқувчилар бригадаларида 13330 ўқувчи ишлаган. Уларнинг ярмидан кўпи қизлар бўлган.² 1987 йил Қорақалпоғистонда 667 та умумтаълим мактаблари, 41 та ПТУ, битта Қорақалпоқ Давлат университети, техникум ва ҳунар-техника билим юртларида ёшлар таълим олган.³ Ўша даврдаги ёзилмаган қонунга биноан ихтиёрий-мажбурий равишда гўёки «ҳашарчи» сифатида талабалар ҳам қишлоқ хўжалиги ишларига тўлиқ жалб қилинган.

Бу йилларда ҳам аёлларга нисбатан зўравонлик, улар ҳуқуқларини менсимаслик, поймол этиш ҳоллари давом этаверган.

Хужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, 1970 йилларгача аёллар эркакларнинг ўзларига нисбатан зўравонларча муносабатлари юзасидан тегишли ташкилотларга ариза-шикоят қилиш йўли билан кураш олиб борганлар. Ўша даврдаги мавжуд жамият қонунларининг етарли даражада амалда қўлланилмаганлиги, таълим-тарбия соҳасида йўл қўйилган камчиликлар ва бошқа қатор сабабларга кўра аёллар ўз-ўзига жабр (Я.А.) қилиш йўлига кўпроқ ўта бошлаганлар. Хотин-қизларнинг ўзини-ўзи ёқиб, ҳаётдан кўз юмиши ҳоллари асосан XX асрнинг 80-йилларидан кейин кўпайган.

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 53-рўйхат, 269-иш, 11, 29-варақлар.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 53-рўйхат, 269-иш, 11, 29-варақлар.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 48-рўйхат, 367-иш, 70-варақ.; 53-рўйхат, 266-иш, 2-варақ; 55-рўйхат, 25-иш, 2, 6-варақлар.

1981 йилдан 1989 йилгача хотин-қизларнинг ўзини-ўзи ёқиш ҳоллари 60 дан ортиқ юз берган.¹ Улар ўлимни ҳаёт ва турмуш ташвишларидан қутулишнинг бирдан-бир чораси деб ҳисоблаб, шу йўлни танлаганлар.

Уларнинг 60 фоизидан кўпроғини 25 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари, ёш қизлар, аёллар ташкил қилган.² Архив ҳужжатларини таҳлил қилиб,³ бундай фожиали ҳодисалар сабабларини бир неча турга бўлдик: 1. Оиладаги носоғлом муҳит. 2. Уруш-жанжаллар. 3. Хўрлашлар. 4. Қизлар ва аёллар муаммоларига атрофдагиларнинг бефарқ, лоқайд, эътиборсиз қараганлиги. 5. Эркаклар жиноятларини баъзан бор-йўғи гуноҳ деб ҳисобланиши. 6. Қизларни мажбурлаб эрга бериш. 7. Эркаклар ва аёллар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларининг етарли даражада олиб борилмаганлиги. 8. Ўз ҳуқуқини билмаслик. 9. Айрим туманлардаги совет ва партия ташкилотларининг ушбу масалага эътибори сустлиги ва ҳоказолар.

Хотин-қизларга эътибор, уларни юқори лавозимларга сайлаш, муаммоларни улар билан биргаликда ечиш масаласи 1985 йил апрелда КПСС XIX Бутуниттифоқ конферециясида қўйилди. Аммо, буларни амалга оширишнинг янгича механизмлари йўқ эди.

Собиқ Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатига хос бўлган хорижий давлатларнинг ички ишларига аралашishi, хусусан Афғонистон давлатида олиб борилган уруш натижасида Қорақалпоғистондан 87 нафар йигит ҳалок бўлган.⁴ Уларнинг оналари, аёллари, сингиллари, суюкли ёрлари аҳволи ҳам маълум даражада ёмонлашган. Шунингдек, совет тузумининг бефарқлик, лоқайдлик сиёсати оқибатида 1986

¹ ҚРЖКА. 1-жамгарма, 48-рўйхат, 202-иш, 3-варақ; 42-рўйхат, 230-иш, 1, 4-варақ; 46-рўйхат, 354-иш, 5-варақ; 48-рўйхат, 202-иш, 3, 4-варақлар; 372-иш, 1-13-варақлар; 58-рўйхат, 300-иш, 37, 43, 66-варақлар. Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган. - Я.А.; Литературная газета. 1987. 19 августа; Правда. 1988. 7 февраля; Комсомольская правда. 1988. 20 марта.

² ҚРЖКА. 1-жамгарма, 42-рўйхат, 230-иш, 1, 4-варақлар; 46-рўйхат, 354-иш, 5-варақ; 48-рўйхат, 202-иш, 3-варақ; 372-иш, 1-13-варақлар; 58-рўйхат, 300-иш, 37, 43, 66-варақлар. Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган. -Я.А.

³ ҚРЖКА. 1-жамгарма, 6-рўйхат, 458-иш, 88-варақ; 7-рўйхат, 398-иш, 1-варақ; 877-иш, 2, 5, 11-варақлар; 1396-иш, 28-варақлар; 8-рўйхат, 411-иш, 50-варақ; 412-иш, 40, 52-варақлар; 413-иш, 2-варақ; 1233-иш, 9-варақ; 1238-иш, 1-варақ; 9-рўйхат, 951-иш, 2-варақ; 10-рўйхат, 464-иш, 7-варақ; 15-рўйхат, 175-иш, 47-48-варақлар; 882-иш, 17, 18-варақлар. Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган. -Я.А.

⁴ Материалы XIX Всесоюзной Конференции КПСС. -М.: Политиздат. 1988. -С. 69.

⁵ Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг жорий архиви. 2003 йил.

йил апрелда Чернобиль АЭСда фалокат юз берди. Унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида Қорақалпоғистондан Тахиятош ГРЭСи тизимида хизмат қилаётган 570 нафар киши, жумладан 23 нафар мутахассис аёл ҳам жўнатилган. Улардан ҳозир 485 нафари ногирон, 21 нафари вафот этган. Қолганлари ҳам касалманд. Ногирон бўлиб қолганлар қаторига Худайбергенова Айша, Пахратдинова Шаригуль, Сейтназарова Раиса, Юлдашева Ўғилжон ва бошқалар киради.¹

Совет тузуми даврида олиб борилган зиддиятли сиёсат оқибатида хотин-қизлар масаласидаги муаммолар тўлиқ ўз ечимини топмади. Лекин шу билан бирга оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилганлигини тан олмоқ керак. Аммо бу ўзгаришлар оналар ва болалар ҳақ-ҳуқуқлари муаммоларини, ундан келиб чиқадиган масалаларни еча олмади.

Хусусан, совет давлати даврида Иттифоқнинг биринчи раҳбари бирон марта ҳам Қорақалпоғистонда бўлмаган, унинг халқи билан танишмаган, унга яқиндан ёрдам бермаган. Бир ёқлама режालаштириш, кам сонли халқларга бўлган эътиборсизлик туфайли Қорақалпоғистон собиқ Иттифоқ таркибида тараққиёт даражаси энг паст бўлган ўлкага айланди.²

Партиянинг яққаҳоқимлик сиёсати оқибатида Орол муаммоси келиб чиқди.³ Шу сиёсат оқибатида 1947-1948 йиллари носоғлом ёки ўлик туғилган болалар сони 2,8- 3,4 фоизни ташкил этиб, шундан 0,7 фоизи туғилиб ўлган бўлса,⁴ 1987 йилда – 40 йилдан сўнг болалар ўлими даражаси 21,0 фоизга етган. Уларнинг 3,3 фоизи бир ёшга етмаган болалар бўлган. Аҳоли орасида саратон касаллиги оқибатида вафот этиш кўпайган.⁵ 80-йиллар охирида 65 фоиз гўдак ақлий ва жисмоний нуқсонлар билан туғилган. 1990 йилларга келганда ўпка сили хасталигидан вафот этганлар сони 2,6 марта, юрак касалликлари билан ҳаётдан кўз юмганлар сони эса 1,3 мартага ўсган.⁶

Шундай қилиб, ҳукмрон мустабид тузум томонидан хотин-қизлар фаолияти махсус «қолип»га солинган эди. Ундан чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди. Аёллар меҳнат фаолиятини ошириш бўйича кўтариб

¹ Қорақалпоғистон Республикаси чернобилчилар Иттифоқининг жорий архиви. 2003 йил.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. 134-бет.

³ Экология муаммоси бўйича кенгроқ маълумот билан ушбу тадқиқотнинг кейинги бўлимида танишасиз. –Я.А.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 6-рўйхат, 1050-иш, 25-26-28-варақлар.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 52-рўйхат. 357-иш, 64, 95, 96, 113-варақлар.

⁶ Вести Каракалпакстана. 1998. 2 июня.

чиқилган шиорлар, таклифларгина партия ва советлар томонидан қўллаб-қувватланган. Асосий диққат-эътибор, аксарият ҳолларда, сиёсий масалага - «синфий огоҳликка» қаратилган. Шунинг оқибатида зиддиятлар келиб чиқиши давом этаверган.

Аёллар оммасини бирлаштиришнинг асосий йўлларида бири хотин-қизларнинг съездлари ва конференциялари эди. Қорақалпоғистон хотин-қизларининг совет даври тарихида - 1917 йилдан 1991 йилгача - 74 йил давомида 4 съезди, 12 конференцияси бўлиб ўтган.¹

¹ Ушбу иловани тузишда қуйидаги архив манбалари ва адабиётлардан фойдаланилди. Совет тузуми даврида айрим конференция ва съездлар рақамланмаган, агар рақамланган бўлса ҳам нотўғри рақамланганлиги муаллиф томонидан аниқланди ва имкон қадар қўшимча манбалар ёрдамида ва асосида тўғри ифодалашга ҳаракат қилинди. -Я.А.: Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси архиви. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 924-иш, 1-3-варақлар; Ўша жойда: 1-жамғарма, 6- рўйхат, 1046-иш, 2, 3, 4, 7 11-варақлар; 1-жамғарма, 5-рўйхат, 1473-иш, 1-33-варақлар; 1-жамғарма, 16-рўйхат, 288-иш, 15-варақ; 289-иш, 4-варақ; 1-жамғарма, 18-рўйхат, 406-иш, 33-варақ; 407-иш, 1-варақ; 1-жамғарма, 22- рўйхат, 824-иш, 1-варақ; 825-иш, 1-варақ; 1-жамғарма, 52-рўйхат, 366-иш, 13-варақ; 358-иш, 1-5-варақлар; 1-жамғарма, 4-рўйхат, 1523-иш, 333, 341-варақлар; 1-жамғарма, 10-рўйхат, 223-иш, 2-варақ; 243-иш, 1-42-варақлар; 244-иш, 1-15-варақлар; 1-жамғарма, 43-рўйхат, 27-иш, 1-27-варақлар; 1-жамғарма, 22-рўйхат, 261- иш, 21, 23-варақлар; 824-иш, 24-варақ; 18-рўйхат, 423-иш, 106-варақ; 16-рўйхат, 17 иш, 55-варақ; 1-жамғарма, 43-рўйхат, 102-иш, 1-36-варақлар; 234-жамғарма, 9-рўйхат, 269-иш, 22-варақ; 1776-жамғарма, 4-рўйхат, 336-иш, 118-варақ; 54-жамғарма, 37- рўйхат, 16-иш, 86-варақ; 127-жамғарма, 15-рўйхат, 38-иш, 10-варақ; 2164-жамғарма, 1-рўйхат, 24-иш, 77-варақ; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги архив. 58-жамғарма, 58-рўйхат, 675-иш, 84-варақ; Россия ИСТДА. 17-жамғарма, 104-рўйхат, 2065-иш, 140-варақ; 106-рўйхат, 1894-иш, 241-варақ; З.Биккулова. Из истории Коммунистической партии за раскрепощение женщин Каракалпакии.// Общественные науки в Узбекистане. 1962. №1. -С.29; Ўша муаллиф. Борьба парторганизации Каракалпакии за преодоление патриархально-феодалных отношений в быту. // Науч. тр. ТашГУ. Вып.№207. -Т.: 1962. -С.40; Т.К.Алланиязов. Партийное руководство раскрепощением женщин Каракалпакии.// Хужум-значит наступление. -Т.: Узбекистан. 1987. -С.102-103; Б.К.Кетебаева. Куяшлы Карақалпақстан ҳаял-қизлары. -Некис.: Карақалпақстан. 1975. 29-бет; История Каракалпакской АССР. -Т.: Фан. 1974. Т.11. С.435; Р.Ш.Калбасва. Женщины Советской Каракалпакии в коммунистическом строительстве. -Нукус.: Каракалпақстан. 1972. -С.239; Советская Каракалпакия. 1968. 28 августа; Советская Каракалпакия. 20 декабря; 31 декабря; «Вести Каракалпақстана». 1999. 30 ноября; Советская Каракалпакия. 1966. 14 января; 1968. 15 февраля; 1968. 30 августа; 1975. 20-31 декабря; 1974. 2 февраля; «Правда Востока». 1986. 31 января; «Комсомольская правда». 1988. 1 июля ва ҳоказо.

Хотин-қизлар конференциялари	Бўлиб ўтган вақти
Биринчи конференция	1924 йил сентябрь
Иккинчи конференция	1926 йил 25-27 октябрь
Учинчи конференция	1927 йил 18-21 сентябрь
Тўртинчи конференция	1927 йил ноябрь
Бешинчи конференция	1928 йил 22-март
Олтинчи конференция	1943 йил 5-6 сентябрь
Еттинчи конференция	1948 йил февраль
Саккизинчи конференция	1963 йил март
Тўққизинчи конференция	1966 йил январь
Ўнинчи конференция	1968 йил 28-август
Ўн биринчи конференция	1973 йил март
Ўн иккинчи конференция	1987 йил

Хотин-қизларнинг съездлари	Бўлиб ўтган вақти
Биринчи съезд	1938 йил август
Иккинчи съезд	1961 йил март
Учинчи съезд	1975 йил декабрь
Тўртинчи съезд	1979 йил март

Совет тузумининг қарама-қарши характерга эга бўлган сиёсати жамиятнинг барча жабҳаларида — сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда амалга оширилди. Хотин-қизлар, болалар, табиат, атроф-муҳит, ер ости ва ер усти бойликлари, ер, ҳаво, сув мана шу зиддиятлар гирдобига тортилди, советларнинг, коммунистик партиянинг яккаҳокимлик, маъмурий-буйруқбозлик сиёсатининг қурбонига айланди. Сабаби — аҳолининг, шу жумладан хотин-қизларнинг тўлақонли ривожланишидан ҳукмрон доиралар манфаатдор эмас эди. Чунки ҳар томонлама камол топган инсон, мутахассис номукамал тузумга хавф солиши мумкин эди. «Инсон омили», «ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялаш» каби чақириқлар шиорларда қолиб кетди. Сиёсатдаги қарама-қаршилиқлар туфайли амалда айнан мана шу «ривожланганликка» қарши ишлар олиб борилганлигининг гувоҳи бўлдик. «Яхши қарорлар» қабул қилинган, аммо улар тўлиқ бажарилмаслиги учун атайин ноаниқ моддалар киритилган.¹

Қорақалпоғистонда хотин-қизлар масаласида вилоят партия кўмитаси ва советлар олиб борган сиёсатдаги қарама-қаршилиқлар, ижобий ва салбий ишлар ўзига хос талайгина янги муаммоларни келтириб чиқарди. Бу эса ўз навбатида аёллар муаммосининг ҳал этилишида, уларнинг яшаши, ишлаши ва ўз оналик вазифаларини бажаришлари борасида қийинчиликлар туғдирди. Мана шу қарама-қаршилиқлар асносида совет тузуми аҳолини, хусусан хотин-қизларни «қўлга ўргатиб олди», улардан фидокор камбағал-меҳнаткашлар «армия»си яратилди.

Қисқача қилиб айтганда, совет тузуми сиртдан қараганда подшо Россияси мустамлакачилигидан анчайин инсонпарвар кўринган эсада, аслида халқнинг, айниқса хотин-қизларнинг асосий ҳуқуқлари поймол этилиши, уларни онгли шахс мақомидан «озодликка чиқариш» баҳонаси билан меҳнат «машинаси»га айлантирилиши каби ҳаётий фактлар мисолида шафқатсиз бўлгани аён бўлади. Чор мустамлакачилари хотин-қизларнинг руҳий олами, маънавияти, мафкурасига таъсир этишдан ўзларини тийишган бўлса, партия ва совет ҳокимияти аёлларни айнан гоёвий томондан маҳв этиш билан улардан ўз мақсадлари учун фойдаланди. Ўтмишини, тарихини, миллий асрий анъана ва қадриятларини топтади, шу руҳда «тарбиялади». Қолаверса, айни шу услуб «тенглик, адолат, меҳнат» ниқоблари ортида яширинган қизил империянинг манфаатларига мос келарди. Энг

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 508-бет.

ачинарлиси шундаки, бундай шакл ва услублар хотин-қизларнинг чинакам эркин ҳаёт, озод юртда, мустақил мамлакатда яшашга бўлган истагини сўндиришга қаратилганди.

20-30-ЙИЛЛАРДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲВОЛИ

Совет ҳокимияти барпо бўлиши билан Амударё бўлими раҳбарлигини ўз-ўзидан Европа халқи вакиллари эгаллаб олдилар. Улар ҳам подшо Россияси бошқарувидан ўрнак олиб, маҳаллий халқ вакилларини дастлаб бошқарувга яқинлаштирмаганлар.

1917 йилдан 20-йилларгача большевиклар сиёсатига қарши миллий қоздлик кураши давом этди. Туркистон АССР билан Хива хонлиги ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар асосан Амударё бўлими ҳудудида юз берди. Бу эса аҳоли турмушига салбий таъсир ўтказмасдан қолмасди, албатта. Советлар томонидан солиқ, товон тўлатиш сиёсати амалга оширила бошланган. Янги ҳокимият комиссарлари марказдан берилган кўрсатмаларга асосланиб маҳаллий Советларга сайловлар ўтказишга киришганлар, лекин бу жараёнга ҳам синфийлик нуқтаи назаридан ёндашиб маҳаллий ер эгалари, руҳонийларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум этишган.

Совет ҳокимияти ҳукмронлигининг дастлабки кунлариданоқ халқни тоифа, гуруҳларга бўлиш сиёсатини қўллади. Бу билан ижтимоий ҳамкорлик ғоясига зарба бериб, маҳаллий аҳоли ўртасида ўзаро адоват уруғини соча бошлади. Мана шундай шароитда хотин-қизлар аҳволи аввалгидек оғир эди. Улар ҳар томонлама тушкунликка учрадилар. Улар ўзлари хоҳламаган ҳолда ички курашлар гирдобига тортилганлар.

Аммо совет ҳокимияти ва коммунистик партия хотин-қизлар ўртасида олиб борган ўз сиёсати орқали уларнинг ижтимоий аҳволи, яшаш тарзини ўзгартиришга ҳаракат қилди. Улар томонидан ташкил этилган хотин-қизлар бўлимлари аёллар оммаси ўртасида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳаларда иш олиб боришни кучайтирган ва ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилган. Бунга, аввало, Қорақалпоғистон аёлларининг ўзига хос хусусиятлари — янгилликка интилувчанлиги, ҳаракатчанлиги, «анча озод» эканлиги (кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларга хос хусусият) орқали ҳам эришилди.

Айрим архив ҳужжатлари шундан далолат берадики, Қорақалпоғистон хотин-қизлари орасида ҳақиқий иш олиб бориш 1925 йилдан бошланган. 1924 йил июнь ойигача хотин-қизлар бўлимини эркак киши «бошқарган», лекин у амалда ҳеч қандай иш олиб бормаган.¹ Аммо, бошқа бир мақолада 1920 йил февралда Петроалександровскда меҳнаткаш хотин-қизларнинг иттифоқи тузилганлиги ва йилнинг охирига келиб Петроалександровск партия қўмитаси қошида хотин-қизлар бўлими рус аёллари томонидан ташкил этилганлиги ёзилган².

Бироқ, 1923 йил 31 декабрда Амударё вилоят шаҳар қўмитаси қошидаги хотин-қизлар бўлими мудирининг Туркистон Компартияси Марказий Қўмитаси қошидаги хотин-қизлар бўлимига жўнатган ҳисоботи,³ 1924 йил 9 январда «Янги-Йўл» газетаси таҳририятига А.Студенцова⁴ ёзган хат мазмунидан Қорақалпоғистонда хотин-қизлар бўлими фаолияти қандайлигидан қатъий назар, аёллар анча фаол бўлганликларини билишимиз мумкин.

А.Студенцова хатига асосланадиган бўлсак, «хотин-қизлар суд жараёнларида жудаям фаол қатнашгани, иши кўрилаётган аёллар ҳақ-ҳуқуқларини тушунтиришда, ҳимоя қилишда фаоллиги», «хотин-қизлар мактабида 29 нафар аёл ўқиётганлиги, халқ судига сайланган беш нафар аёлнинг жуда фаол эканлиги, кўрсатмаларни аъло даражада бажараётганликлари, ҳатто улар судьялар билан қонунлар ҳақида баҳслашиб, иш олиб бораётганликлари» кузатилган.

1924 йил 7 декабрда А.Қудабаев раҳбарлигида ўтказилган ҚАО РКП(б) ташкилий бюро мажлисида хотин-қизлар бўлими мудирини Погорельская ҳисоботи тингланган. Мажлисда мусулмон аёллари тўтараги ва хотин-қизлар бўлимининг алоҳида ҳайъатини тузиш ҳақида қарор қабул қилинган.⁵ Ҳайъат аъзолигига хотин-қизлар

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 148-иш, 25-варақ; 411-иш, 30-варақ; 536-иш, 2, 68, 71-варақлар; 915-иш, 26-27-варақлар; 1-рўйхат, 528-иш, 2-варақ.

² Э.М.Биккулова. Борьба партийной организации Каракалпакии по расширению женщин и вовлечению их в социалистическое строительство. 1917-1929 гг.: Дисс. канд.ист. наук. -Т.: 1963. -С.74.

³ Коммунистическая партия Узбекистана в борьбе за решение женского вопроса в период строительства социализма. Сб. док. и матер. -Т.: Узбекистан. 1977. -С.35-36.

⁴ Коммунистическая партия Узбекистана в борьбе за решение женского вопроса в период строительства социализма. Сб. док. и матер. -Т.: Узбекистан. 1977. -С.35-34.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 84-иш, 13-варақ.

бўлими, «Кўшчи иттифоқи», вакил аёллар, ташвиқотчилар, комсомол ташкилотидан вакиллар олиниши назарда тутилган.

1924 йилда вилоят партия кўмитаси хотин-қизлар бўлимига 1 та бўлим мудирлиги, 2 та йўриқчилик лавозимлари учун 3 та иш ўрни берилган.¹ 1925 йил октябрда эса хотин-қизлар бўлими раҳбариятида рус аёллари билан иш олиб бориш учун яна бир иш ўрни ажратилган.²

Муаммони ўрганиш жараёнида шу нарса аниқландики, Қорақалпоғистонда 1924 йил 4 та округда хотин-қизлар бўлими иш олиб борган,³ деган маълумотдан фарқли ўлароқ, архив ҳужжатларида фақат учта — Чимбой, Хўжайли, Кўнғирот округ партия ташкилотлари қошидагина хотин-қизлар бўлимини очиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги келтирилган. Аммо амалда фақат 2 та жойда — вилоят ва Чимбой тумани ташкилий бюрolari қошидагина хотин-қизлар бўлими иш олиб борган. Қолган жойларда — Томди (1924 йил ноябрь, декабрь ойларида Бухоро республикаси таркибидан Қорақалпоғистонга ўтказилган), Мўйноқ тумани, Тўрткўл округи, Тўрткўл шаҳар партия ташкилотларида хотин-қизлар бўлимлари бўлмаган.⁴

Қорақалпоғистонда хотин-қизлар бўлими ташкил қилингандан бошлаб, 1930 йилгача беш марта хотин-қизлар конференциялари бўлиб ўтган. Уларнинг 4 таси вилоят, биттаси шаҳар-округ миқёсида ташкил этилган.

Бу конференцияларнинг биронтаси биринчи конференция деб аталмаган ҳолда, 1928 йил 22 мартда бўлиб ўтган партиясиз аёлларнинг конференцияси негадир иккинчи конференция деб аталган. Қолганлари эса умуман рақамланмаган.

Ўша даврда аниқ ҳисоботлар олиб борилмаганлиги сабабли анчагина чалкашликларга ҳам дуч келишимиз мумкин. Хотин-қизлар бўлимларининг айрим раҳбарлари ўзларидан олдинги даврда нима ишлар қилинганлиги билан умуман қизиқиб кўрмаганлар.

Конференцияларда хотин-қизларнинг ҳуқуқий аҳволи, партия, комсомол ва «Кўшчи» ташкилотлари, хотин-қизлар бўлимларининг

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 84-иш, 19-варақ; 148-иш, 25-варақ.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 153-иш, 24-варақ.

³ З.М. Биккулова. Борьба партийной организации Каракалпакии по расширению женщин и вовлечению их в социалистическое строительство. 1917-1929 г.г.: Дисс. канд. ист. наук. -Т.: 1963. С.78.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 84-иш, 19-варақ; 148-иш, 25, 26-варақ; 84-иш, 4-варақ.

Бу ҳақда тўлиқ маълумотни иккинчи бобнинг биринчи бўлимидаги иловадан оласиз. —Я.А.

аёллар ўртасида олиб бораётган ишлари, хотин-қизлар ҳайъатини тузиш (1924 й), қалин, кўпхотинлилик, саводсизликни тугатиш мактаблари ва ҳоказо муаммолар муҳокама этилган, тегишли қарорлар қабул қилинган. Мана шу конференциялар таъсирида вилоят партия кўмитаси хотин-қизлар билан иш олиб борадиган маош тўланадиган 6 та иш ўрни ажратган.¹ Конференциялар хотин-қизлар орасида иш олиб боришда, улар фаоллигини оширишда энг зарур иш шаклларида бири бўлган. Чунки айнан мана шундай анжуманларда аёллар бир-бирларининг ишлари, яшаш шароитлари билан танишиб, ўзаро фикр, тажриба алмашганлар.

Конференциялардан кейин аёллар хотин-қизлар бўлимлари номига золим эрлари билан ажрашиш, номусга текканлик, қалин, кўпхотинлилик ва бошқалар ҳақида 50, айрим ҳолларда 100 дан ортиқ шикоятлар ёзганлар.² 1924 йил вилоят судида 6 та маҳаллий, 2 та европалик аёллар ишлаганлар.³ Очiq суд жараёнлари бозор кунлари, аҳоли энг кўп тўпланадиган жойларда уюштирилган. 1925 йилда ажралиш, қалин ва эрининг золимлиги ҳақида тушган 195 та аризадан 12 таси очiq суд жараёнларида кўриб чиқилган. Ҳуқуқ-тартибот органлари вилоят судида жума кунидан бошқа кунлари, бозорда эса шанба, якшанба кунлари соат 10.00 дан 12.00 га қадар ўз навбатчиликларини ташкил этган.⁴

Хотин-қизлар бўлимининг ўзи ҳам аста-секин ижтимоий томондан ўсиб, ривожланиб борган. 1927 йил 19 мартда хотин-қизлар бўлими мажлисида Ҳайъат Кенгаш этиб (Коллегия на Совещание) ўзгартирилган.⁵ Хотин-қизларнинг фаоллашуви кўпинча қилинган ишлар ва келажак режалар хусусида ўзаро хатлар жўнатиш билангина чекланиб қолганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

«Қалин ва кўпхотинлиликка» қарши кураш ҳафталиклари, ҳатто кунлари белгиланиб, тадбирлар олиб борилишига қарамасдан, ушбу масала вилоят хотин-қизлар бўлими ёки вилоят партия кўмитаси, бюро мажлисида алоҳида муаммо сифатида муҳокама, таҳлил қилинмаган.

Шу сабабли, кўп хотинлилик айни партия аъзолари, партия, аъзолигига номзодлар орасида кўп учраган. Масалан, Чимбой туман-

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 84-иш, 13, 19, 14-25-варақлар.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 289-иш, 7-варақ; 307-иш, 1-варақ.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 941-иш, 4-варақ; 302-иш, 17-варақ.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 941-иш, 4-варақ; 302-иш, 17-варақ; 289-иш, 7-варақ; 307-иш, 1-варақ; 153-иш, 281-варақ.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 941-иш, 1-8-варақлар.

нида партия аъзоларининг 10, 21 фоизида иккитадан хотин бўлган. Вилоят партия қўмитаси назорат комиссияси аъзоларининг 40 фоизида иккитадан хотин бўлган.

Бу ҳақда келиб тушган аризаларнинг айримлари суд томонидан кўриб чиқилган, баъзилари эса кейинга қолдирилган. Оқибатда бир-икки нафар одам жазоланган, холос. Жавобгар шахслар мавжуд ҳолатнинг асосий сабабини ўзларини бундай қонундан беҳабар бўлганликлари билан изоҳлаганлар.¹ Айрим ҳолларда эркак партия ходимлари бесоқолбозлик билан ҳам шугулланишган.² Бу ва бунга ўхшаш иллатлар ўша пайтдаги айрим партия ходимларининг нақадар тубанлашиб кетган маънавий қиёфасидан далолат беради.

Айни вақтда аёллар бозор кунлари жойларда бундай иллатларга қарши мажлислар, митинглар ташкил қилганлар. Кўпчилик ҳолларда вилоят хотин-қизлар бўлими билан жойлардаги бўлимлари орасидаги муносабат фақат бир-бирларига хатлар жўнатиш, кўрсатмалар бериш билангина чекланган.³

Аммо жойларда аёллар анча фаоллашган. Мунтазам равишда қалинга қарши кураш кунлари ўтказилган. Мана шундай кунларда 50-100 нафар аёллар йиғилишиб, овқат, чой ташкил қилишган. Янги туғилган чақалоқларга исм қўйишган.⁴ Йиғинларда кўрилаётган масалаларнинг мазмуни, мажлисларни олиб бориш тартиби, савияси яхшиланган.

Маҳаллий аёллардан Сеитова Ж, Юсупова Нуржангул, Аннамуратова Аққыз, Жуманишова К., Тажигул Елтузерова, Зийнеп Махмудова, Шукир Отеген қизи, Марьям Қошниняз қизи, Ақбилек Юнус келини, Тоқжаўлы Есен келини, Т.Бекназарова, Ф.Қодирова ва бошқалар жойларда хотин-қизлар бўлимларини ташкил этиш, халқ суди ишларини янада яхшилашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.⁵

¹ҚРЖКА. 501-жамғарма, 2-рўйхат, 53-иш, 12-варақ; 95-иш, 132, 139, 140, 144, 152-варақлар; 96-иш, 14, 32, 33, 48-варақ; 116-иш, 25-варақ; 119-иш, 2, 12, 16, 17, 19, 71, 73, 78-варақлар; 1-фонд, 1-рўйхат, 153-иш, 281-варақ; 627-иш, 37, 40, 41, 42-варақлар.

²ҚРЖКА. 501-жамғарма, 2-рўйхат, 79-иш, 61, 62, 86-варақлар.

³ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 627-иш, 2, 26, 29, 30-варақ; 879-иш, 13-варақ; 627-иш, 29, 33, 37; 40-варақлар; 905-иш, 15-варақ.

⁴ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 539-иш, 1, 9, 10, 15, 22-варақлар; 540-иш, 7, 33, 49, 55, 96-варақлар; 542-иш, 9-варақ; 543-иш, 1-варақ; 545-иш, 1-варақ; 941-иш, 1-варақ.

⁵ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 536-иш, 11-13-варақлар; 941-иш, 1-варақ; 2-рўйхат, 1121-иш, 94, 128, 198, 202, 203, 204, 209-варақлар.

1929-1930 йилларда халқ судларида маслаҳатчи аёллар сони 350, вилоят судида эса 70 нафардан ошган.¹

1925 йил декабрда коммунистик (большевиклар) партиясининг XIV съезди мамлакатни «социалистик индустриаллаштириш» бўйича кенг қамровли вазифаларни белгилаш билан бирга «Хотин-қизлар орасида иш олиб бориш» номли махсус қарор ҳам қабул қилди. Съезд охирида аёлларни оғир саноатнинг барча тармоқларига ишга жалб этиш бўйича қарор қабул қилинди ва шунингдек, «алоҳида» навбатдаги вазифалар белгилаб берилди.

1927 йил декабрда эса (партиянинг XV съездида) қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ҳақида махсус режа ишлаб чиқилди. Режада «меҳнаткашларни, шу жумладан, хотин-қизларни ишга жалб этмай туриб, майда деҳқон хўжаликларини катта, йирик коллектив социалистик хўжаликка айлантириш ҳақида ҳатто сўз ҳам бўлиши мумкин эмаслиги» ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, 1929 йил апрелдан (партиянинг XVI конференцияси) бошлаб халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик режалари қабул қилина бошланди. Бу режаларда хотин-қизлар меҳнатидан халқ хўжалигининг барча тармоқларида фойдаланиш ҳақида алоҳида қарор ва кўрсатмалар ўрин олган.

Коммунистик (большевиклар) партияси қарор ва кўрсатмаларини бажариш юзасидан аёллар ишлаб чиқаришнинг барча соҳа ва тармоқларига жалб қилина бошлади.

Лекин юқорида қарорлар қабул қилинмасдан олдин ҳам Қорақалпоғистонда аёллар саноат соҳасида ишламоқда эди. Бу жараён асосан 1918-1919 йиллардан бошланган бўлиб, Тўрткўл, Шоббоз, Чимбойда майда хунармандчилик цехлари, бичиш, тикиш, тўқиш курслари, артеллари ва бўлимлари иш олиб борган. 1920 йил ўрталарига келиб, мавжуд корхоналар сони 40 дан ошиб кетган. Корхоналар учун махсус маблағлар ҳам ажратилган.²

Аммо шундай бўлса ҳам 1927 йил 25 январда Қозоғистон АССР халқ хўжалиги кенгашининг ҳисоботида хотин-қизларнинг саноат ишлаб чиқаришдаги иштироки етарли даражада эмаслиги танқид қилинган эди.³ Аслида бу вақтда иккита пахта тозалаш заводида

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 1121-иш, 94, 128, 198, 202, 203, 204, 209-варақлар.

² З.М. Биккулова. Борьба партийной организации Каракалпакии за преодоление патриархально-феодалных отношений в быту.// Науч.тр. ТашГУ: Вып. 207. Т.: 1962. -С.31-44.

³ Великий Октябрь и раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана. - С.267.

279 нафар¹, ёғ ишлаб чиқариш ва балиқ заводида эса 22 нафар² маҳаллий хотин-қизлар ишлашган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хўжалик юритишнинг беш йиллик режаларида аёллар меҳнатидан фойдаланишга катта аҳамият берилган ва саноатда улар сонини 44 фоизга етказиш, уларнинг меҳнатидан юқори даражада самарали фойдаланиш эвазига пахта йиғим-терими, ипакчиликни ривожлантириш кўзда тутилган.

Шунингдек, 1930 йил Меҳнат халқ комиссарлиги томонидан аёлларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш бўйича махсус беш йиллик режа ҳам қабул қилинган. Мана шу режаларни амалга ошириш учун кенг қамровли ишлар бошлаб юборилган. Натижада 1930-1932 йиллари саноат корхоналарида ишловчи аёллар сони олдинги беш йилга қараганда 2,2 мартага кўпайган.⁴

Лекин қишлоқда жамоалаштириш сиёсатини амалга ошириш анча кескин, зиддиятли ва муаммоли кечган. Советлар ва партиянинг бу борадаги режаларининг амалга оширилишига хотин-қизлар қаттиқ қаршилиқ қилганлар. Қорақалпоғистонда бир нечта жойда колхозлаштириш сиёсатиغا қарши хотин-қизлар кўзғолонлари бўлиб ўтган.⁵

Советлар хотин-қизларни маданий ва ижтимоий-сиёсий «коммунистча» ҳаётга тортиш, ўзлари юритаётган сиёсатни тарғиб этиш мақсадида махсус «маданий инқилоб» режасини амалга оширишга киришганлар. 1919 йил Тўртқўлда ўқитувчилар курслари, умумий курслар,⁶ 1920 йил саводсизликни тугатиш фавқулодда комиссияси ва 1923 йил «Йўқолсин саводсизлик» Бутуниттифоқ жамияти бўлими очилди. Бу жамият томонидан хотин-қизларнинг саводсизлигини тугатиш масаласига алоҳида аҳамият берилган. 1924 йил қорақалпоқ халқи ўз тарихида биринчи марта араб ёзуви асосида ишлаб чиқилган алифбога эга бўлди.⁷ Аммо 1927 йил ноябрда вилоят

¹ З. Биккулова. Борьба партийной организации Каракалпакии за фактическое раскрепощение женщин. (1935-1939 гг.) // Вестник Каракалпакского филиала Академии наук УзССР. 1961. № 3. - С. 68-69.

² А. Бекимбетов. О вовлечении женщин Каракалпакии в социалистическое строительство в 1926-1929 г.г. // Вестник Каракалпакского филиала Академии наук УзССР. 1973. № 3. - С. 56.

³ ҚРМДА. 29/с-жамғарма, 1-рўйхат, 7-иш, 4-5-варақлар; ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 728-иш, 1-2-варақлар.

⁴ Б. Кетебаева. Қуяшлы Қарақалпақстан ҳаял-қызлари. 38-бет.

⁵ Бу ҳақда иккинчи бобнинг тўртинчи бўлимида кенгроқ танишасиз.-Я.А.

⁶ И. Қосимбетов. Қарақалпақ Совет интеллигенциясының тарийхынан. Нөкис.: Қарақалпақстан. 1970. 15-бет.

⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 425-426-бетлар.

партия қўмитаси мажлисида қорақалпоқ тилининг лотин ёзувига асосланган алифбосини тайёрлаш учун услубий комиссия тузилган.¹ Бу алифбо 1940 йилгача амалиётда бўлган. Кейинчалик кирилл ёзувига ўтилган. Мана шундай алмаштиришлар натижасида қайси алифбода қай даражада саводдилар борлигини, улар сонини аниқлаш жуда мушкул бўлган, шу тариқа Қорақалпоғистон мухтор вилояти ташкил этилгандан кейинги 5 йил ичида «саводдилар» сони атига бир фоизгагина кўпайган.² Бу ҳақда бошқа фикрлар ҳам бор.³

Аёлларни ижтимоий, сиёсий ҳаётга жалб этишда вакиллар йиғилишларидан кенг фойдаланилди. Вакиллар йиғилишларида аёлларни вакил қилиб сайлаш қатъий синфийлик тамойили асосида амалга оширилган.

10 нафар аёлдан битта, аҳоли сони нисбатан камроқ овулларда 3-5 нафар аёлдан 1 нафар аёл сайланиши ҳақида кўрсатма берилган.⁴ Бунинг устига вакиллар деҳқон, батрак, ишчи, колхозчи аёллардан олинishi керак эди.⁵ Шундай қилиб, биринчидан, бу тадбирлар шаҳар, овул ва қишлоқларда умумий мажлислар ўтказиш йўли билан олиб борилган.

Иккинчидан, аёлларни деҳқон уйлари ва қизил бурчакларга жалб этиш, саводсизликни тугатиш мактаблари очиш, советларга сайловларда қатнаштириш, уларни иш билан таъминлаш, қонунларни мажлисларда ўқиб бериш каби усуллар билан олиб борилди. Қорақалпоғистонда клублар 1925 йилдан очила бошланган.

Қорақалпоғистонда хотин-қизлар бўлими асосан 1920 йил тузилган бўлса-да, аёлларни айтарли даражада ўзига жалб эта олмаган.⁶ Ҳатто 1925 йил Тўрткўлда вакил йиғилишларини ўтказишга ҳаракат қилинганда аёллар тарқаб кетганлар. Фақат 1926 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб бунга эришилган. Айрим архив ҳужжатларида 1927 йилгача вакил йиғилишлари бўлмаган,⁷ дейилса, яна бошқаларида эса бунинг аксини кўраимиз. 1926 йил 23 ноябрдаги Тўрткўл хотин-қизлари мажлисида 40 нафар хотин-қиз қатнашган. Улар орасидан халқ судининг биринчи бўлимига вакил аёллар — Жумабаева Али-

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 899-иш, 5-8-варақлар.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 905-иш, 13-варақ.

³ Қарақалпақстаннын жаја тарийхы. 144-бет.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 66-иш, 34-варақ.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1121-иш, 40-варақ; 1119-иш, 2-варақ; 1123-иш, 40-варақ.

⁶ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 411-иш, 31-варақ.

⁷ ҚРЖКА. 1-жамғарма. 2-рўйхат, 1113-иш, 112-варақ.

ма, Бекбаева Саруар, Кошкиншиева Туйме, Бекдурдиева Анажан, Сейилова Гуласиллар сайланганлар.¹ 12 декабрда Тўрткўлда бўлган аёллар умумий мажлисида эса 25 нафар аёл иштирок этган. Уларнинг 9 нафари халқ маслаҳатчилари бўлиб сайланишган. Сайланганларнинг барчаси рус миллатига мансуб аёллар эди: Заграничная, Юнгерова, Попова, Дубинина, Захарова, Толмачёва, Золотова, Иванова, Качанова.

21 декабрда бўлиб ўтган аёллар мажлиси иштирокчиларининг 31,83 фоизи руслар, 24,32 фоизи қозоқлар, 21,53 фоизи қорақалпоқлар, 17,80 фоизи ўзбеклар, 4,72 фоизи татарлар эди. Улар орасидан ҳам вакил аёллар сайланган. Лекин бу сафар ҳам маҳаллий аҳоли орасидан ҳеч ким вакилликка сайланмаган. 9 нафар рус аёллари — Качанова, Ковошева, Долгунина, Баришникова, Муромская, Ходюкова, Козионова, Курдина, Сергеевалар вакилликка сайланган.² Улардан бештаси болалар боғчаларини очиш учун ҳайъат таркибига киритилган. Маҳаллий хотин-қизлар мажлисларда ўқишни хоҳлашлари лекин кийим ва этиклари йўқлигидан нолиганлар.³

Мунтазам олиб борилган тадбирлар натижасида аёллар анча фаоллаша бошлаган. 1927 йил март ойида аёллар мажлислари учта жойда — Тўрткўл, Чимбой, Қўнғиротда ўтказилган ва уларда аёлларнинг 90-100 фоизи қатнашган.⁴ Бир архив ҳужжатида 1927-1928 йиллари 2 та йиғилиш бўлиб, уларда 169 вакил аёллар қатнашган, дейилса, бошқасида фақат 1928 йилнинг ўзида 111 вакил иштирокида 4 жойда мажлис ўтказилгани ёзилган. Бошқа ҳужжатга биноан 1928-1929 йилларда 46 жойда мажлис бўлиб ўтган ва унда 1118 нафар аёллар қатнашган. Аммо шуниси аниқки, 1928 йилга келганда вакил аёллар йиғилишларининг дастур ва режалари мавжуд эди.⁵ Ташкилотчилар овулларда, қишлоқларда одамлар уйларига кириб, уларни мажлисларга таклиф қилишган. Масалан, 1928 йил вакила аёлларни қайта сайлаш даврида Кегейли, Чимбой, Тахтакўпир туманларига — Сеитова Жумагул, Қитай-Қипчоқ, Хўжайли, Қўнғирот туманларига А.Бурлова, Шоббоз, Тўрткўл, Қораўзак туманларига

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 943-иш, 1-3-варақлар.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 526-иш, 1,2, 18, 20, 25-варақлар.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 153-иш, 281, 283-варақлар; 148-иш, 27-варақ.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 66-иш, 33-варақлар, 1-рўйхат, 927-иш, 1-варақлар.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўхат, 411-иш, 31-варақ; 434-иш, 2-варақ; 737-иш, 1-варақ; 1-рўйхат, 933-иш, 1-варақ.

Ф.С.Қадирова каби вакилалар маҳаллий аёллар орасида ташвиқот юритиш учун юборилган.¹

Шуниси қизиқки, «1926-1927 йиллардаги Қозоғистондаги аёл вакилалар ва вакил йиғилишлари ҳақида» номли архив ҳужжатида ёзилишича, 1926-1927 йилларда фақат 5 та губернияда – Семипалатинск, Оқмула, Жетисув, Оқтўба, Қустанайда мажлис ўтказилган, холос. Қорақалпоғистон мухтор вилояти бўйича вакил йиғилишлари ҳақида бирон-бир маълумот йўқ. Умуман олганда, Қорақалпоғистон мухтор вилояти хотин-қизлар бўлими кўпчилик ҳолларда Қозоғистон Ўлка хотин-қизлар бўлими рўйхатига кирмай қолган.² 1926 йил 21 декабрда ВКП(б) Қозоғистон Ўлка партия қўмитаси хотин-қизлар бўлими мажлисида Ўлка қўмитаси билан жойлардаги бўлимлар ва қўшни миллий республикалар ўртасида ўзаро алоқани яхшилаш кераклиги айтиб ўтилган эди.³

Айрим жойларда вакил йиғилишларини қайд қилиш ҳисоби олиб борилмаган. Аёлларни вакилликка сайлашда тасодифийлик ҳоллари ҳам кўп учраган. Баъзи аёллар вакила бўлиб сайланганликларини ҳатто ўзлари ҳам билишмаган. Архив ҳужжатларининг таҳлилига кўра, ҳар йили турли хил рақамлар кўрсатилган. Бир жойларда умуман мажлислар ўтказилмаган, лекин айрим ҳужжатларда айнан ўша жойлардаги мажлисда кўп аёллар қатнашганлиги айтилган.⁴ Бу нарса ҳисобот талаб қилинган пайтда қўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликлар авжига чиққанлигидан далолат беради.

Шунинг учун ҳам на Қозоғистон Ўлка партия қўмитаси қошидаги хотин-қизлар бўлими, на Қорақалпоғистондаги аёллар бўлими бу ҳақда аниқ маълумот бера олган. Натижада ҳақиқий аҳволни аниқ баҳолай олмай, ишдаги камчиликни яшириш мақсадида йўл узоқлиги, алоқа йўқлиги ваз-баҳона қилиб кўрсатилган.

Совет ҳокимияти ўзининг сиёсатини амалга ошириш учун 1930 йилларда айнан мана шу вакилалар орқали аниқ ҳаракатлар қила бошлади. 1930 йил 4 мартда вакилалар бошчилигида бошқа аёлларни ҳам бирлаштириб, баҳорги экин пайтида уларга агротехникани ўргатиш ҳамда ерларга ишлов бериш, экиш, яганалаш ишларини

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 421-иш, 2, 9-варақлар.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-руйхат, 528-иш, 2-варақ.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 148-иш, 25-варақ.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 528-иш, 2-варақ; 1-жамғарма, 2-рўйхат, 411-иш, 31-варақ; 434-иш, 2-варақ; 727-иш, 1-варақ; 1-рўйхат, 933-иш, 1-варақ.

олиб бориш учун зарбдор бригадалар тузиш ҳақида аниқ кўрсатмалар берилган. Шу билан бирга аёлларнинг болаларига умумий боғчалар, умумий овқатланиш жойларини ташкил этиш¹ каби ва аёллар меҳнатидан юқори фойдаланишнинг бошқа йўл-йўриқлари кўрсатилган топшириқлар берилган.

Шундай қилиб, биринчидан, иқтисодий томондан уларни ижтимоий меҳнатга жалб қилиш ва улар меҳнатидан юқори даражада фойдаланиш;

иккинчидан, тарғибот-ташвиқот юритишда аёлларнинг ўзларидан фойдаланиш, улардан тарғиботчи, ташвиқотчи ва ташкилотчилар тайёрлаш;

учинчидан, ташвиқот ишларини аёлларнинг ўзларига тўлиқ юклаш ишлари кучая бошлади.

Аmmo аёлларнинг вакил йиғилишлари Россиядагидек ёки бошқа ўлкалардаги каби ҳамма ерда ҳам ижобий натижа беравермаган.²

Чунки аҳолининг кўпчилиги қисми овулларда, тарқоқ ҳолда яшаган. Айримлари чорвачилик билан шуғулланганликлари сабабли отарлари билан шаҳарлардан узоқда жойлашганлар. Уларни ҳам четда қолдирмасдан, ижтимоий, иқтисодий ҳаётга қўшиш учун «Кўчма қизил ўтовлар» ташкил қилинган.

«Қизил ўтовлар»ни ташкил қилиш ҳақидаги қарорлар, тушунчалар ва кўрсатмалар Қозоғистон Ўлка партия кўмитаси хотин-қизлар бўлимида 1925 йили 2,17 июнда³ қабул қилинган ва вилоятларга тарқатилган эди.

1928 йил 30 январда эса «ҚАО да (Қорақалпоғистон Автоном области-мухтор вилояти) қизил ўтовларни ташкил қилиш ҳақида» қарор қабул қилинган.⁴ Энг ажабланарли томони шундаки, мана шу ҳужжатга Қорақалпоғистонда «Қизил ўтовларни ташкил қилиш ҳақида» деб эмас, балки «Қизил ўтовларнинг аҳоли ўртасида олиб бораётган ишлари ҳақида» деб сарлавҳа қўйилганда тўғри бўлар

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1121-иш, 40-варақ; 1119-иш, 2-варақ; 1123-иш, 40-варақ.

² П.М.Аракелова. Государственная политика в отношении женщин Российской Федерации в 20-годы. Опыт организации и уроки. -М.: 1997. -С.125.

³ Женщины Казахстана-активные строители социализма. -С.83, 297; Великий Октябрь и раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана. -С. 346-349; Социалистическое строительство в Казахстане в восстановительный период. (1921-1925 гг.). - С.555-556; Коммунистическая партия Казахстана в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов. (1921-1927 гг.). -Алма-Ата.: Казахстан. 1981. Том.1. - С.330.

⁴ Женщины Казахстана-активные строители социализма. -С.115.

эди. Чунки Қорақалпоғистон мухтор вилояти партия қўмитаси қошидаги хотин-қизлар бўлими ҳайъати томонидан икки йил аввал 1926 йил 14 февралда «Қизил ўтовларни ташкил этиш ҳақида» қарор қабул қилиб бўлган эди.¹ Қозоғистон Ўлка партия қўмитасининг тарғибот ва ташвиқот бўлими мажлисида қатнашаётган, 1927 йил Қозоғистон Ўлка партия қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитаси бўлим мудирини лавозимига тайинланган А.Бурлова² нимагадир бу ҳақда маълумот беришни лозим топмаган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, «Қизил ўтов»ларни ташкил этиш ҳақида қарор илгари қабул қилинганлигидан А.Бурлованинг хабари бўлмаган, аввал чиққан ҳужжатлар билан танишмаган, ўз ишига юзаки қараган. Табиийки, бу борада амалда иш олиб борилмаган. Шунинг учун ҳам мажлисда сўзга чиққан А.Бурлова Қорақалпоғистонда «Қизил ўтовлар» ташкил қилиниши зарурлиги ҳақида гапирганидан кейин юқоридаги қарор қабул қилинган.

«Қизил ўтов»ларнинг ҳақиқий амалий фаолияти 1928 йил апрелдан бошланган. Қизил ўтовлар 2 та ўтовдан иборат бўлган. Биринчиси ижтимоий-сиёсий ишлар билан шуғулланган — оналик ва болалик, гигиена, кўп хотинлилик ва қалинга қарши кунларни (1 январь, кейинчалик 8 март, 22 март кунлари белгиланган) ўтказиш учун тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борган. Улар «Тендик» («Тенглик»), «Айел тендыги» («Аёл тенглиги»), «Қабырға» («Қовурға») каби газета ва журналларни аҳолига ўқиб беришган. Иккинчиси таркибида судья, врач, фельдшер-акушер, ўтов мудирини, саводсизликни тугатиш бўйича мутасадди санитар-таржимон, қоровул-санитар бўлиши мўлжалланган, лекин кадрлар тақчиллиги сабабли ҳамма вақт ҳам бу мутахассисларни тўплаш имкони бўлмаган. Айрим ҳолларда улар бўлимларда белгиланган бир ой ўрнига икки ва ундан кўпроқ ой қолиб кетганлар.³ Хотин-қизлар вакилларининг

¹ ҚРЖКА 1-жамғарма, 1-рўйхат, 859-иш, 1-варақ; 915-иш, 54,72-варақлар; 530-иш, 2-варақ; 531-иш, 12-варақ; 534-иш, 1-варақ; 919-иш, 7-варақ; 927-иш, 23-варақ; 936-иш, 2-варақ; 2-рўйхат, 729-иш, 3-варақ.

² Женщины Казахстана-активные строители социализма. -С.301; Р.Ш. Калбаева эса «қизил ўтовларни 1927 йил ташкил қилинганлигини таъкидлайди. Қаранг: Женщины Каракалпакии в коммунистическом строительстве. -Нукус.: Каракалпакстан. 1971.- С.93.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 530-иш, 1, 2-варақлар; 531-иш, 12-варақ; 533-иш, 13-варақ; 534-иш, 1-варақ; 915-иш, 54, 72-варақлар; 927-иш, 23-варақ; 936-иш, 2-варақ; 919-иш, 7, 74-варақ; 940-иш, 31, 32, 33-варақлар; 1-фонд, 2-рўйхат, 432-иш, 6, 16-варақлар; 729-иш, 1, 2, 3-варақлар.

Йиғилишлари тарқоқ, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳолатда яшовчи аҳоли ўртасида айтарли даражада наф бермаган. Қизил ўтовлар муваффақият билан ишлай бошлаган жойларда ва аёллар ўртасида саводсизликни тугатиш, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқий масалалар бўйича анчагина натижаларга эришилган. Улардан ташқари «Кўчма ташкилотчилар» ҳам иш олиб борган, улар овулдан овулга кўчиб юрганлар. Ўтроқ аҳоли ўртасида эса «Бўлис ташкилотчилари» фаолият кўрсатган.

Хотин-қизларни партия сафига қабул қилишга жиддий сиёсий тус берилган, бу «муҳим» воқеа даражасига кўтарилган. Натижада партия сафида хотин-қизлар сони ошиб борган. Масалан, 1920 йил Петро-Александровск РКП (б) аъзоларининг 3 фоизини хотин-қизлар ташкил этган бўлса,¹ 1928 йилга келганда эса 8,4 фоизга² етган.

Хотин-қизларни фаоллаштириш, уларни «совет ишлари»га жалб этишга зўр берилган. 1929-1930 йилларда хотин-қизлардан Совет аъзолари сони 1157 нафарга етиб, 41,6 фоизни ташкил этган. 1928 йилда қишлоқ совети раиси лавозимида бирорта ҳам аёл ишламаган бўлса, 1929-1930 йилларга келиб, улар сони бирданига 30 нафарга етиб, 26 фоизни ташкил этган. Каперативларда эса аёллар сони 9 фоизни ташкил этган. Вилоят суди ва прокуратурасида аёллар сони 5, халқ маслаҳатчилари сафида эса аёллари сони 348 нафарга етган.³ (Аёллар сони бирданига кескин кўтарилгани шубҳалидир.-Я.А.)

Фаол аёллар қаровсиз болалар билан ҳам шугулланиб, болалар уйларига ёрдам берганлар. Биринчи болалар уйи 1919 йил Тўрткўлда очилган, 1920 йилда эса болалар уйлари сони 6 тага етган. Кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли болалари учун мактаб-интернатлар ташкил қилинган.⁴ Касал ва ота-онасиз қолган болаларга ёрдам берилган, 1928 йил эса вилоят соғлиқни сақлаш бўлимида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ташкил қилинган комиссиялар иш бошлаган. Бўлим қишлоқ ва овулларда аёлларга болаларни асраш бўйича тушунтирув ишлари, болалар боғчаларини очиш, тозалик-озодалик ҳақида тиббий маслаҳатлар бериш учун эса сайёр гуруҳлар ташкил қилган.⁵

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 25-рўйхат, 15-иш, 1-2-варақлар. Муаллиф томонидан ҳисобланди.- Я.А.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1121-иш, 27-варақ. Муаллиф томонидан ҳисобланди.- Я.А.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1121-иш, 27, 52, 94-варақ.

⁴ История Каракалпакской АССР. -Т.: Фан. 1974. Том второй. -С.199.

⁵ ЎзРМДА. 17-жамғарма, 1-рўйхат, 406-иш, 122-варақ; ҚРМДА. 12-жамғарма, 3-рўйхат, 48-иш, 6, 8-варақлар.

Қорақалпоғистонда умуман аёлларни фаоллаштириш учун аёл вакилалар йиғилишлари, кўчма «Қизил ўтовлар», умумий мажлисларда янги туғилган чақалоқларга тантанали равишда исм қўйиш (бу тадбир аёлларга жуда жозибали кўринган, буни айрим аёллар хоҳлашган ҳам. Мажлислар баённомаларини ўрганиш жараёнида бунга амин бўлдик. -Я.А.), 8 мартнинг мавсумий тадбирларини, қалин ва кўпхотинлиликка қарши кураш кунларини ўтказиш, Советларга сайловлар ўтказиш мавсумида аёлларни алоҳида тайёрлаш, ҳуқуқ-тартибот органларининг олиб борган тарғибот-ташвиқоти, эркаклар орасида амалга оширилган ишлар, кўп хотинли золим эркаклар устидан олиб борилган очиқ суд жараёнлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича уюштирилган тушунтириш ишлари, боғчалар ташкил этилиши каби тадбирлар олиб борилган.

Шунингдек, уларни ижтимоий ҳаётга жалб этишда саводсизликни тугатиш мактаблари, мактаб-интернатлар, аёллар учун махсус курслар, хотин-қизлардан совет аъзоларини тайёрлаш курслари, кўчма «Қизил ўтовлар», «Деҳқон уйлари», «Чорвадор аёл уйлари», «Қизил бурчаклар», «Қизил чойхоналар», клубларнинг ташкил этилиши, «Кўшчи иттифоқи»даги аёллар секторида (Қорақалпоғистонда «Кўшчи иттифоқи»и 1922 йил, ундаги аёллар сектори эса 1924 йил тузилган)¹ ташкил этилган саводсизликни тугатиш мактаблари катта роль ўйнаган.

Шу билан бир қаторда, аёлларга ер-сув ислоҳотлари ва уларнинг ҳуқуқлари ҳақида тушунчалар бериб борилган. Энг асосийси, аёлларда ўқишга бўлган иштиёқ, хоҳиш, тиришқоқлик фазилатлари уларнинг билим олишида, саводсизлигини тугатишда муҳим ўрин тутган.

Касаба уюшмалари, комсомол ташкилотларининг (архив ҳужжатларида 1920 йил ташкил топган, дейилган) хотин-қизлар орасида олиб борган ишлари натижалари мунтазам равишда вилоят партия қўмитаси мажлисларида кўриб чиқилган, тегишли қарорлар қабул қилинган ва кўрсатмалар бериб борилган. Шунингдек, вилоят партия қўмитаси қошида 1925 йил фақат қизлардан таш-

¹ ҚРМДА. 30-жамғарма, 1-рўйхат, 2-иш, 2-варақ; ҚРМДА. 67-жамғарма, 2-рўйхат, 1713-иш, 10-варақ; ҚРЖКА. 1-фонд, 1-рўйхат, 40-иш, 2-варақ; 148-иш, 53-варақ; 148-иш, 53, 55, 56; 153-иш, 284-варақ; 271-иш, 4, 5-варақ; 628-иш, 109-варақ; Великий Октябрь и раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана. С.220. История Казахской ССР. Эпохи социализма. -Алма-Ата.: Академия наук Каз.ССР. 1963. -С. 375- 390.

кил топган пионер ташкилотлари тузилган. Улар мактабларда иш олиб боришган.¹

ҚҚАССР Марказий ижроия қўмитасининг 1935 йил декабрда қабул қилган махсус қарорида хотин-қизлар саводсизлигини тугатишга тўсқинлик қилувчи ҳар бир шахсни жиноий жавобгарликка тортиш қўзда тутилган. Натижада бу борадаги кўрсаткичлар кескин равишда ошган. Масалан, 1928 йил бор-йўғи 1815 хотин-қиз «янги-часига» саводли бўлган бўлса, 1935 йилда уларнинг сони 13644 нафарга етган.

Бу даврга келиб саводсизликни тугатиш бўйича ўқув қўлланмалари чоп этиш анча кўпайди. Қорақалпоқ тилидаги турли хил дарсликлар асосан Москва нашриётларида чоп этилган. 1930 йилларда умумий бошланғич таълим жорий этилган. Бу йилларга келиб етти, ўн йиллик мактаблар, педагогика, молия-режа, қишлоқ хўжалиги техникумлари, тиббиёт билим юрти очилди. Совет статистика маълумотларига қараганда, Қорақалпоғистон аҳолисининг умумий саводхонлиги 1939 йилда 60 фоизни ташкил қилган. Маҳаллий миллат вакиллари Тошкент, Самарқанд, Москва, Ленинград, Олмаота ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртлари, техникумларга ўқишга юборилган. Бу даврда бир қатор фаол аёл-қизлар етишиб чиқдилар.

Қорақалпоғистон халқи тарихидаги катта воқеалардан бири бу 1934 йил Тўртқўл педагогика техникуми асосида Қорақалпоқ давлат ўқитувчилар институтининг очилиши эди.² Унда аввал физика-математика, қорақалпоқ тили ва адабиёти бўлимлари, кейинчалик эса рус тили ва адабиёти, тарих факультетлари очилган.

Шунингдек, бу даврда совет мафкураси билан суғорилган қорақалпоқ адабиёти ва санъати, театри шаклланди. Ёзилган асарлар, театр сахнасида қўйилган драма ва спектакллар, газеталарда (масалан, Қосим Аvezов «Қзыл Қарақалпақстан» газетасида С.Мажитов-

¹ Шунинг алоҳида айтиб ўтиш керакки, «Некоторые вопросы из истории комсомола Каракалпакии». Госиздат ККАССР. — Нукус.: 1958. — С. 18-20-да комсомол ташкилоти 1920 йил ташкил топган ва Чимбойда биринчи мажлиси бўлиб ўтганлиги айтиб ўтилган; История Каракалпакской АССР. Том второй. Т.: Фан. 1974. 98-бетиде Тўртқўлда 1924 йил комсомол ташкилотининг ячейкаси ташкил этилганлиги қайл этилган; ҚРЖКА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 270-иш, 2-варақ; 941-иш, 7, 9-10-варақлар; 2-рўйхат, 894-иш, 18-варақ; 84-иш, 105-106-варақлар.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 426-бет.

³ Ёжинияз атындағы Нөкис мамлекетлик пединститутына 60 жыл. — Нөкис.: Билим. 1994. 5-бет.

нинг Толлиқ волостида яшовчи оддий қишлоқ қизининг аянчли тақдири ҳақидаги «Бағдагуль» пьесасига ўз фикрини билдирганлиги учун қатағон қилинган.) чоп этилган асарлар большевиклар мафхурасига тўғри келмаса, муаллифлар ва асарларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган инсонлар қатағон қилинган. Буларга рухсат берган муҳаррирлар эса «халқ душмани» ҳисобланиб, қаттиқ жазоланган, ҳатто олий жазога ҳукм этилган.

Умуман олганда, хотин-қизлар орасида кенг қамровли — ҳуқуқий, сиёсий, маданий-маърифий, иқтисодий соҳалар бўйича ишлар олиб борилган.

Баландпарвоз «большевикча» шиорлар, миллий-жуғрофий характердаги салбий хурофотлар, баъзан оиладаги нотенглик Қорақалпоғистон хотин-қизларининг совет империяси найрангларига чув туша бошлашига олиб келмоқда эди. Партия корчалонлари аёллар роли ва мавқеини тубдан ошириш тўғрисида тинимсиз сафсатабозлик қилсалар-да, аслида энг оғир меҳнатга аёлларни янада кенг жалб этиш, уларни эксплуатация қилиш асл муддаоси эди.

Шунингдек, совет тузуми даврида жамият тараққиётида, хусусан, аёллар ҳаётида юз берган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришларни архив ҳужжатлари асосида ва қўшимча манбалар ёрдамида таққослаш услуби билан холис ўрганилди, таҳлил қилинди.

Хуллас, бу даврда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок қилиши асносида барча ижтимоий, сиёсий ташкилотлар маъмурий-буйруқбозлик тизимининг барча шакллари, усулларидан фойдаланган ҳолда у ёки бу даражада ижобий ва салбий фаолият олиб борганлар. Олиб борилган тадбирлар аёлларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга маълум даражада хизмат қилган.

Мана шундай оғир, мураккаб, алғов-далғовли йилларда аёллар турли синоатларни босиб ўтиб, чиниққанлар. Уларнинг ижтимоий, сиёсий онги маълум даражада ўсган. Советларнинг маъмурий-буйруқбозлик бошқарув тизимининг тазйиқ ва сиқувлари оқибатида хотин-қизлар мавжуд муҳитга мослашишга мажбур бўлганлар. Ўзлари билиб-билмай социалистик халқ хўжалиги зарбдори бўлишга интиланлар.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МАДАНИЙ СОҲАЛАРДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Совет тузуми бутун собиқ Иттифоқ, жумладан, Қорақалпоғистонда халқ хўжалиги ва маданий соҳаларни ривожлантиришда аёллар меҳнатидан кенг миқёсда, чексиз фойдаланиш йўлини танлади. Бу даврда фақат хотин-қизлар эмас, балки эркекларнинг ҳам барча имконият, салоҳият, ақл-заковат, тadbиркорлиги чеклаб қўйилган, конкретлаштирилган ва бир «қолипга солинган» эди. Ундан чиқиб кетиш эса шахс «ўлим»и билан яқунланиши мумкин эди.

Мана шундай «озод» қарамлик даврида, большевиклар партияси томонидан ташкил этилган хотин-қизлар бўлимлари Қорақалпоғистон хотин-қизларининг меҳнат фаолиятини жадаллаштириш учун аёллар орасида кенг қамровли аниқ мақсад ва вазифаларни амалга оширдилар.

Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки даврдаги тарғибот ишлари биринчи навбатда синфий қарама-қарши фикрлар ва дунёқарашларни шакллантириш мақсадини кўзлаган. Зеро, «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» ақидаси халқни пароканда этиш учун қўллайдиган услубдир. Тарғибот «машина»сининг тиним билмай, узлуксиз ишлаши натижасида бу борада маълум даражада силжишга эришилди.

Қорақалпоғистонда совет тузуми даврига оид архив ҳужжатлари ва бошқа манбаларни таҳлил қилиш натижасида, аёлларнинг меҳнатдаги фаоллигини ошириш учун ўзига хос механизмлар яратилганлигининг гувоҳи бўлдик. Турли режалар ва тadbирларда хотин-қизлар ўртасида иш олиб боришнинг асосий йўналишлари акс эттирилган. Шунингдек, хотин-қизлар бўлимлари махсус иш режасига эга бўлган. Аёллар фаоллигини оширувчи механизмлар йўналишини асосан икки даврга бўлиш мумкин:

1-давр. 1920-1950 йиллар (уруш даврига хос хусусиятларни ҳам шу даврга қўшиш мумкин).

2-давр. 1960-1970-1980 йиллар.

Биринчи даврда—1920-1950 йилларда асосан қуйидаги шакл ва усуллар қўлланилган. Уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш (тасниф этиш) мумкин:

1. Тарғибот ва ташвиқот соҳасида: митинглар, 8 март байрамини нишонлаш, тақдирлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

2. Ташкилий ва тарбиявий ишларда: съезд, конференция, умумий мажлис, кенгаш, фаоллар (актив) йиғилиши, қўшимча равишда: слёт, қурултой ва ҳоказо усуллар ишлатилган.

3. Ижтимоий-амалий фаолиятда: турли ҳаракатлар, мусобақалар, бригадалар, гвардиячи бригадалар, фронт бригадалари, звенолар, зарбдор ва зарбдорлар гуруҳлари, ҳашарлар, кунлар, ҳафталиклар, ойликлар, танловлар, меҳнат эстафеталари ўтказиш ва бошқа усуллар қўлланилган.

4. Ижтимоий-сиёсий, техникавий соҳада: махсус семинарлар, курслар, тўғараклар, қизил чойхоналар, махсус тарғибот-ташвиқот пунктларини ташкил этиш, шиорлар, ленинча чақириқлар каби усуллардан фойдаланилган.

Иккинчи даврда — 1960-1970-1980 йилларда ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш учун халқ хўжалигининг барча соҳаларида — оғир ва енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, маънавий-маданий соҳаларда фаолият кўрсатаётган аёллар ўртасида мусобақалар ташкил этилган. Улар 20-50 йилларда ишлаб чиқилган шакл ва услублар билан бирга қўшиб олиб борилиб, янада ривожлантирилган, такомиллаштирилган шаклларида ишлатилган.

Улар қуйидаги кўринишда олиб борилган:

1. Асосий йўналиш — мусобақалар, турли ҳаракатлар «социалистик», «коммунистик меҳнат учун» деб аталган.

2. Иш усуллари: бригада пудрати, меҳнат эстафеталари, оддий икки колхозчи ёки оддий икки ишчи аёл, бригадалар, жамоалар, туманлар, вилоятлар ўртасида, шахсий ва жамоавий мажбуриятлар олиш (бу асосий белги ҳисобланган.-Я.А.), уруш йилларида ва урушдан кейинги тикланиш даврида «ўзим ва ўша йигит учун» шиори остида зарбдорчилик ҳаракатлари ва илғор тажрибаларни доимий равишда тарғиб-ташвиқ қилиш ишлари кенг йўлга қўйилган.

3. Асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш аёлларни сиёсий-ижтимоий жиҳатдан тарбиялаш билан қўшиб олиб борилган: сиёсий ахборотлар бериш, аёлларни «коммунистча» тарбиялаш учун сиёсий ташвиқотчилар завод-фабрикаларга, идораларга, бригада, ферма, жамоаларга юборилган, газета-журналларда социалистик мусобақалар бориши кенг ёритилган, газеталарда «Танишинг: «социалистик мусобақа ғолиби», «коммунистик меҳнат қаҳрамони» туркумида мақолалар эълон қилинган, муваффақиятлар «юлдузчалар» билан тақдирланиб, «Ҳурмат тахтаси» ташкил этилган ва бошқа рағбатлантирувчи махсус ишлар олиб борилган.

Вилоят партия қўмитаси, Министрлар Совети билан биргаликда вилоят касаба уюшмаси, комсомол ташкилоти янги иш шакллари ва услубларини амалга ошириб, хотин-қизлар масаласи билан шуғулланишда фаол иштирок этганлар.

Асосий мақсад ва вазифалар, шакллар ва услублар, хотин-қизларни «озодлик»ка чиқариш байроғи остида, биринчидан, аёллар (болалар) меҳнатидан унумли фойдаланишга, уларнинг меҳнат фаоллигини оширишга, иккинчидан, уларнинг ижтимоий-сиёсий онгини советча «тарбиялаш»га қаратилган эди.

Шундай қилиб, коммунистик партия ўзининг яққаҳоқимлик сиёсатини ижтимоий ташкилотлар, ташвиқотчилар, хотин-қизлар бўлимлари ва ҳоказолар орқалигина эмас, балки ўз сафига хотин-қизларни қабул қилиш, улар сонини кўпайтириб бориш ва коммунист аёллар орқали ҳам омма орасида ўз сиёсатини амалга оширишга ҳаракат қилган. Партия ўз нуфузини кўтариш мақсадида аъзоликка кириш жараёнини анча қийинлаштирган. Ҳамма ҳам партия аъзоси бўла олмаган. Биринчидан, партияга кириш жараёни ўта табақалаштирилган, иккинчидан, синфийлаштирилган. Асосан ишчи ва деҳқонлар партия аъзолигига кўпроқ олинарди. Ақлли, ўқимишли, зиёлилар учун партия сафига кириш анча мураккаблаштирилган. Давлатни бошқариш жараёнида эса биринчи навбатда «сиёсий етук», ўқимишли, меҳнатда обрў қозонган партия аъзолари юқори лавозимларга қўйилган. Ўз аъзолари орқали давлатни бошқариш осонлиги тажрибада синаб кўрилган. Партия аъзоларининг аксарияти ишчи ва деҳқонлардан иборат бўлгани, улар асосан «қора» меҳнат да намуна бўлганлиги сабабли улар жамиятни иқтисодий жиҳатдан юксалтирсаларда, сиёсий томондан ўзгартиришга қодир эмасликлари ҳисобга олинган. Гўё «ҳоқимият эгаси» ҳисобланган коммунист ишчи-деҳқонлар номидан оммани бошқариш осон бўлган. Омма ҳам бу ҳоқимиятни ўзиники, деб ҳисоблаган. Шундай қилиб, партия ўзининг ўзаро тенглик ғояларига оммани ишонтира олган.

Советлар ўз сафига аёлларни депутатликка сайлаш йўли билан уларнинг фаоллигини ошириб борган. Коммунистик партия, хотин-қизлар бўлими, советлар ва бошқа жамоат ташкилотлари ўз номидан вакиллар, депутатлар сайлаш билан омма орасига кириб борган.

Коммунистик партия ва советларнинг мунтазам равишда жамиятни «совет сиёсатини ёқтирмаган»лардан қатағонлар ва сургун қилиш йўллари билан «тозалаб» туриши оқибатида, биринчидан, хотин-қизлар кўрққанларидан ишлаб чиқариш ва ташвиқотга аралаша бошлаганлар.

Иккинчидан, яшаш учун, жамиятда юз бераётган сиёсий қатагон тўлқинидан имкон қадар ўзларини сақлаш учун, учинчидан, ўзлари ҳам табиатан ишлашни хоҳлашгани боис фаоллаша бошлаганлар. Оқибатда ташкил этилган артеллар, цехларга биринчи навбатда, аёлларни жалб этишга муваффақ бўлинган.

Янги иқтисодий сиёсатта ўтиш муносабати шахсий ташаббусларнинг ўсиши тарғибот-ташвиқот ишлари мазмунига ва аёлларнинг фаоллашувига таъсир қилган.

Ишлаб чиқаришда хотин-қизлар сони йилдан-йилга ошиб борган. 1928 та майда кооператив бирлашмаларда, 150 та гилам тўқиш, 80 та тикиш-бичиш ва бошқа артелларда ишлаганлар.¹ Аёлларнинг ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссаси аста-секин кўзга кўрина бошлаган. Натижада улар жамият ривожига ўз ўринлари борлигини англай бошлаганлар.

Шунингдек, «СССРнинг пахта мустақиллиги учун» кураш олиб борилди.² Бу курашда «ғалаба» қозониш учун барча усуллардан, йўллардан фойдаланилди. Пахта далалари майдони 1931 йилда 20 фоизга кенгайтирилган.³ 1930-1940 йилларга келиб хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш янада кенг ёйилди. Хотин-қизлар энди қўл меҳнатига асосланган оғир қишлоқ хўжалиги ишларига тортилган, аммо улар меҳнатига 50 фоиз кам ҳақ тўланган. Бу борадаги аҳвол Россия империяси давридаги вазиятдан унчалик фарқ қилмаган. Фақат совет даврида меҳнат анча жозибали шаклда таърифланган.⁴ 1931 йил «8 март номи билан» меҳнат эстафетаси ўтказилган. Шу мақсадда Республика Кенгашлари, хотин-қизлар конференциялари, слётлар, «актив»лар ташкил этилган.

Айниқса, большевиклар партиясининг XIV съезди қарорларига мувофиқ маҳаллий хотин-қизлар саноат индустриясига, металлни қайта ишлаш, транспорт, ёғ-мой ишлаб чиқариш, пахта тозалаш заводларига ишга жалб қилинган. Хотин-қизлардан токар, чилангарлар тайёрлашни авж олдириш ҳақида махсус қарорлар қабул қилинган. 1930 йили «Энг яхши аёл меҳнатини ташкил қилиш учун» танлови дастури ишлаб чиқилган.⁵ Меҳнат «икки ҳафталиклари», вакила аёллардан зарбдор бригадалар ташкил этилган.⁶ Бу масала бўйича аҳоли орасида иш олиб бориш учун ташвиқотчилар юборилган.

¹ Худжум-значит наступление. -С.94.

² ҚРЖКА. 1-фонд, 2-рўйхат, 1113-иш, 81-варақ.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1119-иш, 2-варақ.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1113-иш, 109-варақ.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1129-иш, 1-3-варақлар.

⁶ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1113-иш, 90-варақ.

1931-1932 йилларда саноат корхоналарида ишловчи хотин-қизларнинг сони 2,2 мартага кўпайган. Биринчи беш йилликнинг охирига келиб эса Қорақалпоғистон саноат корхоналарида ишлаётган аёллар сони 9,6 фоизни ташкил этган. Ҳунармандчиликнинг 15 тури бўйича 58 та артеллар ташкил этилган. Турли бирлашмалар таркибида аёллар сони йилдан-йилга кўпайиб борган. Масалан, 1928 йили уларнинг сони 1015 нафар бўлган бўлса, 1932 йилга келиб 13556 нафарга етган.

1930 йили Қорақалпоғистон балиқчилик бирлашмаси ташкил этилган. Хотин-қизлар 10 та балиқчилик бригадасида ишлашган. Улардан биттаси фақат аёллардан таркиб топган балиқчилик бригадаси эди. Қорақалпоғистонда балиқни қайта ишлаш бўйича 5 та завод қурилган.¹ Заводларда ҳам хотин-қизлар барча ишларда — балиқ тозалашдан консерва қилишгача бўлган жараёнларда иштирок этганлар.

«Қизил Армия», «Қизил балиқчи», «Қазах-дарё» колхозларида А.Арынгазиева, Н. Сапарова, А.Беканова, А.Ешбаева, А.Зарипова ва бошқалар белгиланган режани 150 фоизга бажарганлар.²

ВКП(б) XV съезди қарорларига биноан оммавий равишда жамоалаштириш сиёсати олиб борилди. Жамоалаштириш сиёсати мажбурлаш, норози аҳолини, шу жумладан, аёлларни қатағон қилиш, одамларни ўзлари яшаб турган жойларидан бошқа жойларга кўчириш, сургун, мол-мулкни мусодара қилиш йўли билан амалга оширилган. Бу жараёнда барча қатори аёллар ҳам сиёсий, иқтисодий, ижтимоий томондан сиқувга олинган. Шу тариқа бир томондан, хотин-қизлар ижтимоий онги ўсиб борган бўлса, иккинчи томондан, улар советлар «қолипига» туша бошлаган.

Хотин-қизлар аста-секин эркин сўзлаш, фикрлаш имкониятидан маҳрум бўла бошладилар. Аёлларда бир томондан, қамалиш ва ҳўрланишдан кўрқиб ҳиссиётлари кучайганлиги сезилса, иккинчи томондан, оғир иқтисодий аҳвол, яшаш даражаси пастлиги, очлик туфайли ишлаб чиқариш жараёнларига тез тортилганлар. Улар ишлаб чиқаришнинг деярли барча соҳаларида асосий ишчи кучини ташкил эта бошлаганлар.

¹ Б.К.Кетебаева. 39-40 бетлер.

² Советская Каракалпакия. 1933. 29 сентябрь. 1936. 14 март, 12 ноябрь. Красный Рыбак. 1937. 20 апреля. 1 мая.; Ж.Уббиниязов. Исторические развития промышленности ККАССР. (1917-1941 гг.) — Нукус.: Каракалпакстан. -С. 70, 99, 133.

Жамоа хўжаликлари обрўсини кўтариш мақсадида тантанали равишда колхозларга қабул қилиш, колхозга аъзолик ҳақида дафтарчалар бериш, ишлаган кунларини ёзиб юриш каби махсус усуллар қўлланилган.

Аммо бу ҳамма жойда ҳам амалга оширилмай, айрим жойларда расмиятчиликка йўл қўйилган. Аёллар жамоа хўжалиги далаларида ишлаган бўлишларига қарамай колхозга расмий равишда қабул қилинмаганлар. Уларга меҳнат дафтарчалари берилмаган, берилган тақдирда ҳам баъзан 3-4 ойлаб меҳнат кунлари қайд этилмаган. Буни бир томондан, колхоз раисларининг аёлларга бўлган беғамлик, лоқайдлик, менсимаслик муносабати оқибати, деб баҳоласак, иккинчи томондан, бу маҳаллий раҳбарлар томонидан атайлаб қилинган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу билан бирга хотин-қизлар табиатан талабчан бўлганлиги сабабли улар бу дафтарчаларини, иш кунларининг дафтарчаларга ёзиб борилиши кераклигини талаб қила бошлаганлар. Натижада биринчилан, иқтисодий манфаат асосида қизиқиш пайдо бўлган бўлса, иккинчилан, ишлаш иштиёқи, бошқалардан ортда қолмай, ҳамма билан тенг бўлишга интилиш юзага келган.

Партия олдида турган асосий масалалардан бири – оммавий жамоалаштириш сиёсатини амалга оширишда хотин-қизларни фаол қатнаштириш эди. Шу мақсадда клублар, ташвиқот уйлари ташкил қилинди. Бу тез орада ўз самарасини берган. Натижада, жамоа хўжаликлари, жамоа аъзолари сони йилдан-йилга ортиб борган.

Ўттизинчи йиллар ўрталарида техника танқислигидан, эркаклар асосан ариқ, каналлар қозишга (қазуға) жалб этилган. Хотин-қизлардан қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлаш мақсадида махсус тракторчилар курслари очилган. Шу ва шунга ўхшаш тадбирлардан кейин аёллар ўзларининг асосий вазифаларидан, уй-рўзгорларидан, бола тарбиясидан узоқлаша бошлаган. Чунки партия ва совет ҳокимиятини хотин-қизларнинг соғлиғи, келажак авлод тақдири унчалик қизиқтирмаган. Уларнинг асосий мақсади – қисқа вақт ичида, режаларни ортиғи билан бажартириш, пахта яккаҳокимлигига эришиш, барча бойликларни тезроқ эгаллаш эди. Бунинг учун кўйидаги шакл ва усуллар қўлланилган, ҳаракатлар ташкил этилган.

Хотин-қизлар ўртасида ернинг ҳар бир гектаридан 20-30 центнердан юқори ҳосил олиш учун «Йигирмачилар», «Ўттизчилар», кўпроқ пахта териш учун «Бешмингчилар», «Биринчи рақамли

Сталин йўлланмаси учун», «Сталинча юриш», «Яхши кетмончи» номлари учун ҳаракатлар ташкил этилган ва шунга лойиқ шиорлар ишлатилган. Икки кўли билан пахта терган аёллар номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинган. Тракторчи аёллар ўртасида «кам ёнилғи сарфлаб, кўп ер ҳайдаш» шиори остида мусобақалар уюштирилган.¹

Партия ва тегишли идоралар томонидан «Хотин-қизлар меҳнат ва маданий турмуш шароитларини яхшилаш», «болалар боғчалари», «болалар майдончалари»ни ташкил қилиш ҳақидаги масалалар тегишли қонун-қоидаларда ўз аксини топган ва бу мунтазам равишда мажлисларда муҳокама этилган ҳамда тегишли «гамхўрлик»лар қилиниб, чора-тадбирлар кўрилган.²

Пахтага яхши ишлов бериш бўйича Шоббоз туманида ташкил этилган кетмончилар ҳаракатида фақат 11 та аёл қатнашган. Ҳаракатда қатнашиб, белгиланган яхши кетмончи меъёрини 120-180 фоизга бажарган мусобақа «ғолиб»ларининг номлари мажлисларда алоҳида айтиб ўтилган. Эрқаева Бибижон режани 140, Перимбетова Парда 142, Матякубова Г. 140, Алимова Саодат 120 фоизга бажарганлар. Юлдашева Гульжан эса пахтага кетмон билан ишлов бериш режасини 133 фоизга, ариқ қазиш режасини эса 140 фоизга бажарган. Бундай «Кетмончилар ҳаракати» Қорақалпоғистоннинг Қораўзак, Тахтакўпир, Қипчоқ туманларида ҳам ташкил этилган ва хотин-қизлар бунда фаол қатнашганлар.³

Бизнинг назаримизда, ўша йилларда хотин-қизлар орасида иш олиб боришнинг рағбатлантириш усули кенгроқ қўлланилган.

Партия ва советларнинг хотин-қизлар орасида олиб борган тадбирлари йилдан-йилга шаклан кенгайтирилиб, ривожлантирилиб борилган.

Аммо шундай ҳолатлар ҳамма «ҳаракатлар»га хос эмас эди. Масалан, пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун «сталинча юриш» ҳаракатида Тахтакўпир туманидаги 129 та колхоздан фақат 8 таси ва 1 та бригада қатнашган, холос.⁴

Хотин-қизлардан турли хил мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. 1938 йили Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси

¹ Советская Каракалпакия. 1936. 5 апреля.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 7-рўйхат, 188-иш, 34-варақ; Примерный Устав сельскохозяйственной артели, принятый 11-Всесоюзным съездом колхозников. - М.: 1935. IV.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 1319-иш, 147-варақ.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 1319-иш, 144-145-варақлар; 234-жамғарма, 4-рўйхат, 11-иш, 37-варақ.

қошида ташкил этилган 4 ойлик курсларни битирган 28 аёл кутубхона мудирлиги, кадрлар бўлими бошлиғи, колхоз раислиги, овул кенгаши раислиги, молия бўлими инструкторлигига тайинланиб, туманларга ишга юборилган.¹ Улардан Абдуллаева Малика Ленин колхоз раисининг ўринбосари, Қуан Исмаилова колхозда ҳосил бўйича кенгаш раиси лавозимларида ишлашган.² Ҳар бир туманнинг партия ташкилотидан биттадан аёл инструктор лавозими белгиланган. 1939 йилга келиб, 39 нафар аёл партия ташкилотидан вакила бўлиб сайланган. Улардан 3 нафари прокурор ёрдамчиси, 15 нафари туман ижроия қўмитаси раислари ва раис ўринбосарлари ҳамда бошқа лавозимларда ишлаганлар. Улардан бир нафари СССР Олий Советига, 7 нафари Ўзбекистон ССР Олий Советига, қолганлари Қора-қалпоғистон Жўқорғи Кенгеси ва туман, овул кенгашларига сайланишган. Аёллар савдо, таълим, ҳуқуқ-тартибот соҳаларида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатганлар. Бироқ, шу билан бирга Қорақалпоғистон партия қўмитасида ишлаётган беш нафар аёлдан бирортаси ҳам маҳаллий миллат вакиллари эмас эди.³ Бунинг боиси, партиянинг маҳаллий хотин-қизларга ишонмаганлигида бўлган.

Хотин-қизлар эндигина қишлоқ ҳўжалиги соҳасида оғир меҳнат қилишдан қутилаётган, ўз билим даражасини ошириб, масъулиятли, аёлга обрў-эътибор олиб келадиган лавозимларга кўтарилиб иш бошлаётган бир даврда Иккинчи жаҳон уруши бошланган.

Уруш йилларида Ўзбекистон, жумладан, Қорақалпоғистон аҳолиси ўз Ватанига бўлган муҳаббати чексизлигини, халқлар дўстлигининг ёрқин намунасини амалда кўрсатдилар. Ўзбекистон Президенти И.Каримов ибораси билан айтганда: «Уруш йиллари – Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Биз тарихимиздан бирор саҳифани ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих – бизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ».⁴ Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июль қарорида⁵ кўрсатил-

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 2457-иш, 2, 3-варақ.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 2460-иш, 1-варақ.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 2461-иш, 85, 92-варақ; 2462-иш, 6, 11, 24, 27-варақлар.

⁴ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида сўзланган нутқ. 1995 йил 5 май. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон. 1996. 81-бет.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори. //«Ўзбекистон овози». 1998. 28 июль.

ганидек, бу давр бўйича ҳам тадқиқот олиб боришда ягона объектив усулдан фойдаланиш, холисона тарихни яратиш, жамият, халқ, миллатнинг маънавий юксалишига, уни ўзлигини англатишга хизмат қилиш зарур.

Бу урушдаги ғалабани таъминлашда эркаклар билан бир қаторда, хотин-қизлар ҳам меҳнатда юқори уюшқоқлик, интизом, фидокорлик, жангларда мислсиз қаҳрамонлик, ташаббус намуналарини кўрсатдилар, ўзларининг руҳан бақувват, чидамли эканликларини исботладилар.

Ажабланарли томони шундаки, фавқулудда уруш шароитида хотин-қизларнинг хизматчи, раҳбар, инсон сифатидаги обрўси қарор топди.¹

Фронт чизигидан минглаб километр узоқликда жойлашган Қорақалпоғистон халқи ҳам фашизм устидан ғалабани тезлаштириш учун пахта, балиқ, консерва маҳсулотлари, иссиқ кийим-бош ва бошқа нарсалар етиштириб берди.

Балиқ саноатида урушгача 1361 нафар хотин-қиз ишлаган бўлса, 1941 йил сентябрь ойида уларнинг сони 1978 нафарга етган. Умуман саноатда ишловчи хотин-қизлар салмоғи ортган. Қишлоқ хўжалигининг асосий ишчи кучи хотин-қизлар ва болалардан иборат бўлган.²

Уруш даврида қишлоқ хўжалигида 100 меҳнат куни ўрнига 150 минимум мажбурий меҳнат куни ишлаш ҳақида 1942 йил 13 апрелда СССР ХКС ва ВКП(б) МҚ қарори қабул қилинган. Бунга кўшимча иш ҳақи тўланган.³

Бу қарорнинг бажарилиши қаттиқ назорат остига олинган бўлиб, уни бузганлар қаттиқ жазоланган. 1942 йил 595 одам қамоққа олинган. Шулардан 377 нафари хотин-қизлардир. Жазо муддатини ўтагандан кейин Қадирова Перуза, Муртазаева Саргул К.Маркс колхози 11-овулида режани 1-1,5 марта кўпроқ бажаришга мажбур қилинган. Уруш йилларида аёллардан улар учун анъанавий бўлмаган соҳаларда кадрлар тайёрлаш кучайган. 1942 йил январда хотин-қизлардан телеграфчилар, телефонисткалар, автомашина ҳайдовчилари, радистлар, снайперлар (мерганлар) тайёрланган.⁴

¹ Қаранг: Д.А.Алимова. Женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы. -С.90.

² К.Г.Шарипова. Қарақалпақстан партия шөлкеми уллы Ҳатандарлық урыс жылларында. -Некис.: Қарақалпақстан. 1974. 26-бет.

³ К.Г.Шарипова. 37-38-бетлар; Қизил Қарақалпақстан. 1944.15- апрель; 27-июль.

⁴ ҚРМДА. 329/С-жамғарма, 1-рўйхат, 16-иш, 75-76-варақлар.

Бундан ташқари бу даврда техникум ва МТСларда саноат ва қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашнинг 1 ва 6 ойлик қисқа муддатли курслари, 10 кунлик семинарлари ташкил этилган. Натижада урушнинг биринчи 6 ойида 633 ишчи тайёрланган, шундан 381 нафари аёллар бўлган.¹

Уруш даврида Қорақалпоғистондаги хотин-қизлар бўлимлари фаолияти аввалгидан фарқ қила бошлаган. Бу даврда ишнинг йўналиш, шакл ва усуллари анча ривожлантирилиб, мураккаблаштирилиб борилган.

Совет тузуми даврида хотин-қизлар бўлимлари бир неча бор тугатилиб ва яна қайтадан ташкил этилиб борган. Бу бўлимлар турли ташкилотлар, фондлар орқали, касаба уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотларига таяниб оммани бошқарган.

Урушнинг айна қизгин палласи — 1943 йилда вилоят партия қўмитаси қошида хотин-қизлар бўлими қайта ташкил этилган. Бу ҳолатни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда эди. Хотин-қизлар бўлимлари партия ва совет органлари ёрдамида аёллар ўртасида иш олиб боришнинг «текширилган», ўзини амалда «оқлаган» шакл ва усуллари тикланган, ижодий ривожлантирилган, янги шакл ва усуллар пайдо бўлган ва улардан унумли фойдаланилган. Колхозларда хотин-қизлар Кенгашлари, туманларда эса конференциялари ўтказилган. Шундай Кенгаш ва конференциялар 1943 йил август, сентябрь ойларида Қорақалпоғистоннинг барча колхозлар ва туманларида бўлиб ўтган. Анжуманларда кўрилган асосий масала аёлларнинг уруш шароитидаги вазифаларига қаратилган эди. Конференция ва кенгашларда 20538 хотин-қиз қатнашган.²

Қизил чойхоналар, махсус ташвиқот жойлари ташкил этилган. Бу ерда маърузалар ўқилган, газеталар тарқатилган. Хотин-қизлар фронт ва халқ хўжалигида юз бераётган янгиликлардан воқиф бўлиб борганлар.

Республикада комсомол-фронт ойлиги ўтказилган. Унда 6700 комсомол ва 17 минг нафар ўқувчи қатнашган.³ Битта Шоббоз туманида хотин-қизлардан ташкил топган 18 гвардиячи бригада ва

¹ К.Г.Шарипова. 26-бет.; Советская Каракалпакия. 1939. 28 декабря; Қзыл Қарақалпақстан. 1944. 15 апрель; 27 июль.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 5-рўйхат, 1473-иш, 1-33-варақлар; История Каракалпакской АССР. Том второй. -С.258.

³ История Каракалпакской АССР. Том второй. -С.258.

звенолар, ипакчилик бўйича 43 бригада ва 397 звено ташкил этилган. Уларга аёлларнинг ўзлари раҳбарлик қилган. 52 нафар аёл колхоз раиси ўринбосари лавозимида ишлаган.¹ Айрим бригадалар фронт бригадалари, деб аталган. «Беш минг килограммчилар», «Ўн беш минг килограммчилар» ҳаракатлари уюштирилган.²

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ҳақли равишда «Мамлакат ичкарасида уруш йилларида меҳнат қилган юз минглаб ватандошларимиз чеккан заҳматларни, кексаю ёш, оналаримиз, опа-сингилларимиз қиш қаҳратонида дийдираб, саратон оловида ёниб, ўзи эмасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга жўнатганини, азоб-уқубатлар чекиб, фидойилик кўрсатганини эсдан чиқариб бўлмаслигини»³ таъкидлагани бежиз эмас.

Қорақалпоғистон халқи урушнинг биринчи кунларидан бошлаб, ўз жамғарма ва ёрдамларини мудофаа жамғармасига ўтказа бошлаган. Танк колонналари ва самолёт эскадрильялари ташкил этиш учун 10 млн. рублдан ортиқ пул ва облигациялар тўпланган. Давлат ҳарбий заёмларига ёзилиш 30 млн. 755 минг рублни ташкил этган. Деҳқонларнинг шахсий хонадонларидан мудофаа фондига 25,5 тонна жун, қарийб 5 минг тонна дон, 228,6 тонна гўшт ва бошқа кўпгина маҳсулотлар топширилган.

Қорақалпоғистон халқи бу юртга эвакуация қилинган 25 минг поляк ва 5180 дан ортиқ уйсиз, ватансиз қолган аҳолини, собиқ Иттифоқ ғарбидан келтирилган 10 минг кишини ўз қариндошлари каби самимият билан кутиб олган, ғамхўрлик қилган. Фронтчиларнинг оилаларига 33 минг 397 та квартира қуриб берилган ва таъмирланган, уларга 30 млн. рубл миқдорида пул ёрдами кўрсатилган.⁴

Далаларда меҳнат қилаётган аёллар режани 2-3 баробар ортиғи билан бажарганлар. Жумладан, Кегейли туманидан Шаниязова Айша, Дошанова Патба, Гаипова Тойдық, Тўртқўл туманидан Давлетова Мамажан, Хожаниязова Енеш, Ваисова Санам пахта териш бўйича режаларини ортиғи билан бажаришган. Саркоп овул кенгашидан Ишимова Тажигул, Шоббоз овул кенгашидан Каримова Қалжан

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 5-рўйхат, 690-иш, 21-варақ; 1473-иш, 2-варақ.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 5-рўйхат, 1206-иш, 1, 11, 15-варақлар; 1207-иш, 86-варақ; 1211-иш, 9, 26-варақлар; 1472-иш, 2-варақ.

³ Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида сўзланган нутқ. 1995 йил 5 май. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон. 1996. 80-бет.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 499-бет.

давлатга пилла топшириш режасини 136,4–200,5 фоизга адо этишган, Хўжайли туманидан тракторчи Юсупова Марьям ер ҳайдаш режасини 100 фоиз бажарган.¹

Саркоп овул кенгаши аъзоси, кўпмингкилограммчи пахтакор, ипакчилик соҳасининг илғори Жуманиязова Тажигулнинг ўғли Ўрозбой Жуманиязов урушдаги жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.² Қорақалпоғистондан ҳаммаси бўлиб 20 йигит Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган эди.³

Мўйноқ туманида 3990 балиқчидан 420 нафари аёллар бўлган. Бу даврга келиб хотин-қизлардан ташкил топган балиқчилик бригадаси сони 9 та эди. Аёллардан 11 нафари балиқчилик бригадасининг бригадирлари бўлиб ишлаганлар. Улардан Карашева Гулзира, Артықова Звира, Аташева Бағдагул ва бошқалар режаларини ортиги билан бажаришган. «Коминтерн» артелида 650 нафар аёл ишчи бўлган. Улар турли кийим-кечаклар билан бирга ип этиштириш режасини 255–440 фоизга бажаришган.⁴ 1943 йил октябрь ойида Хўжайли туманидан 15 нафар қиз Тошкент–Сталин йўналишида кўмир қазиб чиқаришда ишлаш учун ўз ихтиёрлари билан ариза бериб ишга кетишган.⁵

Қорақалпоғистон хотин-қизлари меҳнат жабҳаларида кечаю кундуз тинимсиз ишлаганлар. Шу билан бир қаторда қорақалпоғистонлик ажойиб қизлар фашизмга қарши фронтларда жанг олиб бориш учун урушга отланганлар. Улардан Назия Сайфуллина жасорати учун «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланган. С. Арсаева, Р. И. Юрченко, М. Н. Ткаченколар ва бошқалар Ватан ҳимоясида қатнашганлар. Шоббоз туманида туғилган Авазова Анна 1943 йил 7 февралда жангда қурбон бўлган, Славута қишлоғида дафн этилган. Тўрткўл туманида туғилган Авсянникова Нина 1943 йил 23 июлда жангда ҳалок бўлган. Унинг қabri Краснодар ўлкаси, Славянка станциясида жойлашган.⁶ Жангчи аёллар қаҳрамонликлари халқимиз хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди.

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 5-рўйхат, 962-иш, 13, 18, 28-32-варақлар; 1473-иш, 2-варақ.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 5-рўйхат, 1472-иш, 2, 3-варақлар.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 498-бет.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 6-рўйхат, 458-иш, 123-варақ; 1472-иш, 3-варақ.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 5-рўйхат, 1208-иш, 3-варақ.

⁶ Р. Ш. Калбаева. С. 144.

⁷ Естелик. Қарақалпақстан Республикаси. – Неқис.: Қарақалпақстан. 1-том. 1994. 84, 183-бетлар.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон хотин-қизлари уруш даврида фронтда ва айниқса фронт ортида фидойилик кўрсатишган. Бу билан фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшганлар. Аммо Ўзбекистон бўйича «Бу машъум уруш туфайли энг камида тўрт юз минг оила бевосита айрилиқ азобига дучор бўлган. Қариндош-уруғларни ҳисобласак, бутун мамлакат аҳолиси мотам либосини кийган».¹

Уруш йилларида бетиним ишлаб толиққан хотин-қизлар урушдан кейинги тараққиётни таъминлаш учун яна аввалгидай даражада ишни давом эттиришлари шарт эди.

Чунки коммунистик партиянинг «улкан режалари»да Қорақалпоғистонга хомашё етказиб бериш вазифаси ажратилган эди. Бу ҳол Қорақалпоғистон иқтисодиётининг фақат бир томонлама ривожланишини таъминлаб, унга ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, бой ресурсларни тайёр маҳсулотга айлантириш имконини бермас эди.²

1950 йил охирларида ҳам қишлоқ ва овулларда аҳоли яшаш шароити даражаси паст бўлган. Овулларда бир кунлик ейдиган бугдой нон уни тайёрлаш учун ўрта асрлардан қолган қўл тегирмонида бугдой, жўхорини тортиш учун бир кун вақт кетган. Ҳаммада ҳам қўл тегирмони бўлмаган. Мана шундай шароитда «марказ» топшириғи билан хотин-қизларнинг қишлоқ хўжалиги соҳаларида янада «жавлон» уриши талаб қилинган.

Шу боис хотин-қизлар қишлоқ хўжалигида — пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, шоликорлик ва бошқа тармоқларда болалар тарбиясига қарашга фурсат тополмай, вақтида овқатлана олмай, эртадан кечгача яна меҳнатни давом эттиришга мажбур бўлганлар.

Вилоят партия кўмитасининг 1948 йил 15 июнь, 1949 йил 25 июль, 1953 йил июль, август, 1954 йил 20 апрелда⁴ бўлиб ўтган мажлисларида «хотин-қизлар орасида иш олиб боришда қўйилган

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида сўзланган нутқ. 1995 йил 5 май. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд -Т.: Ўзбекистон. 1996. 80-бет.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 613-бет.

³ ҚРЖКА. 2477-жамғарма, 1-рўйхат, 3-иш, 1-варақ; 2294-жамғарма, 1-рўйхат, 19-иш, 19-варақ; 3-жамғарма, 23-рўйхат, 322-иш, 10-варақ; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги архив. 58-жамғарма, 301-рўйхат, 34-иш, 1-варақ; Россия ИСТДА. 17-жамғарма, 143-рўйхат, 2230-иш, 72-варақ.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 7-рўйхат, 394-иш, 3, 89-варақ; 188-иш, 34-варақ; 189-иш, 26-варақ; 193-иш, 28-варақ; 1396-иш, 1, 6, 7, 11, 13, 26, 28-варақлар; 6-рўйхат, 1048-иш, 73, 75, 76, 78-варақлар; 1472-иш, 2-варақ; 8-рўйхат, 1229-иш, 32, 39-варақ; 1231-иш, 7-варақ; 1233-иш, 19, 20, 30, 31-варақлар.

катта камчиликлар», «атиги 32 нафар тракторчи аёл борлиги», «улар орасида иш олиб боришни кучайтириш кераклиги», улардан механизаторлар, тракторчилар, бригадирлар, звеновойлар, чорвачилик фермасида ишловчиларни тайёрлаш масаласидаги сусткашликлар қаттиқ танқид остига олинган. Аёллар меҳнат фаолиятини кенгайтириш илинжида улар учун хизмат кўрсатиш шохобчаларини очиш, болалар боғчалари, яслиларини кўпайтириш каби вазифаларга алоҳида эътибор берилган. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун режалар, чора ва тадбирлар ишлаб чиқилган. Хотин-қизлар, улар фаолиятини кучайтириш масаласи 1949 йил вилоят партия қўмитасида 7 марта, ҚКҚССР Министрлар Совети билан бўлган қўшма мажлисида 4 марта, 1950 йил эса 10 марта муҳокама этилган.¹

Бундай қарор ва кўрсатмалар бериш XX асрнинг 70-80 йилларида ҳам узлуксиз равишда давом этган. «Аёлларнинг қишлоқ хужалиги ва саноатдаги фаоллигини ошириш» билан бирга «хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш» ва ҳоказолар бўйича аниқ кўрсатмалар бериб борилган.² Шундай қарор ва кўрсатмалардан сўнг хотин-қизларнинг меҳнатдаги фаоллигини ошириш мақсадида бир қатор янги чора-тадбирлар, шакл ва услублар ишлаб чиқилган. 20-30 йилларда ёки уруш пайтида олиб борилган ишлардан ўз номланиши, кўлами, турлари бўйича фарқ қилган. Аммо уларнинг мақсади, асосий вазифалари, мазмун ва моҳиятлари ўзгармаган. Очикоқ қилиб айтганда, аёлларни асосан ишлаб чиқаришга жалб қилиш, уларнинг меҳнатидан юқори даражада фойдаланиш давом этган.

Албатта, аҳоли сони, туғилаётган болалар сони ўсиб борган, аммо бунини инobatга олиб, соғлиқни сақлаш муассасаларини кўпайтириш, лоақал аёллар, болаларни заҳарли химикатлар сепилгандан кейин пахта далаларига туширмасликка ёки шолчиликда кун бўйи сувга ботиб юришларига чек қўйилмаган.

Саноат корхоналаридаги аёлларнинг аҳволи оғир бўлган. Беруний, Хўжайли, Эллиққалъа, Шуманай туманларидаги пахта тозалаш

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 7-рўйхат, 396-иш, 3-варақ; 405-иш, 1, 2-варақлар; 15-рўйхат, 175-иш, 8, 15, 37, 44, 47, 48-варақлар.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 7-рўйхат, 1396-иш, 1, 11-варақлар; 188-иш, 34-варақ; 8-рўйхат, 1231-иш, 7-варақ; 413-иш, 30, 54-варақлар; 1233-иш, 8-варақ; 1232-иш, 2-варақ; 1231-иш, 12-варақ; 1635-иш, 2-варақ; 9-рўйхат, 952-иш, 40-варақ; 951-иш, 1-варақ; 10-рўйхат, 1-иш, 121-варақ; 481-иш, 143-варақ; 32-рўйхат, 275-иш, 1-18-варақлар; 43-рўйхат, 73-иш, 3-варақ; 78-иш, 95, 102-варақ; 42-рўйхат, 229-иш, 43, 45-варақлар; 58-рўйхат, 300-иш, 1, 3, 17, 18-варақлар; 141-иш, 1-варақ; 59-рўйхат, 182-иш, 1-5-варақлар.

заводларида, Тўрткўл, Мангит тўқимачилик, тикув фабрикалари ва бошқа корхоналардаги ишчи аёллар учун оддий техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаган, уларнинг кийим алмаштиришлари, ювинишлари, дам олишлари учун алоҳида хоналар етарли даражада ажратилмаган. Улардан фақат меҳнат фаолликлари талаб қилинган. Бундай «жонбозлик»лар ҳар томонлама рағбатлантирилган.

1970-1980 йилларга келиб Қорақалпоғистонда нафақат пахта хом-ашёси етиштиришга алоҳида аҳамият берилди. Шу билан бирга ушбу йиллари бошқа соҳаларни ривожлантириш, улардан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари борлиги аниқланган. Натижада КПСС XXIII съездида Амударёнинг қуйи қисмини шолчилик ҳудудига айлантириш масаласи кўриб чиқилгандан¹ кейин қатор шолчилик хўжаликлари ташкил этилган.²

Хотин-қизлар фаоллигини оширишда «юлдузча»лардан фойдаланиш асосан шолчиликда, айрим жойларда пахтачиликда ҳам қўлланилган. Яъни, хотин-қизларнинг бошқараётган пахта териш машиналари ва шולי ўриш комбайнларининг олд қисмига ёки ён томонига 100 тонна пахта тергани ёки шולי ўргани учун битта «юлдузча» чизиб қўйилган. Масалан, 100 тонна пахта учун битта, 500 тонна шולי учун бешта «ю л д у з ч а» чизиб қўйилган.

Ҳар йилги мавсумда қўл билан пахта териш бўйича кўпминг-килограммчилар ҳаракати мунтазам равишда рағбатлантирилган. Бу ҳаракатда қатнашган кўпгина хотин-қизлар мавсум давомида 10-12 тонна пахта терганлар. К.Маркс номли колхознинг 8-овулидан Қутлимуротова Орынгул мавсумда 16 минг кг, Кегейли туманининг Чапаев қишлоқ артелидан Нурлепесова Успахал 13500 кг пахта теришган.⁴ Хўжайли туманида кўпмингкилограммчилар ҳаракатига Ж.Ережепова бошчилик қилган. Меҳнатдаги жасорати, бошқаларга ўрнак бўлгани учун Ленин ордени билан мукофотланган.⁵

¹ Қаранг. А.К. Сарыбаев. Хлопкоочистительная промышленность Каракалпакстана в 1980-1995 гг. Исторический опыт и проблемы возрождения национальной промышленности. Автореф. дисс.канд. ист.наук. - Нукус.: 2000. 27с.

² Россия ИСТДА. 17-жамғарма, 104-рўйхат, 2064-иш, 35, 37-варақ; ҚРЖКА. 2198-жамғарма, 1-рўйхат, 22-иш, 18-24 варақ Советская Каракалпакия. 1970. 24-номда; XXIII съезд коммунистической партии Советского Союза. -Т.1.2. - М.: Политиздат. 1966.

³ Қаранг. Қ. Камалов. Ел хызметинде. (Еске түсириулер). -Накис.: 1995. 69, 167-176-бетлер.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 7-рўйхат, 393-иш, 2-варақ.

⁵ Советская Каракалпакия. 1967. 25 августа.

Амударё туманидаги М.Горький номли колхознинг «Правда» бўлими бошлиғи А.Маткаримова меҳнатнинг бригада пудрати шаклини бошлаб берган.¹

Беруний тумани Навоий колхозида механизатор хотин-қизлар ва механизатор эркаклар ўртасида мусобақа уюштирилган. Мусобақа шартлари бир хил қилиб белгиланган. Эркаклар ва аёлларга бир хил типдаги пахта териш машиналари танланган. Умумий бир хил меъёр белгиланган.²

Бироқ, бу шакллар аёллар орасида кенг тарқалмай қолган. Ҳаётнинг ўзи бу ишнинг нақадар нотўғрилигини амалда кўрсатган. Лекин бундан бирон-бир колхоз ёки туман раҳбарлари керакли хулоса чиқармаган.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Айим Камалова раислик қилган Амударё тумани Крупская номли колхозда юксак натижаларга эришилган.³ Шу колхоздан О.Айдинова мажбуриятда кўрсатилган меъёрдан 2480 кг кўп, яъни 8500 кг пилла етиштирган.⁴ 1972 йил ипакчилик бўйича агроном Ш.Примбетова бошчилигида кам иш куни ва вақт сарфлаб, кўп «кумуш тола» – пилла етиштириш – 21-22 кунда режани уддалаш имконига эга бўлинган.⁵

1972 йил Чимбой тумани «Майжап» совхози комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Райгул Жуманазарова Республикадаги барча ёшларга шолчилик бригадалари ташкил этиш даъвати билан чиқди. Партия ва комсомол ташкилотлари бу ташаббусни қўллаб-қувватлашган. Шундан кейин бошқа ёшлар томонидан 10 дан ортиқ шолчилик бригадалари ташкил қилинган.

70-йиллар ўрталарида Ленинобод (ҳозирги Қанглиқўл) туманидан комбайнчи-чилангарлар Ж.Калиева, Б.Утениязова, Б.Қошиубаева ва бошқалар комбайнларини 5-6 тадан «юлдузча»лар «безаб турган», – бу аёллар 500-600 тоннадан шоли ўрганлар.⁶ Фаол аёллар ВЛКСМ Марказий Қўмитаси томонидан «Ёш гвардиячи» кумуш кўкрак нишони билан тақдирланганлар.

¹ Советская Каракалпакия. 1967. 14 сентября.

² Советская Каракалпакия. 1967. 7 октября.

³ ҚРЖКА. 54-жамгарма, 37-рўйхат, 42-иш, 63-варақ; 1776-жамгарма, 5-рўйхат, 16-иш, 30-варақ; 1264-жамгарма, 1-рўйхат, 21-иш, 77-варақ; 263-жамгарма, 1-рўйхат, 38-иш, 48, 76-варақлар.

⁴ Советская Каракалпакия. 1969. 26 апреля.

⁵ Советская Каракалпакия. 1972. 16 июня.

⁶ ҚРЖКА. 3-жамгарма, 22-рўйхат, 213-иш, 23-варақ; 23-рўйхат, 252-иш, 31-варақ; 1-рўйхат, 173-иш, 75-варақ; Россия ИСТДА. 17-жамгарма, 142-рўйхат, 2167-иш, 108-варақ.

Меҳнат эстафетаси, «Энг яхши мутахассис»лик учун ўтказилган конкурслар, слётларда¹ хотин-қизларнинг 133 та пахтачилик, 357 та маккажўхоричилик, 6 та чорвачилик бригадалари қатнашган. Ҳаммаси бўлиб, мусобақаларда 2,5 минг нафар аёл, 303 нафар механизатор хотин-қизлар иштирок этганлар.² 215 та чорвачилик фермаларида 642 та аёл сут соғувчи, чўпон, ишчи бўлиб ишлаганлар.³ Эстафетада ипакчилик билан шуғулланувчи хотин-қизлар ҳам қатнашганлар.⁴ Умуман, Республикада 595 та комсомол ёшлар бригадасининг 185 тасини қизлар бошқарган.⁵ Хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолликларини ошириш мақсадида «ижобий» тажрибаларни тарғиб-ташвиқ қилиш, кенг ёйиш учун касаба уюшмалари томонидан 100 дан ортиқ коммунистик меҳнат мактаблари ташкил этилган. «Коммунистик меҳнат зарбдори» унвонини олиш ҳаракатида минглаб одамлар қатнашган. Уларнинг аксариятини аёллар ташкил этган.⁶

Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитаси, Министрлар Совети, комсомол ташкилоти, касаба уюшмалари омма орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб борган. Бу борада қўшимча равишда газета, журнал, радио, телевидениедан унумли фойдаланилган.⁷

Балиқ саноатида 1690 нафар аёл ишлаган. Бу соҳа бўйича 17 нафар аёл ҚҚАССР Олий Совети Президиумининг «Ҳурмат Ёрлиғи», 26 нафар аёл СССР Балиқчилик саноати вазирлигининг «Ҳурмат Ёрлиғи», 52 нафар аёл қимматбаҳо совғалар билан мукофотланганлар.⁸ Одатда балиқ қишда кам, ёзда кўп овланган. Шунинг учун балиқ саноатида ишловчи аёлларнинг сони кўпайиб, камайиб турган.⁹ Сут соғувчи аёлларнинг эса Республика Кенгашлари бўлиб турган.¹⁰

¹ Советская Каракалпакия. 1966. 25 октябрь; ҚРЖКА. 1-жамғарма, 24-рўйхат, 170-иш, 121-варақ.

² ҚРЖКА. 3-жамғарма, 23-рўйхат, 163-иш, 14-варақ; Центральный архив Всесоюзного Ленинского Коммунистического Союза Молодежи. Ушбу архив жамғармалари «М» белгиси билан Россия ИСТДА-га ўтказилган. Бундан кейин Россия ИСТДА... 1-жамғарма, 26-рўйхат, 950-иш, 46-варақ.

³ ҚРЖКА. 3-жамғарма, 23-рўйхат, 322-иш, 10-варақ.

⁴ Жеңис байрағи. (Ғалаба байроғи). 1973. 12 июнь; ҚРЖКА. 1264-жамғарма, 1-рўйхат, 18-иш, 17-варақ.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 32-рўйхат, 275-иш, 2, 18-варақ.

⁶ ҚҚАССР вилоят касаба уюшмалари архиви. 95-иш, 3-варақ; 105-иш, 22-варақ; 110-иш, 16-варақ.

⁷ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 30-рўйхат, 152-иш, 38-варақ.

⁸ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 8-рўйхат, 412-иш, 30, 54, 55, 320-варақ.

⁹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 8-рўйхат, 1233-иш, 8-варақ.

¹⁰ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 8-рўйхат, 1635-иш, 2-варақ.

Кўнфирот ёғ заводи ишчиси, ЎзССР Олий Совети депутати Давлатбаева режани 150-160 фоизга, Нукус тикув фабрикаси мотористи, ҚҚАССР Олий Совети депутати Болтабаева А. режани 150-170 фоизга бажарган.

Республикада маданият ва маърифат соҳаси ҳам ўша даврга хос равишда ривожланди. Халқ таълими мактабларида ўқувчилар сони ошиб борган. Агар 1940-1941 ўқув йилида 603 та умумий таълим мактабларида 91,9 минг нафар ўқувчи таълим олган бўлса, 1983-1984 ўқув йилида мактаблар сони 857 тага, ўқувчилар сони эса 284, 4 минг нафарга етган.¹

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, давлат томонидан қабул қилинган режалар, мажбуриятлар давлат ва халқ имконияти даражасида бўлмаган.

Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнида қабул қилинган, ишлатилган «Беш йилликни тўрт йилда», «Режани муддатидан олдин бажарамиз» ва ҳоказо шаклдаги чақириқ, шиорлар партия талаби даражасидаги натижани бермаган. Масалан, Республика бўйича 20 та хўжаликда юқоридаги шиорлар тўхтовсиз такрорланса-да, белгиланган режалар бажарилмаган. 1973 йилнинг ўзида 40 фоиз бригадалар белгиланган 11 минг тонна шolini давлатга топширмаган.

Шундай бўлса ҳам аёлларнинг ижтимоий фаоллиги тобора ўсиб борган. 1960 йилга келиб, ҚҚАССР Олий Совети ва маҳаллий советларга 3505 депутатдан 1082 нафари хотин-қизлар эди.²

Таълим ва илм-фан соҳаси ҳам маълум даражада ривожланган. 1939 йилда Қорақалпоғистон Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида тил ва адабиёт илмий текшириш институти очилган. 1947 йил Қорақалпоғистон иқтисодиёт ва маданият институти бўлиб қайта ташкил этилган. У кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академияси таркибига киритилган. 1958 йил мажмуавий илмий-тадқиқот институтига айлантирилган. 1959 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси филиали ташкил этилган.³ 1970 йилга келганда Қорақалпоғистонда 229 та клуб, маданият уйлари, 374 та кутубхона бор эди.⁴ 1966 йилга

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. -Стат.сб. -Т.: 1984. -С.293-294, 300-301.

² История Каракалпакской АССР. Том второй. -С. 323.

³ Бу ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Собир Камаловнинг ушбу китобга берган тақриздан олинди. Аммо История Каракалпакской АССР. Том второй. -С.393; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 623-бетда ҳар хил маълумотлар берилган. -Я.А.

⁴ История Каракалпакской АССР. Том второй. -С.409, 410.

келиб машхур «Қирқ қиз» («Қырқ қыз») ансамбли ташкил этилган. 5 та халқ театри иш олиб борган. 11501 тиббиёт ходимларининг 8022 нафари хотин-қизлар эди. Қорақалпоқ давлат педагогика институтида ишлаётганлар аёллар орасида 26 нафар фан номзодлари бор эди. СССР халқ артисти А.Шамуратова, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Гулхан Шийразиева, Сапаргуль Авезова ва бошқа сахна усталари, Ҳамза мукофоти совриндори, Ўзбекистон халқ артисти Г.Сырымбетова, Т.Дошумова, Б.Утепбергеновалар ва бошқалар етишиб чиқдилар.¹

Нукус Давлат педагогика институти 1976 йил Қорақалпоқ Давлат университетига айлантирилди. 1991 йил унинг таркибидан Нукус Давлат педагогика институти ажралиб чиқиб, алоҳида фаолият кўрсата бошлаган. Олий ўқув юртларида 1963-1965 ўқув йилида 4,6 минг талаба ўқиган бўлса, 1983-1984 ўқув йилида уларнинг сони 6,1 мингга етган.²

Республика касаба уюшмаларининг 11 Пленумида хотин-қизлар иш ва турмуш шароитини яхшилаш бўйича 1980 йил 27 июнда (Республика Марказий ижроия қўмитаси қошида ташкил этилган шундай комиссия 1932 йил 27 майда тугатилиб, советлар ижроия қўмиталари ташкилий қўмиталари қошида хотин-қизлар секторига айлантирилиб, изсиз йўқ бўлган эди.³) тузилган комиссия хотин-қизлар, уларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида талай ишларни амалга оширган. Аниқроғи, аёллар меҳнатини энгиллаштириш учун саноат корхоналарини 90 та юк ташувчи машиналари билан таъминланишини назорат қилган. 671 нафар аёл энгил ишга ўтказилган. Аёллар учун 10 фоизга камайтирилган иш куни, узайтирилган таътил жорий қилинган. Аммо комиссия ҳамма вақт ҳам аёлларга ёрдам бериш имконига эга бўлавермаган. Айрим гишт заводларида, қурилишда ва оғир жисмоний куч талаб қиладиган бошқа жойларда ишлаётган хотин-қизлар, улар эътиборидан четда қолиб кетган.⁴

Албатта хотин-қизларнинг советлар, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотлардаги комиссия ва секторлари фаолияти биз ўрганаётган мавзу доирасига кирмайди ва у алоҳида илмий тадқиқотни талаб қилади.

¹ Б.Кетебаева. 171, 172-173-бетлар.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 622-бет.

³ Женщины Казахстана-активные строители социализма. -С.160-161.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 42-рўйхат, 229-иш, 43, 45-варақлар.

Шундай қилиб, 1980 йиллар ўрталарига келганда халқ хўжалиги тармоқларида 48 фоиз хотин-қизлар меҳнат қилган.¹ 51426 нафар кўп болали оналарнинг 35447 нафари, яъни 68,9 фоизи халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган.² Бутун Россия империяси ва совет даври тарихида Қорақалпоғистонда ҳукумат раҳбари бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси бошлиғи лавозимида фақат битта аёл — Алламбергенова Турсун Алламбергеновна ишлаган.

Агар биз 3, 5 ёки 7 ва ундан ортиқ болали онани кўп болали она, деб ҳисобласак, демак 106341, 177235 ёки 248129 (шу миқдорда) ва ундан ҳам кўпроқ бола она тарбиясини тўлиқ ола олмаган. Агар совет даврида эркакларнинг бола тарбиясидан «узоқлашиб» кетганлигини ҳисобга олсак, унда шунча бола ота-она меҳридан узоқда бўлган, деган хулосани чиқаришимизга тўғри келади.

Ота-оналарнинг иш билан банд бўлиши, болалар сонининг кундан-кунга кўпайиб бораётганлигини қуйидаги мисолдан кўрамиз. 1946 йил кўп болали ва ёлғиз оналарнинг сони 5880 нафар³ бўлган бўлса, (орадан 40 йил ўтгач) 1986 йилга келиб, фақат кўп болали оналарнинг сони 51426 нафарга етган, яъни 45546 нафарга кўпайган. Шу миқёсдаги ўсиш жараёни раҳбарият томонидан етарли даражада ҳисобга олинмаган. Боғчалар, мактаблар етишмаётганлиги, касалмандлар сони ошиб бораётганлиги, касалхона ва мактаблар учун янги бинолар қурилмаётганлиги сабабли айрим раҳбар ходимлар муаммони ҳал этишнинг бошқа йўлини топганлар: колхоз ва совхозлардаги 73 та меҳмонхонанинг 3 таси қишлоқ бўлими касалхоналарига, 12 таси врачлик амбулаториясига, 8 таси фельдшерлик-акушерлик пунктларига, 2 таси сут маҳсулотлари ошхонасига, 23 таси болалар боғчалари ва яслиларига, 7 таси пионер лагерларига, мактаб қошидаги интернат, ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари ва бошқа маданий, тиббиёт ва оқартув масканларига айлантирилган. Бу, албатта, муаммони ечишда ўзига хос ижобий яхши тадбир бўлган. Аёлларнинг ҳомиладорлик ва туққани учун, кўп болали, ёлғиз оналарга, кам таъминланган оилаларга, болага бир ёшга чиққунча қарагани учун берилган нафақалар умумий миқдори 4787 млн.рубл бўлган, бу 1940 йилга нисбатан 26 марта кўп эди. Ўзбекистон бўйича бу ҳаражатлар 1985 йилда 1970

¹ Женщины Советского Узбекистана. -Кр. стат. сб. -Т.: Узбекистан. 1987. -С.28.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 48-рўйхат, 367-иш, 9-варақ.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 48-рўйхат, 367-иш, 10-варақ.

йилдагига нисбатан 4 мартага кўпайган.¹ Аммо бундай тадбирларни олиб боришда мунтазамлилик кам сезилган. Қолаверса, аҳоли сони 15 йилда анча ўсганлиги эътиборга олинмаган.

Умуман олганда, Қорақалпоғистонда ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида хотин-қизлар фаолият кўрсатганлар. Уруш даврида улар сони анча кўпайган. Урушдан сўнг уларнинг ишлаб чиқаришдаги сони эркаклар сонига нисбатан аста-секин камайиб борган. Улар 1950 йил 26,4, 1956 йилда 24,7 фоизни ташкил қилган. Лекин 1960-1970 йилларга келиб яна кўтарилган, 80-йилларга келганда анча турғунлашган.²

Улар орасидан одамлар онгини «советча» тайёрлаш бўйича ҳам махсус кадрлар тайёрланган. 1954 йилда 658 нафар аёл тарғибот ва ташвиқот билан шуғулланган бўлса, 1955 йилда улар сони 905,³ 1960 йилда эса 2837 нафарга етган.⁴ 1980 йилларга келганда эса жами ташвиқотчиларнинг 50 фоизга яқинини аёллар ташкил этган.⁵

Совет даврида оддий меҳнаткаш, тракторчидан халқ депутати даражасига кўтарилган, совет даврининг фаол меҳнаткаши, ҳозирги кунда Эллиққалъа туманининг энг машҳур замонавий тадбиркор-фермерларидан бири Дилором Ҳусайнова совет даврига қуйидагича баҳо беради: «Бугун шўроларнинг бор ёлғонлари очилди. . . Шулар орасида эдимми?, деб ваҳимага тушаман. Сиёсат ёлғонга қоришган бўлса-да, бизга ўхшаганларнинг заҳмати чин бўлган».⁶ Ҳақиқатда ҳам улар чин заҳмат чекканлар.

«Шунингдек, уларнинг барчаси коммунистик мафкура, «Совет иттифоқи», «миллатларнинг ягона оиласи» ғояларига онгли равишда ишонганликларини ҳам инкор қилиб бўлмайди, бунинг учун уларни айблаб ҳам бўлмайди».⁷

Аммо улар жамиятда юз бераётган ходиса ва воқеаларга бепарқ бўлмай ўз муносабатларини ҳам билдирганлар. Бу муносабатлар партия органлари номига келиб тушган кўплаб хатлар, аризаларда ўз аксини топган. Одамлар жамиятда юз бераётган адолатсизлик, ўғирлик,

¹ Қаранг: Женщины в СССР. Стат.матер. -М.: Финансы и статистика. 1986. - С.17, 27.

² Қаранг: Женщины в СССР. Стат.матер. -М.: Финансы и статистика. 1986. С.17, 27.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 8-рўйхат, 1635-иш, 9-варақ.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 9-рўйхат, 952-иш, 1-варақ.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 32-рўйхат, 275-иш, 2-варақ.

⁶ «Саодат». 1997. № 6. 3-бет.

⁷ Рустам Жумаев. Давлат ва жамият: Демократлаштириш йўлида.-Т.: Шарқ. 1998. 123-бет.

алдамчилик, хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги камчиликлар ва бошқаларга нисбатан ўз норозиликларини билдирганлар. 1984 йил 3549 та шикоят хат ва аризалар келиб тушган. Бу рақам 1983 йилга нисбатан 2, 1982 йилга қараганда 4 марта кўп эди.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, жамият ривожланиши орқада қолиб, одамлар ижтимоий онги ўсган. Базис ва устқурма номутаносиблиги сезила бошлаган. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқариш муносабатларидан олдинга ўтиб кетган. Бундай вазият 80-йиллар иккинчи ярмидан бошлаб яққол кўзга ташлана бошлаган.

Умуман олганда, совет тузуми даврига тегишли кўплаб Россия, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон Республикалари архивлари ҳужжатлари, мавзуга тегишли манбалар, адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу даврда аёлларнинг халқ хўжалиги ва маданий соҳалардаги иштироки, ўрни, фаолияти кенг бўлган.

Ҳукмрон тузум аёллар меҳнатидан унумли фойдаланиш учун махсус иш йўналишлари, шакллари ва услубларини ишлаб чиққан. Уларни ижтимоий меҳнатга жалб қилиш ҳар томонлама ижтимоий-сиёсий, амалий, иқтисодий-техникавий усуллар орқали амалга оширилган.

Бундай иш усуллари XX асрнинг 20-30-йилларидан бошлаб, кейинчалик Иккинчи жаҳон уруши йиллари даврида, сўнгра 80-йилларда ривожлантирилиб, такомиллаштирилиб борилган.

Халқни бўйсундириш, хотин-қизларни маҳв этиш учун жамиятда қўлланилган қатағонлар, сургун қилишлар хотин-қизларнинг «жиловланишига» олиб келган, албатта. Жазоланишлардан қутулишнинг ягона йўли - оғир ёки енгил бўлишидан қатъий назар, меҳнатда, деб билишган. Улар ўзлари, болалари соғлиқлари ҳисобига бўлса ҳам ҳамиша ҳалол меҳнат қилганлар. Завод ва фабрикалар дастгоҳлари олдида, пахта, шоли далаларида, балиқчилик, ипакчилик ва ҳоказо соҳаларда тузум қўйган талаблар, чақириқларга жавоб бериб, мусобақа, ҳаракат, конференция, съездларда фаол қатнашганлар.

Шунингдек, хотин-қизлар орасида олиб борилган тадбирлар, уларни мавжуд тузумга мослаштириб олиш, улар онгига совет мафқурасини сингдириш, шу билан бирга уларнинг ўзларидан ҳам коммунистик ғоя тарғиботчиларини тарбиялашга қаратилган эди.

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 46-рўйхат, 1-иш, 2-варақ.

Лекин 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб жамиятда юз бераётган ўзгаришлар хотин-қизлар онгида маълум ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлди. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида юз бераётган турғунлик, маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви ўзининг салбий томонлари билан аниқ кўзга ташланган эди.

Бундай шароитда ривожланиш имкониятларидан маҳрум бўла бошлаган тузумнинг ўзгариши учун объектив ва субъектив сабаблар пишиб етилган. 90-йилларга келиб жамият тараққиётига ҳалал бера бошлаган турғунлик, таназзул СССРнинг тарқалиб кетишига олиб келди. Натижада ҳаётнинг ўзи ҳукмрон ғоянинг «ягона», «асосий» эмаслигини амалда исботлаб берди. Оқибатда кўпгина халқлар, миллатлар асрлар бўйи орзу қилган ўз мустақилликларига эришдилар, ўз тараққиёт йўлларини белгилаб олиб, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва жамият қуришга киришдилар.

Қисқача айтганда, партия ва совет ҳокимияти хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишда ҳеч иккиланмай ҳар қандай усул, шакл ва йўналишни қўллашдан тортиниб ўтирмади. Хотин-қизларга жамиятнинг ишлаб чиқариш воситаси сифатида кўпроқ эътибор берилар, маданий-маърифий соҳада амалга оширилган ишлар ҳам айна шу мақсадни кўзлаган эди. Соддароқ қилиб айтганда, ўзини, ўзлигини, оиласини унутиб, фақат «режаларни ортиғи билан бажариш», «зарбдор», «юлдузча» соҳиби бўлиш каби хийлаларга учиб жонини жабборга берувчи одамсимон «машина»лар яратиш сиёсати Қорақалпоғистон хотин-қизлари турмуши, миллат генофондига сезиларли салбий таъсир кўрсатиб, нохуш оқибатларга олиб келмоқда эди.

СОВЕТ ТУЗУМИНИНГ ҚАТАҒОН ҚИЛИШ СИЁСАТИ, УНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТУРМУШИГА ТАЪСИРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1999 йил 12 май Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»¹ қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 май «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонига² мувофиқ Ватанимиз озодлиги ва истиқлол учун курашларда жонини фидо қилган, миллатни эркинликка чорлаган қатағон қурбонлари номларини абадийлаштириш соҳасидаги фаолият изчил давом этмоқда. Совет тузуми давридаги мудҳиш қатағон сиёсати хотин-қизларни ҳам четлаб ўтмаган.

Умуман, мустамлака тузумидан норози бўлган маҳаллий аҳоли ўртасида қатағонлар уюштириш сиёсати ҳар қандай босқинчи, мустамлакачилар сиёсатига хос хусусият.

Подшо Россияси ўзининг ҳарбийлаштирилган бошқарув машинаси ёрдамида Амударё бўлими халқларини мажбурлаш, эзиш, қўрқитиш, ҳақоратлаш, қамоққа олиш йўли билан 40 йилдан ортиқ зўравонлик билан асоратда ушлаб турган бўлса, совет ҳокимияти даврида большевиклар партияси томонидан бу сиёсат амалда яна давом эттирилди. 70 йилдан ортиқ давр мобайнида Ўрта Осиёдан хомашё манбаи базаси сифатида фойдаланиб, ўз сиёсатини тобора мустаҳкамлаб борди.

Ўлкада миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи эълон қилинган бўлса ҳам, амалда турли йўллар билан шу ҳуқуқнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиб келинди. Бизнинг назаримизда, маҳаллий халқ вакилларида сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан етук кадрлар етишиб чиқмаслиги учун турли усул ва шакллар ишлаб чиқилган. Бундай сиёсат большевиклар ҳокимияти

¹ «Халқ сўзи», 1999 йил 23 июль.

² «Халқ сўзи», 2001 йил 2 май.

учун табиий ҳолга айланган, дастлабки йиллардан бошлабоқ амалга оширила бошланган.

Қатағон сиёсатининг кенг тарқалган турларидан бири «Тозалаш» (-Я.А.) усулидир.

Шакллар таснифи – халқни юз бераётган воқеалардан воқиф қилмасдан «махфий», «ўта махфий», «ниҳоятда махфий», «эълон қилиш мумкин эмас» каби ёпиқ мажлислар ўтказиш, ёрдамчи шакллар – жамоатчилик институтларини ташкил қилиш ва ҳоказолар олиб борилган.

Совет тузумининг қатағон сиёсати одамларни камситиш, хўрлаш, ҳақоратлаш, партия аъзолигидан чиқариш, барча имтиёзларни чеклаб қўйиш, одамларни бир-бирига қарши қўйиш, уларни руҳан эзиш каби ўзининг мудҳиш томонларини намоён қилган. Совет тузуми даврида ўз фуқароларини, шу жумладан, хотин-қизларни қатағон қилишнинг 40 дан ортиқ «тури» «ўйлаб топилган» ва ҳисоботларда алоҳида «бандлар» ажратилган.

Жамият «совет сиёсати ёқмаган»лардан мунтазам равишда «тозаланиб» борилган.

XX асрнинг 1917-1924 йилларида маҳаллий аҳоли турли босқинчи кучларга, жумладан, совет ҳокимиятининг зулмкор сиёсати-га қарши миллий озодлик ҳаракатларини олиб борган, озодлик ҳаракатлари аъзоларига «босмачилар» деган ном берилган. Минглаб ватанпарварлар «босмачилик» ҳаракатида қатнашганлиги учун қатағон қилинган.

30-йилларда оммавий жамоалаштириш муносабати билан асосан қишлоқ ва овулларда яшайдиган аҳоли қатағон қилинган. Аҳоли, жумладан, аёллар «қулоқ», «бой», «йирик ер эгаси», «ўрта ҳол ер эгаси», «ўрта ҳол деҳқон», «деҳқон қулоқ», «балиқчи қулоқ», «мулла ва эшон унсурлар» сифатида нафақат колхоз қурилишига қарши ҳаракат қилганликлари учун, балки совет сиёсатидан норози бўлиб, унга қаршилик қилганлари учун ҳам «тозалаш» усули билан жазоланган.

30-40-50-йиллардаги «қатағон касб ҳам, мансаб ҳам танламаган». Қатағон қурбонлари, шу жумладан, хотин-қизлар 20 дан ортиқ «номлар» билан таҳқирланганлар: «буржуа-миллатчиси», «бузғунчи», «троцкийчи-зиновьевчи», келиб чиқишини яширганлиги, қочоқлик учун ёки ўз хоҳиши билан яшаб турган жойини ташлаб кетганлиги, инқилобга қарши буржуа миллатчи гуруҳида қатнашганлиги, синфий большевикча ҳушёрлигини йўқотганлиги, синфий ёт «учсурлар» билан давлат ва аппаратни «ифлослан-

тирганлиги», тузумга қарши бўлгани, катта моддий зарар келтирганлиги, хўжалик ишини эплай олмагани, «буржуа-миллатчиси» билан яқин алоқада бўлганлиги, икки ёқлама сиёсат олиб борганлиги, троцкийчи-зиновьевчилар билан яқин алоқа қилганлиги учун ва ҳоказо.

Шунингдек, «халқ душмани», «халқ душмани» билан алоқа қилганлиги, «синфий ёт унсур» бўлгани, синфий ёт унсурлар билан алоқа қилганлиги, давлат мулкани талон-тарож қилгани, инқилобий қонунчиликни бузганлиги, хушёрлигини йўқотгани, аксилинқилобий ҳаракатларни тегишли органларга хабар қилмагани, «ёт гуруҳлар билан алоқа қилганлиги», «фалончаевчилар» гуруҳидан бўлганлиги, улар билан алоқа қилганлиги, «миллатчи»лиги, «аксилинқилобчилар билан алоқа қилганлиги», партияга номзодлик ва партия билетларини йўқотгани ва ҳоказолар учун уларни қамоққа олиш, «кўчириш», «сургун» қилиш, қатл этиш йўли билан «тозалаш»лар олиб борилган.¹

80-йиллардаги қатағонлик ҳам «касб танламаган, аммо жамият асосан раҳбар ходимлар»дан «тозаланган». Марказ ўз қатағонларини «пахта иши», «ўзбеклар иши» деб номлаган. Жараён гўёки «порахўрлар»га қарши қаратилган.²

И. Каримов таъбири билан айтганда, «. . . совет социалистик давлати халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилган эди. Бу давлатнинг шакли ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди. . . . Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодларини билмайдиган манқуртларга таянар эди. Шунинг учун ҳам эски совет тузумининг байроқларида ва шиорларида баён қилинган ғоялар амалдаги ишларидан ниҳоятда узоқ эди. Худди шу боис бу давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик пайдо бўлди».³

¹ ҚРЖКА. 501-жамғарма, 2-рўйхат, 214-иш, 1-варақ; 1-жамғарма, 2-рўйхат, 520-иш, 32-36,93-варақлар; 1-жамғарма, 2-рўйхат, 512-иш, 62-варақ; Правда. 1930. 6 январь; Советская Каракалпакия. 1934. 10 июль; 1935. 5 январь; ҚРМДА 67-жамғарма, 2-рўйхат, 36-иш, 1-варақ.

Правда. 1988. 17 июля; Қишлоқ ҳақиқати-Сельская правда. 1988. 19 июля; Московские новости. 1988. №2; Неделя. 1988. №29; Огонёк. 1988. №29. ва ҳоказо.

³ Қаранг: Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил, 23 февраль. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон. 1996. 7-бет.

Ўлкада ҳукмронлик қилган Россия империяси ва мустабид совет тузумининг сиёсати империяча «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойилига асосланган эди. Совет даврида эса бошқарувга синфий ёндашишнинг коммунистча шакли эди. Бу ёндашиш аҳолини синфий белгилар бўйича ажратишни, мафқуравий тайёргарликдан ўтган «меҳнаткашлар қатлами» ҳисобига совет ҳокимияти асоси — фундаменти кенгайтиришни назарда тутган эди. Марксистик чизмага сизмаганлар ва ҳукмрон тузумни ёқтирмаган аҳоли қатламлари гайриинсоний чоралар билан йўқ қилишдек сиёсат қурбонига айланганлар.¹

Партия мажлислари одатда «ёпиқ» ёки «очиқ» шаклда олиб бориларди. Асосий долзарб муаммолар ёпиқ мажлисларда муҳокама қилинган. Чунки энг муҳим жараён, воқеа, ҳодисалар моҳияти халқдан яширилган. Халқ комиссарлари кенгаши,² партия, совет, суд, прокуратура, адлия органлари қабул қилган қарор, ечим, хулосаларнинг юқори қисмига алоҳида белги (гриф) қўйилиб, ундан «ёт» одамлар, оддий халқ бохабар бўлиши ман этилган. Бу қарорлар тўпланган жилдлар муқовасига ҳам алоҳида белги қўйилган. Бундай ҳужжатларнинг таҳлилига кўра, уларни шартли равишда «махфий», «ўта махфий», «ниҳоятда махфий», «ошкор этиш ман этилади» каби тўртта гуруҳга ажратиш мумкин.³

Совет тузумининг қатағон сиёсати, маҳаллий аҳолини менсимасликдан ва ўлкани миллий озодлик ҳаракати қатнашчилари, ўзларининг тили билан айтганда, «босмачилардан» «озод» қилиш давридаёқ бошланган. 1917 йилнинг ёз ва куз ойларида Қўнғирот, Чимбой, Шуманай, Хўжайли ва бошқа туманларда айрим туркман гуруҳларининг талончилик юришларига қарши ҳаракатлар юз берган. Бу даврда Қорақалпоғистон халқлари аҳволи ниҳоят даражада оғирлашиб, юртда очарчилик бошланган.

¹ Қаранг: Д.А.Алимова, А.А.Голованов. Узбекистан в 1917-1990 годы: Противоборство идей и идеологий. —Т.: Институт истории Академии наук Республики Узбекистан. 2002. —С.24.

² А.Джумашев. Протоколы Совета народных Комиссаров Каракалпакстана как исторический источник (1932-1941г.г.) // Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясы Қарақалпақстан бөлиминин «Хабаршысы». —Нөкис.: 1999. № 1. 42-бет.

³ ҚРМДА. 67-жамғарма, 3-рўйхат, 161-иш, 3, 8, 53, 59, 60-варақлар; 126-иш, 1-варақ; 241-иш, 70-варақ; 1733-иш, 72-варақ; 116-жамғарма, 1-рўйхат, 102-иш, 24-варақ; 179-иш, 26,52-варақлар; 195-иш, 66, 71-варақлар; ҚРЖКА. 501-жамғарма, 4-рўйхат, 101-иш, 171-172 варақлар; 113-иш, 58, 65-варақлар; 111-иш, 32-варақ; 137-иш, 4-варақ; 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1029-иш, 18, 49-варақлар.

Бошқарувни ўз қўлига олган совет ҳокимияти халқ аҳволини яхшилашни уddалай олмади. Натижада Амударёнинг ўнг қирғоғида 1919 йилда ҳам халқ ҳаракатлари давом этган. Бу сиёсий ҳаракатлар маҳаллий аҳоли, хусусан хотин-қизлар силласини қуритган. Буни совет армияси – «қизил армия» аскарларига уруш вақтида қўлга тушиб қолган хотин-қизларга яхши муносабатда бўлиш лозимлиги ҳақида кўрсатмалар берилганлигидан ҳам билиш мумкин. Бу 1919 йил 4 апрелда Амударё инқилобий қўмитаси ва Туркистон Компартиясининг Амударё бўлими ташкилоти махсус комиссиясида алоҳида масала сифатида кўриб чиқилган.¹

Совет тузуми юритган сиёсат миллий анъана, урф-одат маҳаллий шароитларни деярли ҳисобга олмаган. Натижада аҳоли орасида мавжуд вазиятдан норозилар кўпая бошлаган. Уларнинг орасида аёллар кўп бўлиб, улар ҳам ҳар хил муддатларга қамалган.² Хотин-қизларга нисбатан «авф» қўлланилмаган. Чунки 1923 йил 6 мартда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг «Афв ҳақида»ги қарори «б» моддасида «босмачилик, бандитлик учун қамалган аёлларга афв қўлланилмасин», деб алоҳида таъкидланган.³ Шу далилнинг ўзиёқ аёлларга нисбатан қатағонларни қўллаш учун ўзига хос кўрсатма, рухсатномалар берилганлигидан гувоҳлик беради.

Тахтақўпир туманида совет ҳокимиятига қарши бўлган кўзғолон қатнашчилари Убайдулла Бауатдинов (Хон Махсум), Бола Бий ва бошқалар қамоққа олиниб, уларнинг оила аъзолари хўрланган, таҳқирланган.

Большевиклар ҳокимиятининг империяча улуг давлатчилик сиёсати унинг кейинги фаолиятларида ҳам яққол кўзга ташланади. Оммавий равишда қишлоқда бой ва ўзига тўқ яшовчи аҳолининг хонумонини куйдириб, уларни камбағаллаштириш, қайтиб бош кўтара олмайдиган даражада йўқ қилиш – ўлкадан сургун қилиш сиёсати олиб борилган.⁴

¹ Б.Қошанов, Г.Исакова. Эмансипация: завоеванные рубежи. // Вести Каракалпакстана. 1999. 30 ноября.

² ҚРМДА. 67-жамғарма, 2-рўйхат, 1734-иш, 276-варақ; 1735-иш, 16-варақ; 1773-иш, 92-варақ; 2217-иш, 212-варақ; 16-жамғарма, 1-рўйхат, 102-иш, 24-варақ.

³ ЎЗРМДА. 17-жамғарма, 1-рўйхат, 406-иш, 57, 57-о, 276-варақлар.

⁴ Я.Абдуллаева. Женское движение в Каракалпакии (в 30-х годах XX века)// Аспирант и соискатель. -М.: Спутник. 2002. №3. -С. 12-13.

Совет тузумининг оммавий жамоалаштириш сиёсати ўзга жойларда бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам мажбурий равишда олиб борилди. Зўравонлик йўли билан қишлоқ аҳолисининг колхозларга киритилиши советлар сиёсатига қарши янги ҳаракатлар бошланишига сабаб бўлди.

Босқинчиларнинг империяча «десантчи» гуруҳларини¹ қарам ўлкаларга жўнатиши давом этган. 1927 йил Қорақалпоғистон вилояти партия ташкилотининг биринчи котиби лавозимига тасдиқланган П.И.Варламов ўзининг амалий иш фаолиятини асосан «қулоқлар хавфига» қарши курашга қаратишдан бошлаган.

Шу йилнинг ўзида вилоят совет ва партия ташкилоти ишчи-деҳқон инспекцияси ва назорат комиссияси тергов-қирғин тизими билан биргаликда 115 дан ортиқ овулга «хизмат кўрсатувчи» 9 та суд, 5 та тергов-сўроқ бўлимлари қатағон «хизматига шай қилинган» ва улар ўз фаолиятларини «бошлаган».²

1928 йил ўрталарига келиб оммавий равишда текшириш ишлари бошлаб юборилган. 1929-1930 йилларда эса жамиятни «аксилинқилобий унсурлардан» «тозалаш» борасида алоҳида махсус қарорлар қабул қилинган.³

Шундай қарорлар асосида жамиятни йирик ер эгалари, бой-қулоқ «унсурлардан», «ёт гуруҳлардан» тозалаш ва уларни синф сифатида тугатишга қаратилган «сиёсий машина»лар, «учликлар» гуруҳлари яратилган. Уларнинг асосий вазифаларидан бири жамиятни совет тузумига қарши бўлган «унсурлардан» — йирик ер эгаларидаң, халқ орасида обрўга эга бўлган кишилардан, эшонлардан, оталиқлардан, овул бойларидан⁴ «тозалаш» ва уларни Қорақалпоғистон мухтор вилоятидан бошқа ҳудудларга кўчириш, бадарға қилиш эди.

Шунинг учун «учлик»ларга «бу энг асосий иш, долзарб вазифа сифатида қаралсин ва ҳисоблансин», деган кўрсатмалар берилган.⁵ Натижада йирик ва ўрта ҳол ер эгаларини рўйхатга олиш, бадарға қилиш ёки ҳибсга олиш мунтазам равишда «тегишли» одам-

¹ Д.А.Алимова, А.А.Голованов. Узбекистан в 1917-1990 годы: Противоборство идей и идеологий. —Т.: Институт истории Академии наук Республики Узбекистан. 2002. —С.24.

² ҚРМДА. 67-жамғарма, 2-рўйхат, 1713-иш, 100-101-варақлар.

³ ҚРМДА. 115-жамғарма, 1-рўйхат, 224-иш, 54-варақ; 228-иш, 143-варақлар.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 978-иш, 2-варақ; 979-иш, 52-варақ; 980-иш, 99-варақ; 501-жамғарма, 2-рўйхат, 214-иш, 1-варақ; Правда. 1930. 6 января. Советская Каракалпакия. 1934. 10 июля. 1935. 5 января.

⁵ ҚРЖКА 1-жамғарма, 2-рўйхат, 784-иш, 12-42-варақлар.

лар ва ташкилотлар томонидан амалга оширила бошлаган. Тузилган рўйхатлар вилоят партия қўмитаси ва вилоят назорат комиссияси Президиумининг «ёпиқ» мажлисларида кўриб чиқилган ва тасдиқлаб борилган.¹

1930 йилга келганда² большевиклар «қулоқларнинг» ўзгалар меҳнатидан фойдаланиш жараёнини чеклаш сиёсатидан «қулоқни синф сифатида тугатиш», «қулоқ — асосий душман», деб ҳисобловчи сиёсатга ўтганлар.

Қозоғистон Ўлка партия қўмитаси котиби Ф.Голошекин (ҳақиқий исми шарифи Шая Ицкович) кўрсатмалари Қорақалпоғистон мухтор вилояти партия қўмитаси бюросининг 1930 йил 11 январь ва 3 февралдаги ёпиқ мажлисида кўриб чиқилиб, муҳокамадан сўнг куйидагича қарор қабул қилинган: «... ер-сув ислоҳотини амалга ошириш жараёнида ва унинг негизида савдогарлар, оталиқлар, олий руҳонийлар, хон ва мачит ерларининг тугатилишини назарда тутиш керак. . . . бой аксилинқилобий унсурлар, обрўли эшон ва оталиқлар яшаб турган жойларидан кўчирилиши шарт. . . . Қулоқларни тугатиш асосан баҳорда, экин пайтида олиб борилсин. Ер-сув ислоҳоти 1930 йил охиригача ўтказилсин».³ «Энг кескин, тезкор, амалий чоралар кўриш, кўпроқ муллалар, бойлар, отгаминарларни қўллари оғригунча уриш, қаршилик кўрсатган синфий душманларни аямасдан жазолаш» шарт⁴ каби кўрсатмалар узлуксиз равишда хат ва телеграммалар шаклида келиб турган.

Яна бир — 10 та моддани ўз ичига олган махсус аниқ кўрсатма шаклидаги телеграммани мисол тариқасида келтиришни лозим топдик: «Тугатилиши лозим бўлган рўйхатга бойлар, феодаллар, ярим феодаллар, оталиқлар, беклар, оқсоқол бошлиқлари, хон ва подшога хизмат қилганлар, умуман, барча руҳонийлар — эшонлар, охунлар киритилсин. Тугатиш бўйича ишлар ушбу телеграммани олгандан кейин 10 кун давомида тамомлансин. Қазу ва экин экиш ишларига ўз таъсирини кўрсатмасин. 300 гача ярим феодал хўжаликлари тугатилсин. Чимбойда—40, Хўжайлида—45, Кегейлида—45,

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 520-иш, 32, 33, 35, 36, 90, 93-варақлар.

² Правда. 1930. 6 январь; Правда Востока. 1930. 16 январь; ҚРЖКА 1-жамғарма, 2-рўйхат, 520-иш, 68-варақ.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1029-иш, 9, 18, 20, 37, 43, 49-варақлар.

⁴ ҚРЖКА. 501-жамғарма, 2-рўйхат, 235-иш, 117-варақ; ҚРМДА. 116-фонд, 1-рўйхат, 195-иш, 41, 42, 46-варақлар; 67-жамғарма, 2-рўйхат, 2526-иш, 80-варақ.

Тахтакўпирда – 20, Қораўзақда – 20, Қўнғиротда – 20, Қипчоқда – 40, Тўрткўлда – 30, Шоббозда – 40 хўжалик йўқ қилинсин».¹ Ҳар қандай зулмкор жамиятда бундай адолатсиз буйруқларни бажаришга шай кучлар ҳамиша топилади.

Бу кўрсатма-режа шу сабабдан ҳам ортиғи билан бажарилган. Юзлаб аёллар, болалар уй-жойлари, мол-мулкидан айрилиб, бошпанасиз қолганлар. Вилоят партия қўмитаси кўрсатмасига биноан, бойни ўрта ҳолдан, ўрта ҳолни камбағалдан фарқини аниқлаш учун «учликдан» иборат комиссия тузилган. Комиссиянинг хулосасига биноан: 1. Ҳар бир одамнинг 1,5 таноб ери, 20–25 қўйи, 1 ёки 2 та омочи, 1 ёки 2 та араваси, сув бор жойларда иккитадан чиғири бўлса, у ўрта ҳол деб ҳисобланган. 2. Бой ер эгасининг мол-мулки эса ўрта ҳол деҳқонниқидан кўпроқ бўлиши керак эди. 3. Ўрта ҳол ва бой чорвадорларнинг мол-мулки бой ер эгасиникидан ҳам кўпроқ бўлиши лозим эди.²

Совет тузуми ва коммунистик партиянинг яккаҳоқимлик сиёсати асрлар бўйи шу маконда яшаб келаётган маҳаллий халқни уй-жойлари, мол-мулкидан режа асосида маҳрум этиб, бегона юртларга тарқатиб юбориш, бадарға қилиш, қамаш йўли билан хонавайрон қилди. Халқнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиб, ўнлаб йиллар аввалги даражага тушиб кетди. Ҳатто мазмунан гўё халқ манфаатини кўзлаб қабул қилинган айрим қонунлар ҳам коммунистик партия яккаҳоқимчилик сиёсати манфаатларига қаратилган эди.

Суд, прокуратура органларининг Қозоғистон Адлия вазирлигига ҳар 10 кунда мунтазам равишда ҳисобот-телеграммалар юбориб турганлиги ва уларда кўрсатилган рақамларнинг ҳисоби ва таҳлилига кўра, 17 январдан 7 февралгача 247, ундан кейинги 10 кунда эса яна 150 одам қамалиб, мол-мулки мусодара қилинган.³ Бошқа бир ҳужжатда, январдан 7 февралгача қулоқлар масаласи бўйича 171 иш кўриб чиқилган, 247 одамнинг мол-мулки мусодара қилинган, ўзлари қамоққа олинган.⁴ Демак юқоридагилардан шуни англаш мумкинки, қамалганлар миқдори ҳар хил бўлиб, бу хусусда аниқ ҳисобот ҳам олиб борилмаган. Чексиз бошбошдоқлик ҳукм

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 520-иш, 90, 93-варақлар.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1029-иш, 18, 20, 49-варақлар.

³ ҚРМДА. 116-жамғарма, 1-рўйхат, 179-иш, 26, 32, 38-варақлар; 195-иш, 66, 71-варақлар; 67-жамғарма, 2-рўйхат, 1733-иш, 72-варақ; 2588-иш, 40-варақ.

⁴ ҚРЖКА. 501-жамғарма, 2-рўйхат, 235-иш, 117-варақ; ҚРМДА. 116-жамғарма, 1-рўйхат, 195-иш, 41, 42, 46-варақлар.

сурган пайтда аҳвол ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Натижада сонсиз-саноқсиз оналар, болалар, аёллар хўрланган.

Қамоқхоналарга маҳбуслар сиғмай қолган, ҳатто «изоляцияторлар ҳам қабул қила олмаган», янги маҳбуслар келгач, жой танқислиги натижасида илгари маҳбусларнинг кўпчилиги ахлоқ тузатиш колонияларига жўнатилиб, бошқаларга жой бўшатишга мажбур бўлинган.¹ Қорақалпоғистон бўйича ҳатто одамларни қамаш, сургун қилиш ҳақида РСФСР Халқ Комиссарлари Совети томонидан 1934 йил 7 июлда махсус кўрсатмалар ҳам берилган: 1934 йил 1 сентябргача «Қорақалпоғистондан 7000 оила кўчирилиши шарт» ва улар «Орол пристани орқали жўнатилинсин».² Бу изоҳ талаб қилмайдиган далил ҳисобланади.

Кўчирилган оилаларнинг бир неча юзлаб от, ҳўкиз, туя, сигир, қўй, эшак, чиғирлари, арава, ўтов, сандиқ, аёлларнинг тикув машиналари, чопонлари, самовар, кумғон (човгум), дарахтлари, белкурак, аравачалари, уйлари-иморатлари, юзлаб таноб ерлари, ёғ жувозлари, тегирмонлари, юзлаб қопларда жўхори, кунжут, бугдой, ун, шоли, гуруч, бўён (қизил мия), тамаки ва ҳоказо нарсалари мусодара қилинган.³

Суд, прокуратура, тергов органларига ёрдам тариқасида жамоат қораловчилари институтлари ташкил этилган. Таажжубланарли жиҳати шундаки, мана шу жамоат ташкилоти аъзоларининг айримлари аёллар бўлиб, улар колхозлардаги «душманларни топиш»да жуда фаол ишлашган.⁴

Бундай таъқиб-таъйиқлар, зўравонликлар натижасида халқ орасида норозилик, айниқса, хотин-қизлар ғалаёнлари кўтарила бошлаган. Шундай қўзғолонлар 1930 йил март-апрель ойларида Шоббоз туманида 406 та хўжалиқдан иборат бўлган «Бирлик», 202 та хўжалиқни бирлаштирган «Маданият» овулларида, Тўрткўл туманининг Сарибий қишлоғида ҳам бўлиб ўтган. Қўзғолон кўтарган хотин-қизлар «К о л х о з л а р б и з г а к е р а к э м а с, қувғин қилинганлар, бой ва руҳонийлардан тортиб олинган нарсалар қайтариб берилсин», «Қамалганлар озод этилинсин», «Сизлар ҳамма нар-

¹ ҚРМДА. 116-жамғарма, 1-рўйхат, 179-иш, 26, 32,38-варақлар; 195-иш, 66, 71-варақлар; 67-жамғарма, 2-рўйхат, 1733-иш, 72-варақ; 2588-иш, 40-варақ.

² ҚРЖКА. 501-жамғарма, 2-рўйхат, 472-иш, 27, 36-варақлар.

³ ҚРМДА. 116-жамғарма, 1-рўйхат, 195-иш, 71-варақ.

⁴ ҚРМДА. 67-жамғарма, 2-рўйхат, 2526-иш, 80-варақ; Советская Каралпакия. 1934. 10 июля.

саларимиздан айирдингизлар, биз ҳеч нарса демадик. Энди гапиримиз», «Биз шу ерда ўламиз, аммо тарқалмаймиз» каби шиорлар билан чиққанлар. Қўзғолон кўтарган хотин-қизлар қўлларига таёқлар, белкуракларни олиб, мактаб ичкарасига яшириниб олган совет «фаоллар»ига ҳужум қилганлар.¹

Қорақалпоғистонда 1930 йилларда умумий ҳисобда 1400 га яқин хотин-қизлар қатнашган 13 та қўзғолон бўлиб ўтган. Ўша йиллари бу қўзғолонлар алоҳида бир масала сифатида Қорақалпоғистон партия кўмитасининг ёпиқ мажлисида кўриб чиқилган. Мажлисда хотин-қизларнинг бу қўзғолонлари «хотин-қизларнинг колхозлаштиришга қарши, советларга қарши қўзғолони», деб баҳоланиб, «хотин-қизларнинг Шоббоз қўзғолони аъзоларига нисбатан қатағон қилишгача бўлган энг кескин чоралар кўрилиши лозимлиги» ҳақида махсус қарор қабул қилинган. Қўзғолоннинг бошқа жойларга тарқалишидан хавотирланган совет ходимлари зудлик билан чора-тадбирлар кўришга киришганлар. Бу борада қўзғолончи аёлларни тоифаларга бўлиш усули ишлаб чиқилган: 1-тоифа бўйича қамоққа олиш ва концлагерга жўнатиш, 2-тоифа бўйича Қорақалпоғистон мухтор вилояти ҳудудидан бадарга қилиш, 3-тоифа бўйича Қорақалпоғистон ҳудудида қолдириб, яшаб турган тумандан бошқа туманга кўчириш.² Тўрткўл ва Шоббоз қўзғолонларида фаол қатнашган хотин-қизларни, «айбдор»ларни, бой, эшонларни 3 тоифа бўйича «тозалаш» усули қўлланилган.

«Айбдорлар» 1930 йил 10 апрелда Амударё орқали қайиқларда Кегейли ҳамда Қораўзак туманларига жўнатиш йўли билан бадарга қилинган. Хотин-қизлар қўзғолони масаласини муҳокама қилиш учун Қорақалпоғистон партия кўмитасининг бир кунлик иш вақти кетганлигини ҳисобга олиб, қўзғолонда қатнашган 300 та хотин-қизнинг бир кунлик иш ҳақи 900 рубл бўлишини ҳисоблаб, шу пулни суд орқали ундириб олиш ҳақида қарор чиқарилган.³

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 785-иш, 9-45-варақлар; 501-жамғарма, 2-рўйхат, 218-иш, 258-259-варақлар; ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 999-иш, 87, 89, 133, 138, 141, 145, 147, 157, 159-варақлар; ҚРМДА. 322-жамғарма, 3/С-рўйхат, 9-иш, 21-варақ; А.Жумашев. Қарақалпақстанда коллективлестириу дәври: тарийх бетлери.// Вестник Каракалпакского филиала Академии наук Республики Узбекистан.- Нукус.: 2000. № 6-7. -С.63-64.

² ҚРЖКА. 501-жамғарма, 2-рўйхат, 218-иш, 258-варақ; 1-жамғарма, 2-рўйхат, 979-иш, 46-54-варақлар; 980-иш, 99-варақ; 784-иш, 12-варақ; ҚРМДА. 115-жамғарма, 1-рўйхат, 227-иш, 8-10-варақлар; 234-иш, 1-варақ.

³ ҚРЖКА. 501-жамғарма, 2-рўйхат, 218-иш, 258-259-варақлар; 1-жамғарма, 2-рўйхат, 785-иш, 9, 12, 13, 45-варақлар.

Бадарға қилиш жараёнида, солиқлар миқдори кўпайтирилган, одамларнинг мол-мулкларини тортиб олиб жамоа хўжаликларига бериш, ўзларини эса таъқиб қилиш кучайтирилган. Пировардида, 202 та хўжаликни бирлаштирган «Маданият» артелида 110 та хўжалик қолган, холос.¹

Бундай бедодликлар бошқа жойларда – Хўжайли, Кегейли, Чимбой туманларида ҳам давом этган. Натижада Қорақалпоғистон мухтор вилояти бўйича 7824 хўжаликдан ташкил топган ўзида бирлаштирган 54 та колхоз тарқатиб юборилган.²

Оммавий жамоалаштиришга қарши хотин-қизларнинг курашлари, кўзғолонлари 1932-1933 йилларда ҳам давом этган. Шоббоз туманида курашларнинг биринчи сафида Сапарова Турдыгул, Парленова Мамажон, Матыкова Қайджонлар боришган. Улар ўзига хос иш ташлашлар уюштирганлар – пахта термай қўйганлар ҳамда 100 га яқин аёлларни йиғиб, махсус мажлис ўтказиб, колхоздан чиқишни режалаштирганлар. Ўзларининг ҳақ- ҳуқуқларини талаб қилганлар.³

Бу давр жамият ривожланишига нисбатан аёлларнинг сиёсий онги ўсиб, илгарилаб кетганлиги билан характерланади.

Халқ норозилигининг кучайишига яна бир сабаб, мусодара қилинган ерлардан олинган ҳосил, мол-мулкни қабул қилиб олиш мақсадида тузилган комиссиянинг айрим аъзолари томонидан уларни ўзлаштириб олишлари бўлган.⁴

Шу ўринда кўзғолон иштирокчиларининг айримлари аччиқ қисматидан баъзи маълумотлар келтиришни лозим топдик. Досимбетова Дамеш. Миллати қорақалпоқ. Кегейли туманининг 8-овулида «Оқ-манғит»да туғилган. Бадарға қилинган пайтда 35 ёшда бўлган. Унинг 50 таноб ери, 2 оти, 2 та ҳўкизи, 7 та сигири, 2 та туяси, 20 та қўйи, 1 та мойжувози, 1 та тегирмони, 2 та ўтови, 1 та араваси, 1 та чертаги бор эди. Унинг ота-бобосидан қолган ва ўзи меҳнат қилиб умр бўйи йиққан бойлиги-ю, мол-мулки мусодара қилинган. У бой хотин сифатида 1930 йили Қорақалпоғистон ҳудудидан бадарға қилинган.⁵

1929 йили Тахтақўпир туманида совет ҳокимиятига қарши катта кўзғолон бўлиб ўтган. Кўзғолон шафқатсизларча бостирилгач,

¹ ҚРЖКА. 501-жамғарма, 2-рўйхат, 218-иш, 529-варақ.

² ҚРЖКА. 501-жамғарма, 2-рўйхат, 257-иш, 59-варақ.

³ ҚРМДА. 322-жамғарма, 3 /С-рўйхат, 9-иш, 21-варақ.

⁴ ҚРЖКА. 501-жамғарма. 2-руйхат, 257-иш, 173-варақ.

⁵ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 980-иш, 99-варақ, 979-иш, 46-54-варақлар.

иштирокчиларидан 100 дан ортиқ одам қамоққа олинган. Уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари таққирланган, хўрланган ва таъқиб остига олинган.¹

Қўзғолон ташкилотчиларидан бири Исметуллаев Абдулжамиль-Максум 1929 йил декабрда «учлик» томонидан қамоққа олинган ва ўлим жазосига ҳукм қилинган. Орадан 60 йилдан кўпроқ вақт ўтгач, 1992 йил 6 январда Исметуллаев Абдулжамиль бегуноҳ сифатида оқланган.²

Шу қўзғолонда «совет ҳокимиятини ағдариш учун фаол қатнашганлардан» бири Нуруллаев Мухамеджан ҳам қамоққа олинган. Мана шу воқеалардан кейин Нуруллаев Мухамеджан, Исметуллаев Максум ва бошқалар оила аъзоларининг тақдири жуда қийин кечган. Аёллари болаларини олиб яшаб турган жойларидан бошқа томонларга кўчиб кетишга мажбур бўлганлар. Фарзандлари, қизларини мактабда ўқитувчилар ҳар хил сўзлар билан «душман фарзанди» сифатида ҳақорат қилиб, хўрлаганлар.

Тазйиқ ва таққирлашлар кундан-кунга, йилдан-йилга қучайиб борган. Нуруллаев Мухамеджаннинг синглиси Нуруллаева Узудикнинг тақдири ҳам жуда аянчли кечган.

Нуруллаева Узудук колхоз даласида бир нечта колхозчилар орасида совет ҳокимияти ва партия доҳийсига нисбатан «ёқимсиз» гаплар айтган. У «сиз ўзларингизнинг олиб бораётган сиёсатингиз билан бизларни эзаяпсизлар. Меҳнатнинг оғирлигидан аёллар ҳомилаларини ёки ўлик ёки чала жон ҳолатда, вақтидан аввал туғмоқдалар» каби тўғри, адолатли гапларни, ҳақиқатни қўрқмасдан айта олган. Оқибатда У Нуруллаеванинг ёш қизчаси бўлишига қарамасдан, унинг устидан айблов хулосаси чиқарилган ва 1938 йили 5 декабрда Чимбой тумани ички ишлар тезкор хизмат бўлими бошлиғи Болдырев томонидан совет ҳокимиятига қарши «жиноятчи» сифатида қамоққа олинган.

Қуйида Болдырев ва маҳбус У.Нуруллаева ўртасидаги тергов савол-жавобларини келтиришни ўринли, деб топдик:

Болдырев: — Нуруллаев Мухамеджан сизга ким бўлади?

Нуруллаева: — Нуруллаев Мухамеджан менинг туғишган акам бўлади.

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 663-иш, 19-27-варақлар; 664-иш, 105, 110, 124, 128-варақлар.

² Т.К. Алланиязов «Контрреволюция» в Казахстане: Чимбайский вариант. Алматы. Обществeнный фонд «XXI век».1999. -С.175, 214-215.

Болдырев: — У ҳозир қаерда?

Нуруллаева: — 1929 йилдаги Тахтақўпир қўзғолонида қатнашганлиги учун қамоққа олинган. Ҳозиргача бедарак. Қаердалигини билмаймиз.

Болдырев: — Сиз ўзингизни қилган ишларингиз учун айбдор деб ҳисоблайсизми?

Нуруллаева: — Мен ўзимни айбдор деб ҳисобламайман.

Аммо тузум вакили Болдыревнинг «тадбиркор»лиги натижасида «гувоҳлар» топилиб, кўрсатмалар берилган. Бундан ташқари Болдырев назарида энг асосий далил У.Нуруллаеванинг собиқ кулоқ қизи эканлиги, акасининг совет ҳокимиятига қарши курашгани учун қамалганлиги эди.

1939 йил 15 январда Қорақалпоғистон Жўқорғи суди (Олий Суди) томонидан У.Нуруллаевага нисбатан «5 йил озодликдан маҳрум этиш ва асосий жазони ўтаб бўлгандан кейин 2 йил ҳуқуқидан маҳрум этилсин ва асосий жазони ўташ учун маҳбусликда қолдирилсин», — деган ҳукм чиқарилган.

Совет тузуми кундан-кунга қашшоқлашиб бораётган, арзон ишчи кучи ҳисобланган хотин-қизларни шафқатсиз эксплуатация қилиш билан бирга, уларни ноҳақ айблашни ҳам давом эттирган. Далаларда қул каби ишлаётган заҳматкаш, бечора хотин-қизлар етиштирилган пахтани ўз вақтида топшира олмаганликлари учун ҳам жазоланганлар.

Кегейли тумани 11-бўлимидан Бегдуллаева Бибисара (41 ёшда), Худайбергенова Нуғжон (19 ёшда), Асетуллаева Айгуль (31 ёшда) терган пахталарини ўз вақтида топшира олмаганликлари учунгина уй-жойлари, мол-мулклари мусодара қилинган. Уларга жарима солинган ва «халқ душмани» сифатида қамоққа олинган. Бегуноҳ аёллар ўзларининг ноҳақ айбланганликларини айтиб, масалани қайтадан кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Жўқорғи судига ариза берганлар. Лекин бу ҳусусда комиссия уларнинг қамоққа олиниши ҳақидаги суд қарорини тасдиқлаган.¹ Адолатсиз жамиятда бундан бошқача бўлиши мумкин эмасди.

Колхозга аъзо бўлган деҳқон етиштирилган ҳосилнинг белгиланган қисмидан ортигини колхоз омборига топшириши шарт эди. Бу ишни амалга ошириш учун совет тузуми камбағал- батрак гуруҳларини тузган. Бу гуруҳ уйма-уй юриб ортиқча ҳосилни йиққан, эвазига пул бериб ўзи колхозчи билан ҳисоб-китоб қилган.

¹ ҚРМДА. 67-жамғарма, 2-рўйхат, 2540-иш, 24, 44, 45-варақлар.

Гуруҳ келмаган кунлари одамлар ҳосилнинг белгиланган қисмини ўзлари колхоз омборига олиб келиб топширишлари лозим бўлган.

Далада меҳнат қиладиган аёллар учун ҳеч қандай шарт-шароит яратилмаган. Эмизикли боласи бор аёллар боласини қовоқдан ясалган сув идишнинг ичига солиб кўтариб олишган ва елкасида ярим ботмон (27 фунт) ҳосилни орқалаган ҳолда 20-25 километр жойгача пиёда йўл юришган. Чимбой тумани 13- овулда яшовчи бева Турсунова Бекзода ва бошқалар мана шундай ҳолатга тушишган.¹

Колхозларда хотин-қизлар меҳнатидан янада унумли фойдаланиш мақсадида турли хил танловлар ташкил қилинган. Лекин булар халқ руҳини кўтариб, овута олмаган. Чунки жамиятда эркин ишлаш, эркин гапириш, эркин фикрлаш имкониятлари кундан-кунга камайтириб бораётган тузум ҳукмронлик қиляётган давр эди.

Бундай мисоллар совет ҳокимияти ўз сиёсатини мана шундай фирром, шафқатсиз усуллар билан амалга оширганлигини кўрсатади. Бу борада улар ҳеч нарсдан тап тортмай, «мақсад воситани оқлайди» тамойилига амал қилишган. Аёлларга бир буюм сифатида муносабатда бўлиш одатий ҳолга айланган. Улар куракда турмайдиган баҳоналар билан айбланиб, қийноқлар, тазйиқларга дучор этилган. Аҳоли кўнглига ваҳима солиш, уни кўрқитиш, шу орқали қишлоқ аҳлини жамоа хўжаликларига мажбурий равишда жалб этиш сиёсати оқибатида 1930 йилларга келиб «оммавий жамоалаштириш» шири остида 90 фоиздан ортиқроқ колхозлар ташкил топган.²

Оммавий жамоалаштиришга қарши курашлар ҳам шу йилларда содир бўлган.

Колхозлаштириш жараёнида бой ҳам, батрак ҳам бир хил даражада қатағон қилинган. «Камбағаллар» давлати айнан ўз камбағалларини ҳам аяб ўғирмаган. Чунки 1932-1933 йилларда ҳам Шоббоз туманида Қайджон Матыкова, Мамажон Парленова, Турдыгул Сапарова бошчилигида колхозда қолиш ёки қолмаслик масаласи бўйича мажлислар ўтказилган, мажлисларда 70 дан ортиқ аёллар қатнашган.³ 1934 йил Қипчоқ туманида юзлаб хўжаликлар колхоздан чиқиб кетган.⁴ Бундай галаёнлар Чимбой, Хўжайли, Кегейли туманларида ҳам бўлиб ўтган. Натижада, Хўжайлидан Сейтжонова Ўғилжон билан эри

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 661-иш, 38-варақ.

² ҚРЖКА. 501-жамғарма, 2-рўйхат, 256-иш, 398-варақ.

³ ҚРМДА. 322-жамғарма, 3/с-рўйхат, 9-иш, 21-варақ.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 999-иш, 87, 89, 133, 138, 141, 145, 147, 157, 159-варақлар. К итогам чистки Каракалпакской партийной организации.// Советская каракалпакия. 1935. 7 января.

Пирманов Бекмуродлар ҳам қамоққа олинган ва «изсиз» йўқолган.¹ Норозилик ҳаракатлари оммавий тус олган. Натижада йўл қўйилган камчиликларни тузатишга уриниб қўрилган. Айрим камбағал, ўрта ҳол деҳқон, майда хизматчилар, майда савдогарлар қамоқдан чиқарилган, мусодара қилинган айрим моллар қайтариб берилган.²

Халқни тинчитиш, давлатнинг «адолатли» эканлигини оммага кўрсатиб қўйиш мақсадида 30-йилларда турли сабаблар билан қамалган аёллардан бир нечтаси озод этилган.³

Фақат қишлоқ ва овуллар хотин-қизларигина эмас, балки халқ хўжалигининг ўзга соҳаларида ишлаётган аёллар ҳам қатағон қилинган.⁴ Умуман олганда, жамият ривожланишидаги камчиликлар, адолат ва эркинлик етишмаётганлиги ҳақида гапирганларнинг ҳаммаси, минглаб бегуноҳлар қатағон қурбонлари бўлганлар.

Совет тузуми қатағон сиёсати «машинаси» хизматкорлари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган аёлларни хўрлашдан ташқари партия ва совет идораларида ишлаган, аммо қамоққа олинган илғор фикрли кишилар оила аъзолари, қариндош-уруғлари, фарзандлари, таниш-билишларини ҳам қатағонга дучор қилишдан тоймаганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, совет даврида партия сафида бўлиш ёки бўлмаслик ҳаёт-мамоғ масаласи эди. Партияга аъзолик юқори лавозимда ишлайдиган ҳар бир одам учун сув ва ҳаводек зарур бўлган. Агар кимдир бирон-бир «ножўя» гапни гапириб қўйса ёки бирор «ножўя» иш қилса, унинг «масаласи» партия мажлисида кўндаланг қўйилган. Партия сафидан чиқарилиш эса ўша даврда «ўлим» билан баробар эди.

Коммунистик партия яқка ҳокимлиги шу даражада кучайган эдики, унга қарши чиқиш у ёқда турсин, ҳатто бу ҳақда ўйлашнинг ўзи хавфли ҳисобланарди. Айрим тор фикрли, саводсиз, мансабпараст кимсалар бундай «қулай» ижтимоий-сиёсий ҳолатдан ўзларининг шахсий ғараз манфаатлари йўлида «унумли» фойдаланишган, улар ақлли, илмли одамларни ўзларига рақиб санаб, улардан қутулиш йўллариини излашган. Бундай кимсаларнинг «қора» ниятлари партиянинг бюрократик бошқарув сиёсати орқали амалга ошган пайтлар ҳам кўп бўлган.

¹ Улардан қолган ёлғиз қиз, ҳозирда хожи она — Ханимжон Саъдуллаева билан муаллифнинг суҳбати. 2003, декабрь. -Я.А.

² ҚРМДА. 116-жамғарма, 1-рўйхат, 195-иш, 152-варақ.

³ ҚРМДА. 342-жамғарма, 1-рўйхат, 47-иш, 4, 6, 18-варақлар.

⁴ ҚРМДА. 67-жамғарма, 3-рўйхат, 164-иш, 191-192-варақлар. 240-иш, 41, 194-варақлар.

Бизнинг назаримизда, қатағонлар миқёси ва унинг жамиятга, инсонларга етказган зарари тадқиқотчилар томонидан ҳозиргача тўлиқ аниқланмаган. Архивларда бегуноҳ инсонлар номлари билан боғлиқ минглаб ҳужжатлар мавжуд. Қатағон қурбонлари билан боғлиқ бир неча мисоллар:

Аметова Бибиайша – Қораўзак тумани партия ташкилоти хотин-қизлар бўлимида бўлим бошлиғи Бекназарова Салима билан биргаликда ишлаган. Кейинчалик туман хотин-қизлар бўлими тақлифига биноан Қораўзак туманида ташкил этилган биринчи болалар боғчасига мудирлик қилган. 1938 йилдан бошлаб боғча мудирлиги лавозимидан бўшатишган. Ҳеч ким уни ишга олмаган.

Одамлар унга яқинлашишдан қўрқишган. Бешта боласидан тўрттаси мана шундай оғир кунларда оламдан ўтган. Битта қизи тирик қолган. Қизининг жонини сақлаш мақсадида унинг фамилиясини ўзгартириб, Далиева Бибизада деб ҳужжат олган. Чунки унинг турмуш ўртоғи Дали Ахмедов – Қораўзак тумани партия қўмитасининг котиби лавозимидан ишлаган даврида 1938 йил 1 июлда «халқ душмани» сифатида қамоққа олинган бўлиб, 1939 йил «айби» тасдиқланмагандан кейин қамоқдан чиқарилган. Аммо «устидан ариза бор», деган ваз билан 1940 йил 28 апрелда ҚҚАССР Жўқорғи Суди томонидан яна қамоққа олинган. Шундан кейин хабар келмаган. Ҳар хил ҳақоратлар домида Бибиайша Ахметова 69 ёшида вафот этган. Унинг қизи Бибизада Далиева ҳозирда нафақада, Ҳожи момо.¹

¹ Ҳозирда, Бибизада Далиева қорақалпоқ халқининг миллий қаҳрамони Ерناзар Олакўзининг чевара келини ҳисобланади. XIX асрнинг бошида Хива хони Муҳаммад Раҳим ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун кураш олиб бораётган Орол ўзбеклари билан қорақалпоқларни бўйсундирган.

XIX асрнинг ўрталарига келганда, бу атрофда яшовчи халқлар хонга қарши бош кўтардилар. 1855 йилнинг ноябрида Қўзғолон бошланади. Қўзғолонга Ерназар Олакўз бошчилик қилади. Бу кураш 8 ойдан кейин аёвсиз бостирилади. Ерназар Олакўз 1856 йил 12 июнда ўлдирилади.

Ерназарнинг онаси Кумар эри вафотидан кейин битта ўзи 4 яшар ўғлини кучли, ботир, полвон йигит қилиб тарбиялаган. «Уларни кўп синовлардан ўтказган Хива хони Саидмуҳаммад хон, Ерназарнинг ботир бўлганлигининг сабаби, унинг онаси ботир экан-да», - деган.

Ерназар Олакўзининг Рабийби исмли хотинидан Мамбетназар исмли ўғил қолади.

Мамбетназар ва Айсанамдан икки ўғил, уч қиз: Асқар, Мамайт, Бийбижан, Бийбихатша, Соҳибжамол туғилади. Бу фарзандларнинг бири Асқардан ва унинг турмуш ўртоғи Бибизада Далиевадан 11 фарзанд туғилади. Ҳозирда бу болалар турли давлат корхоналарида ишлашмоқда. Қаранг: С. Камалов Қарақалпақлардин халқ болып қәлиплесиғи ҳәм онын мәмлекетлигинин тарийхынан. 28, 36-бетлер; Ўша муаллиф. Халқы ушын шейит олген батырым. - Нөкис. Қарақалпақстан. 1997. 15, 26, 27-бетлар.

Исабаева – эри «Дилманов «халқ душманлари» Авезов Қасым, Аллабергенев Қазақбайларнинг гуруҳида бўлганлиги» ва қамоққа олинганлиги учун,¹ Алламбергенева Тазагуль – «халқ душмани, буржуа-миллатчиси» сифатида қамоққа олинган Алламбергенев билан алоқа қилганлиги учун, Ельтезерова Таджигуль – эри Ельтезеров Суентай «совет ҳокимиятига қарши миллатчилик» да айбланиб қамоққа олинганлиги учун, Артиқов & Айсултан – «халқ душманлари» Ахмедов ва Уразимбетовлар билан алоқада бўлганлиги учун,² Уразимбетова Уразгул – «аксилінқилобчи» эрини қўллаб-қувватлагани учун,³ Ходжабаева Д. – ўзининг келиб чиқишини партиядан яширганлиги учун, Розимова Р. – колхозга аъзоликдан чиққанлиги учун, Раимова Зулейха, Зарипова Д. – колхозга киришни хоҳламаганликлари учун, Досимбетова У. – сиёсий ва техник саводсизлиги учун, Бекназарова Салима – эри Бекназаров Суюн мулла билан тотув бўлганлиги учун партия ва комсомол ташкилотлари бюросининг «ёпиқ» мажлисларида муҳокама қилинган. Муҳокамадан сўнг партия ва комсомол ташкилотлари уларни ўз сафларидан чиқариб юборганлар. Айримлари, яъни Матчанова Шукур, Бобхожаева Бека, Нуриллаева Бедер, Усербоева Зияда ва бошқалар эса буржуа миллатчиси сифатида қораланиб, кейинчалик «айблари» тасдиқланмагач «оқланган»лар.

«Халқ душманлари» сифатида қамалиб ёки энг олий жазо – «ўлим» жазоси берилганлар ҳақида уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларидан деярли ҳеч ким маълумотга эга бўлмаган. Фақат 1950 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, уларнинг кўпчилиги оқланган ва улар ҳақида қариндош-уруғлари бирор хабар топиши мумкин бўлган. Бир неча йиллар давомида буйинларида «халқ душмани»нинг хотини, қизи ёки ўғли деган тамғани кўтариб юрган жабрдийдалар ниҳоят тегишли ташкилотларга аризалар ёзиб, эрлари, оталари, ака-укалари ҳақида хабар топганлар.⁴

1937 йил 13 сентябрда «миллатчи аксилінқилобий» гуруҳда фаол қатнашгани учун қамоққа олинган Қарабаев Султан, МТС да

¹ ҚРЖКА. 229-жамғарма, 1-рўйхат, 275-иш, 2-3-варақлар.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 1319-иш, 7-варақ; 1894-иш, 1, 3-варақлар; 12-рўйхат, 426-иш, 1-варақ; 501-жамғарма, 2-рўйхат, 96-иш, 4-варақ. 4-рўйхат, 110-иш, 18, 25-варақлар; 111-иш, 14-варақ; Советская Каракалпакия. 1938. 6-феврала.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 1319-иш, 7-варақ; 1894-иш, 1, 3-варақлар; 501-жамғарма, 4-рўйхат, 83-иш, 22, 32, 55, 57, 58-варақлар; 110-иш, 18, 25-варақлар; 111-иш, 14-варақ.

⁴ Абдуллаева Я.А. Тарийх ҳам тағдир. (Қорақалпоқ тилида). // Өзбекистан Республикасы илимлер Академиясы Қарақалпақстан бөлимининг Хабаршысы. – Нөхис.: 2002. № 4. – С.72-74.

курс бошқарувчиси бўлиб ишлаб турган пайтида 1938 йил 7 февраль куни ЎзССР Ички ишлар Халқ Комиссарлиги қошидаги тройка (учлик-Я.А.) мажлиси томонидан мол-мулки мусодара қилиниб, отишга ҳукм қилинган.

ҚҚАССР Жўқорғи Суди Президиумининг 1958 йил 24 февраль кунги қарори билан Қарабаев Султан, у билан бирга судланган Нуруллаев Исмаил, Давкараев Хожетдин, Бабаниязов Режеп, Қутлымуратов Режеп ва Исчанов Аманбайлар ушбу иш бўйича оқланган ва улар устидан очилган жиноят иши тўхтатилган. Аммо қариндошлари — Қарабаева Аvezжан, Қарабаева Марьям Султановна (қизи) «бедарак» кетганлар ҳақида, уларнинг тақдири хусусида ҳеч нарса билмаганлар. Шунингдек, Алдамбергенова Жумагул ҳам турмуш ўртоғи Чимбой тумани 1-бўлими халқ суди ходими бўлиб ишлаб турган пайтида қамоққа олинган Ильяс Бекбергенов (1937 йил) ҳақида ҳеч нарса билмаган.¹

Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин: Нурмухамедов Коптлеу (унинг ўғли Марат, қизлари Таджигул, Мария, Рая, хотини Пердегул) — ҚҚАССР Жўқорғи Кенгесининг собиқ бошлиғи, Матқурбанов Юлдаш — Қипчоқ МТС директори ўринбосари, Жақсимуратов Мамбет — Чимбой туман ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, Бекмуратов Айтжан — ҚҚАССР Адлия халқ комиссари, Қудабаев Абу Иржанович — Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитасининг котиби, Бекбаулиев Исматулла — Чимбой туман партия қўмитасининг котиби, Бажаков Калимулла — ҚҚАССР давлат режа қўмитаси раисининг ўринбосари ва бошқаларнинг хотинлари, бир нечтадан ўғил ва қизлари қолган. Хотинлар ва фарзандлар эрлари, оталари ҳақида кўп маълумотлардан, уларнинг тақдиридан узоқ йиллар мобайнида беҳабар бўлганлар.

Юқорида номи зикр этилган инсонларнинг барчаси, троцкийчи-зиновьевчи, «аксилинқилобчи», «тўртликлар», «ўнликлар», миллатчилар ва ҳоказо гуруҳлар ташкилотчилари, раҳбар ва аъзолари сифатида қамоққа олинган, уларга «халқ душмани» тамғаси босилиб, энг олий жазога ҳукм этилган. Ҳукм 1938 йил 13 октябрда ижро этилган. Шуниси алоҳида диққатни ўзига тортадики, «айбдор» устидан суд жараёни СССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1934 йил 1 декабрда қабул қилинган қарорига асосланиб олиб борилган.

Бунга кўра, «жиноий иш» суднинг ёпиқ мажлисида қараб чиқилган ва ф а қ а т «айбдор»нинг б и т т а (Я.А.) ўзи олиб

¹ Я.Абдуллаева. Топталган ҳуқуқ ёки мустабид тузум қатағонлари.// Ҳаёт ва қонун. 2004. №2. 58-59-бетлар.

келинган ва судланган. Қораловчи, оқловчи ва гувоҳлар судга таклиф этилмаган. Суд жараёни бор-йўғи ўн, ўн беш, узоғи билан йигирма минут давом этган ва энг олий жазо эълон қилинган.

Улардан ташқари, А.Досназаров, Қасим Авезов, К.Алимов, К.Ахмедов, С.Туреев, С.Қличев, И.Бекбаулиев, Тақимбетов ва кўпгина бошқа кишилар ҳам туҳматга учраб қатл этилди. Ҳозирги кунгача тўпланган маълумотларга кўра, 1937-1938 йилларда 10 мингдан ортиқ киши ноҳақ қатағонлар оқибатида ҳалок бўлган.¹ Уларнинг барчаси кейинчалик «оқланганлар».

Аёлларни қатағон қилиш 1940 ва ундан кейинги йилларда ҳам вилоят партия кўмитаси бюросининг ёпиқ мажлиси томонидан олиб борилган. Ҳужжатларга «ўта махфий» белгиси қўйилган.

Сулейманова Ерке Кўнгирот туманининг учинчи овул кенгашида кутубхона мудири, кейинчалик «Доналик» колхозидаги болалар боғчаси мудири вазифасида ишлаган. Унинг турмуш ўртоғи Сулейманов Зурбай «совет ҳокимиятига қарши ҳаракатларда қатнашганлиги учун» 10 йил озодликдан маҳрум этилган. Шу сабабдан ҳам Сулейманова Еркега партия аъзолигига номзодликка қайта тикланиш ҳақидаги илтимоси рад этилган.²

Коммунистик партия ва советлар олиб борган «серқирра» сиёсат натижасида маҳаллий партия кўмитасининг раҳбарлари аҳоли, шу жумладан, аёлларни қатағон қилишнинг турли «йўллари»ни излаб топишган.

Куйидаги мисол юқоридагидан фарқ қилади. Ҳатто яшаб турган колхозидан чиқиб, но маълум бир жойга (Я.А.) бориб келганлиги³ учун ҚҚАССР Шоббоз тумани Бийбозор овул советида «Ёш куч» колхози раисининг ўринбосари вазифасида ишлаётган Ибрагимова Қутли партия аъзолигидан чиқарилган.

Дунёнинг ўзга мамлакатлари учун бундай ҳол ўта тушунарсиз, мантиқсиз бўлиши мумкин. Демак, амалда эркин яшаш қамоқхонадагидан фарқ қилмаган. Чунки маҳбусларгина агар қочсалар, яна кўшимча жазо олишлари мумкин.

Қатағон қилиш сиёсати амалда ч е к с и з л и к к а (-Я.А.) интилган эди, маълум бир чегаралар уни қониқтирмасди.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 427-бет; А.Турекеева. Жуз бенен жузлескенлер. //Қарақалпақстан жаслары. 2001. 1 январь.

² ҚРЖКА. 501-жамғарма, 4-рўйхат, 113-иш, 65-варақ.

³ ҚРЖКА. 501-жамғарма, 4-рўйхат, 113-иш, 58-варақ; 111-иш, 32-варақ.

Агар, юқоридаги рақамлар ва архивлардан қўшимча топилган азиз номлар сонига Россия империяси босқини давридан кейинги даврда — 1873-1916-1917, 1940-1950, 1986-1988 йилларда қамалган ва бегуноҳ қурбон бўлганларни қўшсак, улар сони яна бир неча юз мингга ошиши мумкин.

Шундай қабилликлар амалга оширилганки, қамалиб кетганлар ҳақида, уларнинг ўлик ёки тириклиги ҳақида оила аъзоларига юқорида айтилгандек ҳеч қандай маълумотлар берилмаган. Қаерда отилгани, мурдаси қаерга қўмилгани, қаерга бадарға қилинганлиги ва бошқалар ҳақида «ҳеч ким, ҳеч нарса» билмаган. Совет тузуми давридаги «демократия ва озодлик»нинг ҳақиқий қиёфасини мана шундай мисоллар орқали янада теран тушуниш, билиш, англаш мумкин.

Совет тузумининг тергов-жазо тизими ходимларининг «топқирлиги», «тадбиркорлиги» туфайли олиб борилган қатагонлар мутасадди ташкилотлар томонидан алоҳида юқори баҳоланган.

1939 йил 1 январдан 25 июнгача «аксилинқилобий» жиноий ишлар бўйича олиб борилаётган ишларни текшириш мақсадида ЎзССР Адлия Халқ Комиссарлиги айрим суд ташкилотлари фаолиятини 1939 йил 1-6 июнь оралиғида тафтиш қилган. Тафтиш Дололатномаларидан бирида: «Биргина Чимбой туманининг ўзида яшириниб ётган 2973 та «ижтимоий ёт» хўжалик гуруҳи аниқланган . . . Айрим ҳолларда суд ходимларининг «тажрибасиз»лиги натижасида, айрим одамларнинг айби етарли даражада на суддан олдин, на суддан кейин аниқланмасдан ҳар хил муддатларга қамоққа олинган. Айрим қамалганлар йиллаб қамоқхонада ётган, ишлари судда кўрилмаган. . . . Қорақалпоғистон Олий Суди нинг олиб борган қирғин-жазо сиёсати асосан қониқарли ва ўзини оқлади», — (-Я.А.) деган умумий баҳо берилган. Изоҳга ҳожат йўқ.

Қорақалпоғистоннинг қўшлаб зиёли-маърифатпарварлари ҳам қатагон қурбонлари бўлганлар.

Досумбетова Мырзагул — Қорақалпоғистон ёшлар ташкилотида қишлоқ ёшлари бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган,¹ (турмуш ўртоғи — Ҳақимбаев Садиқ 1937 йил «миллатчи, халқ душманлари» Қуленов, Ишимбетов, Туреевлар билан яқин алоқада бўлганлиги учун жазоланган); Қуленова Зайнаб Гайнатдиновна — Тўрткўлдаги ўқитувчи-

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 374-иш, 110-варақ; 240-иш, 194-варақ; 501-жамғарма, 2-рўйхат, 96-иш, 4-варақ; 3-рўйхат, 84-иш, 28-варақ; 4-рўйхат, 111-иш, 114-варақ; 3-жамғарма, 1-рўйхат, 43-иш, 6-варақ; 54-жамғарма, 2-рўйхат, 176-иш, 40-варақ.

лар тайёрлайдиган техникумнинг ўқув бўлими бошлиғи, тарих фани ўқитувчиси,¹ (турмуш ўртоғи Қуленов Айналхат «ҳар хил ёт гуруҳларга хизмат қилганлиги «исботланиб», «халқ душмани» сифатида қамоққа олинган ва отиш жазоси берилиб, у ижро этилган эди).

Аметова Айсара — Қорақалпоғистон вилоят партия ташкилотининг хотин-қизлар бўлими мудирини вазифасида ишлаган, «Буржуа миллатчиси «халқ душмани» Кембаев Рашид ва туғишган акасининг жиноий ишларини партиядан яширганлиги, уларни қўллаб-қувватлагани учун» партия сафидан чиқарилган.

Умут Бекмуратова — «Жас ленинши» газетаси ходими, (турмуш ўртоғи Бекмурад(т)ов Айтжан 1937 йил 16 сентябрда қамоққа олинган ва олий жазо — ўлим жазоси белгиланиб, 1938 йил 13 октябрда ижро этилган. 1956 йил 15 октябрда СССР Олий Суди Ҳарбий Ҳайъати томонидан оқланган.

Ёзувчи-шоирлардан Сейфулғабит Мажитов ва ўғли Рахим Мажитов Избасар Фазылов, Давлат театри директори Ибат Бекбаўлиев ва бошқа кўплаб зиёлилар ва уларнинг оила аъзолари қатағон қилинганлар. 1937 йилнинг сўнгги тўрт ойи мобайнида Кўнғирот туманидан 28, Куйбишев туманидан 11, Хўжайлидан 28 нафар ўқитувчи «халқ душмани» тамғаси билан асосиз қамоққа олинганлар. Ҳатто айрим мактабларда болаларни ўқитадиган ўқитувчилар қолмаган.²

Совет тузуми сиёсати қатағон қурбонларини танлашда уларнинг касби, лавозимига ҳам қараб ўтирмаган. СССР Олий Совети Президиумининг 1940 йил 26 июндаги қароридан кейин ғоявий-сиёсий жиҳатдан ўз устида ишламаганларни жазолаш янада авжига чиққан. Чимбой туман партия кўмитаси котиба-машинисткаси Ибрагимова Амина Салиховна, Қорақалпоғистон ўқитувчилар институтининг ўқитувчиси Базилевская А., электростанция ҳисобчиси ёрдамчиси Кориева Н.П., халқ суди фарроши Нуғманова Марьям ва шу каби аёллар ишга кечикиб келганликлари учун ойлик маошларидан 25 фоиз ушлаб қолиниб, ўзлари уч ойдан бир йил муддатгача ахлоқ тузатиш колонияларига жазони ўташ учун юборилган. Айрим аёллар ҳомиладорлигига (Чимбой тумани 3-овулдан Қудайбергенова Қурбангул) қарамай судланган.³

¹ ҚРЖКА. 501-жамғарма, 3-рўйхат, 84-иш, 1-2-варақлар.; 54-жамғарма, 2-рўйхат, 176-иш, 40-варақ.; Советская Каракалпакия. 1937. 14 сентябрь.

² Қарақалпақстаннын жана тарийхи. 244, 245-бетлар.

³ ҚРЖКА. 501-жамғарма, 4-рўйхат, 113-иш, 65-варақ; ҚРМДА. 67-жамғарма, 3-рўйхат, 212-иш, 154, 171, 285, 268-варақлар; 241-иш, 70-варақ; 340-иш, 38-варақ.

Қатағон сиёсати XX асрнинг 50-йилларида ҳам давом этаверган. 1948 йил 2 июлда СССР Олий Совети Президиумининг «Қишлоқ хўжалигида меҳнат қилишдан бош тортган, жамиятга қарши ҳаёт кечириш йўлидан бораётганларни яшаб турган жойидан бошқа туманларга бадарға қилиш ҳақида» фармони эълон қилинган. Шундан кейин «бундай жиноятни содир этган» одамларни қамаш билан бирга бадарға қилишлар яна давом этган.

Фарбий Украина, Белоруссиядан юзлаб аёллар Қорақалпоғистонга бадарға қилинган. Улардан 202 нафар аёл Тўрткўл, 150 нафар аёл эса Хўжайли туманларига жўнатилган. Улар ҳар хил ишлар билан таъминланиб, асосан колхозларга жойлаштирилган.²

1950-1960 йилларда ҳам аҳвол шундай давом этаверган. Умумий жазолашлар билан бирга аввал «халқ душмани» сифатида қамалган, 10 йил ва ундан ортиқ йилларга озодликдан маҳрум этилган фуқаролар жазо муддатини ўтаб қайтиб келганлар. Лекин уларнинг халқ орасида қолиши хавфли, деб топилиб, яна сургун ва бадарғалар ҳақида суд ҳукмлари эълон қилинган.

Мана шу ўн йилликлар давомида уларнинг ота-оналари «халқ душманининг отаси, онаси» тамғаси билан оламдан ўтишган. Хотинлари, болалари, қизлари дарбадар бўлиб кетганлар.

70-йилларда жамиятда қатағон қилишлар анча тўхтаган, «тинчланган» эди. Аммо ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги, умуман, сиёсий тузумдаги бу ўзгаришлар кейинги йиллардаги катта «портлаш»лардан олдинги «сокинлик» эди, холос.

80-йилларда Республиканинг кўплаб раҳбар ходимларига «пахта иши», «ўзбек иши» «порахўрлар» деган тамға босилган, «олтин устидаги кўзойнакли илонлар», деб ҳақоратланган ва жамиятни улардан «тозалаш»лар давом этган.

«Пахта иши», «ўзбек иши» бўйича жазоланганларнинг хотинлари, болалари, қизлари, қариндош-уруғлари ҳам қамалган, тазйиқларга дучор этилган.

Шундай қилиб, Марказдан Ўзбекистонга, жумладан, Қорақалпоғистонга бу ишлар бўйича юборилган Т.Х.Гдлян, Н.В.Иванов, А.Ф.Онищук, А.Б.Ревеко ва бошқаларнинг «пахта иши», «ўзбек иши»ни ихтиро қилганликлари ва олиб борган қатағонлари худди 1930-1940 йиллардаги террор ва ҳақоратлар даражасига етган.

¹ ҚРЖКА. 322-жамғарма, 3/с-рўйхат, 62-иш, 9-варақ.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 5-рўйхат, 154-иш, 3-9-варақлар.

Қорақалпоғистондан «пахта иши» бўйича асоссиз айбланиб 90 дан ортиқ¹ республика, район раҳбарлари ва колхоз раислари қамоққа олинган. Уларнинг орасида вилоят партия қўмитаси биринчи котиби Қаллибек Камалов, Қорақалпоғистон Министрлар Кенгеси раиси Ережел Айтмуратов, Қораўзак, Тўртқўл, Беруний, Эллиққалъа туманлари партия қўмитаси биринчи котиблари Султонмурат Қаниязов, Қасым Нурумбетов, Алымбай Раджапов, Алымбай Примов ва бошқалар бор эди. Шу билан бирга уларнинг рафиқалари, сингиллари, қариндош-уруғлари ҳам қамоққа олинган ва бир неча ойлар давомида қамоқхона қийноқхоналарида сўроққа тутилган.

Жумладан, Қаллибек Камаловнинг рафиқаси Любовь Семёновна Камалова, Қасым Нурумбетовнинг рафиқаси Тўхта Адаева, Олимбой Раджаповнинг рафиқаси Марьям Раджапова, Ўзбекистон, хусусан, Қорақалпоғистон «масаласи» бўйича қамоққа олинган ва бир неча ойлар давомида қамоқда сақланган.

Улар билан бир қаторда Султонмурат Қаниязовнинг рафиқаси Қаниязова Нигорхон Уразбаевна, Олимбой Примовнинг рафиқаси Хадича Примова, Қанъязова Гулистон Қурбаниязовна, Камалова Тамара Қаллибековна, Ш.Рашидовнинг рафиқаси Рашидова Хурсанд Фафуровна, Далиева Бийбизада, Мамбетназарова Зияда, Утемуратова Сапура, Исаева Ажира, Темирханова Палсанем, Нурумбетова Клара, Ажибаева Света, Ешмуратова Разия, Ақназарова Гулчеҳра ва бошқа бир қатор аёллар ҳам турли хил қийноқларга солиниб, сўроқ қилинган.²

Бу даврда 1920-1940 йиллардагидек оммавий ўлим жазоси қўлланилмаган. Аммо турли жисмоний ва маънавий қийноқлар жараёнида

¹ Қарақалпақстаннын жаја тарийхы. 326-бет; Аммо, Х.Юнусова, «Совет катағон сиёсатининг сўнгги босқичи тарихидан» (80-йиллар «пахта иши» уйдирмалари мисолида)// Ж. Ўзбекистон тарихи. 2003. № 3. 48-бетида Қорақалпоғистондан 147 киши реабилитация қилинган,- дейилган.-Я.А.

² Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Суди архиви. 16-жилд. 99-варақ; 17-жилд. 123, 125, 126-128, 142, 143, 144-154-варақлар; 27-жилд. 190, 191, 216, 217, 221-226-варақлар; 23-жилд. 131-варақ; 26-жилд. 274-варақ; 32-жилд. 90-98, 170-варақлар; Жилд номери кўрсатилмаган жилд. 8, 27, 28, 29, 30-варақлар; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Суди архиви. Жилд.22. 52, 56, 58, 59, 60, 72, 77, 108, 109, 110, 174, 175, 108, 323-варақлар; Даврнинг сўровсиз қурбони. //Дўстлик байроғи. 1991. 17 август; Қасым Нурумбетовнинг рафиқаси Тўхта Адаева, Қаллибек Камаловнинг рафиқаси Любовь Семёновна Камалова, Далиева Бийбизада, Олимбой Раджаповнинг рафиқаси Марьям Раджапова, Қаниязов Султанмуратнинг рафиқаси Қаниязова Нигорхон Уразбаевна, Орынбетов Бердимурат ва Турдымурат, Ережел Айтмуратовнинг рафиқаси Фирдауса Айтаниязова билан муаллифнинг суҳбати. 2003. Август-сентябрь. - Я.А.

олиб борилган тергов усуллари натижасида сўроқ жараёни баъзи «айбланувчилар» учун ўлим билан тутаган.

Т.Х.Гдлян, Н.В.Ивановлар раҳбар ходимларни, уларнинг аёллари ва фарзандларини сўроқ қилиш, уларни ҳақоратлаш, аёллар ва болаларни гаровга олиш, қўрқитиш йўли билан раҳбар ходимларга иғвогарлик қилганлар ва «кўрсатмалар» олишга эришганлар. Қилмаган жиноятларини «қилдим», деб тан олдирганлар.

Бу давр ҳибсхоналари қийноқларига чидай олмаган одамлар ўзларига-ўзлари туҳмат қилганлар. Чунки жисмоний қийноқлардан ҳам кўра маънавий қийноқларни – уларнинг кўз олдиларида рафиқалари, қизлари, сингиллари номусига тегишини айтиб қўрқитганларида, раҳбар ходимлар терговчиларнинг ҳар қандай қоғозларига имзо чекишни маъқул кўрганлар.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарлигига 1989 йил июнь ойидан бошлаб, И.Каримов келганидан кейин айбсиз жазоланганлар ишлари қайта кўрила бошланди. Шундан кейингина улар оқландилар.

Биз ўрганган архив ҳужжатлари таҳлили бу давр қатағонларининг бошқа даврлардагидан деярли фарқ қилмаганлигини кўрсатди. Масалан, (1916 йил) Россия империяси даврида подшо фармонларига қарши чиққан қўзғолончиларни 1920-1940-1950 йиллар оралиғидаги совет ҳокимиятига, жамоалаштиришга қарши бўлганлар, диндорлар, «халқ душман»ларининг тергов-сўроқ жараёнида тўпланган ҳужжатлари 2, 3 жилддан ошмаган. «Пахта иши», «Ўзбек иши» бўйича қамоққа олинган, тергов қилинган раҳбар ходимлар, уларнинг аёллари, болалари, қизлари, келинлари, қудандалари ва бошқа қариндош-уруғларини тергов қилиш жараёнида тўпланган ҳужжатлар эса 40, 50 жилддан ошиб кетганлиги билан ажралиб туради.

Бу ҳолат тергов жараёнида бир амаллаб айбсиз айбдорларни топишга уринилганлигидан далолат беради.

Шунингдек, бу даврдаги қатағонлар аёлларни қамоқхоналарга олиш, ҳар хил йўллар билан қийноқларга солиш, қўрқитиш йўли орқали эрларига, қариндош-уруғларига қарши «ҳар хил» кўрсатмалар олишга уриниш билан ҳам ажралиб туради.

«Пахта иши», умумий қоралашнинг салбий руҳи бутун Ўзбекистонга нисбатан татбиқ этилди, бу эса ўз-ўзидан бутун халққа, миллатга қилинган адолатсизлик эди. Бундан ташқари қўшиб ёзишлар, порахўрликлар маълум даражада социализмни «кўз-кўзлаш» мақсадида бутун мамлакат халқ хўжалиги ҳисоботларига қўшиб

ёзиш ўзига хос оддий воқеаларга айланиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмасди.¹

Умуман олганда, энг даҳшатли воқеалардан бири — 1916 йилги хотин-қизлар кўзғолонлари, уларнинг оммавий равишда қамоққа олинганликлари, бу масала билан ҳарбий суд, ҳарбий прокурорлар шуғулланганликлари билан изоҳланса, «учлик» жазо отрядларининг тузилиши ва унинг 1940 йилларгача «иш» олиб боргани, ислоҳотларнинг мажбурийлиги, 1929-1930 йилларда Шоббоз, Сарибий ва бошқа жойлардаги хотин-қизлар кўзғолонлари, Тахтақўпир воқеаларининг юз бериши, ватанпарварлар оила аъзолари, бойлар ва руҳонийлар билан биргаликда оммавий равишда, мол-мулклари мусодара этилиб, бадарға қилинишлари билан белгиланади.

80-йилларда эса Марказдан юборилган «десантчи»-терговчиларнинг «пахта иши», «ўзбек иши»ни ўйлаб топганлари, «айбдорларга» жисмоний ва маънавий қийноқлар беришлари, уларнинг аёллари ва болалари, қаришдош-уруғларини қамоққа олишлари билан ажралиб туради. Аммо, бу даврда ушбу хўрлашларга қарши хотин-қизлар ўз норозилиklarини очиқ, қарши ҳаракатлар ёки бошқа кураш усуллари билан намоён қила олмаганлар.

Хулоса шуки, XX аср 20-йилларидаги «учлик»лар бош мақсади жамиятни «ёт унсурлардан» тозалаш, деҳқонлар мол-мулкани мусодара қилиш, «халқ душманларини» ҳибсга олиш, қатағон қилишдан иборат эди. Айрим партия ва совет ходимлари ўзларини «огоҳ» қилиб кўрсатиш, жонларини асраш мақсадида ўзидаги айбни бировга тўнкаш, амалга ошмай ётган режаларига тўсқинлик қилувчи сифатида бошқа одамларни айбдор қилиб кўрсатиш, хусусан, бунда хотин-қизларни ҳам четда қолдирмасдан уларга «халқ душмани» тамғасини босиб, мудҳиш ишларни амалга оширганлар. Буларнинг ҳаммаси халқни руҳан эзиш, қўрқитиш, мажбурлаш сиёсатига йўналтирилган эди. Натижада халқ бундай тазйиқлардан бешиб, сабри тугаб, совет амалдорларининг айтганини қиладиган қулларга айланиши ҳеч гап эмас эди.

Айни пайтда халқ тазйиқларга бефарқ қараб тура олмаган. Империя мустамлакачиларига, кейинчалик совет тузуми маъмурий-буйруқбозлик сиёсатига қарши бош кўтардилар.

Умуман олганда ўзбек давлатчилиги тарихидан бизга маълумки, аёллар халқ, миллат эрки ва озодлиги учун доимо курашиб

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 660-бет.

келганлар. Бу кураш жараёнида бир қатор ютуқлар ва йўқотишлар ҳам бўлган.

Айниқса қатағонлар тўлқини авж олган XX асрнинг 16, 20, 30-50-йиллари, шунингдек, 80-йилларда ҳам хотин-қизлар эр-каклар билан тенг жазоланганлар. Қатағончилар фаолияти доимо марказ томонидан назорат қилиб турилган. Хужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу сиёсатни амалга оширганларнинг кўпчилиги кейинчалик ўзлари садоқат билан хизмат қилган тўзум кўрбонига айланганлар.

Аммо аёллар бир қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, ўзлигини сақлаб қола олганлар. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳалол меҳнат қилганлар.

Ушбу мавзунини ёритишда, бир томондан, тарихий архив хужжатлари асосий манба сифатида ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан, биз ўрганаётган даврнинг ҳаёт бўлган кишилари гувоҳлиги ва хотираларидан холисона фойдаланиш мавзунини тўғри талқин қилишга ва бу даврга холисона баҳо беришга катта имконият яратди.

Қисқача қилиб айтганда, мустамлакачилик — хоҳ «зарбдорчилик» шиори, хоҳ «қайта қуриш» ниқоби остида бўлсин, давом этар экан, қатағон сиёсатига «содиқ» қолди. Қатағонлар шаклан ўзгаргандек туюлсада, амалда ўз разил мазмун-моҳиятини йўқотмади. Дикқатга сазовор томони шундаки, мустамлакачиликнинг «ёши» кексайиб, халқнинг адолатсизликка, ҳақоратларга сабри тугаб, норозилиги кучайиб боргани сайин, қатағон сиёсати қамрови, шакл ва услублари кенгайиб, ривожланиб борди. Бош мақсад — халқни кўрқоқ ва итоаткор қул сифатида бошқаришдек қабих мудлао заррача ўзгармади.

Бизнингча, мустамлака давридаги қатағон сиёсатини теран таҳлил ва тадқиқ этишни изчил давом эттириш, бу масаладаги ҳар бир инсон тақдирини батафсил ўрганиш, Ўзбекистон ҳукуматининг тарихий адолатни тиклаш ҳақидаги Қарорлари, Президент Фармонларининг кенг ижроси, совет маъмурий-буйруқбозлик давридаги ҳақиқий манзаранинг, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётнинг янада яққолроқ тасаввурини яратишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

Миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдидлардан бири бўлган экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга молик масаладир.¹ Ўлкада экологик муаммоларнинг келиб чиқиши маҳаллий миллатлар генофондига ҳар томонлама ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 1993 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 48-сессиясида сўзлаган нутқида, Оролбўйи минтақасида инқирознинг олдини олиш зарурлигига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиб, шундай деган эди: «Дунёдаги кўпгина минтақалар каби Марказий Осиё ҳам ғоят катта миқёсдаги экологик офатларга дуч келаяпти. Энг аввало бу гап Орол денгизи фожиасига тааллуқли. . . .БМТ экспертларининг фикрига кўра, Орол муаммоси ўзининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан 20 асрнинг энг катта офатларидан бири бўлиб қолади.

Орол денгизининг ҳалокати бутун дунё учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар келтириб чиқармоқда. Биз жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Оролни ва Оролбўйини қутқаришда ёрдам беришга чақирамиз».² Чунки «Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди.»³

Бу муаммонинг пайдо бўлиш жараёнини ўрганиб, шундай хулосага келдикки, бир неча асрлар олдин ҳам Амударёда, Орол денгизида сув камайиб, кўпайиб турган. Биз тадқиқ қилаётган даврда муаммо яна пайдо бўла бошлаган.

Шунингдек, муаммонинг келиб чиқишини қуйидаги шаклда, яъни воқеликнинг сабаблари ва оқибатлари. объектив ва субъектив шарт-шароитлари мисолида ҳам таҳлил қилишни лозим топдик.

¹ Қаранг: Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон. 1997. 110-бет.

² Қаранг: Ислоҳ Каримов. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза. 1993 йил 28 сентябрь, Нью-Йорк. // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, -Т.: Ўзбекистон. 1996. 56-бет.

³ Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон. 1997. 124-бет.
⁴ Академик С.Камалов билан муаллифнинг олиб борган суҳбати. 2004. -Я.А.

Муаммонинг пайдо бўлишига, унинг ривожланиб, инсон ҳаётига, атроф-муҳитга таъдидини янада кучайтириб юборишга қуйидагилар ҳам сабаб бўлган. Муаммонинг келиб чиқиши сабабларига: Ўлкада қарийб 130 йил давомида мустамлакачилик сиёсатининг ҳукм суриши, ер ости ва ер усти бойликларининг метрополия томонидан тўлиқ ўзлаштирилиши, пахта, шоли экиладиган майдонлар кўламининг кенгайтирилиши, сувнинг исрофгарчилик билан ишлатилиши, экологик шароитни ҳисобга олмай сув ресурсларидан максимал даражада фойдаланганлик ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Оқибатларига — атмосфера ҳавосининг кескин ўзгариши, ҳавонинг қишда ва ёзда континентал ҳолатга келиши, ичимлик суви тақчиллиги, аҳоли, шу жумладан, аёллар ва болаларда турли касалликларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши, «экологик қочоқлар» гуруҳининг пайдо бўлиши ва ҳоказоларни айтиш жоиз.

Муаммонинг келиб чиқишидаги:

Объектив шарт-шароитлар: худуднинг географик жойлашуви, Қорақалпоғистон аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг паст даражада эканлиги, етарли даражадаги ер ости сувларининг йўқлиги, саноатдан чиқадиган сув билан дарё суви ифлосланишининг кучайиши¹ ва ҳоказо.

Субъектив шарт-шароитлар: жамиятни бошқаришда социализм тузумига хос бошбошдоқлик, лоқайдлик, маъмурий-буйруқбозлик сиёсатининг устуворлиги натижасида Ўзбекистон, хусусан Қорақалпоғистон ер ости ва ер усти бойликлари, табиати, аҳолиси ўзига хос равишда экологик катағон қилинди, мутасадди ходимларнинг ҳам муаммо билан етарли даражада шуғулланмаганликлари, аҳоли, жумладан аёллар ва болалар соғлиғига, атроф-муҳит тозаллигига бепарқликнинг ҳукм суриши ва бошқалар сабаб бўлди.

Шундай қилиб, экологик муаммолар келиб чиқишининг сабаб ва оқибатлари, уни келтириб чиқарувчи объектив ва субъектив шарт-шароитлар натижасида мамлакатда ниҳоятда оғир аҳвол юз берди.

Бу жараён XIX аср сўнгги чораги (1873 йил) Россия империяси ҳозирги Қорақалпоғистон худудида Амударё бўлимини ташкил этгандан сўнг бошланган. Шундан сўнг уни бошқаришнинг «Вақтинчалик Низоми», махсус қоидалари ёрдамида Амударё бўлимини

¹ Материалы Международного семинара «Экологические факторы и состояние здоровья матери и ребенка в регионе Аральского кризиса». Т.: Фан. 2001. - С.6.

мунтазам равишда назорат қилиш, унинг ер ости ва ер усти бойликларидан тўлиқ фойдаланиш имконига эга бўлди.

Хукмдорлар империя манфаатларидан келиб чиқиб бўлимни хомашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириш мақсадида турли режалар, лойиҳалар тузишга киришганлар. Ўлка бойлигини тезроқ Россияга олиб кетиш учун Амударё флотилияси фаолияти жаддалаштирилган. Амударё Округини ўрганиш учун махсус илмий-савдо экспедицияси ташкил этилган. Экспедиция таркибидаги рус олимлари ер ва ердан фойдаланиш, Амударёни ўрганиш, ундан ҳар томонлама фойдаланиш каби муаммолар устида иш бошлаб, маълум бир хулосаларга келганлар. Подшо ҳукумати томонидан бу экспедиция учун 100.000 рублга яқин маблағ ажратилган эди.¹

Россия империяси хукмронлиги даврида бўлимда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида янги ерлар очиш, пахта экиш, уларни ярим тайёр ҳолдаги маҳсулотга айлантириш учун завод, фабрикалар қуриш жараёни бошланган. Бу корхоналарда арзён ишчи кучи—аёллар ва болалар меҳнатидан самарали фойдаланилган. Бундан ташқари чорвачилик, ипакчилик, боғдорчилик, баглиқчилик соҳалари ҳам ривожлантирилган. Етиштирилган ҳосил ва маҳсулотларнинг деярли ҳаммаси мустамлакадан метрополияга ташиб кетилган.²

Сувнинг ҳаддан ташқари режасиз, ваҳшийларча исроф этилиши натижасида Орол денгизи атрофида туз бўронларининг тез-тез бўлиб туриши тупроқнинг шўрланишига олиб келган, экин майдонларининг ҳосилдорлигини камайтирган.

1925 йилдан бошлаб Амударёда, Нукус туманида сувнинг минераллашуви бошланган. 1925 йилдан 1950 йилгача сувнинг ўртача минераллашуви бир литр сувга 0,48 граммдан тўғри келган. Унинг миқдори йилдан-йилга кўпайиб борган. 1996-1998 йиллари 1,5 граммгача кўпайган, 2000 йилга келганда шу даража сақлаб қолинган.³

Шунингдек, совет тузуми даврида пахта, шоли экиладиган майдонлар кўлами тўхтовсиз равишда янада кенгайтирилаверган. XX аср

¹ Туркестанские Ведомости. 1874. № 2, 17, №3, 31, №39; 1908. №3090; 1916. №206.

² Борьба трудящихся Каракалпакии против социального и колониального гнета. -С.34-35.

³ О.А.Атаниязова, Л.Г.Константинова, Т.Б.Ещанов, А.Б.Курбанов Аральский кризис и медико-социальные проблемы Каракалпакстана. (Взгляд с места происшествия.) -Нукус.: Билим.2001.-С. 43.

60-йилларининг ўрталаридан бошлаб, айниқса КПССнинг XXIII съездидаги махсус қарордан сўнг СССРнинг шоли мустақиллигига эришиш мақсадида жуда катта тезлик билан янги ерлар ўзлаштирилиб, суғориладиган ерлар ҳажми кенгайтирилган. Амударё ва Сирдарёдан катта ҳажмдаги сув олишга киришилган. Ўзбекистон Президенти И. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Табиий ва минерал хомашё заҳираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланишга асосланган социалистик хўжалик юритиш тизимининг бутун моҳиятига мамлакат ихтиёридаги беқиёс бойликларга авайлаб муносабатда бўлиш ғояси бутунлай ёт эди.»¹

Табиий заҳиралардан аёвсиз, келажакни ўйламай фойдаланиш, «табиатни ҳам бўйсундириш» оқибатида атроф-муҳитнинг салбий томонга ўзгариши давом этган. Ўлка табиати ва атроф муҳити ҳам ўзига хос равишда «катагон» қилинган, тузум сиёсати қурбонига айланган.

Фақат яккаҳокимлиқ тузумига хос бўлган, буйруқбозлик, ўзи-бўларчилик сиёсати, миллий республикаларга фақат бойлик манбаи нуқтаи назаридан қараш ва унинг оқибатини ўйламасдан, тўлиқ фойдаланиш, одамларни ҳақиқий муаммолардан чалғитиб, улар онгини «ривожланган социализм», «коммунизм» қуриш ғоялари билан заҳарланганлиги оқибатида ҳудудда экологик муаммолар ўзини намён эта бошлади.

Орол денгизининг қуриб бориши ҳатто Ер шаридаги биосферанинг ўзгаришига ҳам сабаб бўлмоқда.

Буйруқбозлик тузуми даврида бу масалага бармоқ орасидан қаралганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, 1959 йили табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун қабул қилингандан² кейин бу масала «ҳал бўлди» деб ҳисобланган. Қорақалпоғистон табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг ҳисоботида кўра, ҳар йили асосий ва кўчма манбалардан атмосферага 56 номдаги 100 минг тоннадан ортиқ зарарли моддалар чиқарилган.³

¹ Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. -Т.: Ўзбекистон. 1997. 110-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. -Т.: Шарқ. 1997. 28-бет.

³ Г.Хойитбаев, С.Б.Шоумаров, С.Усенов. Окружающая среда и состояние здоровья женщин репродуктивного возраста. // Материалы Международного семинара «Экологические факторы и состояние здоровья матери и ребенка в регионе Аральского кризиса». Т.: Фан. 2001.-С.51.

Экология муаммоси бўйича маълум даражада «изланишлар» ҳам олиб борилган.

1962 йил Нукусда сув таркибига бағишланган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтган. Бу масала 1975 йил идоралараро илмий техник Кенгаш бюросида ҳам кўриб чиқилган.¹

1976-1980 йилларда СССР фан ва техника Давлат қўмитаси ва СССР Фанлар академияси томонидан «кенг қамровли илмий изла-ниш олиб борилган».²

1980 йил Нукусда ЎзССР Фанлар Академияси Президиуми ва СССР Давлат режа қўмитаси вакиллари, СССР Фанлар академияси морфологик эволюция ва ҳайвонлар экологияси, сув муаммолари ва география институтлари, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ил-мий-текшириш институти, давлат океанография институти ва Қо-зогистон, Туркменистон республикалари тегишли соҳа илмий тек-шириш институтлари ходимлари, Қозогистоннинг вазирликлари ва идоралари билан биргаликда ўтказилган анжуманларда Орол муам-моси муҳокама қилинган.

1984 йил 15 ноябрда КПСС МК топшириғига биноан СССР Фан ва техника Давлат қўмитаси қарорига кўра Орол муаммосига доир масалаларни ўрганиш учун СССР Фанлар академияси директо-ри, академик И.П.Герасимов раҳбарлигида 22 кишидан иборат ко-миссия тузилган.³

Ушбу комиссия аъзолари «1985 йилнинг 10 январигача махсус дастур ишлаб чиқиши ва КПСС Марказий Қўмитасига тақдим этиши керак» эди. Аммо бу қарорлар қоғозда қолиб кетди.

1985 йил май ойида Москвада шу муаммога бағишланган Бутун-иттифоқ умумлаштирувчи Кенгаш бўлиб ўтди. Бу Кенгашда ҳам «Оролбўйи атрофида сув муаммоларини ечиш кераклиги» айтилди.⁴

Аммо СССР Давлат режа қўмитаси, СССР Сув хўжалиги вазир-лиги томонидан халқ хўжалигини ривожлантиришнинг XI беш йил-лиги даврида ва 1990 йилларгача Орол муаммоси бўйича тайинли бирон иш қилинмади.

Ваҳоланки, турли анжуман, мажлис, кенгашлар ушбу муам-мони ҳал этмаган. Аслида улар берган илмий маслаҳат ва тавсиялар энг юқори доиралар томонидан ўша вақтдаёқ амалга оширилиши лозим эди.

¹ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 54-рўйхат, 74-иш, 1-9-варақлар.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 54-рўйхат, 74-иш, 4-варақ.

³ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 54-рўйхат, 74-иш, 4-варақ.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 54-рўйхат, 74-иш, 4-5-варақлар.

Бироқ, қарорларнинг қабул қилиниши билан уларнинг амалда бажарилишида кескин тафовут бўлган. Сўзда бошқа, амалда бошқа ишлар олиб борилган.

Яккаҳокимлик зулми, марказдан бошқарув сиёсати табиий равишда Қорақалпоғистондаги аҳволни инқироз ёқасига яқинлаштирди. Бу ўз навбатида экологик таназзул билан ҳам боғлиқ эди. Экология, атроф-муҳитга бўлган муносабатдаги зиллиятли махфий равишда олиб борилган сиёсат, яъни, «саноат объектларини тиклаш ва қуриш чоғида ишлаб чиқариш чиқиндилари аҳоли ичадиган сув ҳавзаларига тушалган бўлиши учун ҳаракат қилиш дозим»¹ (таъкид бизники.-Я.А.) каби ва бошқа яширин кўрсатмалар оқибатида Ўлкада экологик инқироз юз берди. Бундай ҳолат Орол худудидаги экологик шароитнинг ўта ёмонлашгани билан изоҳланади. Бу шароит эркаклар, аёллар, оналар ва болалар соғлиғига бевосита таъсир этиб, миллат генофондининг бузилишига олиб келиши табиийдир.

Биринчидан, шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, Орол муаммоси СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йиллик режасига бевосита киритилмаган.² Иккинчидан, халқнинг аҳволи, соғлиғи тобора ёмонлаша бораётганлигига қарамасдан Марказнинг «оқ олтинни олтин қўллар яратади», деган мақтовидан гурурланиб, Ўзбекистонда пахта етиштиришни 2000 йилда 8 миллион тоннага етказиш дастурлари ишлаб чиқилган.³

Орол худудидаги аҳолининг, асосан хотин-қизларнинг турли касалликларга чалинишига сув таркибининг ёмонлиги, озиқ-овқатнинг етарли эмаслиги, шу билан бирга, ҳавонинг ўта ифлослангани, ҳароратнинг кескин ўзгариши ва ҳоказолар сабаб бўлган. Ушбу омиллар ҳомиладор оналарнинг ҳомила тизимига, тўқималарига, она организмидаги моддалар алмашинуви ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда эди.

Орол экологик инқирози натижасида Қорақалпоғистонда бронхит касаллиги 10, жигар касаллиги 20, чақалоқларнинг касалманд бўлиб туғилиши 6 баробарга кўпайган. 1980 йили ўпка сили касаллигининг фаол шакли билан 100 минг кишининг 67,4 таси оғриган бўлса, 1991 йилга келиб бу рақам 94,4 кишини ташкил этган.⁴

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 509-бет.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 54-рўйхат, 74-иш, 5-варақ.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. 562-бет.

⁴ Еркин Қарақалпақстан. 1992. 28 февраль.

Чақалоқлар вазни камлиги, бўйи ўсишининг меъёрдан паст эканлиги натижасида улар вояга етгач, ҳар бир олтинчи ёш ўспирин қуролли кучлар сафида хизмат қилишга яроқсиз топилган.

Туғиш ёшидаги аёлларнинг 89,3 фоизи камқонлик хасталигига чалинган. Бу кўрсаткич Бўзатов, Чимбой, Тахтакўпир туманларида 98 фоизга етган.¹ Умуман олганда, аёлларнинг репродуктив саломатлиги бўйича олиб борилган текширувлар натижасида улардаги асосий эндокринологик, қон айланиш, иммун тизимларида бир қатор салбий ўзгаришлар аниқланган:

87-99 фоиз аёллар камқонликнинг ҳар хил даражалари билан касалланган; 90 фоизга яқин аёллар оғир туғиш жараёнини бошидан кечирган; 8,9 фоиз аёлларда гипотиреодизм (йод моддасининг етишмаслиги) аниқланган; 30 фоиз аёллар буйрак хасталигига чалинган; 8,4 фоиз ҳомиладор аёлларнинг туғиш жараёнида қон кетиш ҳоллари учраган; 5 фоиз чақалоқлар туғма камчилик билан туғилган.²

Шунингдек, XX асрнинг 80-йиллари сўнггида аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиши шаҳарда 69,8 фоиз, қишлоқда 11,3 фоизни ташкил этган, холос. Қолган аҳоли қудуқ ва очиқ сув ҳавзаларидан фойдаланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотиغا кўра, ривожланаётган давлатларда 80 фоиз касалликлар ва ўлимнинг тўртдан уч қисми ифлос сувдан фойдаланганлик оқибатида юз берган.³ Тоза ичимлик суви муаммоси Қорақалпоғистон учун ҳам ўта долзарб муаммо ҳисобланади. Олиб борилган текширишлар натижаси шуни кўрсатадики, ичимлик сувининг таркиби «ичимлик суви» деган талабга жавоб бермаган.⁴

Орол худудида аҳолининг организмга салбий таъсир қилувчи бир қатор омиллар аниқланган: ичимлик сувининг етишмаслиги, унинг белгиланган даражадан ортиқ минераллашуви, таркибида сульфат-хлориднинг кўпайгани, ортиқча тузланиш, овқатланиш тартибининг бузилиши, пестицид ва дефолиантларнинг одам танасига

¹ Еркин Қарақалпақстан. 1992. 28 февраль.

² О.А.Атаниязова. Экологические факторы и состояние здоровья матери и ребенка в Республике Каракалпакстан. Материалы Международного семинара... -С. 18.

³ Р.М.Разаков. Проблемы водных ресурсов и экологический риск, влияющий на здоровье населения Приаралья. // Материалы Международного семинара... -С. 22.

⁴ ҚРЖКА. 1-жамғарма, 53-рўйхат, 327-иш, 23-варақ.

зарарли таъсири оқибатида хотин-қизлар ва болаларнинг умумий аҳволи ёмонлашган.¹

Муаммолар кўлами кенгайган бир шароитда ҳам маҳаллий раҳбарлар тегишли масалалар билан старли даражада шуғулланмаганлар. Қорақалпоғистон Республикаси санитария-эпидемиология станция-си ходимлари томонидан атроф-муҳитни ифлослантирувчи 46 та объект аниқланган. Уларнинг 12 таси атмосферага зарарли чиқиндиларни ажратувчи, 11 таси очиқ ҳавзалар, 23 таси тупроқни ифлослантирувчи манбалар бўлган. Республикада 12 та объектдаги тозаловчи қурилмаларнинг ярми яроқсиз бўлган.² Бундай бефарқлик ҳам хотин-қизлар ва болалар соғлиғига кўшимча хавф солган.

Орол атрофи аҳолисининг кўпчилиги бошқа ҳудудларга кўчиб кетмоқда ва бу ўзига хос «экологик кочоклар» гуруҳини ташкил қиляпти.

Аҳоли ўртасида ҳар хил юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар — бронхит, бронхопневмония, бўйрак, қон босими, камқонлик, ошқозон, ичак касалликлари, саратон, ўткир ичак инфекцияси, вирусли гепатит, сил ва ҳоказолар тури ҳам кўпаймоқда.

Бу муаммолардан ташқари турли завод-фабрикалар, саноат корхоналари ҳам ишлаб чиқариш жараёнида ҳавони бир қанча зарарли моддалар билан заҳарляпти. Тамаки, алкоголь ичимликларини истеъмол қилиш, турмушдаги ҳар хил қийинчиликлар, оғир жисмоний меҳнат, об-ҳавонинг ўзгарувчанлиги ва бошқаларни ҳам шулар жумласига қўшиш мумкин. Оқибатда 80-йилларда фарзандсизлик касаллиги аёлларда 60 фоизни, эркакларда 40-50 фоизни ташкил этган. Буларнинг сабаби, одам организмида хлороорганик пест-тицидларнинг кўплигидир. Бугунги кунда ушбу хасталик даражаси ўсиб бормоқда. Шунингдек, камқонлик касаллиги болалар орасида ҳам кўп учраяпти. Махсус текширишлар натижасида, янги туғилган чақалоқларнинг 86,9 фоизида камқонликнинг бошланғич шакли мавжудлиги аниқланган. Бундан ташқари болаларнинг туғма камчилик билан дунёга келиши кўпаяётир. Вақтида туғилган болаларнинг 40 фоизида, муддатидан ўтиб туғилганларнинг 60 фоизида нафас йўллари билан боғлиқ нуқсонлар кузатилган.³

¹ О.А.Атаниязова, Л.Г.Константинова, Т.Б.Ешанов, А.Б.Курбанов -С.91.

² ҚРЖКА. 1-жамғарма, 53-рўйхат, 327-иш, 23, 231-варақлар.

³ О.А.Атаниязова, Л.Г.Константинова, Т.Б.Ешанов, А.Б.Курбанов - С.85, 88.

Аёллар ва болаларда бундай касалликлар ўсиб боришининг сабабларидан яна бири — бу умуман аёлларнинг, ҳомиладор ва ёш болали аёлларнинг тўлиқ, яхши овқатланмаслиги, улар истеъмол қилаётган озиқ-овқатда оқсиллар, витаминлар, аминокислоталар ва минералларнинг етишмаслигидир.

Бу борада ҳам алоҳида тиббий текширувлар олиб борилган. Бир гуруҳ аёлларнинг ҳони, плацентаси (йўлдоши), она сути, сийдиги, сочи, тирноғи, ичаётган суви текширилиб чиқилган. Она ва боланинг соч таркибида меъеридан ортиқ марганец, стронций, хром, токсик, химиявий элементлардан қўрғошин, кадмий топилган.

1986-1991 йиллар оралиғида болалар ўртасида ҳам соматик касалликларнинг ўсиши кузатилган.

Тахиатош ва Қанлякўл туманларида нафас йўллари касаллигига йўлиққанлар Республикадаги ўртача кўрсаткичдан 3,45 марта, қон айланиши бузилиши хасталиги бўйича 1,9 марта, ошқозон-ичак касалликлари соҳасида 1,17 марта, сийдик йўллари касаллиги бўйича 1,8 марта кўпдир.¹

Орол инқироzi шароитида ўсаётган ёш йигит-қизлар соғлигининг даражаси ҳам ташвишлидир. Университет, техникумлар, ҳунар-техника билим юртларида ўқиётган талаба ёшларга хизмат кўрсатувчи 6-сонли Нукус шаҳри поликлиникасида рўйхатдан ўтган ижтимоий аҳволи яхши бўлган талабаларнинг 41 фоизи камқонлик, 23 фоизи асаб тизими, сийдик йўли касалликлари билан оғриган.

Аҳоли иқтисодий аҳволи ёмонлашганлиги сабабли овқатланиш масаласида ҳам муаммолар туғилган. Нонушта ва кундузги овқатланишда кўпчилик чой ва нон билангина чекланган. Тухум, пишлоқ, гўшт, колбаса маҳсулотлари деярли ишлатилмаган. Аҳолининг кечки овқатланиши асосан соат 20-21 га тўғри келган. Бу ҳолат асосан жамоа хўжаликлари аъзолари ва совхоз ишчиларининг овқатланиш тартибига хос бўлган. Чунки улар асосан эрта тонгдан кечгача пахта далаларида қолиб кетганлар. Натижада овқатланиш тартиби бузилган. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бир кунлик истеъмол қилинган овқат таркибида ўртача 40-50 граммни ташкил қилган. Салат тайёрлашда ўсимлик ёғи кам ҳолларда ишлатилган. Ҳар хил полиз экинлари, мевалар айрим ҳоллардагина истеъмол қилинган.²

Юқорида қайд этилган қатор омиллар таъсирида Қорақалпоғистонда ўпка сили хасталиги кўпайган. Энг характерли томони шун-

¹ Ўша жойда. —С. 92, 95, 96.

² Ўша жойда. —С. 100, 101.

даки, бу касаллик ёшарган – ёшлар орасида тобора кўпроқ учрамоқда. Айниқса, ўпка сили эпидемияга айланган.

1985 йилдан 1990 йилгача ўпка сили билан хасталанганлар сони Ўзбекистонда 10,5 фоизга, Қорақалпоғистонда эса 42,4 фоизга ўсган. Умуман олганда, экологик ҳолат билан боғлиқ равишда Қорақалпоғистоннинг шимолий қисми аҳолисининг 64,4 фоизиди, марказий қисмида 48,5 фоизиди, жанубида эса 38 фоизиди ўпка сили хасталиги аниқланган.

Совет тузуми ҳукмронлигининг сўнгги йилларига келганда, бу касаллик хотин-қизлар ва болаларнинг суяк тизимига, сийдик йўллари, марказий асаб тизимига ўтиб, унинг шакллари ортиб борган. Бу шакллар билан касалланганлар ҳар 100 минг аҳолига – 1987 йил – 6,5, 1988 йил – 7,5, 1989 йил – 10,2, 1990 йил – 9,6 тага кўпайган.

Атмосферанинг ёмонлашуви натижасида болаларнинг нафас йўлларида, бронхлари ривожланишида салбий ўзгаришлар қайд этилган. Ўтказилган тадқиқотлар 14-17 ёш орасидаги қизларда 11 ёшдан бошлаб, ўғил болаларда 14 ёшдан бошлаб бронхларининг ўтказувчанлиги ўзгарганлигини кўрсатди. Уларнинг бронхларини Европадаги ўртача даража билан таққослаганда, қизларда 180 фоиз, ўғил болаларда 116 фоизга катталашганлиги маълум бўлди.¹

Умуман олганда, совет тузуми сиёсати оқибатида Қорақалпоғистон халқи, асосан аёллар ва болалар оғир экологик фалокатга дуч келдилар. Умуман ҳамма нарса – жамият ҳам, табиат ҳам одамлар соғлиги, тупроқ-сув, атроф-муҳит, ҳаво таркиби бузилган. Партия ва советларнинг яққаҳоқимликка асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиши жараёнида тупроқ таркиби бузилган, ҳаво зарарли чиқиндилар билан ифлослантирилган; атроф-муҳитни муҳофаза этувчи органлар турли идоралар орасида бўлиниб, уларнинг фаолияти тарқоқ ва самарасиз бўлган; экологияни муҳофаза этиш бўйича ишларнинг ҳуқуқий асоси ер ва сувдан фойдаланишни тартибга солувчи механизмларни амалда қўлламаган. Табиатни муҳофаза қилишга қаратилган амалий ҳаракатлар, тадбирлар учун маблағ ажратиш мутлақо етарли бўлмаган ва у давлат бюджетиди энг кейинги ўринларда турган.²

Совет ҳукумати тарих саҳнасини тарк этгандан сўнг ғоят мураккаб экологик инқироз муаммоси билан шуғулланиш, унинг

¹ Ўша жойда. 102, 103, 104, 105.

² Ўзбекистон. Инсон тараққиёти. 1999. -Т.: Ўзбекистон, 2000. 73-74-бетлар.

оқибатларига қарши курашиш мустақил Ўзбекистон Республикаси зиммасига тушди.

Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгандан кейин сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий муаммоларни ечиш билан бирга, Орол муаммоси бўйича қатор ижобий тадбирларни амалга оширди. 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги янги қонуни қабул қилинди. 1992 йил августда Нукусда «Орол ва Оролбўйи муаммолари» илмий анжумани, 1992 йил кузда Япония пойтахти Токиода Орол ва Оролбўйи муаммоларига бағишланган Халқаро симпозиум ўтказилган. Унда турли мамлакатлардан 130 нафардан ортиқ олим ва мутахассислар иштирок этган. Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш борасидаги ишлар мажмуавий равишда халқаро ҳамкорликда амалга ошириляпти.

Тахтакўпир тумани марказида соатига 100 куб метр сувни тоза-лаб берадиган сув иншооти қурилиши бошланди.

Нукусда 1992 йил кузда Марказий Осиё республикалари Президентларининг «Орол атрофи ва Орол муаммолари масаласи» бўйича махсус учрашуви ўтказилди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил март ойида Қизил Ўрда шаҳридаги учрашувида Оролбўйида экологик шароитни яхшилаш масаласи юзасидан фикрлашиб олинди. Натижада бундай учрашувлар Оролни қўриқлаш бўйича махсус Давлатлараро Кенгашнинг тузилиши ва Давлатлараро Оролни қўриқлаш фондининг таъсис этилишига асос солди.¹ 1994 йил январ ойида Нукусда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол муаммоси бўйича конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда «Орол денгизи ҳавзасидаги экологик аҳволни яхшилаш бўйича конкрет ҳаракатлар Дастури» қабул қилинди. Шунингдек, Ислом Каримов таклифи билан Оролни муҳофаза қилиш халқаро жамғармаси таъсис этилди. Нукусда ижрочи филиали тузилган.²

Дастурнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

Давлатлараро ҳуқуқий ва норматив ақтлар асосида ишлаб чиқилган «Ичимлик суви» дастури бўйича аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, Амударё ва Сирдарё ёнидан қазилаётган коллектор трактларини тугатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, табиий газ билан таъминлаш ва бошқа бир қатор ишлар режалаштирилган. Бугунги кунда режалар ҳаётга татбиқ этиляпти.

¹ Каракалпақстаннинг жана тарыйхы. 482-484-бетлер.

² Ўша жойда. 486-бет.

1997 йил Ўрта Осиё давлатлари раҳбарларининг Алмати учрашуви бўлиб ўтди. Унда амалга оширилаётган ишларнинг ижтимоий жиҳатига, аҳолининг камбағаллигига қарши кураш олиб боришга алоҳида аҳамият берилди.¹

1999 йил 8 апрелда бўлиб ўтган Ашхобод саммитида Ўзбекистон раҳбари, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Президенти Ислон Каримов жамғарманинг 1997-1999 йиллардаги фаолияти ҳақида сўзлаб, ўтган вақт мобайнида Орол муаммоси ижобий томонга ўзгараётганини кузатиш мумкинлигини қайд этди. Орол-бўйида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан улкан ишлар амалга оширилаётганлигини, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ичимлик суви билан таъминлашнинг яхши йўлга қўйилганини, Орол денгизи сатҳининг пасайиши тўхтатилганини, халқаро ташкилотлар томонидан катта лойиҳаларни молиялаштириш қийин кечаётганлигини инobatга олиб, келгусида кўпроқ имкониятлар даражасидаги лойиҳаларга эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.²

Шунингдек, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси ҳам бу муаммоларга оид қатор қарорлар қабул қилган. Хотин-қизлар кўмитаси эса ўзининг махсус иш режасига эга. Республика хотин-қизлар кўмитасининг иш фаолияти совет тузуми давридагидан фарқли ўлароқ, анча фаоллашган. Мана шу қарор ва режалар асосида янгича, замон талабига мувофиқ иш шакллари ва усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳолига, асосан, аёллар ва болаларга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат.

Шундай қилиб, Республикада 1873 ва 1990 йиллардаги экологик инқирознинг келиб чиқиши ва оқибатларини манбалар асосида ўрганиш жараёнида халқнинг минг йиллардан буён урф бўлиб келаётган удумлари бузилганлигига амин бўлдик.

Айнан шу заминда бундан 2700 йил муқаддам яратилган зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларига алоҳида эътибор қаратилган. Аждодларимиз ўзларни табиатнинг бир қисми деб ҳисоблаб, Она табиатга зугум қилмаганлар. «Авесто» бўйича сув, ҳаво, олов, тупроқни ифлос қилган шахслар қаттиқ жазоланган. Табиатга қарши ҳаракатлар оғир жиноятлар сирасига кирган ва ҳаёт манбаига тажовуз, деб ҳисоб-

¹ Ўша жойда.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. —Т.: Шарқ, 2000. 546-бет.

ланган. Табиатни булғаш ҳаёт асосини қўпориш билан тенг бўлган. Шу боис, «Авесто» ер, сув, ўсимлик дунёси, олов ва ҳоказолардан фойдаланиш қоидасини пухта тартибга солган, Ерга алоҳида гамхўрлик қилинган, уни ифлослантирганлик учун кечирилмайдиган жиноят деб эътироф этишга қадар бўлган қаттиқ жазо белгиланган.¹ Ўрта асрларда ҳам шу юрт вакиллари атроф-муҳитни авайлаб-асраш, тозалик, озодалик масалаларига алоҳида эътибор қаратишган.

Лекин Ўрта Осиё, жумладан ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудуди мустамлакага айлантирилгач, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлар салбий томонга кескин ўзгарди. Совет тузуми даврида саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, пахта ва шоли майдонларини кенгайтириш мақсадида минглаб гектар ўрмон ва тўқайзорлар кесиб ташланди. Ўрмонлар ер шарининг ўзига хос ўпкаси ҳисобланади. Уларнинг зарарли карбонат ангидридни ютиб, кислород чиқариш хусусияти барчага маълум. Аммо совет ҳокимияти вакиллари шу оддий ҳақиқатни «унутганлар». Ўзлари қабул қилган табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ва қарорларни менсимаган, уларга риоя этмаганлар. Архивларда айнан атроф-муҳитни ифлослантириш жиноятлари билан боғлиқ ҳужжатларнинг деярли учрамаслигини шу билан изоҳлаш мумкин. Натижада ҳаммиша муқаддас — ер, сув, олов ва ҳаво ифлосланди. Аҳоли бугун оддийгина тоза ҳавога ҳам муҳтожлик сезмоқда.

Республика Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодийётни ривожлантиришдаги бош мақсад экстенсив омилларга қаратилган эди. Табиийки, бундай шароитда яширин бойликлардан оқилона фойдаланишни тартибга соладиган, табиатнинг, атроф-муҳитнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган бирон-бир меъёрлар ва қоидаларга риоя қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Табиатни муҳофаза қилиш талбирларига арзимас даражада кам маблағ ажратиларди. Бу маблағ табиатга етказилаётган зарарнинг мингдан бир қисмини ҳам қопламас эди. Ўрмонлар ўйламай-нетмай, ваҳшийларча кесиб ташланар эди». Натижада, «...экологик мувозанат, иқлим, одамларнинг ҳаёт ва фаолият шароитларининг бузилишига ҳам олиб келди».²

¹ «Вандидод», 126-129, 142-146; VI. 10-15, 20-29 ва бошқалар.//Қаранг: Э.В.Ртвеладзе, А.Х.Саидов, Е.В.Абдуллаев. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан ланқалар. -Т.: Адолат. 2001. 237-бет.

² Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон. 1997. 110-111-бетлар.

Организмда фақат биргина йод етишмаслигидан буқоқ касаллиги келиб чиқади. Ушбу хасталикнинг ўзи аёлларни ва давлатнинг келажаги бўлган болаларни ақлий заифликка олиб келиши мумкин. Бу ҳолат ўз навбатида жамият учун, унинг келажаги учун ўзига хос катта таҳдид туғдириши табиийдир.

Шундан келиб чиқиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида, ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳукумати томонидан Марказий Осиё Республикалари ҳамкорлигида кўп ишлар режалаштирилган ва амалга оширилмоқда. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги амалий фаолият натижасида экологик инқирозни тўхтатишга эришиляпти. Шунингдек, давлат томонидан аҳолини, жумладан, аёллар ва болаларни кучли ижтимоий ҳимоялаш бўйича ўзига хос тизим яратилган. Аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлаш, аҳоли соғлиғини, оналар ва болалар саломатлиги муҳофазасини йўлга қўйиш, ичимлик суви таркибини яхшилаш, атроф-муҳит тозаллигига эришиш бўйича қатор тадбирлар амалга ошириляпти.

Лекин шу билан бир қаторда бугунги кунда Қорақалпоғистонда қатор экологик муаммолар вужудга келганки, улар хотин-қизлар ижтимоий, иқтисодий, маънавий-руҳий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатяпти. Совет тузуми давридан қолган «мерос» — аёллар ва эркакларнинг турмушдаги баб-баравар масъулияти Қорақалпоғистон хотин-қизларининг Оналик, аёллик бурчларини экологик ноҳуш аҳвол шароитида янада мураккаблаштиряпти. Экологик тангликнинг салбий таъсирларидан аҳолини муҳофаза этишга, бу муаммо келтириб чиқараётган мураккаб шароитни юмшатишга катта куч, маблағ сарфлашга тўғри келаётир. Оқибатда хотин-қизлар экологик муаммолар «қобиғи»га ўралиб қолиб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида ижтимоий фаоллик қилиш имконидан маҳрум бўлиб қолмоқдалар. Нукуслик Ч.Хабибуллаеванинг аччиқ қисмати бунинг яққол тасдиғидир. У камқонлиги туфайли фарзанди туғма ногирон (икки оёғи қийшиқ, юра олмайди) бўлиб туғилган. Шунингдек, Қ.Абдуллаеванинг ўғли ҳам туғма юрак етишмовчилиги билан туғилган. Боланинг қон айланиши ёмонлигидан нафас олиши қийинлашган, бармоқларининг учлари кўкариб кетган. Фақат хирургик операция қилиш йўли билан бола умри сақланиб қолинди.¹

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биз тадқиқ этаётган даврда экологик муаммо пайдо бўлган. Унинг инқирози оқибатларини

¹ Муаллифнинг шахсий сўхбати ва кузатишлари. —Я.А.

бартараф этиш учун чора-тадбирлар олиб борилган. Шунингдек, бизнинг назаримизда 1873-1916 йиллар оралиги ўлкани мустамлакага айлантириш, ер усти ва ер ости бойликларидан, меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг режаларини тузиш ва амалга оширишни бошлаш даври бўлган, 1917-1965 йилларда СССРнинг пахта мустақиллигига эришиш учун кураш олиб борилган ва ўлкага ҳар томонлама хомашё етиштириб бериш вазифаси юкланган, 1966-1990 йилларда партиянинг XXIII съездидаги Амударёнинг қуйи оқимини шолчилик ҳудудига айлантириш бўйича махсус қарордан кейин шоли экиладиган майдонлар тўхтовсиз кенгайтирилган. Пахта етиштириш бўйича режалар ортиги билан белгиланган. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонун ва қарорлар қабул қилинган, аммо улар амалда бажарилмаган.

Мустақиллик даврида — 1991-2001 йилларда экологик муаммо умумжаҳон даражасидаги муаммога айланганлиги халқаро ташкилотлар орқали бутун дунёга маълум қилинди. Ҳозирда ҳудудий ва халқаро анжуманлар ўтказилиб, дунё ҳамжамияти инвестициялари жалб қилинмоқда. Чет эл ташкилотлари билан ҳамкорликда шартномалар тузилиб, биргаликдаги дастурлар ишлаб чиқиляётир. Экологик муаммо Ўзбекистонда давлат даражасидаги муаммога айлантирилган. Экологик инқирозни тўхтатиш ва унинг оқибатларини бартараф қилиш учун махсус режалар тузилиб, тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, бу босқичда инқирозни бартараф этишнинг шакллари ва усуллари ишлаб чиқилган. Семинарлар, учрашувлар, нодавлат ташкилотлар, конференциялар, анжуманлар, ҳар хил марказлар, жамғармалар, бирлашмалар ташкил этилган ва бу жараён давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ҳукуматининг Оролбўйидаги экологик аҳволни яхшилаш бўйича қилаётган ишлари экологик муаммоларнинг бартараф этилишига, унинг оқибатлари хотин-қизлар ва болалар ҳаётига салбий таъсир ўтказишининг олдини олишга қаратилган. Бу хотин-қизлар салоҳиятидан ҳаётнинг турли соҳаларида кенг фойдаланиш учун имконият яратиб беради.

УЧИНЧИ БОБ.
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АЁЛЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТИ
ДАВРИДА (1991-2001 ЙИЛЛАР)
ДАВЛАТНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР, ОНАЛИК ВА
БОЛАЛИК МАСАЛАЛАРИДАГИ СИЁСАТИ ВА
УНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА АМАЛГА
ОШИРИЛИШИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Хотин-қизлар масаласи давлат даражасидаги масалага айлантирилди. Совет тузumi даврида эса аёлларнинг ҳуқуқлари эркаклар билан расман тенглаштирилган бўлиб, улар ҳам эркаклар сингари ишлаб чиқаришга, асосан, унинг оғир соҳасига жалб қилинган. Оқибатда аёл оилада ҳам, ишда ҳам барча вазифаларни ўз зиммасига олишга мажбур бўлган эди.

Шунингдек, давлатнинг совет тузумидан бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва жамият қуришга ўтиш даври ҳудуддаги экологик инқироз, Қорақалпоғистон аҳолиси умумий яшаш шароитининг ўта пастлиги, аёллар ва болалар соғлигининг кескин ёмонлашуви каби муаммолар йиғилиб қолган вақтга тўғри келди.

Аёллар, болалар ҳақида амалда қайғуриш, уларга ғамхўрлик қилиш мустақиллик туфайлигина амалга оширила бошланди. Улар муаммосини ҳал этишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуавий характер касб этиб, дастлабки натижалар келажакка ишонч билан қарашга умид уйғотмоқда.

Хотин-қизлар, оналик ва болалик масалалари бўйича совет тузumi давридагидек барча ташкилотларни ўзига бўйсундирган якка-ҳоким коммунистик партияга ўхшаган бир партия эмас, балки давлат Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, турли муассаса ва ташкилотлар махсус шуғулланыптилар. Улар Фармонлар, қонунлар, қарорлар қабул қилиб, бу муаммони давлат миқёсидаги масала даражасига кўтардилар.

Хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий эркинликлари, жамиятдаги, оиладаги ўрни ҳақидаги масалаларнинг кўриб чиқилиши, қонун томонидан белгиланиши ва ижроси муаммоларини шартли равишда икки даврга бўлиб ўрганишни маъқул топдик.

Биринчиси — Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан бошлаб, 1995 йилгача бўлган даврда олиб борилган ишлар таҳлили;

Иккинчиси — 1996 йилдан бошлаб, 2000 йилларгача бўлган даврдаги хотин-қизлар ва болалар муаммолари масаласининг ечилиши ҳамда уларнинг талқини. Чунки айнан шу даврдан бошлаб республикада демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг янги даври бошланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессияси жамиятда демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг галдаги босқичи бошланганлигини қайд этди ва унинг тамойилларини белгилаб берди.

Бизнинг назаримизда, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейинги давр мобайнида хотин-қизларнинг ҳурматини ҳар томонлама жойига қўйиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг **миллий модели, ягона тизими яратилди.**

Мана шу Миллий модел, ягона тизим махсус йўналишлар, шакллар ва усуллар орқали амалга оширилаётир:

1. **Ташкилий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий** ишлар — инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро дастур ва битимларга қўшилиш, махсус Фармонлар, қонунлар, кодекслар, қарорлар қабул қилиш, инсон ҳуқуқлари бўйича (Омбудсман) институт жорий қилиш, махсус хотин-қизлар кўмитаси, махсус Давлат дастурлари, фондлар, жамғармалар, марказлар, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ташкил этиш, давлат кафолатлари ва компенсациялари тизимини такомиллаштириш, халқаро ташкилотларга, шу жумладан, ноҳукумат ташкилотларга аъзо бўлиш, халқаро донорлар, БМТнинг турли тузилмалари, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотларнинг маблағларини, лойиҳаларини жалб этиш, скрининг марказларини, оналар ва болалар соғлиғи билан шуғулланадиган махсус илмий-текшириш институтларини очиш, йилларга алоҳида номлар бериш, кам таъминланган аҳоли қатламнинг уй-жойларини хусусийлаштириб бериш, махсус холдинг компаниялар ташкил қилиш ва ҳоказолар.

2. **Ижтимоий-амалий** ишлар — Пленумлар, конференциялар ўтказиш, тиббий кўриклар ташкил қилиш, поликлиникаларда ёш қизларнинг гинекологлари штатини ташкил этиш, йил номларига бағишлаб махсус дастурлар тузиш, турли ҳаракатлар, спорт мусобақаларини, ойликлар, кўрик танловларни, ҳашарлар, сиҳаттоҳлар, дам олиш масканлари, қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилиш.

3. **Ижтимоий-маърифий, техникавий** ишлар — радио, телевидение ва умуман оммавий ахборот воситалари орқали махсус эшитти-

ришлар, кўрсатувлар, руқналар ташкил қилиш, учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари, кечалар уюштириш ва бошқалар.

4. Тарғибот ва ташвиқот ишлари — махсус буклетлар, эсдаликлар, плакатлар, совғалар бериш, хайриялар ўтказиш, тақдирлаш кабилар орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб, инсон ҳуқуқлари, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари бўйича дунё ҳамжамияти томонидан қабул қилинган бир қатор халқаро ҳужжатлар ва дастурларга расмий равишда қўшилиш билан, бу масалани давлат даражасига кўтарди. 1992 йил 9 декабрда «Бола ҳуқуқлари Конвенцияси», 1995 йил 6 майда «Оналикни ҳимоялаш тўғрисида 103-Конвенция», «Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида декларация», 1995 йил 30 августда «Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида», «Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёлларни тенг тақдирлаш тўғрисида 100-Конвенция», «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция», «Таълим соҳасидаги камситишга қарши Конвенция» ва бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилди.¹ Шунингдек, барча қонун-қондаларга амал қилмоқда. Шу боис, 1995 йил Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти жорий этилди. Вакилга кенг ваколатлар берилган. Аҳолининг ижтимоий заиф тоифаси бўлмиш аёллар ва болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш вакил фаолиятининг устувор йўналишидир. Инсон ҳуқуқлари бўйича 57 та халқаро ҳужжатлар имзоланган.²

Шунингдек, биз шартли равишда белгилаган биринчи даврда Давлат Конституциялари — Ўзбекистон Республикаси (1992 йил, 8 декабрь) ва суверен Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияларининг (1993 йил, 9 апрель) қабул қилиниши халқимиз тарихида жуда муҳим воқеа бўлди. Конституциянинг 5-боби, 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар,³ деб ёзилган. 10-бобнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар⁴, деб белгилаб қўйилган.

¹ Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатлар. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2003. №2. 57-59-бетлар.

² «Саодат». 1997. №2. 2-бет; Аёл ҳуқуқлари ва эркинликлари. -Т. 2002. 84, 141-бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 1992. 12-бет.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 1992. 17-бет.

Конституцияда оила ва оилавий муносабатларга ҳам кенг ўрин берилган бўлиб, XIV бобнинг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги-га асосланган»лиги қайд этилган.¹

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 14-боби оила масаласига бағишланган бўлиб, унинг 62-моддасида «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради», 63-моддасида эса «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади»,² деб таъкидланган.

Аёллар турмушида энг катта ижобий ходисалардан бири, бу 1992 йил 19 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида уй-жойларини хусусийлаштириш борасида кўшимча чоратadbирлар» ҳақидаги Фармони, уларнинг уй-жойларининг давлат томонидан хусусийлаштириб берилиши бўлди. Юз минглаб оилалар шахсий уй-жойларига эга бўлдилар. Бу эса кўпгина оилаларни бузилиб кетишдан сақлади, болаларнинг нормал оилавий шароитларда эркин ўсиши, ўқиши ва бошқа ижобий натижаларга олиб келди.

1992 йил 4 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан «Соғлом авлод учун» ордени, 1993 йил унинг 1-2 даражаси таъсис этилди.⁴ 1993 йили 23 мартда «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат ташкилоти ташкил этилди.

Мустақиллик даврида болалар ҳуқуқлари бўйича ҳам бир қатор қарорлар қабул қилинган. 1993 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Қарор, болаларни умуминсоний кадриятларни ҳурматлаш, оналикни муҳофаза этиш ва бо-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 1992. 20-бет.

² Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. Нукус. Қорақалпоғистон. 1998. 28-бет.

Ушбу Фармон инсонлар ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Дунёдаги энг ривожланган давлатлар ҳам ўз мустақилликларига эришган пайтда мана шу уй-жой масаласини ҳал қила олмаганликлари сабабли юз минглаб одамлар – аёллар, болалар кўчаларда қолиб кетган. Уйсизлик, ишсизлик, очлик-яланғочлик натижасида оммавий касалликлар келиб чиққан. Бу Фармоннинг кадр-қимматига нимагадир кам аҳамият беришади. -Я.А.

⁴ «Халқ сўзи». 1999.27 июль.

лаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидаларига содиқ бўлиш, маънавий меросни сақлаш ва ривожлантириш, юксак ватанпарварлик, софлик ва ҳалоллик руҳида тарбиялаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашда ота-оналарнинг конституциявий ва маънавий бурчларини назарда тутати.¹

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги «Болаликдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»² ги 319-сонли қарори ҳам бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

1994 йил сентябрь ойида Олий Мажлиснинг VI сессиясида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қабул қилинган ва 1995 йил апрелдан бошлаб кучга кирган. Шу кодекснинг 5-, 155-, 118-, 121-моддаларида фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги, аёлларнинг кадр-қимматини, шаънини ва соғлиғини турли тажовузлардан қонуний ҳимоя қилиниши ва ушбу қоидалар бузилса, жиноий жазонинг муқаррарлиги кўзда тутилган. Бундан ташқари, 1994 йили июль ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус буйруғи билан ички ишлар идоралари олдида шахс ҳаёти ва саломатлигига қарши жиноятларнинг олдини олиш ва мазкур йўналиш бўйича ишларни давом эттириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган.³

Кейинги даврда аёллар ўртасидаги жиноятларнинг сони кўпайиб бораётганлиги, айримлари қайта жиноят содир қилишаётгани ачинарли ҳол, албатта. Ўзбекистон Республикаси Президенти инсонпарварлик, бағрикенглик тамойилларига амал қилиб, мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан бир неча бор «Амнистия» тўғрисидаги Фармонларга имзо чеккан. Шуниси диққатга сазоворки, бу Фармонлар бандларининг бошида биринчи навбатда адашган аёллар жазодан озод этилиши белгиланган.⁴

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. Ўзбекистон Олий Судига 70 йил. 1994. № 4. 3-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. 1993. №3. 5-бет.

³ Қонун ҳимоясида. 1999. № 5-6. 14-бет; Ҳаёт ва қонун. 1999. №6. 47, 48-бет.; Аёл ҳуқуқлари ва эркинликлари. -Т.: 2002. 141-бет.

⁴ Қонун номи билан. 2000. №2-3. Т. Шарқ. 11-бет. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. 2000. 4 сон 11-бет.; Қонун ва ҳуқуқ. 2000. 2-3 сон. 11-бет.

Шу билан бир қаторда Республикада ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, инсонларнинг виждон ва диний эркинликлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳам «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида», шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» (1998 йил, 26 март), «Ижтимоий маънавий муҳитни янада яхшилаш, диний фундаментализмнинг олдини олиш ҳақида» (1998 йил 27 апрель) қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, 1998 йил 28 октябрда «Тўй-ҳанамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш ҳақида» Президент Фармонини ижро этиш мақсадида Республика хотин-қизлар қўмитаси томонидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, улар изчиллик билан амалга ошириляётир.

Республикадаги жамоат ташкилотлари ичида аёлларнинг барча қатламларини ўзида бирлаштириш имконига эга бўлган ташкилот — Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.¹

1993 йил 3 сентябрда «Фуқароларни давлат пенсиялари билан таъминлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси қабул қилинди. Бу қонунлар хотин-қизлар учун махсус белгиланган «қўшимча кафолатлар ва имтиёзларни назарда тутиш билан бирга, биринчи навбатда болали аёлларни ишга қабул қилиш ва вақтида ижтимоий ҳимоялашни таъминлайди.²

1994 йил сентябридан бошлаб, турли нафақалар, компенсациялар ўрнига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан болали оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдамнинг ягона тизими жорий этилган.

Оилаларга давлат ёрдами — янги ягона давлат тизимига киритилган болали оилаларга бериладиган нафақалар беш турга бўлинади.³

1. Қуйидагилар давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади:

а) 16 ёшга тўлмаган болалари бор оилаларга ҳар ойлик нафақалар; б) бола икки ёшга етгунга қадар, уни парвариш қилиш

¹ Бу ҳақда ушбу китобнинг кириш қисмида маълумотлар олишингиз мумкин. — Я.А.

² Ўзбекистон Республикаси иқтисодий Ахборотномаси. 1999. №11. 40-бет.

³ Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг аҳоли тўғрисида маъруза. — Т.: 1999. 60-61-бетлар.

бўйича оналарга ҳар ойлик нафақалар. 2. Давлат бюджети, нафақа жамғармаси ҳисобидан молияланадиганлари. 3. Бола туғилганида ота-оналарнинг иш ёки ўқиш жойидан, агарда улар ишлашмаса ёки ўқишмаса ижтимоий таъминот органларида таъминланадиган энг кам иш ҳақининг икки баробар миқдоридан бир йўла бериладиган нафақа. 4. Жами 126 иш кунини учун ўртача маош миқдоридан иш ҳақи бўйича тайинланадиган ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа. 5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 230-моддасига мувофиқ 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор оналарга ёки ногирон боласи 16 ёшга тўлгунга қадар уни тарбияловчи ота-онадан бирига ойига қўшимча битта дам олиш кунини берилиб, унга маош ҳам тўланади.

Бундан ташқари, хотин-қизларга тааллуқли ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ижтимоий суғурта тизими томонидан 2 хил нафақа турлари мавжуд: 1. Ёшга оид, ногиронликка оид ва боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар. 2. Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик бўйича нафақа иш жойидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 1 июлда амалга киририлган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни фуқароларни жинсига қараб ажратмайди. Биринчидан, аёллар учун 55 ёш (1999 йил Ўзбекистонда «Аёллар йили» деб эълон қилиниши билан Республика Президентини Фармонида кўра 54 ёш қилиб белгиланди), эркаклар учун 60 ёш пенсияга чиқиш ёши ҳисобланади; иккинчидан, аёллар учун талаб қилинадиган иш стажини 20 йил, эркаклар учун эса 25 йил ҳисобланади.¹

Аёлларнинг нафақага чиқиш шартларини енгилаштирувчи ҳамда унинг миқдорига таъсир этувчи бошқа имтиёзлар ҳам мавжуд.

Шу билан бир қаторда, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.²

¹ Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг аҳоли тўғрисида маълумотлари. 63-64-66 бетлар.

² 1991 йил 4 апрелда 267-рақамли «Экстрагенитал касалликлари билан оғирган ҳомиладор аёлларга иқтисослаштирилган медицина ёрдамини ташкил қилиш ҳақида», 1992 йил 10 мартда 149-рақамли «Қизлар ва ўспирин қизларга гинекологик ёрдамни ташкил қилишнинг аҳоли ва уни ривожлантириш чоралари ҳақида», 1993 йил 24 апрелда 183-рақамли «Ўзбекистон Республикасида янги туғилган чақалоқларга медицина ёрдамини янада такомиллаштириш ҳақида»ги қарорлари, 1994 йил 16 июндаги «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш ҳақида»ги Фармони, 1995 йил 18 апрелда 1550-рақамли «Туғруқхоналар ҳажмини кўриб чиққан ҳолда уларнинг ишларини такомиллаштириш ҳақида» ва ҳоказо; Қарақалпақстан жаслары. 2001. 25 январь.

Қабул қилинган қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси, вазирликлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, маҳалла оқсоқоллари, сиёсий партиялар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ўз-ўзини бошқариш уюшмалари томонидан биргаликда амалга оширилмоқда.

Биринчи даврда, яъни мустақилликнинг дастлабки йилларида айримлар мустақилликни, демократияни нотўғри маънода тушуниб, уни хоҳлаган ишни қила олиш ҳуқуқи, деб ҳисобладилар. Айрим ҳолларда қизларни балоғат ёшига етмасдан турмушга чиқариш ҳоллари учради. Тўйлар, маъракаларда дабдабазлик, исрофгарчилик ҳолларига йўл қўйилди. Ёшларнинг ўқишга бўлган иштиёқи, ҳаваси пасая бошлади. Шундай жараён кечаётган бўлса ҳам, «Фалаж қилиб даволаш» усулидан воз кечилди. Хотин-қизлар масаласини инқилобий йўл, яъни собиқ совет тузуми давридагидек, «Хужум» ёки «оммавий жамоалаштириш»дек йўл билан ҳал қилинишига уриниш янги фожеаларга олиб келиши мумкин эди. Бу масаладаги тадбирлар аввал қонунлар қабул қилиш, уларни тарғиб этиш, аста-секинлик билан аёллар онгига янги давр таъсирини ўтказиш орқали амалга оширила бошланди. Натижада маълум вақт ўтгандан кейин қабул қилинган Фармонлар ва қонунлар ижроси самаралари кўзга ташланди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ўз натижасини бера бошлади. Мана шу жараёнда «ўзбек модели» пайдо бўлди. Хотин-қизлар масаласига янгича ёндашув, аёлларнинг маънавий, сиёсий, маданий дунёқарашларида янгича ғоялар, фикрлар туғилишига олиб келади. Хотин-қизлар, оналар ва болалар масалалари бўйича, диний эътиқодлари учун «уларни бор будидан айириш», сургун қилиш, қамоққа олиш ёки улар устидан суд-тергов ишлари олиб бориш эмас, аксинча, аёлларни ҳар томонлама муҳофаза, айнан муҳофаза қилиш бўйича **Ягона Миллий тизим, Миллий модел яратилди**. Бу эса аёллар, болалар ҳаётида янги давр бошланганлигини кўрсатди. Жамиятда тинчлик, барқарорлик, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳукм сура бошлади.

Шунингдек, демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг янги даврида хотин-қизлар ва болаларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш мақсадида Республика Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Суд, Прокуратура, Ички ишлар хизмати идоралари томонидан Фармонлар, қонун ва қоидалар қабул қилиниб, аёлларга, болаларга, ногирон ва нафақахўрларга айрим имтиёзлар берилиши давом этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида Оила кодекси қабул қилинди. Кодекс оила, айниқса, болақон ва аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган йирик қонун ҳужжати ҳисобланади.¹

Булардан ташқари, хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

1999 йил 17 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Олий Мажлис сессиясида (1999 йил, апрель) «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги² қарори, шунинг-

¹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. -Т. Адолат. 1998. Янги Оила кодекси оила хотиржамлигини таъминлашга, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилишга йўналтирилган ягона давлат дастурини амалга ошириш имкониятини беради. Болаларни тарбиялаш, оила аъзоларини таъминлаб туриш, маиший томонларни ташкил этиш, уй хўжалигини юритиш, моддий харажатларни тақозо этади. Янги оила кодексига эр-хотиннинг мулкий муносабатларига ўзгартиришлар киритилган.

Оила кодексига аёллар билан эркакларнинг оилада тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилган. Унинг 2-моддасида Оилавий муносабатларда эркаклар билан аёллар тенг ҳуқуқлидир, 4-моддасида эса Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир, 14-моддасида Никоҳдан ўтиш ихтиёрийдир. 15-модда. Никоҳ ёши эркаклар учун — 18 ёш, аёллар учун — 17 ёш деб белгиланган. Айрим ҳоллардагина никоҳдан ўтувчиларнинг илтимосига биноан никоҳ ёши 1 ёшга, ундан кўп эмас, камайтирилиши мумкин. 19-модда. Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ва ҳоказо. Шу билан бир қаторда, Оила кодексига никоҳ тузиш тартиби ва шартлари батафсил ёритилган. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш идораларида тузилган никоҳга қонуний эканлиги, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳнинг ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятсиз эканлиги кўрсатилган. Кодекснинг 6-бобида янги бир масала киритилган, бу «Никоҳ шартномасидир». Уни тузиш никоҳ шартномасининг мазмуни ва бошқа масалаларга бағишланган. Бу билан никоҳланувчи шахсларнинг келишуви ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёки никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилувчи никоҳ шартномаси тушунилади. Никоҳ шартномаси тузиш учун қонуний никоҳда бўлиш талаб этилади.

² Қаранг: Закон Республики Узбекистан от 3 сентября 1993 года «О государственном пенсионном обеспечении граждан»; Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан. 1993 г. № 9, ст. 338; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 1995 г. ст.269; 1997 г., № 4-5, ст. 126; 1998 г. № 9, ст.181., ст.12 (1); Трудовой Кодекс Республики Узбекистан, утвержденный Законом Республики Узбекистан от 21 декабря 1995 года; Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. 223-224, 237-моддалар. Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1996 г. приложение № 1; 1997 г. № 2, ст. 65; 1998 г. № 5-6, ст.102; № 9, ст.181; 1999 г. №1, ст.20, часть вторая статьи 116, ст. 228(1); «Қишлоқ ҳақиқати». 1999. 9 март: 14май; Ёғ Веллчество —Женщина. - Т.: Шарк. 2000. —С.6-7-13.

дек, бошқа қарорлар ва қонунлар Давлат дастурларида кўзда тутилган тадбирларнинг мантиқий давомидир. Шу йили «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан 1999 йил учун чоратадбирлар Давлат дастури тўғрисида» қарор қабул қилинди. Бу қарор ҳозир амалда бажарилмоқда.¹

Албатта халқаро ҳуқуқ нормаларига тўғри келган бу қонунлар, қарорлар, дастурларнинг амалга оширилиши аёлларнинг меҳнатини енгиллаштиради, меҳнат шароитини яхшилайти, болалари билан оилада кўпроқ бўлиш ва уларга яхшироқ эътибор бериш учун кўшимча имкониятлар яратади.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кўп болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги, «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил этиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича концепция тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинган. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, уларга яратилган имтиёзлар бошқа қонун ва қонун-ости ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган.² Мустақил Ўзбекистонда совет давридагидек аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқчилигини

¹ Қонунда давлат ижтимоий сугуртасидан ўтказилиши лозим бўлган ишларда камида йигирма йиллик иш стажга бўлган аёлларга 54 ёшга тўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилган. . . . ёшга доир пенсияга чиққандан кейин, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик уй»ларидаги тарбиячилар, шунингдек, кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдиан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади». Шунга алоҳида эътибор бериш жоизки, 54 ёшида пенсияга чиқиш ҳуқуқи аёлнинг ўз истаги бўлган тақдирдагина амалга оширилади. Иш берувчи томонидан 54 ёшга тўлганини асос қилиб, мажбуран пенсияга чиқаришга қонунда йўл қўйилмайди.

Шунингдек, уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш ҳақининг тўлиқ миқдори сақланган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддатини белгилаш ҳам қонунда кўзда тутилган.// «Қишлоқ ҳақиқати». 1999 й. 19 март. 1999. 14 май.

² Ҳаёт ва қонун. 1999. № 6. 47-бет.

эълон қилиш билан чекланиб қолмасдан, тенг ҳуқуқлилиқни таъминлаш учун қўшимча равишда моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг амалий чоралари ҳам кўрилмоқда. Уларга фарзанд кўрган дан кейин ҳақ туланадиган таътиллер, болаларга берилладиган нафақалар миқдори кўпайтирилиб бориляпти. Аёлларнинг иш вақти қисқартирилган, ёш болали хотин-қизларни оғир ва тунги сменаларда бир неча бор ишлатиш қонун йўли билан тақиқланган.

Шунингдек, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Чунки бизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт».¹ Шу боис Қорақалпоғистон Республикасида 1997 йилга келиб оналар ва болаларнинг 48,3 фоизи муҳофаза қилиш дастури билан қамраб олинган эди.²

Оналар ва болалар учун давлат томонидан яратилаётган шароитларнинг яхшиланиб бораётганлигини қуйидаги мисоллардан ҳам билиш мумкин. 1996-1997 йилларда 1991 йилга нисбатан мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг сони 26 фоизга ўсган. Аёллар учун бир қатор имтиёзлар яратилган, бола 3 ёшга етгунича оналарга таътил берилмоқда, нафақалар кўпайтириляптири ва ҳоказо.

Шу билан бир қаторда давлатнинг асосий таянчи бўлган кадрлар масаласига, она мустаҳкамлиги, оналик ва болалиқни муҳофазалаш, ёшлар соғлиғи, улар тарбияси, соғлом авлодни камол топтиришга йўналтирилган махсус «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»³ қабул қилинди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги қарорига биноан республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилди.

1997 йилдан бошлаб ҳар бир йилни алоҳида ном билан аташ ва унинг қандай номланишига қараб давлат дастурлари ишлаб чиқилиши, шу асосда фаолият кўрсатиш каби бир қатор иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ўз навбатида кучли ижтимоий сиёсат юритиш учун ҳам кенг имкониятлар туғдирди. Соғлом авлодни

¹ Ислоҳ Каримов. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда сўзланган нутқ, 1998 йил 23 декабрь. // Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. -Т.: Ўзбекистон. 1999. 290-бет.

² Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг аҳволи тўғрисида маъруза. 60-61-бетлар.

³ Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: «Шарқ». 1997. 46-бет.

тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаётга эга бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Истиқлол йилларидаги оналик ва болаликни ҳимоя қилишда мунтазамлилик, мажмуавийлик яққол сезилиб туради. Бу борада яна бир қатор қарорлар қабул қилинди.¹ Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида Қорақалпоғистонда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи анча пасайган.

Туғруқхоналарда туғиш заллари кўпайтирилган. 1992 йил Нукусда, Қорақалпоғистон тарихида биринчи марта махсус туғруқхона ишга тушган. Она ва бола туғруқхонадан чиққандан кейин ўз саломатлигини тиклашлари учун бўлимлар очилган, амбулатория-поликлиникалар хизмати, аёлларни ўз уйларида ва кундузги стационар шароитида даволаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Амалга оширилаётган тадбирлар ўз навбатида она ва бола саломатлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги даражасининг гоят муҳим кўрсаткичи эканлигини билдиради.

Натижада туғиш ёшидаги аёлларда экстрагенитал касалликларни аниқлаш 95 фоиз, ҳомиладор аёлларни кўриқдан ўтказиш 95-100 фоиз, соғлиқларини яхшилаш 80 фоиз, ҳомиладорларга маслаҳат бериш 90 фоизга ўсган.

Аёллар ўртасида касаллик 1991 йилга нисбатан 40 фоиз, 17 ёшда туққан аёллар сони 2 мартага, 35 ёшда туққан аёллар сони эса 4 мартагача камайган. 2001 йил эса 18-22 нафаргача камайган. 2001 йилга келиб ҳар 1000 нафар аҳоли ҳисобига туғилиш сони 34,5 нафардан 27 нафаргача, яъни 7,5 фоизга камайган.¹

¹ 1997 йили 21 июнда 319-рақамли «Болаларни 6 ёшдан мактабларга қабул қилиш жараёнида ўтказиладиган кўриқларни янада такомиллаштириш ҳақида» ва Ўзбекистон, Қорақалпоғистон Республикаларининг «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ 2106-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлигини сақлаш тизimini ислоҳ қилишнинг 1998-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони бўйича ва шу асосда чиқарилган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1998 йил 5 декабрдаги 338/11-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли «Республикада қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришнинг 2000 йилларгача бўлган давлат дастури тўғрисида»ги каби бир қанча фармонлар, қарорлар ва буйруқлар қабул қилинди.

Давлат томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларни амалга оширишда Қорақалпоғистон хотин-қизлар қўмитасининг роли алоҳида аҳамиятга моликдир. 1999 йил февралда Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг VIII пленумида хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Ҳақиқатан ҳам августда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесиде Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг сайёр мажлисида ҳам аёлларнинг ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласи муҳокама этилган ва тегишли қарор қабул қилинган.² Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш фонди қошида «Инқироз» маркази тузилган бўлиб, у махсус ишонч телефони орқали иш олиб бормоқда.

Шунингдек, қўмита хорижий ташкилотлар билан ҳам ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг Тараққиёт дастури – ЮНДП ёрдамида 1998 йили «Гендер ва ривожланиш» бюроси очилган. Бюро хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш бўйича Миллий платформа лойиҳаси ишлаб чиққан ва бир қатор ижобий тадбирларни амалга оширган.³

Бундан ташқари, ЮНИСЕФнинг, «АСПЕРА» халқаро лойиҳаси асосида Оролбўйи болалари ва аёлларига мақсадли ёрдам ҳам берилмоқда. Бу лойиҳа бир неча йилларга мўлжалланган. Унинг ёрдамида 2 ёшгача бўлган болаларнинг барчаси тўлиқ даволанган. Қорақалпоғистоннинг учта туманида сув сифатини таҳлил қиладиган лабораториялар, Мўйноқ туман шифохонасида эса сувни тозалайдиган қурилма ўрнатилган.

«АСПЕРА» лойиҳаси амалга оширила бошлангандан буён умумий сарфланган харажатлар 550 минг долларни ташкил қилган.⁴ Ўзбекистон Республикаси «Экосан» жамғармасининг «Саломатлик поездлари» орқали Қорақалпоғистон аҳолисига мунтазам равишда тиббий маслаҳат берилмоқда ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиляпти.

Қорақалпоғистон худуди йод етишмайдиган эпидемик минтақага киради. Бу борада қўшимча равишда чет эл грантларидан фойдаланилмоқда. Қорақалпоғистонда Япония ҳукуматининг гранти

¹ Қарақалпақстан жаслары. 2001. 25 январь.

² «Вести Каракалпакстана». 1999. 16 феврал; 10 августа.

³ «Вести Каракалпакстана». 1999. 16 феврал.

⁴ Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг аҳоли тўғрисида маъруза.

ҳисобига республика туғруқхонасига «Дельфин» номли ташҳис қўйиш ускунаси ўрнатилган. Бу ускуна ёрдамида янги туғилган чақалоқлардаги қалқонсимон без касалликларини туғруқxonанинг ўзидаёқ аниқлаш имкони туғилди. Аммо олиб борилаётган тадбирларга қарамасдан, таҳлиллар шуни кўрсатадики, йод етишмаслиги касаллиги билан оғриганлар сони икки ҳиссага кўпайган.¹ 1997 йили 98,2 фоиз мактаб ўқувчилари тиббий кўрикдан ўтказилган. Уларнинг 80 фоизда камқонлик касаллиги аниқланган.²

1997 йил июнь ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг дастури бўйича унинг Европа ҳудудий бюросининг директори Дж.Асвалл бошчилигидаги гуруҳ Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманидаги аҳвол, Орол денгизининг қуриши масалалари билан танишган. Натижада Норвегия ҳукумати ҳомийлигида Орол ҳудуди аҳволини яхшилаш учун бир миллион АҚШ доллари ҳисобида маблағ ажратилиб, унинг ярми ушбу дастурни амалга оширишга йўналтирилган.

Қорақалпоғистонда дунёдаги энг йирик мустақил, нотижорат ижтимоий ташкилоти «Чегара билмас шифокорлар» Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маҳаллий врачлар билан биргаликда иш олиб борапти. Унинг Қорақалпоғистондаги гуруҳида 9 нафар чет элдик врач ва 20 нафар маҳаллий тиббиёт ходимлари ҳамкорликда фаолият кўрсатапти. Бу тадбирлардан мақсад, аҳолининг тиббиёт соҳасидаги билимини ошириш, уларнинг соғлиғини яхшилаш, ўпка сили, ўтқир нафас йўли шамоллаши, диарея, камқонлик касалликларини аниқлаш ва даволашдан иборат. Ташкилотнинг қароргоҳи Мўйноқ туманида жойлашган бўлиб, у Мўйноқ, Кўнғирот туманлари аҳолисига хизмат қилмоқда. 1998 йил 8 июнда Нукусда ушбу ташкилотнинг идораси очилган.³

2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига асосан, «Соғлом авлод» Давлат дастури қабул қилинди. Дастур қуйидагиларни назарда тутди: 1. Соғлом оилани шакллантириш учун шароитларни такомиллаштириш. 2. Давлат, жамият ва оиланинг соғлом авлод туғилишига эътибори ва ғамхўрлигини кучайтириш. 3. Болаларнинг саломатлигини мустақкамлаш, таълим олиши ва ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитларни яхшилаш. 4. Аёлларнинг оилада

¹ Вести Каракалпакстана. 1998. 26 сентябрь.

² Вести Каракалпакстана. 1998. 26 сентябрь; «Қишлоқ ҳақиқати». 1999. 1 июнь.

³ Вести Каракалпакстана. 1999. 13 июня.

ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мақоми ва ролини ошириш. 5. Етук ва масъулиятли ота-оналик, соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши масалалари бўйича аҳолига ялпи билим бериш тизими яратиш ва ривожлантириш. 6. Ижтимоий тафаккурда етук, ҳар томонлама камол топган соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши учун юксак масъулият психологиясини шакллантириш каби муҳим масалаларни амалий ҳал этишга йўналтирилган пухта тадбирлар ишлаб чиқилган.¹

«Соғлом авлод учун» ноҳукумат жамғарма бўлими Қорақалпоғистонда 1994 йил 1 февралда² ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашувчи миллий ва маҳаллий миқёслардаги тадбирларни мувофиқлаштириш мақсадида ташкил қилинган. «Соғлом авлод учун» жамғармаси республикада болалар таомини ишлаб чиқаришни ташкил этиш дастурини амалга оширмоқда. Ҳукуматнинг 1997 йил 7 январдаги 4-сонли қарорига мувофиқ, «Сабзавот ва мевалардан болалар таомлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига биноан, «Болалар таомлари» холдинг компанияси ташкил қилинган.³

Жамғарма ҳомиладорлик ва туғиш ёшидаги аёлларга ҳамда болаларга тиббий ёрдам беришнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш дастури бўйича ишларни давом эттирмоқда. 1993 йил Ўзбекистонда чақалоқларни она сути билан парваришлаш, эмизикли оналарни ҳимоя қилиш ва уларни раббатлантириш жамоатчилик ҳаракати йили деб эълон қилинди. Алматида бўлиб ўтган дунё олимпларининг катта анжуманида бу савобли иш ҳам яқдиллик билан кўллаб-қувватланган.⁴ 1993 йил 14 майда «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармасининг Қорақалпоғистон бўлими ташкил этилган, у соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, аҳоли орасида санитария-гигиена тадбирларини ўтказмоқда. Аҳолининг янги экологик дунёқарашини шакллантиришга кўмаклашмоқда.

Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишда касаба уюшмаларининг ҳам роли ортмоқда. Хотин-қизлар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюшмаларига қарашли

¹ Соғлом авлод учун. 2000. № 5. 2-бет.

² Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги томонидан 2001 йилнинг 25 июнига-ча Низомлари рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмаларининг умумий рўйхати – ҳисоботи. 2002.

³ Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг аҳоли тўғрисида маъруза. 79-80-бетлар.

⁴ «Саодат». 1993. №10-11. 4-бет.

2 та санаторий ва 8 та санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Бу масканларда йилига 6 минг нафарга яқин одамлар ўз саломатлигини тикламоқда. Болалар учун «Ашшы кол» (Аччиқ кўл), «Жулдызша» (Юлдузча), «Арал балалары» (Орол болалари) каби санаторий-профилакторийлар фаолият кўрсатмоқда.¹

Ўзбекистон Қизил яримой жамиятининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ҳам аҳоли ижтимоий аҳволини яхшилаш бўйича ижобий ишларни амалга оширмоқда. Кенгаш томонидан кам таъминланган кўп болали оилалар, ёлғиз қариялар, етим болалар, ногиронлар, Чернобил АЭС ҳалокати иштирокчиларига, уларнинг оила аъзоларига ёрдам берилаётир.

1985 йилдан 2000 йилгача умумий ўлим даражаси Қорақалпоғистонда 8,5 дан 6,6 га, яъни 1,3 мартага камайган. Болалар ўлими 1,3 мартагача камайган. Аммо бу кўрсатиш болаларнинг соғлиғи яхшиланганлигининг эмас, балки улар туғилишининг камайиши натижасидир.²

Аёлларнинг оғир асоратлар билан туғиши 1995-1996 йилларда жуда юқори бўлган, 1997-1999 йилларга келганда анча камайган. Фақат Мўйноқ туманида бу кўрсаткич юқори даражада сақланиб қолган.³

Яна бир муҳим масалалардан бири, бу болалар саломатлигидир. Болалар касаллигида ҳам пасайиш юз бермоқда. Янги концепция бўйича соғлиқни сақлаш тизими экстенсив ривожланишдан интенсив ривожланиш йўлига ўтган.

Ўзбекистонда 1998 йили атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг миллий режаси, шу йили Ўзбекистон Республикасининг биологик хилма-хилликни сақлаш учун миллий стратегияси ва режаси ишлаб чиқилди, 1999 йили Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит тозаллигини сақлаш бўйича миллий режалар ишлаб чиқилган.

Кейинги вақтларда Қорақалпоғистонда 12 та минерал ўғитларни сақлаш омборхонаси қурилган. Халқ хўжалигида минерал ўғитлардан фойдаланиш 3 мартага, заҳарли химикатлардан фойдаланиш 2 мартага камайтирилган.¹

Кўшимча равишда шифохоналар, поликлиникалар, тиббиёт марказлари ташкил этилган. Бу муаммони ечиш учун чет эл инвести-

¹ Қорақалпоғистон. 2000. № 3-4. 12-13-бетлар.

² Қаранг: О.А.Атаниязова, Л.Г.Константинова, Т.Б.Ешанов, А.Б.Курбанов. -С.15.

³ Т.Б.Ешанов. Медико-экологическое районирование Республики Каракалпакстан в свете состояния здоровья матери и ребенка. Материалы Международного семинара... -С.12.

циялари, нодавлат нотижорат ташкилотлари маблағлари жалб этилган. Ҳозирги вақтда умумий аҳвол анча мўътадиллашиб бормоқда.

Оналар ва болалар поликлиникалари, сиҳатгоҳлар, спорт-соғломлаштириш марказлари қурилмоқда. Улар энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Кўп болали, кам таъминланган, ёш болалик оналар, бевалар, ногирон аёллар, кекса ва боқувчисиз қолган онахонлар, ва меҳрибонлик уйлари тарбиячиларига мунтазам равишда хайр-эҳсонлар, турли ёрдамлар бериб борилмоқда. Уларни қўллаб-қувватлашга асосланган аждодларимиз анъанаси қайтадан тикланмоқда.

Президент Ислон Каримов 1998 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида: «**Мен 1999 йилни мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилинишини таклиф қиламан, чунки Инсон, Оила, Аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Худонинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот — бу Аёлдир**». «Дунёда «муқаддас» деган сўзга энг муносиби ҳам — Онадир.» «Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади»,² деган эди.

Умуман олганда, 1991-2001 йилларда давлатнинг хотин-қизлар ва болаларга бўлган ижобий муносабати, демократия сари йўл тутилгани натижасида, аёллар масаласи, оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланиши бўйича Миллий модел, бутун бир тизим яратилди. Уни амалга оширишнинг тамойиллари, шакллари ва усуллари ишлаб чиқилди. Бир сўз билан айтганда, хотин-қизлар ўз ҳақ-ҳуқуқини танимоқда, ҳуқуқий онги ва тафаккури ошмоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар, жамият ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган ишлар хотин-қизлар маънавиятига, ўзлигини англашига ижобий таъсир этмоқда.

¹ М.Ю. Ибрагимов. Актуальные проблемы охраны окружающей среды в регионе Приаралья. // Материалы Международного семинара... —С.32, 33.

² Қаранг: Ислон Каримов. Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи. Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ, 1998 йил 5 декабрь. //Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд, -Т.: Ўзбекистон. 1999. 254, 255, 256-бетлар.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙИ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

Ўзбекистон давлати ўз мустақиллигига эришгандан сўнг хотин-қизлар руҳий ва ақлий оламини, маънавий дунёсини бойитиш, янгилаш жараёни ҳам бошланди. Чунки «жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати»га,¹ уларнинг маънавий, маърифий, маданий дунёсининг юксалишига қараб белгиланади. Шунингдек, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий юксалишида аёл ҳаётининг мазмуни акс этади.

Аёл маънавиятининг баркамол, куч-қудрат ва адолат тимсоли эканлиги қадимдан Турон заминда яшаган турли-туман қабила, халқларда алоҳида юқори баҳоланиб келади. Буни қорақалпоқ халқ эпоси «Қирқ қиз»да аёл ҳукмронлиги ҳаққоний тасвири ўз ифодасини топганлигида, аёлнинг оилада, халқ, давлат шон-шарафи ва обрўсини сақлашда бемисл ақл-идроки, заковати мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Айни давлат ўз мустақиллигига эришган пайтда хотин-қизларнинг одамлар онгини ўзгартиришда, жамиятда миллий мафқурани шакллантиришда, уларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашда, комил инсон камолотида алоҳида ўрни ва ҳиссаси сезила бошлади.

Архив ҳужжатлари, қўшимча манбалар, матбуот материаллари, бу даврда қабул қилинган Фармонлар, қонун-қоидалар мазмун-моҳиятини ўрганиб, таҳлил қилиб олиб борилаётган ишларни шартли равишда қуйидаги асосий шакл ва усулларга бўлишни лозим топдик:

1. Ижтимоий-сиёсий, маънавий-ғоявий соҳала: Миллий истиқлол ғоясини халқ онгига сингдириш, умуминсоний қадриятлар, умуммиллий манфаатлар, миллий урф-одатлар, қадриятларни тиклаш, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, барча миллат ва элатларнинг маданияти, диний эътиқоди, анъаналарини ҳурмат қилиш ва ривожлантиришга ёрдам бериш, кадрлар тайёрлашда, таълим ва тарбия соҳасида чуқур ўзгаришлар қилиш, маданиятни, этник ва диний бағрикенгликни ривожлантириш, кўппартиявийлик, плюрализм тамойилларини кенгайтириш, маҳаллийчилик ва уруғ-

¹ Ислоҳ Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга интиломда». -Т.: Ўзбекистон. 2000. 19-бет.

аймоқчилик муаммоларининг олдини олиш каби ишлар орқали олиб борилмоқда.

2. Маънавий-амалий соҳада: оилада яхши уй бекаси, маҳалланинг фаол сардор аёллари ҳақида радио ва телевидение орқали кўрсатув ва эшиттиришлар намойиш этиб бориш, истеъдодли қизларни махсус рағбатлантириш, давлат мукофотларини бериш, миллий-маданий марказлар ташкил этиш, театр ва музейлар фаолиятини такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида мустақиллик дарсларини ўтиш, барча жойларда мустақиллик кунини нишонлаш, иқтидорли талабаларга давлат стипендиялари бериш, оммавий спортни ривожлантириш йўллари билан амалга оширилмоқда.

Мана шу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда бир томондан, аёллар орасида ташкилий ишлар олиб борилаётган бўлса, иккинчи томондан, хотин-қизларнинг ўзлари ҳам бу ишларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишмоқда.

Мустақиллик мафкураси аёл маънавий қудратининг камол топишида, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини белгилашда, уни хўрловчи эмас, аксинча, ўзлигини намоен қилишида ёрдам берувчи асосий таянч куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Қатор фармонлар, қарорлар қабул қилиниши билан хотин-қизлар камолоти учун ҳуқуқий асос яратилди ва бу жараён давом этмоқда.¹ Республика Президентининг «Республика маънавият ва маърифат кенгашини тузиш тўғрисида»ги, «Республикада янги ўқув юртларини ташкил этиш тўғрисида»ги (1992 йил 28 февраль), шунингдек, «Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1992 йил 23 август) Фармонлари эълон қилинди. Натижада 1992 йил 15 мартдан бошлаб, Республиканинг кўпгина вилоятларида педагогика институтлари университет мақомига эга бўлди. Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. -Т.: Адолат. 1994; Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. -Т.: Адолат. 1995. 528 б; Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. -Т.: Адолат. 1995; Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни. -Т.: Адолат. 1998. 31 б.; Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Т. Адолат. 1998. -304 б; 1999 йил 12 мартда «Хотира ва Қадрлаш кўни тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони; 1999 йил 11 августда «Маънавият ва маърифат Республика кенгаши» тузилди; Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси 1996 йил; Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури, Таълим тўғрисидаги қонун. 1997; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йулида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори. «Халқ сўзи». 1999. 23 июль ва ҳоказолар.

қўллаб-қувватлаш, улар камолоти масалаларига алоҳида эътибор берилди бошланди.

1994 йил 23 апрелда Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази ташкил этилди. 1999 йил 23 апрелда «Маърифатпарварлар» жамияти тузилди.

Давлат томонидан қабул қилинган расмий ҳужжатларда ва амалда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий эркинликлар берилиши натижасида кейинги ўн йилликда аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларда иштирок этиши, хотин-қизлар муаммоларига, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, таълим соҳаларига шахсан фаол аралашилари жараёни тезлашди.

Жаҳон амалиётида аллақачонлар жамиятда аёллар ижтимоий фаоллигини амалга оширувчи бутун бир механизм ишлаб чиқилган. Аммо, совет тузуми даврида аёлларнинг ҳар томонлама ўзлигини намоён қилиши учун етарли имконият яратилмади. Хотин-қизларнинг ақл-идроки, онги, тафаккури «совет одами» «қолипига» солинган эди. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина аёлларнинг ҳақиқий фаоллиги бошланди.

Хотин-қизлар томонидан уларнинг шахсий ташаббуслари билан тузилаётган ва фаолият кўрсатаётган нодавлат ношароҳат ташкилотлар аёлларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий томондан ўсиб, ривожланишига ёрдам бермоқда. Хотин-қизларнинг бу борадаги фаоллиги Қорақалпоғистон Республика хотин-қизлар қўмитаси олиб бораётган ишлардан анча илгарилаб кетган. Гарчи кейинги пайтларда улар фаолиятларида ҳамкорлик аломатлари сезилаётган бўлса-да, бу жараён янада ривожлантирилса мақсадга мувофиқ бўлув эди.

Мустақиллик шарофати билан Қорақалпоғистонда хотин-қизларнинг ҳақиқий яратувчилик ва бунёдкорлик ҳаракати бошланди ва кундан-кунга кучайиб, ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Совет тузуми давридаги тазйиқ, «назорат» остида олиб борилган «хотин-қизлар ҳаракати» деб аталувчи ҳаракатлар, жумладан, «Хужум», кўпмингкилограммчилар ва ҳоказолар билан солиштирилганда, ҳозирги кундаги уларнинг ҳаракати тубдан фарқ қилади.

Бу ҳаракатнинг ҳаракатлантирувчи кучи фақат аёллар бўлиб, унинг характери тинчлик ва тараққиётга, мақсади эса жамиятни юксалтиришга йўналтирилган. Яъни, аёлларга ҳуқуқий маслаҳат бериш, ишсиз хотин-қизларга ёрдам бериш, уларни янги касб ва бизнесга ўргатиш, уйда ишлашни ташкил этиш, болаларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, ногирон, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, ку-

тубхоналар билан таъминлаш, умуман олганда, Ватанимиз ижтимоий, иқтисодий ривожланишини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Аёлларнинг маънавий камолоти биринчи навбатда оиланинг мустаҳкамлигида кўринади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистонда ажралиш оила қурувчиларга нисбатан олиб қаралганда анча кам. Масалан, 1998 йил 10458 оила қурилган, ажралиш эса ўша йили 961 тани, яъни 9 фоизни ташкил этган,¹ 2001 йилда эса 10857 оила қурилган, 690 та оила, яъни 6,7 фоизи ажралишган.² Буни маълум маънода аввал эркакларга, оила бошлиғига иқтисодий жиҳатдан қарам бўлган аёлларнинг ўзига бўлган ишончи ортиб бораётганлиги, уларнинг иқтисодий ҳаётда фаоллашиб бораётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Аммо, ажралиш нисбатан кам кўрсаткичга эга бўлса ҳам, барибир бола тарбиясига салбий таъсир этиши барчага аён бир ҳол, албатта. Натижада ярим етим бўлиб қолган болалар тарбияси, оталарнинг болалар тарбиясидан четлашиши, хотин-қизларнинг муаммолари янада кўпайиб, мураккаблашиб боришига олиб келмоқда. Шунингдек, бола тарбияси мутлақо аёллар зиммасига ташлаб қўйилмаслиги керак. Чунки 10 та мактаб ўқитувчиси ёки маҳалла, овул оқсоқоли битта отанинг ўрнини боса олмайди. Одатда аёллар болаларга меҳрибонлик, ҳамкорлик туйғуларини сингдириб борсалар, эркаклар мардлик, жасурлик ҳиссини уйғотиб борадилар. Албатта маҳалла, овул, қишлоқ оқсоқолларининг бола тарбиясидаги роли ва ўрнини инкор этмаган ҳолда жамиятда тўла-тўқис оила мустаҳкамлиги алоҳида диққатга молик масала ҳисобланади.

Шунингдек, оиланинг, жамиятнинг равнақида хотин-қизларнинг маърифатлилиги жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки маърифатли аёллар билимли, маданиятли, тарбияли бўлиб, бола тарбиясида, оила масалаларида, жамият тараққиётида ўзларининг ижобий ҳиссаларини қўша оладилар. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бу борадаги қўйилган асосий қадамлардан бири бўлди. Унга биноан эркаклардан кам бўлмаган ҳолда аёллар ҳам хоҳлаган тартибда, хоҳлаган ўқув юртида билим олиш ҳуқуқига эгалар. Таълим олиш турини танлаш имконияти кенгайди. Бу эса хотин-қизлардан етук кадрлар тайёрлашда ва уларнинг таълим соҳасидаги ўрнида маълум ўзгаришларга олиб келди. 1990 йилда халқ

¹ Вести Каракалпакстана. 1998. 2 июня.

² Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг жорий архиви. 2003 йил.

таълими соҳаси ходимларининг 59,8 фоизини аёллар ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 65,8 фоизга кўтарилган.

Илм-фан тармоқларида 1990 йил 40 фоиз, 2000 йилда эса 20 фоиз хотин-қизлар ишлашган. Демак, халқ таълими соҳасида хотин-қизларнинг сони кейинги 10 йил ичида анча кўпайган, лекин илм-фан соҳасида эса 50 фоизга камайиб кетган.¹ Буни ўтиш даврининг мураккаблиги, аёлларнинг кўпроқ иқтисодий соҳаларга эътибор қаратаётганлиги (илм-фан кўп куч, вақт талаб қилади) билан изоҳлаш мумкин. Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот соҳаларида эса аёллар 70 фоиздан ортиқроқ бўлган. Меҳрибонлик ўйларида ишловчи аёллар сони эса 59,5 фоизни ташкил этган.

Маънавий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланган сиёсий маданиятсиз маънавий кадриятларнинг моҳиятини тушуниш қийин.² Шунингдек, хотин-қизларнинг маънавий ва ижтимоий онгини шакллантиришда жамиятдаги умумижтимоий ва умуминсоний кадриятлар алоҳида аҳамиятга эга.

Бу борада ҳам хотин-қизлар энг муҳим соҳалардан бири – маърифий масканларни ривожлантириш, аҳоли орасида маърифат тарқатиш, шунингдек, сиёсий маданиятни ўстириш, умуминсоний ва умуммиллий кадриятларни тиклаш масалаларига катта эътибор бермоқдалар. Бу борада кутубхоналарнинг роли катта бўлмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигига қарашли (Вазир Тамара Давлетмуратова) 430 та ўрта-махсус ўқув юртларига тегишли 15 та, 9 та мактаб, 8 та давлат идораларига тегишли кутубхоналар аҳоли ўртасида иш олиб бормоқда.

Кутубхоналарда олимлар, врачлар, ҳуқуқшунослар, ишлаб чиқариш фаоллари ва кенг жамоатчилик таклиф этилиб, турли конференциялар, таниқли кишилар билан учрашувлар «Сиз ҳамиша ҳурматдасиз Она ва Бола», «Она ва Бола», «Оналар ва болалар соғлиги – эл бойлиги», «Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳақида», «Хотин-қизлар ва иқтисодиёт», «Қарияларни қадрлаш ҳақида», «Орол аёллари» каби савол-жавоб кечалари, ҳар хил кўргазмалар, маърузалар ташкил қилинган. Кутубхоналар маҳалла аҳолисининг, талабалар ва ўқувчи-

¹ Қорақалпоғистон Республикаси Статистика Бош Бошқармаси архиви. 07-7 а (М). Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди. - Я.А.

² Мусурмонова Ойниса. Юқори синф ўқувчиларининг маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед.фанл. докт. дисс.-Т.: 1993. 43-бет.

³ Қаранг: Киём Назаров. Аксиология кадриятлар фалсафаси. -Т.: Маънавийт. 1998. 45-бет.

ларнинг энг сеvimли жойига, таълим-тарбия ва ҳуқуқий демократик давлат асосларини ўрганиш масканига айланган.

Шу билан бирга, миллатлараро, динлараро муносабатларни яхшилашда, улар ўртасида алоҳида дўстлик ва бағрикенглик намуналарини кўрсатишда, ҳар хил миллий байрамлар, маросимлар, тўйларни ўтказишда хотин-қизларнинг роли ошиб борапти. Республикада корейслар ассоциацияси (1993), қozoқ (1996) ва туркман (1999) миллий маданий марказлари ташкил этилган. Натижада «Этник сабртоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрлар. . . » пайдо бўлмоқда.¹

Ўзбекистонда ёш иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, маънавий рағбатлантириш, тақдирлаш мақсадида «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти таъсис этиш ҳақида Президент Фармони эълон қилинди (1999 йил). Қорақалпоғистондан 2000-2003 йиллар мобайнида 4 нафар қиз — Мустапаева Гульмира, Мамутова Диана, Артиқова Анипа, Шержанова Фазу ушбу юксак мукофотга сазовор бўлдилар.² Шунингдек, «Ниҳол» мукофоти билан Дилфуза Бекмуротова тақдирланди.

Ўз бадиий ижод намуналари билан халқ маънавий ҳаётини янги мазмун билан тўлдириб бораётган бир қатор ёзувчи ва шоирлар ҳам маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Улардан Сарыгул Бахадырова, Гулистон Матякупова, Гулайша Есемуратова ва бошқалар асарлари Қорақалпоғистон халқи, жумладан, хотин-қизлар томонидан севиб ўқилади. Ижодкор аёллар ҳам истиқлол туфайли халқ дарди, орзу-армонларини ҳаққоний, элга тушунарли шакл ва усулларда ифода этиш имконига эга бўлдилар.

Оиланинг моддий ва маънавий юксалишида Қорақалпоғистон хотин-қизлари томонидан ташкил этилган ассоциациялар, марказлар, жамғармалар роли жуда муҳим бўлмоқда. Бу борадаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистондаги аёллар томонидан фақат аёлларнинг ҳимоясига бағишланган ноҳукумат ташкилотлар 1995 йилгача ташкил этилмаган. Уларнинг барчаси 1996 йилдан кейин ташкил этилган. Болалар муҳофазасига бағишланган ташкилотларнинг 36 фоизи биринчи даврда (1995 йилгача), қолган 64 фоизи

¹ Қаранг: Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997. 142, 143-бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси Таълим вазирлиги жорий архиви. Мактаб бўлими. 2002-йил; Қарақалпақстан жаслары. 2001. 8 март.

иккинчи даврда (1996-2001 йиллар оролигида), аёллар, болалар ва бошқа аҳоли қатламларига ҳам ёрдам бериш мақсадида тузилган ташкилотларнинг фақат 26,9 фоизи биринчи даврда, қолган 73 фоизи иккинчи даврда ташкил этилган.¹ Шундан кўриниб турибдики, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, ўз ҳуқуқларини англаш даражаси, уларнинг маънавий ички дунёсидаги ўзгаришлар натижаси иккинчи даврда кўпроқ кўзга ташланади.

Қорақалпоғистонда фаолият кўрсатаётган 165 та жамоат бирлашмаларининг 20 га яқини аёллар томонидан, 14 таси фақат аёллар учун, 11 таси фақат болалар учун, 52 таси умуман аҳолига, шу жумладан, аёлларга ва болаларга ёрдам тариқасида тузилган.² Булардан ташқари Республика миллий кураш, каратэ, теннис, баскетбол, туризм федерациялари, «Динамо» жисмоний-тарбия спорт жамияти ва бошқаларда хотин-қизлар фаол қатнашмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, нодавлат ташкилот вакиллари аёллар, оналар ва болалар соғлигини ҳимоя қилиш учун бепул савобли иш қилишмоқда. Шунингдек «Перзент» (Фарзанд) Маркази «Аёл, экология, соғлиқ» номли халқаро лойиҳа бўйича Қангликўл, Чимбой, Қораўзак, Манғит ва Нукус шаҳарларида иш олиб борган. Бу тadbирда 40 нафарга яқин аёллар қатнашган. Ўтказилган тadbир ва семинарларда соғлиқни сақлаш, ичимлик сувини филтрлаш, бола тарбияси, ўз-ўзини тарбиялаш масалалари бўйича фикр алмашилган. Бу дастур Голландиянинг «НО ВИБ» фонди томонидан қўллаб-қувватланган. Фонд номи юқорида қайд этилган туманлардаги болалар боғчаларига тоза ичимлик суви олиб келиш, медицина пунктларини ускуналар билан жиҳозлаш ишларига ёрдам берган.

Хотин-қизларнинг жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантиришдаги роли алоҳида диққатга сазовордир. Бу борада Қорақалпоғистонда ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Қ. Умарова раҳбарлигидаги «Ҳуқуқий ёрдам ва кенгаш маркази»нинг салмоқли ўрни бор. Чунки бу ташкилот барча аёлларга ҳуқуқ ва бурч масалалари бўйича бепул йўл-йўриқлар, маслаҳатлар бermoқда.

¹ Я.Абдуллаева. Женское движение в Каракалпакстане в условиях современности; О негосударственных некоммерческих организациях женщин Каракалпакстана. // Актуальные проблемы современной науки. -М.: Спутник. 2000. №4(7). С. 276, 278. Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган. -Я.А.

² Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йилнинг 25 июнигача низомлари рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмаларининг умумий рўйхати. Вазирлик ҳисоботи.

³ Вести Каракалпакстана. 1999. 13 февряля.

Қорақалпоғистонда мустақилликнинг биринчи дебочаси сифатида хотин-қизлар маънавий дунёсини бойитиш, баркамол инсонни шакллантиришга йўналтирилган «Орол қизлари» («Арал қызлары») журнали ташкил этилди. Журнални ташкил этишда унинг бош муҳаррири Г.Есе-муратованинг роли алоҳида аҳамиятга эга. 2001 йили журнал ташкил этилганлигининг 10 йиллиги нишонланди¹ Хотин-қизлар ва болаларга бағишланган «Фарзанд» («Перзент») нодавлат марказининг бюллетени О.Атаниязова раҳбарлигида чоп этилмоқда.

Аҳолининг маънавий дунёсини бойитишда Қорақалпоқ Давлат санъат музейининг роли жуда катта. Ушбу музей кўргазмаларини юқори даражада ташкил этиш, улар сонини кўпайтириш, мавқеини кўтаришда унинг директори Мариника Бабаназарованинг ҳам ҳиссаси бор. Унинг номи 1997 йил Кембриж шаҳрида чиқадиган «Дунё аёллари» (Женщины Мира. Кто есть кто.) журнаliga киририлган ва тегишли ҳужжат билан тақдирланган.²

Тажрибаларга қараганда, хотин-қизларнинг ноҳукумат ташкилотларида фаол қатнашиши, бир томондан, улар онгининг ўсишига ёрдам берса, иккинчи томондан уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашмоқда.

Аммо улар ҳозир фақат республика миқёсида иш олиб боришмоқда. Уларнинг туман даражасидаги тармоқлари ва туман хотин-қизлари ноҳукумат ташкилотлари тузилиб борса, анча ижобий иш бўлур эди.

Ўзбекистон «Тадбиркор аёллар» ассоциациясининг Қорақалпоғистон бўлими³ тадбиркор аёлларга ёрдам бериш билан бирга, уларнинг ўз ишларини ташкил қилишлари, ҳужжатларни расмийлаштириш, тадбиркорликни муваффақият билан олиб боришларига ёрдам бермоқда. Бу бўлим кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш мақсадида махсус лойиҳа тузган. Микрокредит олган тадбиркорларнинг 2/3 қисми кичик бизнес билан шуғулланишмоқда. 2000 йил ноябрь ойида бу лойиҳа Кегейли, Чимбой, Қораўзак, Ақманғит туман марказларида иш олиб борди ва ўз ичига 767 мижозни бирлаштирди. Мижозларнинг ҳаммаси аёллар эди. Улар 125 кредит ғуруҳларига бирлашишди.⁴ Банклардан кредитга пул олувчи аёллар-

¹ Арал қизлари. 1991. 1-сон; 2001. 1-сон. 1-бет.

² Вести Каракалпакстана. 1998. 13 января.

³ «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ҳаял-қизлар Ассоциациясининг Қарақалпақстан бўлими. – Нөкис.: Қарақалпақстан. 2001.

⁴ Экономическое обозрение. Демография на рубеже столетий. – Т.: 2001. 1-2(17-18). – С.12-13.

нинг сони кундан-кунга ўсиб бормоқда. Демак, табиий равишда уларнинг бизнеси ҳам ривожланмоқда.

«Орол олтин мерос» бирлашмасининг асосий мақсади, Орол атрофидаги аёллар ва болаларнинг аҳволини мумкин қадар яхшилашга қаратилган. Бирлашма Мўйноқ туманида 20 нафар ишсиз аёлга кийим тикиш, тўқиш ва бичиш сирларини ўргатди. Ҳозирда нуқсулик 20 нафар аёл ҳар хил ёдгорлик буюмлари тайёрлашмоқда.¹ «Лидер аёллар» ассоциацияси раҳбари Қ.Тангирбергенова² хотин-қизларни фаолликка ўргатиш бўйича бир нечта учрашувлар, курслар ташкил қилиб, «Аёллар лидерлиги ва фуқаролик билими», «Хотин-қизлар ҳуқуқлари», «Қонун ва ҳақиқат» мавзуида тарғибот ишлари олиб бораётир.

Л.Жуманазарова раҳбарлигидаги «Меҳрибонлик ва соғлиқни сақлаш»³ фонди Қорақалпоғистон филиали кам таъминланган, ногирон болалари, аёллари, қариялари бор оилаларга 1999 йили 181445 сўм, 2000 йили 307515 сўм, 2001 йили 406031 сўм миқдоридида моддий ёрдам кўрсатган.

Аёлларнинг маънавий баркамоллигини ошириш, уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, иш билан таъминлаш, улар олиб бораётган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлатимиз олдида турган ўта муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Репродуктив соғлиқни сақлаш ассоциацияси Қорақалпоғистон филиалининг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.⁴ Чунки бу ташкилот айнан ёшлар орасида иш олиб бормоқда. Ёшлар эса Қорақалпоғистон аҳолисининг 42% ини ташкил қилади. Бугунги кунгача ассоциация ўз фаолиятини аёл тренерлар, ходимлар ёрдамида амалга оширмоқда.

Нуқусда Амфитеатр ва «Туркистон» саройларида «ВИЧ/ОИТС га йўл йўқ!» мавзуида акция ўтказилди. Бундай тадбирларда 4 минг нафардан ортиқ турли миллатларга мансуб ёшлар қатнашган. Бу ерда ёшлар учун турли танловлар, ўйинлар ташкил этилган ва соғлиқни сақлаш ҳақидаги буклетлар, плакатлар, рисолалар бепул тарқатилган. Бундан ташқари, 15 ёшдан 24 ёшгача йигит-қизлар орасида 6 та семинар ўтказилган. Семинарларнинг асосий мавзуи репродуктив соғлиқни сақлаш, тиббиёт-гигиена каби масалалардан иборат бўлган.

¹ Общественное объединение женщин творческого и интеллектуального труда Республики Каракалпакстан. Ембергенова Гулноранинг ҳисоботи.

² Вести Каракалпакстана. 2001. 8 марта; Ассоциацияси раҳбари Қ.Тангирбергенованинг ҳисоботи. 2002-йил.

³ Фонд раҳбари Л. Жуманазарованинг ҳисоботи. 2002.

⁴ Узбекская ассоциация по репродуктивному здоровью. Тошкент. Ҳуқуқ. 2001.

Тадбиркор аёллар ассоциацияси қошида 1996 йил «Ишонч» маркази ташкил этилган. Марказ мушкул аҳволда қолган аёллар, етим болаларга маънавий, моддий ёрдам кўрсатмоқда. Марказ томонидан 1998 йил 186 нафар етим болага ёрдам берилган ва уларнинг 20 нафарини ўз оталиғига олган.¹

Хотин-қизлар қўмитаси томонидан мунтазам равишда Хўжайлидаги «Меҳрибонлик уйи», 3-, 4-, 6-сонли махсус интернатлар, Тахиатош шаҳридаги «Чақалоқлар уйи» тарбияланувчиларидан хабар олиниб, жамоат ташкилотларининг ёрдами кўрсатилмоқда, хайриялар ташкил этиляпти.

Қорақалпоғистонда махсус хотин-қизлар ташкилотларидан ташқари, яна бир қатор жамғарма ва марказлар ташкил этилган. Шунлардан «Нуроний», «Наврўз» хайрия жамғармалари ва бошқалар ҳам у ёки бу даражада хотин-қизлар ва болалар муаммоларига аҳамият бермоқда.

Аёллар ўз имкониятларини жамиятда юз бераётган сиёсий ўзгаришларда, шунингдек, парламентда, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам синаб кўрмоқдалар. Қорақалпоғистондаги (5 та сиёсий партия бор) сиёсий партиялар сафида аёллар сони 40-50 фоизни ташкил қилади. «Фидокорлар» партияси ташаббуси билан «Қорақалпоғистонда лидер аёллар» форуми ўтказилиб, «Фидокор аёллар» ассоциацияси тузилган.² Адлия вазирилиги ходимларининг 70 фоизидан ортиқроғи, нотариал идоралар ходимларининг 35 фоизидан ортиқроғи, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлимлари мудирларининг 100 фоизини аёллар ташкил қилади.³

Шунингдек, аста-секинлик билан бўлса-да бешик, суннат ва бошқа тўйларнинг дабдабасиз, ихчам, ортиқча харажатларсиз ўтишига эришиб борилмоқда. Ёшлар ўртасида «Сиз турмушга тайёрмисиз?», «Тўйлар ҳақида ўйлар», «Аруўлар» («Гўзаллар»), «Аср қизлари», «Вояга етган қиз», «Қизлар давраси» каби учрашувлар, давра суҳбатлари, кечалар, танловлар ўтказилмоқда. Радио ва телевидение орқали «Раушан» («Равшан»), «Шанарақ» («Оила») каби кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этилган.

Юксак маънавиятли соғлом аёл камолотида спортнинг роли жуда муҳимдир. 1999 йил июнь ойида Қорақалпоғистон Республикасида

¹ Вести Каракалпакстана. 1998. 1 января.

² Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг жорий архиви. 2002.

³ Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг жорий архиви. 2000.

«Кураш» миллий Федерацияси ташкил этилди. Федерация Президенти Б.Н.Кўчқоров нафақат эркаклар, балки қизлар ўртасида ҳам бу спорт турини ривожлантириш йўлида фидокорлик намуналарини кўрсатмоқда. Мана шу қисқа вақт ичида қизлар орасидан курашчи-полвон қизлар етишиб чиқди. Феруза Ҳайтимбетова 2000–2001 йилларда Россиянинг Тверь шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида «Кумуш», шунингдек, Буюк Британиянинг Бетфорд шаҳрида Ислом Каримов халқаро турнирида қатнашиб «Олтин», Зулхужжа Худоярова эса «Бронза» медаллари соҳиби бўлдилар. Улардан Каниязова Гулмара 2002 йил Деҳли шаҳрида бўлиб ўтган II Осиё чемпионатида 63 кг вазндаги қизлар орасида 2-ўринни олди, Самедова Тугри ҳам шу чемпионатда қатнашиб, фахрли 2-ўринни эгаллашга муяссар бўлган. Бу қизлар ундан олдин, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон чемпионлари бўлганлар. Ҳозир Қорақалпоғистонда мингга яқин қизлар спортнинг «Миллий кураш» тури билан шуғулланишмоқдалар.¹

Зотан, кураш халқнинг, шу жумладан, хотин-қизлар онгида рўй берган маънавий-руҳий юксалиш инъикоси сифатида, Ватан, эл-юрт шаънини улуғлашдек юксак маънавият сарчашмасидир.

Кўпчилик аёллар ишлаб чиқариш жараёнида фаол қатнашиб, давлат корхоналари, акционерлик жамиятлари, ширкат хўжаликлари аъзолари ёки раҳбарлари лавозимларида ўзларини намоён қилмоқдалар. Улар «Шўроҳон» ширкат хўжалиги раиси Зухра Сержанова, «Исбелермен ҳаял-қызлар» ассоциациясининг раиси Халлыхан Досбергенова, «Элтекс» Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонасида Гулаим Бабакова, Курбоной Атажановалар ва бошқалардир.

Мустақиллик даврида бир қатор саноат корхоналари – Хўжайли шаҳрида шиша идишлар заводи, Нукус шаҳрида «Катекс», Эллиққалъа туманида «Элтекс» тўқимачилик мажмуалари, Тўрткўл ва Эллиққалъада консерва заводи, цехлари ва ҳоказо корхоналар ишга тушган. Бу корхоналарда ҳам хотин-қизларнинг ўрни ва роли катта бўлмоқда.²

Хотин-қизларнинг жамият тараққиётига аралашувида, уларнинг маънавий баркамоллигида аёллар саломатлиги муаммоси ҳам давлат даражасидаги масалага айланган. Мустақиллик даврида Қорақалпо-

¹ Сертификат. Гулмара Каниязова. Ўзбекистон. 9-10 декабрь, 2002. Нью Дели (Индия); Қорақалпоғистон Республикаси «Миллий кураш» Федерацияси Президенти Бахтиёр Насуруллаевич Кўчқоровнинг ҳисоботи. 2000-2004.

² Вести Каракалпакстана. 1999. 11 марта; 6 апреля; 4 декабры; Еркин Каракалпакстан. 8, 10, 17 январь; 9, 12, 16 февраль; Қорақалпоғистон. 2000. 1-сон. 15-бет.

ғистонда Тошкент педиатрия тиббиёт, Оролбўйи болаларининг овқатланиши муаммолари билан шуғулланадиган илмий-текшириш институтларининг, Республика В.Воҳидов номидаги илмий-хирургия марказининг, Республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг филиаллари очилган. Нукусда «Она ва бола»ни даволаш марказининг алоҳида катта мажмуаси ишга тушган, «Соғлом авлод фонди»нинг Нукусдаги Она ва бола скрининг маркази 1998 йил 1 апрелдан иш бошлаган.¹

1996-1997 йиллари 19 та қишлоқ врачлик пунктлари битказилиб, ишга туширилган. Стационарларда камқонлик касалига чалинган ҳомиладор ва яқинда фарзанд кўрган аёлларга бепул овқат берилмоқда. Болаларни кўкрак сути билан боқиш 80-90 фоизга ўсган.²

Ўспирин қизлар соғлигини сақлаш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда. Қорақалпоғистонда 15 та ёш қизлар гинекологлари штати тасдиқланган. 1997 йили 500 дан ортиқ қизлар даволанган. Оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлашдаги ҳиссаси учун Чимбой тумани акушер-гинеколог Тағаниязова Қорақалпоғистонда биринчилар қаторида «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган.³

Шу билан бир қаторда ўтиш даврининг асосий қийинчиликлари кўпроқ аҳолининг асосий ва кўпчилик қисмини ташкил қиладиган аёллар ва болалар ҳаётида яққол кўзга ташланади. Бизнинг назаримизда, бунинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Объектив сабаблари — жамиятнинг ўтиш давридаги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий ривожланиши даражаси билан изоҳланса, субъектив сабаблари хотин-қизларнинг ўтиш давридаги ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ақлий баркамоллиги, билим даражаси, диний қарашлари ва шу каби бошқа категориялар роль ўйнаши табиийдир.

Хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ва салмоғини инкор этмаган ҳолда улар ҳаётида юз бераётган салбий ҳолатлар, қийинчиликлар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Дунёнинг кўпгина давлатлари халқлари ўз вақтида бошидан кечиргани каби ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даври ўзига

¹ Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг аҳволи тўғрисида маъруза. 74-бет.

² Вести Каракалпақстана. 1998. 26 сентябрь.

³ Қарақалпақстан жаслары. 2001. 25 январь.

хос қийинчиликлар билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, кўпчилик аёллар вақтининг асосий қисмини бозор ёки ишлаб чиқаришда ўтказмоқда. Оқибатда, яна болалар тарбияси муаммоси қайтадан юзага чиқяпти. Ўтиш давридаги турмуш шароити бундай қийинчиликларни камайтиришда, аёл ҳуқуқлари муаммоларини ёритишда оммавий ахборот воситалари, радио, телевидение, газета ва журналларнинг ролини янада оширишни талаб қилади. Бу борада одамларни бирлаштирувчи, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб туришга чақирувчи тузилма — маҳаллаларнинг, милиция таянч пунктларининг, маҳалла посбонларининг, фаол аёлларнинг ролини алоҳида қайд этиш зарур.

Қорақалпоғистон хотин-қизлари муаммоларидан бири аҳоли пунктларидан узоқда меҳнат қилувчи айрим чорвадор аёллар, узоқ овуллардаги баъзи хотин-қизларнинг мунтазам ва ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтмаётганидир. Гарчи бу кенг миқёс касб этмаган бўлса-да, бир аёлнинг муаммоси ҳам тадқиқотимиздан четда қолмаслиги зарур деб ҳисобладик. Янги иш ўринларининг кўпайтирилиши оналик ва болалик, аёллар манфаатлари муҳофазасига ижобий таъсир этиши тайин. Шу маънода хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес учун яратилган ҳуқуқий имкониятлардан кенг ва тўлиқ фойдаланилаётир, деб бўлмайди.

Шу билан бирга, қизларни турмушга узатишда қалин олиш муаммолари ҳанузгача мавжуд. Қалин қадимдан давом этиб келаётган одатлардан бири ҳисобланади. Бу муаммо аксарият ҳолларда Марказий Осиё халқларида хотин-қизларга нисбатан камситиш эмас, оддий одат сифатида қараб келинган.

Амалга оширилаётган тадбирларга қарамай, аёлларнинг уй меҳнатлари, уларга тўланадиган ҳақ масалалари очиқ қолмоқда. Аёллар меҳнатига яратувчанлик жиҳатидан қаралса, эркаклар меҳнатидан кўп бўлиб чиқади. Агар оилада аёлнинг (она) фаррошлик, ошпазлик, кир ювувчилик, мураббийлик каби ишларни бажаришини ҳисобга олинса, уларнинг уй шароитидаги ишлаб чиқариши ҳам пулга чақилиб ҳисобланса, унинг даромади эркак даромадидан кўп бўлса бўладики, кам бўлмайди. Қайд қилиш лозимки, иқтисодиёт ривожланган жойда аёлларнинг ташқарида ишлаб пул топиш имконияти кенгайди. Уй юмушларини эса ёлланган хизматчилар бажариши мумкин.¹

¹ Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси. 1999. 5-сон. Май. 8-бет.

Қорақалпоғистонда нодавлат нотижорат иқтисодий ташкилотларнинг кенгайиши муносабати билан аёллар кўпроқ ишламоқда. Баъзи эркаклар эса болалар тарбияси билан шуғулланиб, уй-рўзгор (болаларга қараш) ишларини бажаряптилар.

Давлат органларида ҳам аёлларнинг сони озчиликни ташкил этади. Масалан, Фарбий Европа мамлакатлари давлат бошқарувида 1997 йил аёллар 15-20 фоизни, Ўрта Осиё республикаларида 4,2 фоизни, Ўзбекистонда Олий Мажлиснинг 6 фоизини¹ ташкил қилган. Қорақалпоғистондан ҳозир Ўзбекистон Олий Мажлисига битта аёл, Жўқорғи Кенгесига 12 та аёл, шаҳар, туман Кенгашларига 80 нафар аёл депутатликка сайланган. 14 мингта раҳбар ходимларнинг атиги 14 таси аёл бўлиб, 0,1 фоизни, турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида эса 24,2 фоизни аёллар ташкил этади, холос.²

Партиянинг яккаҳоқимлик, бефарқлик сиёсати оқибатида Орол худудида вужудга келган экологик инқироз аёллар маънавиятига салбий таъсир этмай қолмади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, суицид ҳолатлари аввалги йилларга нисбатан камайган бўлса ҳам, лекин ҳанузгача давом этаётганлиги барчани ташвишга солмоғи, тегишли соҳа вакилларини бу борада илмий тадқиқотлар олиб боришга йўналтирмоғи лозим. Улар, авваламбор, аёллар онгида жонига қасд қилиш ногўғри эканлиги ҳақида ўзгариш ясаши керак.

Қорақалпоғистонда олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассис аёлларнинг сони нисбатан кўп бўлганига қарамай, раҳбар ва масъул ходимлар орасида уларнинг салмоғи озчиликни ташкил этади.

Жумладан, Жўқорғи Кенгес раиси ёки Жўқорғи Кенгес ўринбосарлари, Республика Вазирлар Кенгаши раиси, давлат қўмиталари, бош-қарма, бирлашмалар бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари орасида биронта ҳам аёл йўқ.

Шунингдек, қорақалпоқ хотин-қизлари орасида фақат 4 нафаргина фан докторлари бор, холос. Умуман олганда, олий маълумотга эга бўлган аёл мутахассислар улуши 52,3 фоизга етган, ўрта-махсус таълимга эга аёллар салмоғи 55,0 фоизни ташкил этади. Аёллар ўрта-махсус, таълим бошқармасида 45,8 фоизни, касб-ҳунар, коллеж, академик лицей директорларининг 5,9 фоизи, ўқув юртлари директорлари ўринбосарларининг 17 фоизини ташкил этади.

¹ «Саодат». 1997. 2-сон. 2-бет.

² Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг жорий архиви. 2002.

Шу билан бир қаторда аёллар ўртасида ишсизлик муаммоси ҳали ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Умуман олганда, кейинги ўн йилликда хотин-қизларнинг фаоллиги олдинги йилларга қараганда анча ўсган. Ҳақиқий хотин-қизлар ҳаракати мустақиллик даврида бошланди десак, янглишмасак керак. Хотин-қизлар ҳар қандай шароитда ҳам оилани мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялашни ўз бурчлари деб ҳисоблаб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида меҳнат қилиб, жамият тараққиётига ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар шу билан бирга ўзларининг маънавий дунёларини ҳам бойитиб бормоқдалар.

Давлатнинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаши асосида, улар биринчи навбатда, ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини таниб бормоқдалар ва яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, яшаш шароитларини яхшилаяптилар.

Шундай қилиб, мустақиллик даврида хотин-қизларнинг ҳақиқий маънавий камолоти учун давлат томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Қорақалпоғистонда жамият ривожланиши тарихида биринчи марта хотин-қизлар ўз тақдирларини ўзлари белгилаяптилар.

Аёллар давлат парламентида қонунлар яратишда иштирок этмоқдалар. Аёлларнинг оиладаги, жамиятдаги мавқеи кўтарилмоқда. Улар жамият тараққиётидаги ўз улушларини оилани мустаҳкамлашда, баркамол авлодни тарбиялашда, жамиятдаги барча ислохотларда фаол қатнашишда кўрмоқдалар.

Хуллас, аёллар жамиятнинг маънавий-маданий юксалишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар ва шу билан бирга ўзлари ҳам маънавий, сиёсий ва иқтисодий томондан юксалиб бормоқдалар.

ХУЛОСА

XIX асрнинг охири ва XX асрни ўз ичига қамраб олган давр нафақат дунё миқёсида, шу билан бирга Марказий Осиё халқлари учун ҳам турли шаклдаги туб ўзгаришларга бой давр бўлди. Европа мустамлакачилари Шарқ давлатларини босиб олиш, халқларини тобе қилишнинг хилма-хил усулларидан фойдаланиб кўрдилар. Туркистон ўлкасини босиб олган Россия империяси ва кейинчалик совет тузуми куч билан халқни қўрқитди, қатагонлар уюштирди. Мазкур жараёнда маҳаллий, соддадил аёллар ҳам иштирок этдилар ва мислсиз даражада ҳақоратландилар. Лекин босқинчи кучлар ўлка аҳлини бутунлай маҳв эта олмаганди. Шундай оғир дамларда халқ ўзлигини, иймон-эътиқодини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. «... Халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда барибир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қололганлиги»¹ каби жиҳатлар тадқиқотнинг бир қатор бўлимларида ўз ифодасини топган.

Подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсати ва большевиклар яккаҳоқимлиги халқимиз тарихида чуқур салбий из қолдирган. Қорақалпоғистон хотин-қизларининг 130 йиллик давр мобайнидаги ўтмишини тадқиқ этиш жараёнида асосан архив ҳужжатларидан кенг фойдаланиш, қўшимча адабиётлар, матбуот материалларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш қуйидаги мулоҳаза ва таклифларни киритиш имконини туғдирди:

1. Россия империяси 1873 йил Хива хони билан тузилган шартномага мувофиқ, Амударёнинг ўнг томонида ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, Амударё округи (бўлими)ни ташкил этган. Подшо Россиясининг ўлкада олиб борган сиёсати биринчи навбатда ҳарбийлаштирилган шаклда олиб борилди ва шунинг ҳисобига ўлка халқи босим остида ушлаб турилди. 1873-1917 йиллар мобайнида мустамлакачи-

¹ Қаранг: Ислон Каримов. Тарихий ҳотирасиз келажак йўқ. Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат. 1998. //Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд., -Т.: Ўзбекистон. 1999. 145-бет.

лик сиёсатининг асослари яратилди. Босқинчилар стратегик мақсад сифатида ўлка аҳолисини ўзларига бўйсундиришни осонлаштириш, бошқаришни енгиллаштириш, шунингдек, арзон ишчи кучи бўлган аёллар меҳнатидан тўлиқ фойдаланиш борасида махсус кўрсатмалар, шакл ва усуллар ишлаб чиқишган.

Уларнинг биринчиси ижтимоий-сиёсий, иктисодий соҳада бўлиб, мустамлакачилар томонидан низом, қонунлар қабул қилиш, участкаларга бўлиб бошқариш, ўзларининг стратегик мақсадларини амалга оширишда фойдаланиш учун майда амалдорларнинг лавозимларга сайланишига аралаштириш, солиқ тизимини такомиллаштириш, маҳаллий аёлларни қатағон этиш сиёсати олиб борилган. Аёллар умуман сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар.

Иккинчиси ижтимоий-амалий соҳага тегишли бўлган. Унга кўра маҳаллий халқни бошқаришни осонлаштириш учун метрополия манфаатларини кўзлаган ҳолда рус-тузем мактаблари, қизлар учун билим юрти очилган, номига бўлса ҳам оила-никоҳ муносабатлари кўриб чиқилган. Аммо бу соҳада кескин ўзгартиришлар киритилмаган.

Чоризм маъмуриятининг махфий кўрсатмалари билан маҳаллий амалдорлар ёш қизларни уйларида зўрлик билан олиб кетганлар. Бундай аҳволга қарши хотин-қизлар чор маъмурияти номига ариза ва шикоятлар ёзганлар. Маҳаллий аёллар онгида «ўзимизникилардан кўра, руслар адолатлироқ», деган сохта фикрни пайдо қилишдек айёрона сиёсат олиб борилган. Шунингдек, хотин-қизларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб, норозиликларини билдириб ёзган шикоят хатлари подшо Россияси босиб олгандан кейин бирданига, «эртасига» ақлли бўлиб қолганлигини эмас, балки бу уларнинг азалдан ақлли, зукко эканликларини билдиради. Бу эса босқинчилар гўёки маҳаллий халққа цивилизация олиб келган, деган тушунчаларни инкор этади.

Зулм ва адолатсизликларга қарши маҳаллий халқ ўғил ва қиз болалар учун янги усул мактабларини жорий қилганлар. Лекин улар кейинчалик ёпиб қўйилган.

Россия империяси ўлканинг ер ости ва ер усти бойликларини, меҳнат ресурсларини имкон қадар кўпроқ ўзлаштириш учун ҳар хил экспедициялар, тафтишлар уюштирган. Моддий бойликларни ташиб кетишни енгиллаштириш учун Орол флотилияси ташкил этилган эди.

2. Подшо Россияси рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга (мардикорликка) жалб қилишида маҳаллий маъмурият имкониятдан фойдаланиб, порахўрлик билан шуғулланган. Амударё бўлими хотин-қизлари босқинчиларнинг мардикорликка олиш ва мустамлака маъмурияти кирдикорлари зулмига, сиёсатига қарши бош кўтарганлар. Улар ҳатто ўлкадаги подшо

маъмуриятининг айрим приставларини ўлдиришгача бориб етганлар. Маҳаллий хотин-қизларнинг подшо Россиясига қарши очиқдан-очиқ қўзғолон кўтарганликлари, бошқинчиларнинг «ярим ёввойи кўчманчилар» деган фикрини чиппакка чиқарди, аёлларнинг «онгли» эканлигини тан олишга мажбур қилди.

3. Россия империяси ўрнига вақтинча келган Муваққат ҳукумат ҳам бу даврда Россиянинг қарам ўлкаларидан воз кечмади. Бироқ, подшо Россиясининг сиёсатига қарши бош кўтаргани учун қамалган аёллар Муваққат ҳукумат Фармони асосида қамоқхоналардан озод этилгани туфайли бу ҳукумат маълум маънода ижобий роль ўйнади.

4. Советлар тузуми ҳам Россия империясига қарам бўлган ўлкалардан воз кечмади. Бу даврда коммунистик партия яккаҳоқимлиги авж олди, маъмурий-буйруқбозлик тизими ўзининг қарама-қарши сиёсати, бир-бирини инкор этувчи қарорлари билан ўлка бойликларини ўзлаштириш, шу жумладан, аёлларни идора қилиш орқали халқни ҳар томонлама тўлиқ қарам қилиш учун бошқаришнинг усул ва шакллари янада такомиллаштирган, жозибалаштирган.

Бу даврда сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳалар бўйича хотин-қизлар орасида иш олиб боришнинг йўналишлари, шакл ва усуллари ишлаб чиқилган. Уларни тўлиқ маҳв этиш учун тузумга хос бўлган сўнгги чоралар — бўйсунмаганларни қатағон ва сургун қилиш усуллари билан қўшиб олиб борилган. Биринчидан, ижтимоий-сиёсий, ғоявий; иккинчидан, ҳуқуқий, маънавий-тарбиявий; учинчидан, иқтисодий соҳаларда қонун-қондалар қабул қилиш билан хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга тортишнинг шакл ва усуллари, механизмлари ишлаб чиқилган. Халқни, шунингдек, аёлларни муваффақиятли идора қилиш учун хотин-қизлар бўлимлари, «ленинчи октябрят», «ҳамиша тайёр пионер», «комсомол» ва бошқа иттифоқлар, ташкилотлар тузилган. Бу механизмлар объектив ва субъектив равишда ижобий ва салбий латижаларга олиб келган.

Советлар ва коммунистик партиянинг қарама-қарши характерга эга бўлган сиёсати, ютуқ ва камчиликлари «Топылыс», яъни «Ҳужум» сиёсатида кўзга ташланади. Унда маҳаллий шарт-шароитлар, хотин-қизларнинг ҳаёт тарзи, анъана ва урф-одатлари мутлақо ҳисобга олинмаган.

Советлар ва коммунистик партия хотин-қизларга нисбатан жуда «нозик» сиёсат олиб борган. Аёллар бўлимлари совет тузумига керак пайтда ташкил этилиб, керак эмас вақтда, хавф туғдирган чоғида тугатилиб турилган. Тугатилишнинг объектив ва субъектив сабаблари, салбий ва ижобий томонлари, ўзига хос зиддиятлари мавжуд бўлган. Хотин-қизлар ўзларининг фаоллиги билан совет ва партия ташкилотлари ишига хавф сола бошлаган эдилар. Аёллар мажлис ва

митинглардан советларга қарши ташвиқот юритишда фойдаландилар. Бундай фаолият қишлоқ хўжалиги ишини (1930-1931 йиллар) вақтинча бўлса ҳам тўхтата олган эди. Аммо Иккинчи жаҳон уруши йилларида асосий стратегик мақсад фашизм устидан галабага қаратилган эди. Хотин-қизларнинг моддий ва маънавий кўмаги зарур бўлган пайтда хотин-қизлар бўлими яна ташкил этилган (1943 йил). 1925 йил ташкил этилган «Курашчан худосизлар иттифоқи» аёлларни сургун, қатағон қилиш йўли билан уларнинг асрий урф-одатлари, диний эътиқодларидан воз кечтиришга эришиш учун ҳаракат қилган. Уруш пайтида эса одамларга диний эътиқод, ижтимоий ҳамкорлик зарурати туғилганлиги учун тугатилган (1942 йил).

Қорақалпоғистонда аёлларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида (1925 йил) тузилган комиссия ҳам (1932 йил) тугатилган. Бу тадбир ортида ўша давр учун катта моддий манфаатлар ётарди. Ўнлаб лавозимлар қисқартирилган, ишчи ва деҳқон аёллардан штатсиз (иш ўрнисиз) йўриқчилар гуруҳлари тузилган.

Олиб борилган сиёсат биринчидан, аёллар билан эркакларнинг тенглиги ғояси, улар ҳаётида, иш фаолиятида, кундалик турмушида жамиятга нисбатан маълум даражада ижобий муносабат ва фикрларни юзага келтирган. Эркаклар томонидан ўтказилган зўрлик ва ҳақоратларга қарамасдан, улар совет ҳокимияти изидан бориб, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида қатнаша бошлаганлар. Хотин-қизлар ўзларига хос шижоат ва меҳнатсеварликлари натижасида маълум даражада муваффақиятларга эришганлар. Иккинчилан, совет тузуми ва коммунистик партия сиёсатида бирёкламлик, дарокандалик мавжудлиги хотин-қизлар онгида норозиликлар пайдо бўлишига, қарши ҳаракатларнинг авж олишига сабаб бўлган. Қабул қилинган қонун ва қарорлар бевосита ёки билвосита бири иккинчисини инкор этган ё бўлмаса маълум қарорларнинг оқибатида янги муаммо келиб чиққан.

Советларнинг аёлларга нисбатан олиб борган зиддиятли сиёсати объектив ва субъектив сабабларга, ўзига хос равишда диалектик қонун тарзида ижобий ва салбий оқибатларга ҳам олиб келган. Объектив сабабларнинг биринчиси жамиятни бошқаришдаги социалистик тузумга хос маъмурий-буйруқбозлик сиёсати ва коммунистик партия яккаҳокимлигининг ҳукмронлигидир. Иккинчиси, коммунистик (большевиклар) партия ва советлар олиб борган сиёсат ва ўлкани бошқариш усул ва шакллари подшо империяси сиёсатидан анча илгарилаб, «ўзиб» кетганлигида, учинчиси, большевиклар томонидан яратилган бошқарув «машинаси» «қизил» террорни амалга ошириш мақсадида алоҳида махфий бошқарув органлари, жазо отрядлари ташкил этганлигида, ҳарбий ҳолатлар жорий этиб турилганлигидадир. Бу ҳодисалар аёллар кўз ўнгида содир бўлган. Тўртинчиси,

қабул қилинган қарорларда, қонунларда атайлаб ноаниқликлар мавжудлиги, уларнинг амалга оширилишида табиий равишда қийинчиликлар туғдирган. Қарорларнинг бажарилишида мунтазамлиликнинг ўрнига мавсумийлик усули ишлатилган.

Субъектив сабаблар, биринчидан. «кечаги», яъни 1916 йил воқеаларидан кейин хотин-қизларнинг эрлари, оталари, ака-ука, фарзандлари бўлмиш мардикорларнинг ҳаммаси ҳам юртига қайтиб келмаган эди. Иккинчидан. аёллар орасида олиб борилган сиёсий-мафкуравий ишларда йўл қўйилган камчиликлар ўз вақтида тузатилмаган.

Советлар ва коммунистик партия томонидан олиб борилган аниқ мақсад ва вазифалар, шакл ва усуллар, мажмуавий механизмлар ижобий ва салбий оқибатларга ҳам олиб келган. Ижобий оқибати, биринчидан. Конституция қабул қилинди ва унинг алоҳида моддаларини хотин-қизларга бағишлаш, махсус декретлар чиқариш, ташкилотлар, жамиятлар тузиш, оналик ва болалик муҳофазаси бўйича қонунлар қабул қилишда, болалар боғчаларини очишда, умумий таълим жорий қилишда, олий ўқув юртларига биринчи навбатда камбағал-деҳқон ва ишчиларнинг болалари ва хотин-қизларини олишда кўринди. Хотин-қизларнинг съездлари, конференциялари, умумий мажлислар, фаол аёллар ва вакил аёллар йиғилишлари, учрашувлар, қурултойлар ўтказишда намоён бўлди.

Аёлларга нисбатан олиб борилган сиёсатнинг салбий оқибатлари хотин-қизларни озодликка чиқаришни сунъий тезлаштириш оқибатида улар моддий ва маънавий талофат кўрдилар. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларда аниқ, амалий муҳофаза моддалари кам эди. Диний қадамжоларга хурматсизлик ҳисси уйғотилди. Миллий урф-одатлар ўрнига «советча» расм-русумлар жорий қилинди. Аёллар ва болалар оммавий равишда қишлоқ хўжалиги ва оғир саноат ишларига жалб қилинди. Бой хотин-қизлар ер ва мол-мулкларидан айрилди ва ҳоказо.

5. Советлар ва коммунистик партия давлат ва жамият ривожланишида хотин-қизларнинг катта куч эканлигини ҳисобга олиб, ҳар бир ташкилот даражасида коммунистик (большевиклар) партия «ғам-хўрлигида» хотин-қизлар орасида иш олиб боришнинг махсус тизими, иш шакллари ва усулларини яратди.

6. Совет ҳокимияти ва партия қарорлари иккиёқлама тарзда олиб борилганлигидан хотин-қизларнинг ўз жонларига қасд қилиши, ёқиши, ўқишни ташлаши ва ҳоказолар юз бериб турди.

7. Ҳамма соҳаларда аёлларни табақалаштириш амалга оширилди: ишчи, хизматчи, колхоз аъзоси ва бошқалар.

8. Собиқ совет Иттифоқининг Афғонистонда олиб борган уруши натижасида Қорақалпоғистондан кўплаб йигитлар ҳалок бўли-

ши уларнинг оила аъзолари бошига кулфат келтирган. Бефарклик, лоқайдлик сиёсати оқибатида Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини бартараф этишда қатнашган Қорақалпоғистон аёлларининг кўпчилиги ногирон бўлган, айримлари вафот этган. Қолганлари ҳам касалманд бўлиб қолган.

9. Аёлларни ижтимоий меҳнатга жалб қилиш ва улар меҳнатидан юқори даражада унумли фойдаланиш; уларнинг ўзларидан тарғиботчи, ташвиқотчи ва ташкилотчилар тайёрлаш; ташвиқот ишларини аёлларнинг ўзларига тўлиқ юклаб қўйиш жараёни кучайган.

10. Коммунистик партия ва советларнинг хотин-қизлар орасида олиб борган ишларидан асосий мақсад, юқоридаги мажмуавий механизм ёрдамида, биринчидан, тузум тарафдорларини тарбиялаш, иккинчидан, аёлларни ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш, учинчидан, уларни маърифий-сиёсий, ҳуқуқий томондан «қайта» тарбиялаш вазифалари илгари сурилган.

11. Аёллар фаоллигини оширувчи механизмлар ишлаб чиқилган. 1920-1950 йилларда (уруш даврига хос хусусиятларни ҳам шу даврга қўшиш мумкин) митинглар, 8 март байрамини нишонлаш, тақдирлаш; съезд, конференция, умумий мажлис, кенгаш, фаоллар (актив) йиғилиши, қўшимча равишда слёт, қурултойлар ўтказиш; турли ҳаракатлар, мусобақалар, бригадалар, гвардиячи бригадалар, фронт бригадалари, звенолар, зарбдор ва зарбдорлар гуруҳлари, ҳашарлар, кунлар, ҳафталиклар, ойликлар, конкурслар, меҳнат эстафеталари ўтказиш; Ленин бурчаги, махсус семинарлар, курслар, тўғарақлар, қизил чойхоналар, махсус тарғибот-ташвиқот пунктларини ташкил этиш, шиорлар, ленинча чақириқлар каби усуллардан фойдаланилган.

1960-1970-1980 йилларда 1920-1950 йилларда ишлаб чиқилган шакл ва услублар янада ривожлантирилган ва такомиллаштирилган. Мусобақалар, турли ҳаракатлар «социалистик», «коммунистик меҳнат учун» деб атала бошлаган; бригада пудрати, меҳнат эстафеталари, оддий икки колхозчи ёки оддий икки ишчи аёл, бригадалар, жамоалар, туманлар, вилоятлар ўртасида, шахсий ва жамоавий мажбуриятлар олиш, зарбдорчилик каби ҳаракатлар олиб борилган. Аёлларни «коммунистча» тарбиялаш учун сиёсий ташвиқотчилар завод-фабрикалар, идоралар, бригада, ферма, жамоаларга юборилган, газета-журналларда социалистик мусобақаларнинг бориши кенг ёритилган, газеталарда «Танишинг: «Социалистик мусобақа ғолиби», «Коммунистик меҳнат қаҳрамони» туркумида мақолалар эълон қилинган, муваффақиятлар «юлдузчалар» билан тақдирланиб, «Ҳурмат тахтаси» ташкил этилган ва бошқа махсус ишлар олиб борилган.

12. Коммунистик партия ўзининг яккахокимлик сиёсатини ижтимоий ташкилотлар, ташвиқотчилар, хотин-қизлар бўлимлари ва

ҳоказолар орқалигина эмас, балки ўз сафига хотин-қизларни қабул қилиш, улар сонини кўпайтириб бориш ва коммунист аёллар орқали ҳам омма орасида ўз сиёсатини амалга оширишга ҳаракат қилган. Партия ўз нуфузини кўтариш мақсадида аъзоликка кириш жараёнини анча қийинлаштирган. Ҳамма ҳам партия аъзоси бўла олмаган. Биринчидан, партияга кириш жараёни ўта табақалаштирилган, иккинчидан, синфийлаштирилган. Асосан ишчи ва деҳқонлар партия аъзолигига кўпроқ олинган. Раҳбарликка қўйиладиган олий маълумотли «ақлли», фаол зиёлилар учун партия сафига кириш анча мураккаблаштирилган. Чунки давлатни бошқариш жараёнида биринчи навбатда «сиёсий етук», билимли, фаол партия аъзолари лавозимларга қўйилган. Бу аъзолар орқали давлатни бошқариш осонлиги тажрибала синаб кўрилган. Партия аъзоларининг аксарияти ишчи ва деҳқонлардан иборат бўлгани, улар асосан «қора» меҳнат билан бандлиги сабабли уларнинг жамиятни сиёсий томондан ўзгартиришга қодир эмасликлари ҳисобга олинган. Гўё «ҳокимият эгаси» ҳисобланган коммунист ишчи-деҳқонлар номидан омmani бошқариш осон бўлган. Омма ҳам бу ҳокимиятни ўзиники деб ҳисоблаган. Шундай қилиб, партия ўзининг сохта тенглик ғояларига омmani ишонтира олишнинг уддасидан чиққан.

13. Советлар эса ўз сафига аёлларни депутатликка сайлаш йўли билан уларнинг фаоллигини ошириб борган. Коммунистик партия, хотин-қизлар бўлими, советлар ва бошқа жамоат ташкилотлари ўз номидан вакиллар, депутатлар сайлаш билан омма орасига кириб борган.

Коммунистик партия ва советларнинг мунтазам равишда «совет сиёсатини ёқтирмаган»лардан қатағонлар ва сургун қилиш йўллари билан жамиятни «тозалаб» туриши оқибатида, биринчидан, хотин-қизлар кўрққанларидан ишлаб чиқариш ва ташвиқотта аралаша бошлаганлар. Иккинчидан, яшаш учун, жамиятда юз бераётган сиёсий қатағон тўлқинидан имкон қадар ўзларини сақлаш учун, учинчидан, ўзлари ҳам табиатан ишлашни хоҳлашгани учун фаоллаша бошлаганлар.

14. Партиянинг яққаҳокимлик, маъмурий-буйруқбозлик сиёсати аёлларни қатағон қилишда ҳам кескин ифодаланган. Жамият «совет сиёсати ёқмаганлардан» мунтазам равишда «тозаланиб» борилган. «Тозалаш»ларнинг механизми яратилган. Халқни юз бераётган воқеалардан воқиф қилмасдан ёпиқ мажлислар ўтказилган. Совет тузуми даврида, яъни 74 йил мобайнида ўз фуқароларини, шу жумладан, хотин-қизларни қатағон қилишнинг 40 дан ортиқ «тури» «ўйлаб топилган» ва ҳисоботларда алоҳида «бандлар» ажратилган.

Бошқарувга синфий ёндашишнинг коммунистча шакли ишлаб чиқилган. Бу ёндашиш миллий жамиятни диний бирлигидан синфий белгилари бўйича ажратишни, маҳаллий аҳолининг мафкуравий тай-

ёргарликдан ўтган «меҳнаткашлар қатлами» ҳисобига совет ҳокимиятининг асоси — фундаментини кенгайтиришни назарда тутган эди. Асосий, энг муҳим жараён, воқеа, ҳодисалар моҳияти халқ-дан яширилган. Халқ комиссарлари совети, партия, совет, суд, прокуратура, адлия органлари қабул қилган қарор, ечим, хулосаларнинг юқори қисмига алоҳида белги қўйилиб, ундан «ёт» одамлар, оддий халқ бохабар бўлиши ман этилган. Улар «махфий», «ўта махфий», «ниҳоятда махфий», «ошқор этиш ман этилади» гуруҳларига бўлинган.

15. Республикадаги экологик муаммонинг бошланиши анча олдин, Россия империясининг ўлкани босиб олган давридан бошланган. Ўлкани мустамлакага айлантириш, ер усти ва ер ости бойликларидан, меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг режалари тузилган ва амалга оширила бошланган; СССРнинг пахта ва шоли мустақиллигига эришиши учун «кураш» олиб борилган ва ўлкага ҳар томонлама хомашё етиштириб бериш вазифаси юкланган. Оқибатда, атмосфера ҳавоси кескин ўзгарган, ичимлик суви тақчиллиги сезилган, аҳоли, шу жумладан, аёллар ва болаларда турли касалликларнинг шакли ҳаддан ташқари кўпайган, «экологик қочоқлар» гуруҳининг пайдо бўлишига олиб келган. Ўлка ер ости ва ер усти бойликлари, табиати, аҳолиси ўзига хос равишда экологик катагон қилинган. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонун ва қарорлар қабул қилинган, аммо улар амалда бажарилмаган.

16. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритди. Хотин-қизлар, оналик ва болалик масалалари бўйича Республика Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси махсус шуғулланмоқдалар. Улар фармонлар, қонунлар, қарорлар қабул қилиб, бу муаммони давлат миқёсидаги масала даражасига кўтардилар.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейинги давр мобайнида хотин-қизларнинг ҳурматини ҳар томонлама жойига қўйиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг Миллий модели, ягона тизими яратилди. Миллий модел, ягона тизим махсус йўналишлар, шакллар ва усуллар — яъни, махсус Фармонлар, қонунлар, кодекслар, қарорлар қабул қилиш, инсон ҳуқуқлари бўйича (Омбудсман) институтини жорий қилиш, махсус Кўмита, махсус Давлат дастурлари, фондлар, жамғармалар, марказлар, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ташкил этиш, давлат кафолатлари ва компенсациялари тизимини тақомиллаштириш, халқаро ташкилотларга, шу жумладан, ноҳукумат ташкилотларга аъзо бўлиш, халқаро донорлар, БМТнинг турли тузилмалари, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотларнинг маблағларини, лойиҳаларини жалб этиш, скрининг марказларини, оналар ва болалар соғлиғи билан шуғулланади-

ган махсус илмий-текшириш институтларини очиш, йилларга алоҳида номлар бериш, махсус холдинг компаниялар ташкил қилиш ва ҳоказолар орқали амалга оширилмоқда.

Шунингдек, пленумлар, конференциялар ўтказиш, тиббий кўриқлар ташкил қилиш, поликлиникаларда ёш қизларнинг гинекологлари штатини ташкил этиш, йил номларига бағишлаб махсус дастурлар тузиш, турли ҳаракатлар, спорт мусобақаларини, ойликлар, курик танловларини, ҳашарлар, сиҳатгоҳлар, дам олиш масканлари, қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилиш; радио, телевидение ва умуман оммавий ахборот воситалари орқали махсус эшиттиришлар, кўрсатувлар, рукнлар ташкил қилиш, учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари, кечалар уюштириш; махсус буклетлар, эсдаликлар, плакатлар, совғалар бериш, хайриялар ўтказиш, тақдирлаш кабилар орқали амалга оширилмоқда.

Аёлларнинг жамият маънавий ҳаётидаги роли ва ўрни миллий истиқлол ғоясини халқ онгига сингдириш, умуминсоний қадриятлар, умуммиллий манфаатлар, миллий урф-одатлар, қадриятларни тиклаш, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, барча миллат ва элатларнинг маданияти, диний эътиқоди, анъаналарини ҳурмат қилиш ва ривожлантиришга ёрдам бериш, кадрлар тайёрлашда, таълим ва тарбия соҳасида чуқур ўзгаришлар қилиш, маданиятни, этник ва диний бағрикенгликни ривожлантириш, кўппартиявийлик, плюрализм тамойилларини кенгайтириш, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муаммоларининг олдини олиш каби ишлар орқали ошиб бормоқда. Шунингдек, оилада яхши уй бекаси, маҳалланинг фаол сардор аёллари ҳақида радио ва телевидение орқали кўрсатув ва эшиттиришлар бериб бориш, истеъдодли қизларни махсус рағбатлантириш, яъни давлат мукофотларини бериш, миллий-маданий марказлар ташкил этиш, театр ва музейлар фаолиятини такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида мустақиллик дарсларини ўтиш, барча жойларда мустақиллик кунини нишонлаш, иқтидорли талабаларга давлат стипендиялари бериш, оммавий спортни ривожлантириш йўллари билан амалга ошириляпти.

Ушбу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда бир томондан, аёллар орасида ишлар олиб борилаётган бўлса, иккинчи томондан, хотин-қизларнинг ўзлари ҳам бу ишларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этмоқдалар.

Муаммони ўрганиш муаллифга қуйидаги таклифларни кириштиш имконини бери:

– Ўзбекистоннинг XIX аср охири ва XX асрдаги тарихини ва Қорақалпоғистоннинг XIX аср охири XX асрдаги тарихини мактабларда, ўрта махсус таълим ва олий ўқув юртларида ўтиш жараёнида

подшо Россияси ва совет тузуми даврида аёлларга муносабат масалаларига аҳамият бериш қатағон сиёсати аёлларни ҳам аяб утирмаганига урғу бериш;

– Россия империяси даврида мустамлака тузуми қурбонлари бўлган хотин-қизларнинг номини абадийлаштириш. Уларнинг қутлуғ номи билан мактаблар, кўчалар, ташкилот ва корхоналарни номлаш;

– Уйда болалар тарбияси билан машғул серфарзанд оналарни рағбатлантиришни ташкил қилиш;

– Россия империяси ва совет режими даврида Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида алоҳида роль ўйнаган аёллар ҳақида рисоалар чоп этиш, радио-телевидениеда махсус эшиттиришлар ташкил этиш;

– Нукусда махсус «Қатағон сиёсати қурбонлари» музейини ташкил этиш. Унинг махсус стендларини қорақалпоқ аёлларига бағишлаш;


– Ёшлар ўртасида (маҳаллаларда, ўқув юртларида, ишлаб чиқариш жабҳаларида ва б.) махсус маърузалар уюштириш ва қорақалпоқ аёллари босиб ўтган шонли йўлни кенг тарғиб қилиш;

– Тарихий ривожланишнинг ҳар қандай босқичида аёлларга муносабат масаласида ўзига хос система яратилган. Ушбу китобда илмий тадқиқ этилган уч давр – подшо Россияси, совет тузуми ва мустақиллик даврларини ўрганиб, таҳлил қилиб, таққослаб, аёллар ҳаётида юз берган салбий ўзгаришлардан тегишли хулосалар чиқариб, шу билан бирга, улар ўртасида олиб борилган ва ҳар томонлама фаоллигини оширишга ёрдам берган ижобий иш шаклларидан, усуллардан ҳозирги кунда ҳам амалда фойдаланиш эҳтимолини ҳисобга олиш;


– Хотин-қизлар, болалар ва оилани муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини ўзларига тушунтириш ва бунда уларнинг ўзларидан ҳам фойдаланиш мумкинлигининг механизмларини яратиш;

– Хотин-қизлар кўмиталарида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳалар бўйича (бўлим очиш) аёллар ўртасида (эркаклар ўртасида ҳам) ишларни ташкил этиш; икки йўналишда, мамлакат ичкарисида ва халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашиш (миллий ўзликни, миллий қадриятларни сақлаган ҳолда) бўйича иш олиб боришнинг диалектик уйғунлашган тизимини яратиш.

1-илова. Подшо Россиясининг ўлкани бошқарувининг шакллари, усуллари ва уларнинг хотин-қизлар турмуш тарзига таъсири.



3-илова. Россия империясининг ўлкани бошқарув сиёсатига қарши хотин-қизларнинг олиб борган кураш усуллари (1873-1916 йиллар):




4-илова. 1920-1930 йилларда Амударё бўлими, Қорақалпоғистон Автоном вилояти хотин-қизлар бўлимининг аёллар орасида олиб борган ишларининг шакллари.



5-илова. 1920-1930 йилларда Амударё бўлими, Қорақалпоғистон Автоном вилояти хотин-қизлар бўлимининг аёллар орасида олиб борган ишларининг услублари.





8-Илова. Собиқ совет тузуми даврида Халқ Комиссарлари Совети, Коммунистик партия, суд, прокуратура, адлия органлари ҳужжатлари халқни жамиятда юз бераётган воқеалардан воқиф қилмаслик учун яширин турда 4 хил ном билан аталган.

Уларни шартли равишда қуйидаги усул ва шакллар таснифига ажратиш мумкин (классификацияси):



9-илова. Коммунистик партия ва Давлат архивлари фондлари 2 гуруҳга ажратилган

«Очиқ фондлар»


«Ёпиқ фондлар»

10-илова. Коммунистик партия мажлислари
2 шаклда олиб борилган:

«Очиқ мажлислар»

«Ёпиқ мажлислар»

11-илова. Совет тузуми даврида одамларни, шу жумладан, хотин-
қизлар ва болаларни қатағон қилишнинг айрим турлари:






12-илова. Советлар ва Коммунистик партиянинг хотин-қизлар орасида олиб борган иш услублари.







Иқтисодий соҳада олиб борилган ишларнинг айримлари:



13-илова. Советлар ва коммунистик партиянинг аёлларга нисбатан олиб борган сиёсатининг салбий оқибатлари.






14-илова. Совет тузуми даврида одамларни, шу билан бирга, хотин-қизларни «тарбиялаш» учун яратилган механизм.



15-илова.



16-илова. 1960-1970-1980 йилларда аёлларни меҳнатга жалб этиш янада ривожлантирилган, такомиллаштирилган:



17-илова. Оролбўйида экологик инқирознинг айрим сабаблари ва оқибатлари. (Орол денгизининг суви бундан олдинги асрларда ҳам озайиб, кўпайиб турган. Аммо биз тадқиқ қилаётган даврда Орол денгизининг суви камайиб борган. Бунга қуйидаги омиллар ҳам сабаб булган).



18-илова. Ўзбекистоннинг мустақиллиги даврида хотин-қизлар орасида олиб борилаётган ишларни шартли равишда 2 даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр
1991-1995 йиллар

Иккинчи давр
1996-2001 йиллар

19-илова. Ўзбекистон мустақиллиги даврида хотин-қизлар орасида олиб борилган ишларнинг мазмунлари, шакллари ва услублари

Хотин-қизларнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ягона модел, ягона тизими яратилди.

Ижтимоий-сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий соҳада олиб борилаётган ишлар

Хотин-қизлар орасида олиб борилаётган ижтимоий-амалий ишлар

Махсус хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилди

Инсон ҳуқуқлари бўйича (Омбудсман) институти жорий қилинди

Махсус Фармонлар, қонунлар, қоидалар, кодекслар қабул қилинди

Ижтимоий-сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий соҳада олиб борилаётган ишлар.

Халқаро донорлар БМТнинг турли тузилмалари, жаҳон банки ва б. маблаг ва лойиҳалари жалб этилган

Махсус Давлат дастурлари, фондлар, жамғармалар, марказлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар тузилган



20-илова. Мустақиллик даврида хотин-қизлар маънавий юксалиши борасида олиб борилаётган ишларнинг асосий йўналишлари, шакл ва усуллари

Ижтимоий-сиёсий, маънавий, ташкилий-ҳуқуқий соҳада

Маънавий-амалий соҳада

Ижтимоий-сиёсий, маънавий, ташкилий-ҳуқуқий соҳада олиб борилаётган ишлар.

Миллий истиқлол ғоясини халқ оқиғига сингдириш, умуминсоний қадрият, умуммиллий манфаатлар, миллий урф-одатлар, қадриятларни тиклаш, қонуи устуворлигини таъминлаш, эътиқод эркинлигини жорий қилиш, кадрлар тайёрлашда, таълим тизимида хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланган ва ҳоказо.

Маънавий-амалий соҳада

Истеъдодли қизларни махсус рағбатлантириш, Давлат мукофотлари бериш, миллий-маданий марказлар тузиш, театр, музей фаолиятларини такомиллаштириш, мустақиллик кунини нишонлаш, иқтидорли студентларга Давлат стипендияларини бериш ва ҳоказо.

МУНДАРИЖА

Кириш 5

БИРИНЧИ БОБ

Россия империяси мустамлакачилиги даврида

Қорақалпоғистон аёлларининг аҳволи (1873-1916 йиллар).

Подшо Россияси ҳукмронлиги даврида Амударё округида

ижтимоий-сиёсий аҳвол ва аёллар масаласи 15

Хотин-қизларнинг озодлик учун курашлардаги иштироки 35

ИККИНЧИ БОБ

Совет тузуми даврида Қорақалпоғистон аёлларининг ҳаётидаги ўзгаришлар ва муаммолар

Совет ҳокимиятининг хотин-қизлар масаласидаги қарама-қарши

сиёсати 51

20-30-йилларда Қорақалпоғистон хотин-қизларининг

ижтимоий аҳволи 87

Халқ хўжалиги ва маданий соҳаларда аёлларнинг ўрни 103

Совет тузумининг қатағон қилиш сиёсати, унинг хотин-қизлар

турмушига таъсири ва оқибатлари 126

Экологик муаммолар ва уларнинг хотин-қизлар ҳаётига таъсири 152

УЧИНЧИ БОБ

Қорақалпоғистон аёллари Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти даврида (1991-2001 йиллар)

Давлатнинг хотин-қизлар, оналик ва болалик масаларидаги

сиёсати ва унинг Қорақалпоғистонда амалга оширилиши:

ютуқлар ва муаммолар 167

Хотин-қизларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўрни ва роли 184

Хулоса 199

Иловалар 209

ЯХШИБЕКА АТАМУРАТОВНА АБДУЛЛАЕВА

**ҚОРАҚАЛПОФИСТОН
ХОТИН-ҚИЗЛАРИ:
КЕЧА ВА БУГУН
(XIX асрнинг охири ва XX аср)**

Тошкент, «Ижод дунёси» нашриёт уйи, 2004.

Муҳаррир *С. Сирожиддинов*
Бадий муҳаррир *Ш. Одилов*
Техник муҳаррир *Е. Толочко*
Саҳифаловчи *А. Тиллаҳужаев*
Мусаҳҳиҳ *М. Усмонова*

Теришга берилди 5.04.2004 й.

Босишга рухсат этилган 30.06.2004 й. Бичими 60x84^{1/16}.
«Таймс» гарнитураси. Шартли босма табағи 14,0.

Нашр босма табағи 15,0.

Адади 500 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

Оригинал макет «Ижод дунёси» нашриёт уйининг компьютер бўлимида тайёрланди.

«Ижод дунёси» нашриёт уйи.

Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30-уй.

«Офсет-принт» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № 34

Тошкент, Чўпонота кўчаси, «М» мавзеси.

«Ўзқишлоқдойиҳа» МЧЖ.